

93/99

93/94

T24

«ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ» ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ
«МЕРОС» ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЭКСПЕДИЦИЯ
ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ

ТАРИХНИНГ ҲАСРАТЛИ САҲИФАЛАРИ

2032658

TATU KUTUBXONASI
364953 -SONLI

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 2006

Маъсул муҳаррир.

филология фанлари доктори,
профессор *Наим КАРИМОВ*

Тақризчи:

тарих фанлари доктори
Кахрамон РАЖАБОВ

Тарихнинг ҳасратли саҳифалари. — Т.: «Шарқ», 2006.
304 б.

XX аср Ўзбекистон тарихининг муҳим саҳифаларидан бирини аср бошларидаги тараққийпарварлик ҳаракати, шу ҳаракат иштирокчиларининг миллий мустақиллик йўлида олиб борган фаолияти. 1918 йилда Туркистон мухторияти ҳукуматининг тор-мор келтирилиши билан Туркистонда бошланган совет режимига қарши қуроли ҳаракат, шунингдек, 30—50-йиллардаги қатағон воқеалари ташкил этади. Ушбу китобдан урин олган мақолалар ана шу муҳим тарихий воқеаларнинг илмий галкинига бағишланган.

Мазкур китоб олий ўқув юртлари тарих факультети талабаларининг жорий рейтинг синовларига ҳамда битирувчиларнинг битирув-малакавий ишларини бажаришлари, Давлат аттестация синовларига тайёрланишлари, магистрлик диссертацияларини бажаришлари ҳамда амалий машғулотларни ўтказишларида ўқув-методик ва илмий материал сифатида хизмат этиши мумкин.

ББК.53.3(2Ў)

МУҚАДДИМА ҲУРИДА

Муҳтарам китобхон!

Қўлингиздаги китобни ўқишга киришишдан аввал қуйидаги фикр-мулоҳазаларимиз билан танишиб чиқасиз, деган умиддамиз.

Ўз-ўзини англаш ва билиш учун ҳар бир фуқаро, энг аввало, ўз тарихини пухта ўрганмоғи зарур. Бу нарсанинг тарихий зарурият эканлиги Президентимиз Ислон Каримов томонидан бир неча бор таъкидланган ва республикамиз ҳукуматининг қатор қарорларида ушбу ғоя ўз ифодасини топган. Мустақиллигимизни мустаҳкамлашнинг муҳим маънавий омилларидан бири халқимизни ўз тарихи туғрисида ҳаққоний, илмий билимлар билан қуроллантиришдан иборат. Бу масала ҳозирги босқичда, чиндан ҳам, умумдавлат аҳамиятига эгадир.

Ўз ўтмишини, ўз миллатининг тарихини билиш ҳар бир юртдошимизнинг ички маънавий эҳтиёжига айланиб кетгани равшан. Бу эҳтиёжни қондириш Ўзбекистон тарихчилари янги авлодининг муҳим ва долзарб бурчи бўлиб қолди ҳамда улар мустақиллик йилларида шу йўлда эътиборга лойиқ ишларни амалга оширдилар ва оширмоқдалар. Аммо шу нарсани унутмаслик зарурки, миллий тараққиётнинг ҳозирги босқичида тарихимизнинг бир қанча муҳим саҳифаларини янгидан ёритиш ва ёзиш керак бўлиб қолди. Шу вазифани ҳал этишга астойдил киришганлар сафида Андижон давлат университети Ўзбекистон тарихи кафедрасининг профессори, тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими Рустамбек Шамсутдинов бошчилигидаги бир гуруҳ олимлар, яъни биз, каминаи камтаринлар ҳам бормиз.

Халқимиз, энг аввало, ёш авлод онгида миллий истиқлол ғояси ва мафқурасини шакллантириш, улар маънавиятини юксалтиришда, уларни оташин ватанпарвар инсонлар қилиб тарбиялашда Ўзбекистон тарихи фанининг аҳамияти беқиёсдир. Президентимиз

Ислом Каримов таъкидлаганларидек, фарзандларимизни озод ва демократик Ўзбекистоннинг муносиб ўғил-қизлари қилиб тарбиялаш масаласи маънавият соҳасидаги ишларимизнинг асосий йўналишини ташкил этади. Шу боис Ватан тарихини ҳар томонлама чуқур ўрганиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Боғчалардан тортиб олий ўқув юртларигача бўлган таълим-тарбия тизимида мазкур фанни ўқитиш муҳим сиёсий вазифа сифатида қаралмоқда. Шундай экан, Ватан тарихи бўйича кенг китобхон-ўқувчилар оммасига мўлжалланган илмий-оммавий адабиётларни кўпроқ нашр этиш мақсадга мувофиқдир.

Китобхонлар эътиборига тақдим этилаётган «**Тарихнинг ҳасратли саҳифалари**» деб номланган ушбу тўпلام ҳам китобхонларнинг тарихимизнинг кам ўрганилган, кўпинча ёмон ният билан қасддан бузиб ёритилган муҳим саҳифаларини ўрганишларида, уларни янгича англаб олишларида ёрдам беради, деган умиддамиз.

Шуни қайд этиш жоизки, мазкур китобдан ўрин олган илмий мақолалар Ўзбекистон, Россия Федерацияси ва Украина архивларида сақланаётган материаллар асосида ёзилган ва бу материаллар узоқ йиллар мобайнида махфийлик тамғаси остида сақлангани учун тарихчи олимлар назарига тушмасдан келган.

Китобдан ўрин олган мақолаларда республикамизда нашр этилаётган газета ва журналлар саҳифаларида турли вақтда дунё юзини кўрган ва сўнгги йилларда тарих фанида кечаётган янги жараёнлар ўз ифодасини топган. Профессор Р. Шамсутдинов ва унинг ҳаммуаллиф шоғирдлари — Бахтиёржон Расулов, Ўктамжон Убайдуллаев, Алишер Қодиров, Алишер Мамажонов, Феруза Холназарова, Манзура Акбаровалар ўз мавзуларини мумкин қадар тарихийлик тамойили асосида ёритишга интиланлар. Дарвоқе, тарих фани ривожланишининг муҳим йўналишларидан яна бири ўтмишда ҳақиқат деб келинган фикр, ғоя, қараш ва баҳоларни янги, истеъмолга эндиликда киритилаётган тарихий ҳужжатлар асосида қайта кўриб чиқиш ва баҳо беришдир.

Мазкур китобдан ўрин олган мақолалар, юзаки қараганда, бир-бири билан кам боғланган турли мавзуларга бағишланган бўлиб туюлса-да, улар ХХ аср Ўзбекистон тарихининг жадидчилик, Туркистонда со-

вет режимига қарши қуроли ҳаракат (совет даврида «босмачилик» деб нотўғри номланган миллий-озодлик кураши), қулоқлаштириш ва сиёсий қатағон сингари энг муҳим муаммоларини ўз ичига олади ва моҳият эътибори билан ўтган асрнинг биринчи ярмидаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт манзараларини гавдалантиради.

Мамлакатимизнинг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ҳаётида чуқур янгиланиш жараёни тобора жадаллашиб бораётган бир даврда тарихчи олимлар томонидан олиб борилаётган илмий изланишлар ҳам Ўзбекистоннинг янги тарихини яратиш ва ўрганиш ишига муҳим ҳисса бўлиб қўшилиш билан бирга ёш авлоднинг маънавий ва маърифий тарбиясида ҳам муайян аҳамиятга эгадир. Бу фикр, умид қиламизки, Сиз, ҳурматли китобхонлар қўлига бориб етган ушбу китобга ҳам тааллуқлидир. Зеро, мазкур тўпلام китобхонларни тарихимизнинг «оқ доғли» саҳифаларини янги маълумотлар билан таъминлабгина қолмасдан, шу билан бирга умумий ўрта, ўрта махсус ва олий ўқув юртлиги талабаларига ёрдамчи ўқув қўлланмаси сифатида кўмак ҳам беради.

Муаллифлар мазкур ўқув юртлигининг талабалари ушбу материаллардан махсус курсларни тинглаганларида, битирув-малакавий ишлари ва магистрлик диссертацияларини тайёрлаганларида самарали фойдаланадилар, деб умид билдирадилар.

ТАРИХНИ АНГЛАШ

Президентимиз И.А.Каримов «Туркистон» газетаси мухбирининг саволларига берган жавобларида ҳозирги ижтимоий жараённинг бошқа долзарб масалалари қатори тарихимиз ҳақида ҳам дастуриламал, концептуал аҳамиятга эга янгича талқинларни илгари сурди.

Ватанимиз, миллатимиз тақдири ҳал булаётган ҳозирги вақтда туғри йўлни танлаб олиш учун, энг аввало, тарихни билиш керак. Чунки тарих инсоннинг кўзини очади, кўп хатоларнинг олдини олиш имкони-ни беради. 1999 йил 16 февралда Тошкентда рўй берган фавқулодда мудҳиш ҳодиса муносабати билан сузлаган бениҳоя таъсирчан нутқида Ислоҳ Каримов яна бир бор тарихимизга мурожаат қилиб, бизлар оғир тарихни кўрган халқ, тарихимиз эса ниҳоятда оғир эканлигини таъкидлаб, бу тарих билан фуқароларни, айниқса, ёшларни тарбиялаш кераклигини айтган эди.

Истиқлолимизга ташқари ва ичкаридан мафкуравий таҳдид солаётган воситалардан бири тарихимизни сохталаштириш, бузиш эканига Ислоҳ Каримов алоҳида эътибор бериб келади. Ҳозирги кундаги мафкуравий таҳдидлардан бири ўзбек миллатининг тарихини сохталаштириш, турли хил гайриилмий талқинлар, сиёсий шиорлар билан бизни тарихимиздан, шарафли ўтмишимиздан жудо қилишга уриниш тарзида намоён бўлмоқда. Хориждаги баъзи бир сиёсий арбоблар ва олимларнинг даъволарига кўра, алоҳида ўзбек деган миллат йўқ эмиш, балки умумий туркий халқ бор эмиш. Шунинг учун ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман, татар, бошқирд, уйғур ва ҳоказо тушунчаларга барҳам бериш керак эмиш. Бундай қарашларга қарши Ислоҳ Каримов ҳар бир халқ каби ўзбек халқининг ҳам тарихи бетакрорлигини кўп марта таъкидлаган.

Мухбирнинг саволига жавоб берар экан, Юртбошимиз бундай деган эди: «Биз жаҳон майдонида куни

кеча пайдо бўлган халқ эмасмиз. Бизнинг миллатимиз, халқимиз кўхна Хоразм заминиди «Авесто» пайдо бўлган замонлардан буён ўз ҳаёти, ўз маданияти, ўз тарихи билан яшаб келади. Ўзбек миллати Ўзбекхон номидан тарқаган эмас, балки Ўзбекхон ўзбек миллати номини ўзига ном қилиб олган бўлса, ажаб эмас»¹.

Айни вақтда Юртбошимиз ўзбекларнинг қадим тарихий илдишлари туркий халқлар билан бир экани, бу бирлик тил, дин, урф-одат, қадриятлар ва маданиятда намоён бўлганини эътироф этиб, туркий халқлар билан ҳар томонлама алоқаларни ривожлантириш тарафдоримиз, деган эди. «Лекин, — деган эди И.Каримов, — биз ўзимизни ҳамшиша мустақил миллат — ўзбек халқи сифатида ҳис этиб келганмиз ва бу билан фахрланамиз. Бунга тарихий, илмий, маданий асосларимиз бор. Бутун дунё ҳамжамияти бизнинг буюк тарихимиз ва маданиятимизни эътироф этиб, бугунги кунда бизни шу ном билан танийди ва ҳурмат қилади»².

Мазкур савол-жавобда шўролар даврида Ватанимиз тарихини тадқиқ ва таҳлил қилиш, ўрганиш, қарийб 75 йиллик аянчли ҳаётимизни холисона баҳолаш, мушоҳада қилиш бўйича ҳам шундай бир методологик, назарий, илмий ғоялар илгари суриладики, улар ҳозирги ўзбек тарихшунослигида муҳим воқеадир.

Номаълум солдат майдонини Хотира майдони деб аташ хусусида тўхталиб, Ислоом Каримов бу майдон халқимизни тарихий хотира воситасида бирлаштиришга хизмат қилишини алоҳида таъкидлаб ўтди. Ўша мустабид совет тузуми, «қаттол замон» тақозоси билан халқимиз ўз даврида бири «қизил аскар», бири «босмачи», бири «қулоқ», бири «комиссар», яна бири «муштумзўр», яна қай бири «йўқсил» деган гуруҳларга ажратилиб ташланганини қайд этиб, Юртбошимиз совет ҳукумати «булиб ташлаб, ҳукмронлик қилиш» учун энг маккор усулларни ишга солган, бир миллат вакиллари бир-бирига қарши қайраб, адоват ва низо уруғини сочганини ҳам кўрсатиб берди. «Лекин, — деб айтди у, — аслида уларнинг барчаси битта халқ фарзанд-

¹ Каримов Ислоом. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-жилд. Тошкент, «Ўзбекистон», 1999, 301-бет.

² Ўша асар, 301-бет.

лари, бир миллат вакиллари эди. Энди орадан шунча йиллар ўтиб кетгач, биз учун на босмачи, на қизил аскар бор. Шу боис бугун ота-боболаримизга ана шундай ранглар ажратиб баҳо бермаслигимиз, балки уларнинг ҳаётини, улар яшаган давр моҳиятини тўғри тушунишга ҳаракат қилишимиз лозим»¹.

Бу фикр Ўзбекистонда 1918—1935 йилларда олиб борилган миллий истиқлол учун кураш тарихини ҳолисона тадқиқ этиш, ўрганиш учун ҳам методологик кўрсатма бўлиб хизмат қилади.

Совет ҳокимияти Туркистонга четдан олиб келинган, зўрлик билан амалга оширилган октябрь тўнтаришининг маҳаллий халқ томонидан қўллаб-қувватланмагани, аксинча, халқ оммасининг большевикларга қарши кураш олиб борганини рўй-рост ёзиш вақти келди. Ҳали октябрь тўнтариши юз бермаган 1917 йил ёзидаёқ бир гуруҳ андижонлик жадидлар большевиклар, меньшевиклар, эсерларга хат йўллаб, уларнинг гоё ва дастурларини Туркистон мусулмон халқи ўзларига сингдира ва қабул қила олмасликларини баён қилган эдилар. «Сизнинг ва бизнинг ҳаёт тарзимиз бир-бирига сира тўғри келмайди, — дейилади ўша хатда. — Шунинг учун келгуси давлатчилик ҳаётини бирданига бир қолипга солиш керак эмас. Умумқолип андозани бу ерда қўллаб бўлмайди... Бизда сизнинг соф русча маънодаги деҳқонлар йўқ. Бизда эркин деҳқон яшайди. Улар ҳеч қачон, ҳеч қандай шароитда крепостной қаролгина эмас ва балки ижарачи фермер ҳам бўлмаган, эркин мулкдор бўлиб келган. Муқалдас ислом бизни ҳеч қандай табақаларга ва синфларга бўлмаган, барча мусулмонлар, улар хоҳ фуқаро, мулкдор бўлишидан катъи назар, тенг ҳуқуқлидирлар»².

Хуллас, октябрь тўнтариши, совет ҳокимияти Туркистоннинг объектив тараққиёт қонунларига зид суратда четдан келган бир гуруҳ шахслар томонидан зўрлик билан амалга оширилди. Шу боис жадидларнинг саъй-ҳаракати билан 1917 йил ноябрида Туркистон мухторияти ҳукумати ташкил бўлди. Бу ҳукумат 72 кун умр кўрди. Уни бешикдалиги чоғидаёқ большевиклар бўғизлаб ташладилар. Бунга жавобан Туркистонда совет ре-

¹ Ўша асар. 308-бет.

² «Ўзбекистон овози», 1996 йил 26 февраль.

жимига қарши куrolли кураш (большевиклар тили билан айтганда, «босмачилик» ҳаракати) бошланди. Бу кураш икки катта босқичда олиб борилди. Биринчиси 1918 йил февралдан 1924 йилгача, иккинчиси 1924 йилдан 1935 йилгача бўлган даврда юз берди. Тўғри, Фарғона водийсида содир этилган хунрезликдан кейин миллий-озодлик ва истиқлолчилик ҳаракати сифатида бошланган бу кураш, бир томондан, баъзи кўрбошиларнинг шахсий амбициялари, иккинчи томондан, «босмачилар» ниқоби остида қишлоқларга ўт қўйиб, бегуноҳ кишиларни отиб ташлаган қизил аскарларнинг мунофиқликлари сабабли ҳамма жойда ҳам халқ оmmasи томонидан қўллаб-қувватланмади, аксинча, уларга қарши кайфият уйғотди. Чўлпон каби шоирлар 1923 йилда Андижонда ташкил этилган «Дархон» газетаси орқали «босмачилар»ни куrolни ташлаб, совет ҳокимияти билан муроса қилишга чақирдилар. Ўлкадаги совет ҳокимияти уларни афв этишга ваъда берди. Аммо улар куrolларини топшириб, советларга қарши курашдан воз кечганларига қарамай, большевикларча изчиллик билан қириб ташландилар. Бу ҳолни кўрган собиқ «босмачилар» яна қўлларига куrol олиб, 1930 йилгача, ҳатто ундан кейин ҳам советларга қарши курашни давом эттирдилар. Шу тарзда куrolли ҳаракат 17 йил давом этди. Советлар ҳисобсиз қирғинлар эвазига фақат 1935 йилга келибгина Туркистондаги муҳолиф кучларнинг қаршилигини синдира олдилар.

Аммо бундан большевиклар истибдодига қарши кураш 1935 йилдан кейин батамом барҳам еди ва тўхтаб қолди, деган хулоса чиқмаслиги лозим. Миллий мустақиллик, эрк ва озодликка ташна бўлган халқимиз кейинчалик ҳам советларга қарши курашни тўхтатмади. 1937—1938 йиллардаги қатағон тарихи билан яқиндан танишиш шундан далолат берадики, совет тоталитар тузумининг 1991 йилга қадар давом этган мустамлакачилик сиёсатига жавобан Иккинчи жаҳон урушига қадар, айниқса, олис қишлоқларда оммавий кўтарилиш ва исёнлар бўлиб турган. Уруш йилларида ҳам айрим ижтимоий қатламларда душман ғалаба қозонган тақдирда Ўрта Осиё халқлари озодликка эришади, деган пинҳона умид бўлган... Хуллас, 1991 йилда СССРнинг парчаланиши ва Ўзбекистоннинг мустақил республика деб эълон қилинишини ўзбек халқи шоди-

ёна кайфият билан, орзиқиб кутилган тарихий галаба сифатида кутиб олгани тасодифий эмас.

Совет ҳокимияти Ўрта Осиёда мустамлакачилик тартиб-қоидаларини мустақкам пойдевор асосида ўрнатиш учун уч йўлни танлади. Улар қуйидагилар эди:

Биринчи йўл — Туркистонга автоном республика мақомини бериб, уни РСФСР таркибига қўшиб олиш.

Иккинчи йўл — миллий-озодлик ва миллий ҳақ-хуқуқлари учун курашга мойил бўлган ерли аҳолини зўрлик билан, куч билан бостириш, қўрқув ва ҳадик муҳитида сақлаш, уларни етаклаши мумкин бўлган кишиларни қатағон этиш.

Учинчи йўл — тарғибот ва ташвиқот воситалари орқали ўз ғояларини секин-аста ва изчил равишда халқ оммасига сингдириб бориш.

Бу йўлни амалга оширишда совет ҳукумати ўзида бор бўлган барча имконият ҳамда воситаларни ишга солиб, Туркистон, Хоразм ва Бухоро Коммунистик партияларини ташкил этди, касаба иттифоқи, комсомол, пионер сингари жамоат ташкилотларини шакллантирди. Бу жуда катта куч ёрдамида халқ оммаси онгига совет ҳукумати ва партия раҳнамолигида амалга оширилажак «дунёдаги энг адолатли ва демократик тузум» ҳамда унинг «афзалликлар»и тўғрисидаги тарғибот тухтовсиз равишда сингдириб борилди. Бу «бирдан-бир тўғри бўлган ленинча миллий сиёсат» марказида «миллатларнинг то миллий мустақил давлат бўлиб ажралиб чиқишга қадар ўз тақдирини ўзи белгилаши»дан иборат ниҳоятда жозибадор модда ётарди. Бироқ миллий масалада большевиклар дастурида кузда тутилган бу модда фақат декларатив характерга эга бўлиб, амалга ошмайдиган қуруқ сўз эди.

Ленинча миллий сиёсат деб аталган мустамлакачилик сиёсати асосида Ўзбекистонда қуйидаги масалалар амалга оширилди. Биринчидан, *сиёсий соҳада* Туркистон миллий жиҳатдан парчалаб ташланиб, ўлканинг миллий мустақил давлат сифатида шаклланиши ва оёққа туриши мумкинлиги абадул-абад йўқ қилиниб, сиёсий-ижтимоий ва ҳудудий жиҳатдан у Россия Федерациясининг бўлинмас таркибий қисмига айлантирилди. Иккинчидан, *иқтисодий соҳада* Туркистон Марказга хом ашё етказиб берувчи база бўлиб қолди. Учинчидан, *мафкуравий соҳада* ўлкада «шаклан миллий, маз-

мунан социалистик» деган сохта ибора-шиор билан амалда руслаштириш, миллий тил, маданият, урф-одат ва анъаналардан узоқлаштириш, тарихий илдизларини унуттириш сиёсати олиб борилди.

Ўзбекистон, Туркменистон, Қирғизистон, Қозоғистон ва Тожикистон республикаларини барпо этиш баҳонаси билан амалга оширилган ер-сув ислоҳоти ва миллий чегараланиш кампаниясидан кузланган асосий мақсад ҳам ўлкамизни абадул-абад мустамлакачилик асоратига солиш ва келажакда бирорта республикада СССРдан ажралиб чиқиш истаги пайдо бўлса, миллий-ҳудудий масалаларда чиқадиган муқаррар низолар учун реал замин яратиш эди.

Ўзбекистон партия ташкилоти 20—30-йиллардаги фаолиятида Ленин ишлаб чиққан ва асослаб берган, аммо амалга ошмайдиган социализм қуриш режасини ҳаётга татбиқ этиш йўлидан борди. Шу режа асосида мамлакатни саноатлаштириш, жамоалаштириш ва «маданий инқилоб» шиори остида маданият ва маърифатни советлаштириш жараёни бўлиб ўтди.

Шу йилларда Ўзбекистонда амалга оширилган саноатлаштириш сиёсатининг бош мақсади республиканинг истиқболда мустақил тараққиёт йўлидан боришини таъминлайдиган иқтисодий пойдевордан маҳрум қилиш ва уни Россия хўжалик механизмининг бир ячейкасига айлантиришдан иборат бўлди. Жамоалаштириш сиёсатини амалга ошириш натижасида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига давлат монополияси ўрнатилди, деҳқонларнинг ерга бўлган хусусий мулкчилиги тугатилди. Зуровонлик билан ўтказилган жамоалаштириш сиёсати оқибатида куплаб ишбилармон, тadbиркор деҳқонларнинг ишга, ерга бўлган муносабати совиб кетди.

Шу даврда эркин мулкчилик ва бозор иқтисодиёти муносабатларининг ҳамма ва ҳар қандай кўринишларига барҳам берилди. Хусусий мулкчилик батамом тугатилди, унинг ўрнига социалистик мулкчилик деб аталган янги мулкчилик типи жорий этилди.

Бу янги мулкчилик икки хил кўринишда: давлат мулкчилиги, хўжалик ва жамоа хўжалиги мулкчилиги шаклида намоён бўлди. Аслида жамоа хўжалиги давлат мулки ҳисобланарди. Жамоалаштириш сиёсатининг қишлоқда амалга оширилиши натижасида фуқаролар-

нинг барча ҳуқуқий эркинликлари оёқ ости қилинди. Натижада давлат ва жамоа ҳўжаликларига уюшган қишлоқ фуқаролари ўз хусусий мулкларидан умуман маҳрум бўлдилар.

Ҳўжаликларда деҳқонларга ойлик туланмас, меҳнат ҳақи ёзилар эди, холос. Улар асосан томорқа ҳисобидан кун кечирар эдилар. Арзимаган гуноҳи (ишга чиқмаганлиги, тирикчилик ташвишлари билан шуғулланганлиги) учун уларнинг томорқа ерлари тортиб олинар, оғир солиқ туловлари солинар эди. Оғир кулфат ва жабр-зулмлардан қочиб кетмаслик учун деҳқонларга паспорт бериш тартиби урнатилмади... Хуллас, мустамлакачилик идора-тартиб усулининг бундай даҳшатли шакли ҳатто чор Россиясида ҳам бўлмаган эди.

Тарихимизнинг аянчли саҳифаларини чуқур таҳлил қилиш, ҳаққоний ҳулоса ва сабоқлар чиқариш кераклигини айтиб Ислом Каримов яқин ўтмишимизга баҳо берганда, ўша давр тарихига, бўлиб ўтган воқеаларга ва ўша даврнинг «улкан арбоблар»и ва «моҳир ташкилотчилар»ига нисбатан муносабат билдирганда бор ҳақиқатни очиқ акс эттириш кераклигини таъкидлаган эди. «Бу нарса, — деган эди яна Юртбошимиз, — ўша одамларни бадном қилиш, улардан ўч олиш ёки бошқа мақсадлар учун эмас, аксинча, шу йўл билан авваламбор ёшларимиз тарбиясига ижобий таъсир ўтказиш, ҳаётимиз тарихида ҳақиқатни қарор топтиришга хизмат қилади».

Ўз-ўзидан равшанки, совет даврида Ўзбекистонга раҳбарлик қилган давлат арбобларининг фаолиятига ҳаққоний баҳо бериш ҳам тарих фани олдида турган вазифалардан биридир. Маълумки, совет даврида миллий республикаларнинг биринчи раҳбарлигига шунчаки расмий учун минг бир чиғириқлардан ўтказилган ва Марказга батамом содиқ бўлган маҳаллий миллат вакиллари қўйилган. Аммо барча иш Москвадан туриб бошқарилган. Маҳаллий раҳбарлар ҳеч қандай ҳақ-ҳуқуққа эга бўлмаганлар. Уларнинг бирортасида миллий халққа манфаат келтирувчи заррача ҳаракат сезилса ўша заҳоти турли йўл ва усуллар билан сиёсат майдонидан четлаштирилган ва ёмон отлиқ қилинган. Маҳаллий раҳбар кадрларнинг кўпчилигидаги асосий нуқсон сиёсий-назарий савиянинг гўрлиги, марксизм-ленинизмга, «коммунизм идеаллари»нинг туғрилигига

кўр-кўрона ишонч, ўз халқи қалбига йўл топа билмаслик, халқ билан давлат ўртасида «хитой девори»нинг мавжудлиги, шахсий манфаатнинг умумхалқ манфаатидан устунлиги ва, энг муҳими, арбоблик шоҳкурси-сига маҳлиёлик эди. Ана шу нуқсонлар Ўзбекистонда советлар салтанатининг чуқур илдиз отишига ёрдам берган ва 70 йилдан ортиқ яшаганлигини таъминлаган омиллардир.

Биз юқорида Ислом Каримовнинг «Туркистон» газетаси мухбирига берган интервьюсида Ватан тарихи билан боғлиқ бўлган айрим фикр-ғояларига акс-садо тарзида баъзи бир мулоҳазаларнигина баён қилдик, холос. Ўйлаймизки, кейинги мақола ва тадқиқотларимизда аниқ масала ва муаммоларни ўрганиш асосида бу муҳим мавзунинг турли қирраларини ёритишга ҳаракат қиламиз.

ЖАДИДЧИЛИК: ҲАҚИҚАТ ВА УЙДИРМА

Утаётган ҳар бир кун, ҳар бир дақиқа тарихдир. Биз кечаги кунимизни, ўтмишимизни, ота-боболаримиз, аجدодларимиз яшаб ўтган ва қолдирган бой моддий, маданий, тарихий меросимизни сира унутмаслигимиз керак. Шундай экан, тарихий-ижтимоий давр тақозоси билан юзага келган ҳодисаларни ҳаққоний ва рўй-рост кўрсатиш, у қандай рўй берган бўлса, авлодларга шундайлигича тақдим ва талқин этишимиз лозим.

Афсуски, бугунги кунда мозийни ўрганиш ва авлодларга етказишда ҳам бир талай муаммолар, тарихимизда кўплаб «оқ доғлар», ўқилмаган, ҳатто бузиб кўрсатиб келинган саҳифалар мавжуд. Ўрта Осиёнинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётида катта урин тутган жадидчилик ҳаракати яқин-яқинларгача шундай «оқ доғлар»дан бири бўлиб келди, уни ўрганиш ва баҳолашда ҳам хилма-хил нуқтаи назарлар ўзаро тўқнашиб келди.

Сирасини айтганда, туркистонлик ўзбек ва бошқа халқларда XX аср бошларидаги қолоқ ҳаёт ва қолоқ давлат тузумини ўзгартириш ғояси жадидчилик ҳаракати туфайли майдонга келган. Бинобарин, шу даврда тарих саҳна-сига чиққан Ёш бухороликлар, Ёш хиваликлар фирқалари Ўрта Осиё халқларининг миллий-озодлик учун олиб борган курашида катта роль ўйнади.

Жадидчилик мафкураси Ўрта Осиёга марксизм-ленинизм таълимоти кириб келгунига қадар асосий мафкура, халқимизнинг миллий ва ижтимоий уйғонишида, ўзлигини англашида, зулм ва эксплуатацияга қарши курашида муҳим қурол бўлган.

Туркистон, Бухоро ва Хивада бўлиб ўтган инқилобий ҳаракатларда озми-кўпми иштирок этган маҳаллий аҳоли вакилларининг, бу минтақада совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустақамлашда хизмат қилган кўплаб маҳаллий сиёсий арбобларнинг, ҳатто Туркистон мухторияти ҳукумати аксар ташкилотчиларининг ҳам таржимаи ҳолига жадидчилик ўз муҳрини босган. 20—30-йилларда социализм қуриш учун астойдил курашган, оммага етакчилик қилган, партия, совет, ҳужалик ташкилотларига раҳбар бўлган, мамлакатимизнинг маданий-мафкуравий ҳаётида катта роль уйнаган кўплаб сиймолар ҳам жадидчилик бешигида катта бўлганлар.

Бу каби мулоҳазалар жадидчиликнинг 20—30-йиллар ҳаётига ҳам маълум даражада таъсир кўрсатганини англатади. Шу боис XIX аср охиридан XX асрнинг 20—30-йилларигача бўлган даврдаги Ўрта Осиё халқлари тарихидаги жуда кўп мавзу ва масалалар жадидчиликка ё бевосита, ё билвосита боғлиқдир. Жадидчилик ҳаракатини, унинг майдонга келиш ва ривожланиш босқичларини, умуман эътиборга олмаган ҳолда шу давр тарихини тулақонли яратиб бўлмайди.

Ф.Хужаевнинг 1926 йили Москвада нашр қилинган «Очерки революционного движения в Средней Азии» («Ўрта Осиёдаги инқилобий ҳаракат очерклари») номли китобга кирган мақоласида жадидчилик ижтимоий воқеа сифатида илк бор махсус тадқиқот объекти бўлиб хизмат қилди. Мазкур китобда жадидларнинг Ўрта Осиёда миллий инқилобий ҳаракатни бошқара олувчи кадрлар тарбиялаб беришдаги хизмати ва бу ҳаракатнинг октябрь инқилоби оқимида қўшилиб, коммунистик байроқ остида фаолият кўрсатгани асослаб берилди. Аммо Ф.Хужаев уша йилиёқ жадидлар масаласидаги қарашларини «тузатиш»га мажбур қилинди.

1926 йили Г.Туркестанский Файзулла Хужаевнинг «Бухоро инқилобининг тарихига материаллар» (Тошкент, 1926) номли китобини кескин танқид қилиб, унинг асаарида «марксизм йўқ», деган танқид билан чиқади. 1927 йил 25 ноябрда Файзулла Хужаев Ўзбекистон Компар-

тиясининг III қурултойида жадидчиликни идеаллаштиргани учун миллатчиликда айбланиб, партия матбуотида танқид қилинади. У «йўл қўйган хатоси»ни «англаб», қурултойда «баёнот» беради («Правда Востока», 1927 йил), «Коммунистическая мысль» журналида эса «Майлумотнома ва жавоб» деган мақола билан чиқади.

Бухорода жадидчилик ҳаракатига баҳо беришда, йўл қўйган «хатолар»ини тан олиб, «Бухоро инқилобининг тарихига материаллар» (2-нашри, Тошкент—Самарқанд, 1930) китобига муаллиф жиддий тузатиш киритишга ҳамда Бухоро Халқ Совет Республикаси тарихига оид янги бўлимни қўшишга мажбур бўлади. Биргина у эмас, балки бошқа масъул арбоблар ҳам жадидчиликни энди салбий баҳолай бошлайдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг котиби Акмал Икромов республика ЛКСМ МҚнинг 1926 йил 19 майда бўлиб ўтган II пленумида «Жадидизмнинг буржуа идеологияси савдо буржуазияси идеологиясидир. Унинг бизга ҳеч бир даҳли йўқ, негаки, у Октябрнинг бир томонида, биз эса иккинчи томонида турамиз»¹, деган сўзларни айтди.

Жадидчилик ҳаракати намояндаларини уз кузи билан курган ва уларнинг қандай эзгу мақсадлар билан яшаганини яхши билган адабиётшунос Отажон Ҳошимов бундай деб ёзди: «Жадид адабиёти ўзбек буржуазияси адабиётидир. Жадид адабиёти ўзбек буржуазиясининг фикрини ва унинг бошдан кечирган ҳолатларини акс эттиради, унинг учун ишлайдир, куядилар, йиғлайдир»².

1929 йил 19 октябрда Ўзбекистон КП(б) Марказий Қўмитасининг пленумида сўзлаган нутқида А.Икромов: «Мана бизда Мунаввар қори, Фитрат, Чўлпонларни ҳақорат қиладилар — бу яхши, сукиш керак, аммо сукишни билиш ҳам керак, бу билангина чекланиб қолиш — бу консерватизмдир, бу орқада қолишдир ҳам»³, деб айтишгача бориб етди.

Марказда Н.И.Бухарин, М.И.Томский, А.И.Риков кабиларнинг социализм қуришдаги муқобил ғоялари,

¹ Акмаль Икромов. Избранные труды. Том 1. Ташкент, 1973, стр. 221.

² «Ўзбек тили ва адабиёти» журналы, 1990 йил, 4-сон, 19-бет.

³ Акмаль Икромов. Уша асар, 2-том, Ташкент, 1973, стр. 182.

20-йилларнинг иккинчи ярмида шаклланиб, сиёсий тусга кириб, амалиётда қўлланилаётган нотўғри сиёсатга қарши билдирган фикрлари ўнг оғмачилик, ўнг оппозиция, деб баҳолана бошлаганда унинг шамоли Ўрта Осиёга, жумладан, Ўзбекистонга ҳам келган эди. Бу ерда ҳам «ўнг оғмачилар»ни, «ўнг оппозициячилар»ни излаб топиш, уларнинг «танобини тортиб қўйиш» зарур бўлиб қолди. Бу ишни уддалаш ВКП(б) Марказий Қўмитасининг Ўрта Осиё бюроси зиммасига тушган эди. Бу ваколатли органдаги масъул ходимлар шу масалада, айниқса, жиддий хатоларга йўл қўйдилар, буюк давлатчилик асосида иш кўриб, Марказ йўл-йўриқларини маҳаллий шароитга нотўғри татбиқ қилдилар, миллий кадрларга кўп ҳолларда ишонмай иш тутдилар.

ВКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюроси раиси И.А.Зеленский Ўзбекистон Компартияси IV қурултойида қилган «Ўрта Осиё заминидаги ўнг оғмачилик» мавзuidaги маърузасида (1928 йил 31 декабрь) И.В.Сталин номига хат қолдириб, ўзини ўзи отган И.Хидиралиевнинг ўлими олдидан ёзган хатини сиёсий шарҳлаб, шу асосда Ўзбекистонда ўнг оғмачиликнинг мавжудлигини исботлашга уринди. Ўша мудҳиш нутқ 1929 йили Самарқанд-Тошкентда нашр этилган «Против правой оппозиции» («Ўнг оғмачиликка қарши») материаллар тўпламидан ҳам жой олди. Қурултойда И. А. Зеленский хатнинг тўла матнини ўқиб беришга журъат этмай, ундан фақат кичик парчаларни келтириб, уни сиёсий жиҳатдан исботлашга ҳаракат қилди. Хатда, жумладан, қуйидагилар қайд этилади: «Хидиралиевнинг европаликларнинг «тулиб-тошиб кетгани» ҳақидаги саволига жавоб шундай.

Сўнгра Хидиралиев шундай ёзади: «Ўрта ҳол деҳқон муайян норози: бундан ташқари, «тошкентликларнинг» (иккала рангдаги) бу маҳаллий сиёсати деҳқон хўжалигининг емирилишига олиб боради; Москва олдида буларнинг ҳаммаси бошқача талқин этиляпти».

Хидиралиев шундай ёзади. Энди унинг ўрта ҳол ҳақида қайғуриши тагида нималар ётганлигига бир назар ташлайлик. Қарайлик-чи, бу ерда ер ислоҳоти олдидан бизнинг баҳоларимизнинг учқунлари йўқмикан?

Сиз биласиз, бизнинг сиёсатимиз бойларнинг эксплуатация қилиш имкониятларини чеклашга олиб келди. Сиз биласиз, бизнинг сиёсатимиз, бизда йирик экс-

плуататорлик хўжалиги бўлишига йўл қўймайди. Бизнинг бутун тадбирларимиз тизими ўрта ҳол деҳқон марказий фигура, таянчимиз камбағаллар бўлишига олиб келади ва биз муштумзўрларнинг тарқалишига ва бошқарув мансабларини эгаллаб олишларига йўл қўймаймиз.

Бизда деҳқон хўжалигининг емирилиши борми?

Бор! Бироқ қандай ва нима мақсадда? Муштумзўрдан камбағал ва ўрта ҳол деҳқонни ҳимоя қилиш мақсадида. Биз муштумзўрни ўрта ҳолнинг манфаатлари билан ёпишдек муштумзўрлик хавфини беркитишга йўл қўймаймиз. Шунинг учун йўл қўймаймизки: «Муштумзўр — совет ҳукуматини қутурган итдай ёмон кўради ва юзлаб ишчини гумдон қилишга тайёр. Агар муштумзўрлар ғалаба қозонишга муваффақ бўлишса, юзлаб, минглаб ишчиларни шафқатсиз равишда ўлдириб ташлайдилар, помещчик ва капиталистлар бирлашиб, уларга фабрика ва заводларни қайтариб берган ҳамда саккиз соатлик иш вақтини бекор қилишган бўларди».

Европада, аввалги барча инқилобларда ҳам, ишчиларнинг кейинчалик заифлашиши натижасида муштумзўрлар инқилобдан яна монархияга қайтишга, меҳнаткашлар ҳукуматидан яна эксплуататорлар, бойлар, ишламай тишлайдиганларнинг ҳукумат бошига келишига эришганлар. Ҳамма ерда ҳайвондай очкўз муштумзўрлар помещчик ва капиталистлар билан ишчи ва камбағалларга қарши бирлашганлар. Ҳамма ерда муштумзўрлик ишчилар синфидан кулоқ эшитмаган қонхўрлик билан қасос олган. Ҳамма ерда у чет эллардаги капиталистлар билан ўз юртидаги ишчиларга қарши тил бириктирган.

Ҳеч қандай шубҳага ўрин йўқ. Муштумзўрлар ...совет ҳукуматининг қутурган душмани ёки муштумзўрлар ниҳоясиз кўп ишчиларни қириб ташлайдилар, ёки ишчилар муштумзўрларнинг, халқни таловчи қисмининг меҳнаткашлар ҳукуматига қарши исёнини янчиб ташлайдилар. Ўртача бўлиши мумкин эмас. Тинчлик бўлмайди: муштумзўрни помещчик, подшо, поп билан, ҳатто уришиб қолганда ҳам яраштириб қўйиш мумкин, ишчилар синфи билан эса ҳеч қачон».

Сунгра Хидиралиев ёзади: «Хотин-қизларни озод этишдаги укувсизлик совет ҳукуматининг йиллаб даъла-

364953 - SONLI

ган обрўйини йўққа чиқаряпти, шуни ёдда тутингки, агар уруш бошлангудек бўлса, деҳқонлар бизни қўллаб-қувватлашмайди».

Масала жуда ҳам аниқ қўйилган. Фақат унинг моҳияти хотин-қизлар озодлигида эмас. Моҳият хотин-қизлар озодлигига баҳо беришда ҳам эмас. Унинг моҳияти уруш бўлган чоғда деҳқонларнинг бизни қўллаб-қувватлаши ёки қўллаб-қувватламаслигидадир. Агар бизнинг котибларимиз синфий муносабатларни кўриб чиқаётганларида ва синфий сиёсатимизга баҳо бераётганларида айнан шундай ўткир тигиз ҳолатда, имтиҳонларнинг имтиҳони бўлган ҳолатларда деҳқонлар бизнинг ортимиздан борадиларми ё йўқми, масалага шу нуқтаи назардан қарасалар ёмон бўлмайди, деб ўйлайман.

Ҳа, бу саволга жавоб бериш керак.

Қандай?

Мана шу тўғри ва равшан қўйилган саволга тўғри жавоб бериш учун деҳқонлар билан бизнинг муносабатларимизни тарози паллаларига қўйишимиз зарур. Тарозининг бир палласига ҳужаликнинг улкан (суръатлар билан—муҳ.) ўсиши ва фойдасининг кескин ортишини қўйишимиз шубҳасиздир.

Наҳотки, ўз олдимизга қўйган вазифани — ҳужалик ялпи ва товар маҳсулотини қисқа муддат ичида оширганимиз, ишлаб чиқариш қувватини эса улкан (суръатлар билан — муҳ.) юксалтирганимиз далил эмаслиги, булар ҳеч нарсага арзимайдими?

Наҳотки, бу йил ўз олдимизга қишлоқларимиз ҳужалигини юксалтириб, 55 млн. пуд пахта, 2 млн. гектар (ердаги) дон экинларини бериш вазифасини қўйганимиз ҳеч нарсага арзимаса?

Тарозининг бир палласида ана шулар бор. Бошқасида эса, озодликдан норозилик, шариятга риоя қилмасликдан норозилик, муштумзўрларнинг бизнинг барча сиёсатимиздан норозилиги.

Шундай қилиб, тарозининг бир палласига тарихий имтиҳон билан бирга шарият, худо, фаришта, муштумзўрларнинг норозилиги, бошқасига эса бизнинг камбағаллар учун, йўқсиллар учун қилган барча ишларимиз, ҳужалигимиз эришган барча ютуқлар қўйилади. Иккинчи палланинг тартиб кетишига менда ҳам, ўйлайманки, сизларда ҳам шак-шубҳа йўқдир.

Бу ҳақда биз партиямиз ичидагиларга ҳам, партия-миз атрофидагиларга ҳам, Совет Иттифоқининг ичи-дагиларига ва Совет Иттифоқидан ташқаридагиларга ҳам шуни айтишимиз мумкин: деҳқонларнинг асосий қисми, камбағал ва урта деҳқонлар қатъий ва мутлақо биз томонда бўладилар.

Бунга қишлоқлар ва уларда яшовчи камбағал ва урта ҳол деҳқонларнинг ишлаб чиқариш қуввати ва фаровонлигининг улкан юксалиши кафолатдир.

Шунинг учун ҳам, деҳқонлар бизни қўллаб-қувват-ламайди, деганлар муштумзўрлар ғоясини ифодалайди. Уртоқлар, менинг бу масалага атрофлича тўхтаб ўтган-лигимнинг сабаби шундаки, ўнг оғмачиларнинг яшов-чанлигини, уларга (мен юқорида айтиб ўтган кирди-корларга) қарши кураш олиб боришимизда қўл-оёқла-римизни боғлаб қўйиш партиямиз ва бутун совет дик-татураси учун катта зарар эканлигини кўрсатмоқчи эдим»¹.

Урта Осиё бюроси раисининг бу фикрларини Ўзбе-кистон республикаси партия ва ҳукумат раҳбарлари қўллаб-қувватлаб чиқадилар. И.А.Зеленский ва Д.И. Манжара маърузалари юзасидан бўлган музокараларда сўзга чиққан Файзулла Хўжаев, жумладан, бундай дей-ди: «Бу ерда ўртоқ Зеленский Хидиралиевнинг ўлими олдидан ёзиб қолдирган хатини ўқиб берди. Шу хатда, партиянинг деҳқонларга нисбатан ўтказаятган сиёсати нотўғри сиёсатдир, бизнинг сиёсатимиз натижасида ўрта деҳқонлар партиямиз билан бирга бормайди ва қийинчиликлар бўлиб қолган тақдирда бу деҳқонлар бизнинг томонимизга ўтмайди, дейилибди. Хидирали-евнинг бу даъвоси, менимча, қаттиқ касалликнинг асо-рати... бўлса керак...»².

Шу ўринда мазкур масалага оид Ўзбекистон Рес-публикаси МХХ архивида сақланаётган мана бу ҳуж-жатга ҳам эътибор бериш лозим. Чунки бу ҳужжат 20-йилларда Марказнинг миллий кадрларга нисбатан юритган нотўғри сиёсатини, бир оз бўлса-да, тасаввур қилишга имкон беради. Салимхон Тиллахоновнинг 1930

¹ Против правой оппозиции (Сборник материалов). УзГИЗ, Са-марқанд — Тошкент, 1929, 65—72-бетлар.

² Хўжаев Файзулла. Танланган асарлар. Уч томлик. II том. Тош-кент, 1973, 617—618-бетлар.

йил 5 июнда тергов вақтида берган маълумотлари жадидчилик ҳақида янги фикрларни айтиш имконини беради. Бу маълумотдан жадидчилик ҳаракати намояндалари сафининг бузилишида Марказнинг ҳам роли катта булганлигини сезиш мумкин.

1922 йилда Марказ Турор Рисқуловни Туркистон АССР Халқ Комиссарлари Кенгашига раис қилиб тайинлайди. Унга Туркистонда давом этаётган «босмачилик ҳаракати»ни тўхтатиш, яширин жадидлар фаолиятини тугатиш вазифаси юклатилади. Шундан бошлаб Туркистондаги барча жадидлар «босмачилик ҳаракати»га қарши турмоқлари, бу ҳаракатни қўллаб-қувватлашдан воз кечишлари, «босмачилар»га ёрдам беришни тарк этишлари зарур бўлади. Т.Рисқулов бу вазифани жадидларнинг ўз қўллари билан амалга оширмоқчи бўлади.

Бундан жадидларнинг ҳаммаси ҳам хабардор эди.

Шундан сўнг жадидлар ҳамма жойда «босмачилик»ка қарши ҳаракатни бошлаб юбордилар. Бунда Фарғона жадидларининг хизмати, айниқса, катта бўлади. Хусайнхон махсум Ниёзов Фарғона жадидлар кўмитасининг раиси эди. Бошқа шаҳар ва вилоятларда истиқомат қилувчи жадидлар «босмачилик»ка қарши тарғибот ишларини олиб бориш билангина кифояландилар, чунки улар «босмачилик ҳаракати» билан яхши алоқада бўлмаган эдилар. Аммо совет ҳокимиятига қарши ошқора курашиш самарасиз эканига ишонч ҳосил қилган собиқ жадидлар энди ўз кучларини аҳолининг маданий савиясини кўтаришга ҳамда давлат аппаратини миллий кишилар билан кучайтиришга киришадилар. Бу ишни Мунаввар қори Абдурашидхонов ва Саидносир Миржалилов сингари жадидлар Боту, Маннон Рамз ва Усмонхон Эшонхўжаев каби ёш кадрлар орқали амалга оширмоқчи бўладилар.

Ўша даврнинг ижтимоий-маданий ва маърифий ҳаётида «Қумак» жамиятининг ҳам муҳим ўрни бор. Хорижга ўқишга юборилган ёшларга моддий ёрдам кўрсатиш мақсадида тузилган бу жамиятнинг фаолиятида Акмал Икромов ҳам иштирок этган. Аммо Ўзбекистон Компартиясининг III, айниқса, IV қурултойларидан кейин у Ўрта Осиё бюросининг қағтиқ назорати остида аввалги қарашларини ўзгартиришга мажбур бўлади. Мазкур бюро тазйиқи остида жадидлардан иборат

эски зиёлиларга ва уларнинг мафкурасига қарши ҳужум бошлаб юборади. Раҳбарлик лавозимларида ишлаб келаётган собиқ жадидларни хизмат вазифаларидан бушатиб, аввалида жадид бўлиб, сунгра большевиклар сафига ўтган миллий кадрларни таъқиб этади. Шунингдек, унинг тавсияси билан «Нашри маориф» жамияти ўз фаолиятини тўхтатади. А.Икромов Ўзбекистон Компартияси Марказқўмининг котиби сифатида бу ишларни мажбурият орқасида, ўз виждонига қарши ўлароқ қилдими ё йўқми, бу — тарихчилар олдида турган ва ўрганилиши лозим бўлган муҳим масала. Аммо ўша вақтда А.Икромов қарашлари ва фаолиятидаги бу ўзгаришлар натижасида у билан Усмонхон Эшонхўжаев ўртасида катта ихтилоф келиб чиқади ва Усмонхон Эшонхўжаев раҳбарлик лавозимларидан четлаштирилади. Шундан кейин у Москвага, Қизил профессорлар институтига ўқишга кетади. Бу ҳол жадидлар билан А.Икромов ўртасидаги муносабатни кескинлаштириб юборади.

Файзулла Хўжаев 1936 йил 1 августда 1916 йил кўзғолонининг 20 йиллигига бағишланган митингга нутқ сўзлаб, жадидларнинг 1916 йил халқ кўзғолонига раҳбарлик қилиш ўрнига кўзғолончиларни жиддий хатти-ҳаракатлардан қайтаришга уринганларини айтиб, «жадидлар халқ йўлбошчилари эмас эдилар, улар халқ билан боғланмаган эдилар» сингари сўзларни айтади»¹.

Жадидларга муносабат масаласи 1929 йилда ва ундан кейин ҳам ниҳояланмади. 1932 йили Тошкент шаҳар партия конференциясида ВКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюроси котиби К.Я.Бауман ўз маърузасида бу масалага тўхталиб, Файзулла Хўжаев ва Абдураҳмоновларнинг Ўрта Осиёдаги инқилобий ҳаракат масаласидаги асарларини табриклаб, Ф.Хўжаевнинг ўз даврида жадидчиликни идеаллаштириб, миллатчилик характеридаги хатоларга йўл қўйганини ҳам алоҳида таъкидлайди. Ф.Хўжаев К.Я.Бауманга жавоб берар экан, жадидлар, синфий моҳиятига қўра, савдо ҳамда туғилиб келаётган саноат буржуазияси вакиллари бўлганлар, шунинг учун ҳам улар капиталистик ислохотлар доирасидаги талаблардан нарига ўта олмас эдилар, деган сўзларни айтади.

¹ Қ а р а н г: «Қизил Ўзбекистон», 1936 йил 3 август.

Шундай қилиб, 20—30-йилларда жадидчилик реакцион буржуа миллатчилик ҳаракатидир. деган фикр-хулоса шаклланади. Ва бу хулоса 1930, айниқса, 1937—1938 йиллардаги қатағон даврида жадидларнинг оммавий равишда қирғин қилинишига сабаб бўлади.

30-йиллардан 80-йилларнинг бошларига қадар биргина Ўзбекистонда эмас, балки бутун Иттифоқда жадидчилик буржуа миллатчилигининг синоними бўлиб келди. Ҳатто 80-йилларнинг иккинчи ярмига қадар ҳам жадидчилик реакцион оқим, реакцион мафкура, реакцион ҳаракат деб келинди.

Профессор М.Ваҳобов «Ўзбек социалистик миллати» монографик асарида жадидчилик масаласида ута салбий фикр билдирди. «Жадидизм, — дейилади унда — ўзбек миллий буржуазиясининг империализм даврида, пролетар революцион ҳаракати ривожланган ва уюшган бир шароитда шаклланган мафкурасидир... Жадидизм... чоризм ва рус империалистик буржуазияси томонига утиб кетган ўзбек миллий буржуазиясининг мафкураси эди»¹.

М.Ваҳобов жадидлар, бир томондан, революцион ва миллий-озодлик ҳаракатига қарши кураш олиб борган бўлсалар, иккинчи томондан, феодал-клерикал элементларни танқид қилиб, ислом ақидаларини ислоҳ қилишга уриндилар, деб ёзади.

Муаллифлар жамоаси томонидан тайёрланиб, 1967 йилда нашр қилинган «Победа Советской власти в Средней Азии и Казахстане» («Ўрта Осиё ва Қозоғистонда Совет ҳокимиятининг ғалаба қозониши») китобида ҳам жадидчилик ҳаракати салбий баҳоланган.

Профессор Ҳ.Турсуновнинг «Ўзбекистонда 1916 йил халқ қўзғолони» номли китобида жадидларнинг 1916 йил қўзғолонига бўлган муносабати ҳақида бундай дейилган: «Ҳатто миллий буржуазиянинг жуда купчилиги ва уларнинг мафкурачилари — жадидлар қўзғолонга нисбатан сотқинлик қилиб, чоризм ва Россия империалистик буржуазияси билан бирлашиб, халқ ҳаракатини бостиришга уриндилар»². Ҳ.Турсунов 1971 йилда

¹ Ваҳобов М. Ўзбек социалистик миллати. Тошкент, 1961, 207-бет.

² Турсунов Ҳ. Ўзбекистонда 1916 йил қўзғолони. Тошкент, 1966, 111-бет.

чоп этилган «Национальная политика Коммунистической партии в Туркестане (1917—1924 г.)» «Коммунистической партиининг Туркистондаги миллий сиёсати (1917—1924)» монографик асарида ҳам жадидларнинг 1916 йил халқ қўзғолонида «қабиҳларча иш тутганлари» ҳақидаги фикрини яна такрорлайди.

Профессор Отабой Эшоновнинг «Файзулла Хўжаев» ҳақидаги китоби (1973), «Ўзбекистон совет энциклопедияси»нинг 4-томидаги мақоласи (1973), профессор Х.П.Воҳидовнинг «Туркистонда маърифатпарварлик мафқураси» (1979) асарида ҳам жадидчилик ўта реакцион ҳаракат сифатида баҳоланган. Сўнги манбада муаллиф жадидчилик ҳаракатининг пешқадамлари Мунаввар қори, Беҳбудийларнинг «миллатчилик фаолияти»ни кескин фош этибгина қолмай, уларни «кўзга кўринган маърифатпарварлар» сифатида тилга олган Элизабет Бэкон, Элен Карер д'Энкос, Лауелл Тиллет сингари «буржуа олимлари»нинг фикрларини танқид ҳам қилган. Мазкур китоб сўнгида жадид мафқурасининг аксилинқилобий моҳиятини яширишга, меҳнаткаш халқ синфий онгининг ўсишига халақит беришга, миллатнинг қолган қисми устидан буржуазия ҳукронлигини таъминлаш ва мустаҳкамлашга ҳаракат қилганлар, деган хулосага келинган.

Бу сингари талқинлар Москвада нашр этилган китоблардан ҳам ўрин ола бошлади. СССР Фанлар академияси Шарқшунослик институти 1972 йилда Москвада З.Д.Кастельскаянинг «Основные предпосылки восстания 1916 года в Узбекистане» («Ўзбекистондаги 1916 йил қўзғолонининг асосий сабаблари») китобини чоп этди. Китобнинг «Қўзғолонни ҳаракатга келтирган кучлар» деган сўнги бобида ҳатто «жадидлар хоинлиги» масаласига махсус фасл ҳам ажратилган. Шу муаллифнинг Москвада 1980 йили нашр қилинган «Из истории Туркестанского края (1865—1917)» «Туркистон ўлкаси тарихидан (1865—1917)» номли монографиясида ҳам жадидлар 1916 йил қўзғолони вақтида чоризм томонида бўлдилар, халқни мардикорликка олиш ишида фаол қатнашдилар, Мунаввар қори, Расул Хўжаев, Убайдулла Хўжаев, Набихон ва бошқалар ишчиларни мардикорликка олиш ва уларни фронт орқасидаги ишларга сафарбар этиш қўмиталарига раҳбарлик қилдилар, ҳатто Низомиддин Хўжаев, Абдулла Авлоний ва

бошқалар намоишлар ўтказиб, подшо билан губернатор портретларини қўлларида кўтариб, мардикорликка олиш тўғрисидаги подшоҳ фармониغا содиқ бўлганликлари ҳақида қўшиқлар айтиб чиқдилар, деган фикрларни илгари сурган.

Бундай нотўғри қарашлар, маълумотлар, талқинлар шу даврда нашр этилган дарсликларда ҳам ўз аксини топган. 80-йилларда ўрта мактабларнинг 9—10-синфлари учун нашр этилган «Ўзбекистон ССР тарихи» ўқув қўлланмасида жадидчилик бундай баҳоланган: «Жадидизм реакцион миллатчилик оқими сифатида аста-секин аниқ ифодаланган сиёсий йўналишга эга бўлиб боради. Унинг тарафдорлари революцион ҳаракатнинг душманлари эдилар ва чоризм билан осойишта тил бириктиришга умид боғлар эдилар. Улар меҳнаткашларнинг революцион ҳаракатидан ўз мамлакатининг мустақиллигини қўлга киритиш учун эмас, балки ўз синфий манфаатларига эришиш учун фойдаланишга, баъзи бир ислохотларни ўтказиш ва ҳуқуқда рус буржуазияси билан тенглашишга интилардилар... Жадидлар орасидаги энг реакцион унсурлар Туркистонни Россиядан ажратиб олиш ва Туркия бошчилигида буржуазия давлатини тузиш тарафдори эдилар. Шу мақсадда улар маҳаллий аҳоли орасида панисломизм ва пантуркизм реакцион ғояларини тарқатар, рус халқига нисбатан нафрат кўзғатардилар, халқ оммасининг революцион ҳаракатига қарши чиқардилар... Уларнинг программаси ҳам, раҳбарлик қилувчи маркази ҳам йўқ эди... Жадидлар тарғиботига маҳаллий аҳоли деярли хайрихоҳлик кўрсатмадилар, улар бу ҳаракатдан четда қолавердилар»¹.

Шу даврда яшаган ва ўз халқлари тарихини, шу жумладан, жадидчилик ҳаракати тарихини билган адабиётшунос олимларнинг жадидчилик ҳаракатига бўлган бундай муносабат билан ортиқ мурося қилишлари мумкин эмас эди. Улар қайта қуриш ва ошкоралик йилларида шу давр берган имкониятдан фойдаланиб, жадидчиликка совет мафкурачилари томонидан берилган мутлақо нотўғри баҳони қайта кўриб чиқишнинг ташаббускорлари бўлдилар. Ўзбекистон ФА Тил ва ада-

¹ Мусаев М.М., Урмонова Ф.К. Ўзбекистон ССР тарихи. Академик Ҳ.Турсунов таҳрири остида. Тошкент, 1986, 25—26-бетлар.

биёт институтида (1988 йил 12 октябрь) Ўзбекистон, Тожикистон, Татаристон ва Озарбайжон республикаларининг адабиётшунос, тарихчи ва файласуф олимларининг «Жадидчиликнинг ижтимоий-сиёсий моҳияти, XIX аср бошида мафкуравий кураш тарихидаги унинг ўрни» муаммоси бўйича ўтказилган давра суҳбати ушбу мавзуни янгича ўрганиш, тадқиқ этиш тарихида муҳим воқеа бўлди. Шу воқеадан кейин айрим ташкилотларнинг қаттиқ қаршилик кўрсатганига қарамай, жадидчилик тўғрисидаги ҳақ сўзни тўхтатишнинг иложи бўлмади. 1990 йилда «Ўзбек тили ва адабиёти» журналининг масъул котиби Наим Каримовнинг ташаббуси билан журналнинг 4-сонида «Жадидчилик ҳаракати ва жадид адабиёти» мавзуида давра суҳбати материаллари берилди. Уша йили «Ёшлик» журналининг 7-сонида профессор Бегали Қосимовнинг «Жадидчилик» мақоласи эълон қилинди ва бу мақолада жадидчилик масаласида янгича талқин ва қарашлар илгари сурилди. Шундан кейин М.Ҳасановнинг «Туркистон мухторияти: ҳақиқат ва уйдирма» («Фан ва турмуш», 1990 йил, 9, 10, 11-сонлар), тарих фанлари доктори Ҳамдам Содиқовнинг «Туркистон: уч инқилоб даврида», «Ҳурриятдан мухториятгача» («Фан ва турмуш», 1990 йил, 3—5-сонлар, 1991 йил, 2—3-сонлар), тарих фанлари номзоди Нарзулла Йўлдошевнинг «Маърифат фидойилари» («Гулистон», 1991 йил, 4-сон) сингари мақолалар эълон қилиниб, уларда жадидчилик ҳаракатининг турли қирралари ўзининг ҳаққоний талқинини топа бошлади. Жадидчилик ҳаракатининг М.Бехбудий, А.Фитрат, Мунаввар қори Абдурашидхонов сингари пешқадам намояндалари ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги санъатшунослик фанлари номзоди Сирожиддин Аҳмад, филология фанлари номзодлари Шерали Турдиев, Ҳамидулла Болтабоев, тарих фанлари доктори Қ. Ражабов, тарих фанлари номзоди Сотимбой Холбоевлар ва бошқаларнинг мақолалари ҳам жадидчилик тарихини ўрганишга маълум ҳисса бўлиб қўшилди.

Бу мавзуни чуқур ўрганишнинг йўлларида бири жадидлар меросини, улар фаолиятига алоқадор барча манбаларни пухта ўрганиш, шу жумладан, улар нашр қилган газета ва журналлардаги энг муҳим материалларни қайта нашр этиш, айниқса, муҳимдир. Сирасини

айтганда, жадидчиликка оид баъзи бир маълумотлар махфий архивлардаги хуфяномаларда, ҳатто Марказдан келиб, Ўзбекистонда турли йилларда раҳбар лавозимларда хизмат қилган партия ва давлат арбобларининг ёзишмаларида ҳам учрайди. Масалан, Марказ йўлланмаси билан Ўрта Осиёга бир неча бор келиб, шу ерда ишлаган совет давлат арбобларидан бири П.А. Кобозевнинг В.И.Ленин ва Я.М.Свердлов номига юборган «Туркистон мухторияти лойиҳасига тушунтириш хати»да бундай маълумот бор: «1917 йил инқилобига қадар Туркистонда ёш сартлар инқилобий тугараклари, Хивада — ёш хивалик инқилобчилар ва Бухоро хонлигида (амирлиги — муҳ.) — ёш бухороликлар фаолиятда бўлганлар. Сунгилари ўз ихтиёрларида катта маблағга ва европача маълумотли аъзоларига эга эдилар: улар ташкилотни шунчалик тез ривожлантирганларки, Бухоро хонлиги (амирлиги — муҳ.) нинг деярли ҳар бир шаҳарида тугараклари ташкил қилинган эди... Бухоро амири фармони билан («Колесов воқеалари»дан сўнг—муҳ.) ёш бухороликлар оммавий равишда отилган...

Ёш бухороликларнинг рус инқилобига ва совет ҳокимиятига муносабати шундайки, улар орасида совет ҳукумати билан ўзаро алоқада ишлашга хайрихоҳ ва хоҳишли кишилар бор, ёш бухороликлар октябрь инқилобининг аҳамиятини тушуниб етадилар ва бутун пролетариат орзу-истагининг рўёбга чиқишини шунда кўрадилар...»¹.

Собиқ жадидлардан бири, Туркистон Марказий Ижроия Кўмитаси раиси ўринбосари Низомиддин Хужаев бир гуруҳ туркистонлик раҳбар ҳодимлар билан бирга 1920 йил июнида В.И.Ленин ҳузурда бўлган. У В.И.Лениннинг панисломизм ҳақида маълумотнома ёзиб бериш ҳақидаги илтимосини адо этиб, Москвада инқилоб доҳийсига шундай маълумотномани ёзиб берган². Шу ҳужжатда бошқа масалалар билан бир қаторда жадидчилик ҳақида ҳам баъзи бир маълумотлар борки, уларда ҳам бу ҳаракат ижобий баҳоланган.

¹ «Таджикская Микниана. Энциклопедический словарь». Душанбе, 1990, стр. 94—95.

² Российский государственный архив социально-политической истории — РГАСПИ, 5-фонд, 1-руйхат, 1100-иш.

Н.Хужаевнинг панисломизм туғрисидаги маълумот-номасида, жумладан, бундай сузлар ёзилган: «Капиталистик тузумдаги капиталистлар ва европалик миссионерлар ўртасида қандайдир панисломизм ва унга қарши кураш туғрисида хомжаёл пайдо бўлди, бироқ ҳатто Туркиянинг ўзида ҳам мусулмонларни бирлаштиришга уринган бирорта панисломчи ташкилот йўқ эди. 1909 йил 31 мартда ўз тахтини жоҳил руҳонийлар ёрдамида сақлаб қолишга интилган Абдулҳамиднинг фантазияси ҳам бунинг исботи бўлиб хизмат қилади (Султон Абдулҳамиднинг руҳонийлар билан мунозараси, маданият ва тараққиётга интилган ёш турклар устидан ғалабаси).

Худди шундай тараққийпарвар оқим 1905—1906 йилларда Туркистоннинг мусулмон аҳолиси орасида ҳам пайдо бўлиб, бу ердаги кишилар муллаларнинг жоҳиллиги ва мутаассиблигига қарши кураш олиб бориб, европача тарздаги, янги усулдаги мактабларни очдилар, айтилиши вақтда Николай режимини қулатиш учун махфий сиёсий ишларни олиб бордилар. Бу ёш оқим жаҳидчилик номини олган эди.

1917 йил февралда Николай режимини ағдариш чоғида Туркистон ёш тараққийпарварлари Туркистон ўлкасига мухторият мақомини бериш учун интилганлар. Туркистон тараққийпарварларининг икки вакили — Мустафо Чўқай билан Убайдулла Хўжаев бу ҳаракатнинг бошида туришди.

Шаҳар думаларига тўрт босқичли усул билан ўтказилган сайлов кампанияси чоғида биринчи бор Тошкентдан реакцион мутаассиб «уламолар» — руҳонийлар кўпчилигини ташкил этганликлари туфайли дума орқали «жаҳид»ларнинг 25 та янги усулдаги мактабларини ёпишга муваффақ бўлдилар. Бу мактаблар Туркистон ёш тараққийпарварлари оқими томонидан Февраль инқилобигача бўлган даврда очилган эди. Оқимлар ўртасидаги кескинлик шу даражага бориб етдики, Кўқонда ўтказилган сайлов вақтида «уламо»чилар билан буржуазия тўқнашувида ёш меҳнатқашлар оқими вакиллари билан бир неча киши ҳалок бўлди.

Руҳонийлар ва уларга қўшилган қора гуруҳлар (губернатор Ликошин, Аромский, Булатовлар ҳамда Першин) га қарши курашмоқ учун Октябрь инқилобидан

сўнг Сиз томондан эълон қилинган миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши ҳуқуқига мувофиқ 1917 йил 27 ноябрда Туркистондаги ёш инқилобий-демократик оқим (яъни жадидлар — муҳ.) Туркистон мухториятини эълон қилди. Қўқонда мухторият ҳукуматини тузди.

Мухторият демократик ҳукумати тузилгандан кейин кўп ўтмай, Тошкентдаги руҳонийлар бу ҳукуматни тан олмаслик норозилиги билан чиқишди. Худди шу вақтда Қўқонда бир тўда кишилар Совет ҳукумати номидан қуролсиз кишиларга қарши қурол ишлатди ва Қўқон шаҳрини вайрон қилиб, ҳукуматни тарқатиб юборди.

Мухторият ҳукумати тор-мор қилинганидан кейин асосий инқилобий оқим мухториятчилар, сул эсерлар ва коммунистларга бўлиниб кетди. Мазкур оқимдаги коммунистлар «Уламолар» — руҳонийлар ташкилотини тарқатиб юбордилар, сул эсерлар эса саккиз ой ичида аста-секин коммунистлар томонидан ютиб юборилди. Мухториятчи-миллатчи ҳукумат аъзоларининг бир қисми Туркистон ҳудудидан четга қочиб яширинди, қолган қисми эса, аста-секин советлар ишида қатнаша бошлади»¹.

Энди юқорида тилга олинган «давра суҳбати» иштирокчиларидан Шуҳрат Ризаев келтирган иккита ҳужжатга мурожаат қиламиз. Бу ҳужжатлардан бирида айтилишича, Тошкентнинг Эски шаҳарида 1921 йили Садрриддинхон Маҳзум, Ориф Каримий, Юсуфбек Қурбонбоев ва бошқа қатор зиёлилар «ватанпарвар, хаёлпараст оқ зиёлилар» деган ёрлик билан суд қилинади. Уларнинг ягона тилаги Туркистонни мустақил куриш эди. Мана шундай шароитда зиёлиларнинг норозиликлари кучаймаслиги, ўз қарашлари учун ҳақли муҳофазатга ўтмасликлари мумкин эмас эди. Туркистон Компартиясининг раҳнамолари эса бу муҳофазани ҳужум деб тушунадилар. 1926 йил январда «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 8, 10-сонларида Раҳим Иноғомовнинг «Зиёлилар тўғрисида» номли мақоласи эълон қилинади. Мақоланинг бош концепцияси шу эдики, «Октябрь ўзгариши ўзбек халқи учун қутилмаган бир воқеа эди. Ва унга ўзбек меҳнаткашлари ҳозирлик кўрмаган эдилар. Чунки ўзбеклар орасида ўзгаришга

¹ РГАСПИ, 5-фонд, 1-руйхат, 1100-иш.

ҳали замин ҳозирланмаган эди. Ўзбеклар орасидаги Октябргача бўлган ҳаракатнинг энг кучли тури ёлғиз русларга ва рус истибдод ҳукуматига қарши бўлиб, мустақилликка интилиш эди. Бу Октябргача бўлган интилишда тарихий йўлни зиёлилар ўйнаган»¹.

Р.Иноғомов мақолада жадид зиёлиларининг инқилобгача бўлган фаолиятини ҳолисона баҳолайди, уларнинг кейинги даврларда совет ҳукуматига нисбатан тўғри муносабатда бўлганликларини эътироф этади. Шунингдек, у партиянинг навбатдаги вазифаси жадид зиёлиларидаги миллатчилик кайфиятини фош қилиш, айтиш вақтида улар орасидаги хайрихоҳларни ҳамкорликка жалб этишдан иборатлигини таъкидлайди.

Аммо бу мулоҳазалар коммунист зиёлилар ўртасида фавқулодда кескин эътирозлар келтириб чиқаради. 1926 йилнинг ўзида 15 дан зиёд мақола босилиб, уларда кескин фикрлар билдирилади. Охири бориб, бу мунозара ёт қарашларни қоралашга, ғоявий қатағонга, мафкуравий унсурларни фош этиш кампаниясига айланиб кетади.

Юқорида кўрганимиздек, қатор илмий мақола ва китобларда жадидлар 1916 йилги халқ кўзғолонига салбий муносабатда бўлганлар, шу боис улар чор ҳукуматининг мардикорликка олиш сиёсатини қўллаб-қувватлаб чиққанлар, деган фикр баён этилган. Аммо бир талай ҳужжатлар, маълумотлар аслида бундай бўлмаганидан гувоҳлик бериб туради. Шу ўринда пешқадам жадидлардан бири Убайдулла Асадуллаҳўжаев (Убайдулла Хўжаев)нинг Андижондаги фаолиятига оид айрим фактларни келтириш мақсадга мувофиқ.

1916 йил июлида Андижон жамоатчилиги номидан Убайдулла Хўжаев, миллионер бой Миркомил Мирмўминбоев (ҳомийлигида) ва эсер Вадим Чайкинлар Петербургга боради. Улар IV Давлат Думасида Туркистонда рўй берган воқеаларни изоҳлаб бериб, Андижонга Дума аъзоларининг келиши масаласини кўяди. Давлат Думаси аъзоларидан Раевский, Виноградов ва Қ.Б.Тевкелев Олий Бош Кўмондонлик қароргоҳига — ҳарбий министрга телеграмма йўллаб, унда Туркистон ўлкаси рус аҳолиси ҳарбий мажбуриятдан озод этилгани ҳолда маҳаллий аҳолидан мардикор олишга шоши-

¹ «Ўзбек тили ва адабиёти». Тошкент, 1990 йил, 4-сон.

лиш ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий жиҳатдан хатарли эканлигини айтади. Шунга мувофиқ Николай II Туркистонда мардикорликка олиш муддатини 1916 йил 15 сентябргача кечиктириш ҳақида фармон беради. Ҳарбий фронт қумондони А.Н.Куропаткин Тошкентга Туркистон генерал-губернатори қилиб жунатилади. У билан бирга IV Давлат Думаси аъзолари А.Ф.Керенский, Қ.Б.Тевкелевлар ҳам бирга келишади. Улар улка бўйлаб биргаликда сафар қилиб, маҳаллий аҳолини тинчителиш чораларини кура бошлашади.

«Туркестанский голос» газетасининг хабар беришича, 25 август куни Керенский ва Тевкелев Андижондаги Жоме масжиди ҳовлисида бadoҳатан уюштирилган мусулмонлар йиғилишида июль кунларида шаҳарда бўлиб ўтган ва мусибатли оқибатларга олиб келган воқеаларнинг юзага келиш сабаблари ҳақида гап боради ва мардикор олиш воқеаларига баҳо берилади. Қ.Б.Тевкелев яқунловчи нутқда сўнгги воқеалар тўғрисида гап келган масалаларнинг ҳал қилинишини маҳаллий аҳоли сабр-тоқат билан, осойишталик билан кутиб туришларини маслаҳат беради. А.Ф.Керенский Туркистонда ҳам, Россияда ҳам маҳаллий аҳоли тақдирига бефарқ қарамайдиган рус кишилари борлиги, улар ерли аҳолини оломон деб, уларга нисбатан ҳурматсизлик билан муносабатда бўлиши мумкин, деган гапларга ишонмасликни илтимос қилади. Бундан ташқари, А.Ф.Керенский илм нурларисиз мусулмонлар оғир қисматдан қутула олмасликлари, шу боис мактаблар очиш ва ўз болаларини ўқитиш тўғрисида бош қотиришларини хоҳлаётганини изҳор этади.

«Туркестанский голос» газетаси 1916 йил 28 августда «Давлат Думаси аъзолари Андижонда икки кун бўлганларида улар ҳузурига рус, сарт ва татар жамиятларидан куплаб вакиллар ташриф буюришди. Тахминий ҳисобларга кура, шу қисқа вақт ичида депутатлар Андижондаги барча миллатлар ва турли хил жамоат вакилларида юзга яқин кишиларни сўроқ қилганлар. Бу сўроқлар қисман шикоят, арзнома, талаблар шаклида бўлиб, депутатлар котиблар ёрдамида уларни маҳаллий аҳолининг ўз оғзидан ёзиб олганлар, бу шикоятларнинг энг долзарблари Тошкент суд палатаси прокурорига хабар қилинади, мураккаб масалалар эса Давлат Думаси минбаридан, шунинг-

дек, Дума бюджет комиссиясида айтиладиган бўлди», деб хабар қилган.

Давлат Думаси аъзолари ҳамда уларни кузатиб юрувчи жадид М.Чуқаев Андижондалигида маҳаллий «тараққийпарварлар» меҳмонлардан Фарғона водийсида олий мактабни, политехника институтини очишни қатъиян талаб қилганлар. Аммо талабга ижобий жавоб олинмагач, шаҳарнинг илғор жамоатчилиги (уларнинг аксарияти «тараққийпарварлар» бўлишган) хайрия тўплаш асосида олий ўқув юртини очишга бел боғлаганлар. 19 февралда маҳаллий жамоат арбоблари, маърифий ташкилотларнинг вакиллари, жадидлар ва бошқа йўналишдаги кишиларнинг Фарғона водийсида институт очишга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтади. Йиғилиш охирида жамоа ташкилотлари ва айрим шахслар томонидан институт очиш учун тўпланган 40 000 сўмлик хайрия фонди ташкил бўлади. Бу фондга таркибида кўплаб тараққийпарварлар бўлган маърифат хаваскорлари жамияти 5 000 сўм, миллионер бой, жадид Аҳмадбек ҳожи Темурбеков 25 минг сўм ҳадя этади. Йиғилишда институт очиш масаласини амалий ҳал этиш учун жадидлар, социал-демократлар ва бошқа табақа вакилларида иборат 15 нафарлик ташкилий қўмита сайланади. Худди шундай ташкилий қўмиталар ва хайрия фондлари водийнинг Қўқон, Наманган, Уш, Скобелев (Фарғона) шаҳарларида ҳам ташкил этилади. Бунда жадидларнинг хизмати, айниқса, катта бўлган.

Давлат Думаси аъзолари билан яқиндан таниш бўлган Убайдулла Хўжаев рус тилини яхши билгани учун ўша кунларда кўплаб аризаларни рус тилига таржима қилиб турган. Унинг ўз номидан А.Н.Куропаткинга тутқазган аризасида эса қуйидагилар ёзилган эди: «Ҳозирги Андижон уезди бошлиғи Бржезицкий даврида авваллари ҳам мавжуд бўлган порахўрлик, товламачилик ва зўравонлик ниҳоятда кучайиб кетди. Қонунга айланган бу тизимнинг хусусиятлари қуйидагича: 1) аҳолидан солиқ олиш ва порахўрликка маҳаллий амалдорлар: эликбоши, мингбошилар ва ҳозирги бош оқсоқол Шермат Алимқулов каби маъмурларни жалб этиш; 2) солиқ ундириш ва пора олиш маъмурият вакиллари томонидан бевосита эмас, балки ўртадаги одамлар орқали билвосита амалга оширилади, хусусан, туман бошлигининг тилмочи Юсуфжон ҳожи Чоришев ҳамда прис-

тавлар, таржимонлар воситачилик қилишади. Бу тизим шундай усталлик ва изчиллик билан олиб бориладики, натижада аҳоли амалдорларнинг ноқонуний ишлари юзасидан ёзган шикоятларининг ҳеч қачон адолатли ҳал бўлмаслигига амин бўлади»¹.

Андижонда фаолият олиб борган жадидларнинг, масалан, Тошкент жадидларидан фарқли томони шундаки, улар «Тараққийпарварлар» жамияти (партияси) атрофида уюшган эдилар.



Андижонлик тараққийпарварлардан бир гуруҳи.

Андижонлик Мирза Аҳмад Кушбеғиевнинг ёзишига қараганда, «Тараққийпарварлар» жамиятининг бош ғояси ёш туркларга тақлид этишдан иборат бўлган. Улар халққа сиёсий ва ички эркинлик бериш, рус ва маҳаллий маъмурият зулмидан озод бўлиш сиёсатини олиб боришга интиланлар. Уларга русча ва мусулмонча маълумотга эга бўлган ёшларнинг кўпчилиги хайрихоҳ бўлиб, жадидчилик ғоялари ана шу ёшлар томонидан тарғиб қилинар эди.

Андижон уезди бошлиғи полковник Ю.А.Бржезицкийнинг 1916 йил 17 октябридаги хатида қуйидаги

¹ Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви — ЎзР МДА, 3-фонд, 1-руйхат, 31-иш, 8—9-варақлар.

шахслар «Тараққийпарварлар» жамиятининг аъзолари сифатида тилга олинади: «Акбар Урозалиев — Андижон уезди биринчи даҳаси мировой судьяси тилмочи, Тошбоев Абдуваҳоб — халқ судининг ўғли (буларнинг иккови ҳам Убайдулла Хўжаевнинг агенти бўлиб, уларнинг гуё ҳақ-ҳуқуқлари топталган маҳаллий аҳолининг ҳимоячилари сифатида кураш олиб борганлиги ҳам хатда қайд этилган — *муаллиф*), Саид Алихўжа Мусахўжаев — яширин агентура билан шуғулланади, Ботир ҳожи Холтура Хўжаев — уезд маъмурияти ва полиция амалдорлари устидан айбловчи далиллар тўпловчи, Аҳмадбек ҳожи Темурбеков — маҳаллий бой ва унинг яқини Пошшахўжа Умархўжаев — аҳоли уртасида катта обрўга эга, улар иштирокисиз маҳаллий аҳоли маъмуриятига бирон-бир сайловда мансабга бирон-бир кишини сайлаб бўлмайди. Мазкур шахсларни бирлаштирувчи А.А.Чайкин ва Убайдулла Асадуллахўжаевлар. Кейингиси ўзининг ёвуз ва ёлгон маълумотлар ёзиш учун Андижон шаҳридаги 17-сонли Иванов уйида махсус канцеляриясига эга бўлиб, бу ерда Александр Иванович Чесноковнинг ёзув иши бўйича хизматида бўлган. Бу шахслар томонидан ёзилган айбловлар бўйича, уларда кўтарилган ишлар ҳолати олдиндан текширилмагани оқибатида рус ва маҳаллий маъмуриятдаги бир қатор шахслар хизматидан четлатилганидан сўнг, мазкур кишилар очикдан-очик: *«Бизга Куропаткин ишонади, шунинг учун ким бўлмасин, қачон ва қаерда бўлмасин уни лавозимидан маҳрум қилишимиз мумкин», деб айтмоқдалар. Бу мавзуда гап очилганда, улар ҳатто генерал-губернаторнинг унвони, лавозимини қўшиб айтишни ҳам ўзларига эп кўрмасдан, шунчаки жўнгина қилиб «Куропаткин» демоқдалар.

Полиция ва уезд маъмурияти амалдорларнинг пора олаётгани, ароқ, шакар ва бошқа нарсалар сотиш ҳисобидан фойдаланаётгани тўғрисида берган айблов маълумотлари учун жазосиз қолаётганидан улар ўз айблов хатларида ўша амалдорларни қабиҳлик билан қораламоқдалар. Ҳозирги пайтда бу мансабдор кишилар маҳаллий аҳолининггина эмас, ҳатто рус аҳолисининг ҳам кўз ўнгида шу қадар бадном қилинганки, натижада улар ҳатто ўзларини ҳимоя этиш имкониятларидан ҳам маҳрумдирлар. Мазкур мавзудаги бу ҳолатни тўла, очик баён этишга хизмат этикаси нуқтаи назаридан

ожиздирман. Фақат яна шуни ҳам айтишим керакки, бир гуруҳ кишилар тарафида Давлат Думаси аъзолари Керенский ва Тевкелевлар турибдилар, улар Андижонга келган чоғда маҳаллий «Тараққийпарвар» тўгараги, яъни тенглик ёки бирлашиш ва тараққиёт жамияти халқ томонидан жўнгина «Падаркушчилар» деб аталганларнинг гирдобиди қолдилар. 1916 йил июлида рўй берган воқеаларни улар Давлат Думаси аъзоларига нотўғри таҳлил қилиб бериб, бунда маҳаллий маъмурият амалдорларини айблаб, уларни бу ерда очиқдан-очиқ «сатраплар» деб атамоқдалар. Бу депутатлар, албатта, Туркистондан олиб кетилган «ахлат»ни Думага олиб чиқишни ўз бурчлари, деб биладилар. Ҳозирда юқорида номлари кўрсатилган Чайкин ва Хужаевлар компанияси ўлкадан бадарға қилинмас ва «Туркестанский голос» газетаси ёпилмас экан, уларнинг зарарли фаолиятига қарши олиб бораётган курашимиз заифлигича қола беради»¹.

Туркистон ўлкаси соқчилар бўлими бошлиғи 1916 йил 14 октябрдаги махфий маълумотномасида Андижондаги «Туркестанский голос» газетаси таҳририяти биносида ҳар куни кечқурун газета муҳаррири Чайкин раислигида илғор йўналишдаги 20 га яқин ўзбек ёшларининг йиғини бўлмоқда ва улар ўзларига «Тараққийпарварлар» номини берган, юз бераётган воқеаларни муҳокама қилиб, шаҳар маъмуриятига қарши турли айбномалар ёзиш билан шуғулланмоқдалар, деб ёзган.

«Бу сартлар, — дейилади мазкур ҳужжатда, — Андижон шахрининг маҳаллий қисмини ўзаро бўлиб олишиб, ҳар куни уз даҳаларини айланиб чиқиб, истиқомат қилувчилардан қандай арз-шикоятлар борлигини сўраб чиқмоқдалар. Бошқача айтганда, сартларни шикоятлар ёзишга гиж-гижламоқдалар ва шу заҳотиёқ шикоятлар ёздириб, кечқурун «Туркестанский голос» редакциясига олиб бормоқдалар. Бу ерда уларнинг Чайкин ва унинг айрим ходимлари ҳамда ишончли ёрдамчиси яхудий Шапиро иштирокида йиғилиш бўлмоқда. Шапиро ҳуқуқшунос сифатида бу кенгашларда биринчи даражали роль ўйнамоқда»².

Туркистон генерал-губернатори номига йўлланган

¹ ЎЗР МДА, 1-фонд, 31-руйхат, 1144-иш, 22—24-варақлар.

² Уша архив, 20—21-варақлар.

телеграмма буйича Андижон шахрининг катта оқсоқоли ишдан олинганидан кейин Чайкиннинг обрў-эътибори кутарилиб кетади. Шундан кейин, бояги маълумотномада айтилишича, Чайкин генерал-губернаторнинг улар томонида эканлиги, шу туфайли у маъмуриятнинг ҳар қандай мансабдорини ишдан бўшатиши мумкинлигини айтмоқда.

«Маҳаллий аҳолидан деярли ҳар куни, — деб ёзди охранка бўлими бошлиғи, — «Туркестанский голос» газетаси тахририятига келиб турадиган, аҳолини шикоятлар ёзишга гиж-гижлаётган ва узларига «Тараққийпарвар» номи берганлар орасида ҳозирча қуйидагилар маълумдир:

1. Сайдулла Хужаев (Саъдулла Турсунхужаев бўлса керак — *муаллиф*), савдогар, Миркомил растасида хусусий газмол дуконига эга.

2. Олимжон ҳожи Мирза Юсупов, Асака бўлим бошқарувчисининг собиқ мирзаси, ҳозирда маълум машғулотга эга эмас.

3. Муҳаммаджон (Мамажон ҳожи — *муаллиф*) Ёқуб Саркоров, маълум машғулотга эга эмас.

4. Мирали Умарбоев, шаҳар депутати.

5. Латифжон Мадали Қозиев, Андижон шаҳар иккинчи даҳа ҳокимининг тилмочи, юқорида номи келтирилган Олимжон ҳожининг қариндоши.

6. Кучқорбой Миролимов, Мирали Умарбоевда приказчик бўлиб хизмат қилади.

7. Отахон Назарбоев, Андижон Эски шаҳарида хусусий китоб магазинига эга.

8. Мирҳайдар, Миркомил Мирмўминбоев уйининг ёнидаги газмол магазини эгаси.

Кекса сартлар бу шахслар фаолиятдан норозидирлар. Уларнинг фикрига кўра, Чайкин бу ёшларни ўз таъсирига олиб, аҳоли кўзи ўнгида полиция амалдорларини обрўсизлантириш, айрим ҳолларда нотўғри маълумотлар бериш билан шуғулланмоқда»¹.

Ўша хатдан маълум бўлишича, «Тараққийпарварлар» партиясининг аъзоси Убайдулла Хужаев Тошкент ва Андижон шаҳарларида яшаш ҳуқуқидан ман этилган ва бу ҳақда ҳам Фарғона, ҳам Сирдарё ҳарбий губернаторларига буйруқ берилган.

¹ Ўша манба, 59-варақ.

Шунингдек, хатда зикр этилган партия аъзоларининг «панисломизм» ғояларини ниқоб қилиб, амалда қўрқитиш, иғво қилиш, пора бериш орқали мансабдор кишиларни ўз томонларига оғдириб олиш ишлари билан шуғулланганликлари ҳам баён этилади.

Фарғона вилояти ҳарбий губернатори П.П.Ивановнинг «Тараққийпарварлар» партиясига дахлдор бир қатор шахсларнинг зарарли фаолияти тўғрисидаги 1917 йил 14 февраль санали 56-сонли хати Туркистон улкаси Бош бошлиғига етказилади. Бош бошлиқ шу ва бошқа хатларга фаол муносабат билдириб, полковник П.П.Ивановга 1916 йил 12 декабрдаги 58-сонли маърузадаги маълумотлар шунчалик жиддийки, у ёки бошқа шахсларни маъмурий йўл билан бадарға этишнинг ўзи кифоя қилмаслигини, бундай шахсларни имкони борича судга бериш лозимлигини таъкидлаган, 58-сонли маъруза эса прокурор назоратига берилган.

«Туркестанское слово» газетасининг 1917 йил 10 февраль сониди эълон этилган «Охранка бўлими бошлиғи ёрдамчисининг келиши» номли хабарномада куни кеча Тошкентдан Андижонга Тошкент охранка бўлими бошлиғининг ёрдамчиси келгани, унинг мақсади расмий ёзишмаларда ёш сартлар (ўзбеклар) деб аталувчи тараққийпарвар маданий-маърифий ҳаракатнинг юзага келиш сабабини текшириш бўлганлиги айтилган.

Тошкентдан келганлар шаҳарнинг миллий маъмурияти таркибидаги кўплаб шахсларни ва баъзи хусусий кишиларни тергов қилганлар. Тергов Андижон вокзал бекатидаги махсус вагонда ўтказилган. Терговда 1914 йили Андижонда Маҳмудхўжа Бехбудийнинг «Падаркуш» пьесаси ўзбек ёшлари томонидан қўйилгани, ундан тушган маблағнинг бир қисми Қизил хоч эҳтиёжи учун сарфлангани маълум бўлади. Чор маъмурларини масаланинг молиявий томони эмас, балки «падаркуш»чиларнинг ўзларини алоҳида партия (фирқа) деб билиб, ўз олдиларига маданий-маърифий вазифалардан ташқари, бошқа сиёсий вазифаларни ҳам қўйганлиги ташвишга солаётганлиги хабарномада қайд этилган.

Шундай мураккаб вазиятда яширин ташкилот аъзолари ташкилотни ва ўзларини сақлаб қолиш учун ҳар қандай чораларни кўра бошлайдилар. Ҳатто терговга

тортилган кишиларнинг аксари ўзларининг «Тараққий-парварлар» партиясига мансуб эканликларини рад этиб кўрсатма бердилар. Афтидан, партия аъзолари Андижон шаҳрида анча мартабага эришган, чор Россиясининг Туркистондаги, хусусан, Андижондаги амалдорлари ишончини қозонган, шахсан генерал-губернатор А.Н.Куропаткин билан бирга Хитойга борган Бойтурсун Ўрозалиевнинг обрусидан фойдаланмоқчи бўлганлар. Шу боис «тараққийпарварлар» унинг ўғли Акбар Ўрозалиевдан отаси орқали А.Н.Куропаткин номига арзнома билан мурожаат қилишни илтимос қилишган ва шу йўл билан ўз жонларини сақлаб қолишга уринганлар.

АНДИЖОН ТАРАҚҚИЙПАРВАРЛАРИ

Ислом Каримовнинг «Туркистон» газетаси мухбирининг саволларига берган жавобида бундай сатрлар бор: «Асримиз бошларида жадидларнинг ўз ҳисобидан мактаблар, кутубхоналар, қироатхоналар, театрлар, рўзномалар ташкил этганликларини, дарсликлар, қўлланмалар нашр қилганликларини, уларни Туркистон болаларига бепул тарқатганликларини эслайлик»¹. Бу ғоятда тўғри, одилона сўзларни ўқир эканмиз, кўз ўнгимизда кўҳна Туркистоннинг инжуси — Фарғона водийсидаги Андижон тараққийпарвар зиёлиларининг маънавият ва маърифат бобида олиб борган ва ҳар қандай таҳсинга сазовор, ибратомуз фаолияти намоён бўлади. Сизу бизнинг аجدодларимиз бўлмиш бу зиёлилар миллатни жаҳолат уйқусидан уйғотиш учун энг аввало уни саводли, дунёвий ва замонавий билимлардан баҳраманд қилиш учун изланганлар, интиланлар, ташаббус кўрсатганлар. Бу муқаддас ишга ўзларининг бутун борлигини бағишлаганлар. Уларнинг кўпчилиги кейинчалик қаттол шўролар тиғидан ҳалок бўлган.

Биз ана шу буюк инсонлар ҳақида баҳс юритишни лозим кўрдикки, шояд ҳозирги Андижон аҳли, айниқса, ёшлари ўз аجدодлари, ўтмишдошларининг Ватан, миллат тақдири, истиқлоли ва истиқболи йулидаги ибратли курашидан, ҳаётидан сабоқ ва ўрнак олсалар.

¹ Каримов Ислом. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-жилд, Тошкент, «Ўзбекистон», 1999, 295-бет.

«Ёш узбеклар», «Файрат» ва «Гап» жамиятлари

XIX аср охири — XX аср бошларида Туркистонда катта ижтимоий-сиёсий куч сифатида жадидчилик ҳаракати майдонга келди. Бу ҳаракатнинг вужудга келишида хорижий мамлакатлардаги турли хил илғор ижтимоий-сиёсий, фалсафий, диний оқимларнинг маълум даражадаги таъсири бўлса-да, аммо бу миллий уйғониш ҳаракатининг юзага келишини таъминловчи асосий омил, замин ва шароит шу ўлканинг ўзида етилиб пишган эди.

Қолоқлик ва жаҳолат, аҳолининг аянчли аҳволи, Туркистоннинг жаҳон цивилизациясидан орқада қолиб келиши, Ислом ва шариатнинг оёқ ости қилиниши ва бундай оғир фожеали ҳаётдан қутулиш, эрк ва озодликка эришиш ҳақида ўз замонасининг илғор зиёли, мунавварларида фикр-мулоҳазалар пайдо бўлди. Хуллас, жаҳолат уйқусидан уйғониш тарихий заруриятга, ривожланишнинг объектив талаб ва эҳтиёжига айланди.

Жадидчилик улкан ижтимоий ва сиёсий оқим, ҳаракат эди. Ўлкада миллатнинг дард-аламларини, унинг аянчли, фожеали оғир қисматини ўз қалби ва вужудидан ўтказиб, ўзининг бутун борлигини, ақлу заковатини, онгли ҳаётини эрк, озодлик, тараққиёт учун сафарбар этган зиёлиларнинг бутун бир янги авлоди шаклланган эди. Ана шу авлоднинг катта бир қисми Андижонда ҳам таркиб топди. Андижонда ташкил этилган «Тараққийпарварлар» партияси (фирқаси) миллий буржуазия ёрдамига таяниб ва рус демократлари билан иттифоқ тузиб, чоризм ва унинг мустамлакачилик сиёсатига қарши кураш олиб борди. «Тараққийпарварлар» фаолияти мустамлакачи маъмурлар, махфий сиёсий полиция, сўнгра Туркистон район охранка бўлими махфий ҳужжатларида маълум маънода ўз ифодасини топган.

Маҳаллий аҳоли кайфиятини ўрганиш ва тегишли чоралар кўриш учун Россия Ички ишлар вазири Туркистонга сиёсий иғволар устаси, моҳир изқувар. алоҳида жандармлар корпуси полковниги Н.А.Васильевни катта ваколатлар билан жўнатди. Бу, империянинг Туркистонга йўллаган биринчи десанти эди. Полиция департаменти Туркистонда жандарм-миршабчилик хиз-

матини йўлга қўйиш учун сиёсий изқувар Леонид Квицинский бошчилигида яна бир гуруҳ жандарм зобитларини ҳам зикр этилган десантга кумак учун юборди.

Уша 1907 йили француз армияси майори Лякостнинг 1906 йил мартдан 1907 йил мартигача Туркистон, Ҳиндистон, Эрон ва Афғонистонда бўлгани ҳақидаги ҳисоботи бундан бир неча йил аввал Парижда эълон қилинди. Бу бутун Европада катта қизиқиш уйғотди. Майор Лякост рус мустамлакасидаги сиёсий кучларга разведкачига хос зийраклик билан баҳо берган. У бир йиллик кузатуви асосида Туркистонда таъсирчан «Ёш сартлар» (Россия ҳукмдорлари Туркистон жадидларини ана шундай номлашган) партияси мавжудлиги, у ўз миллий дастурига эгаллиги ва бу партия рус мустамлака тизимига қаршилиқ курсатишга қодир эканлигини ёзган. Француз зобитининг «Ёш сартлар» номи остида жадидларни назарда тутгани мустамлакачиларга аён эди. Шу боис Бош штаб, Туркистон ҳарбий округи штаби разведка бўлими жадидларга бўлган эътиборини янада кучайтирди. Ҳаттоки, шўролар ҳокимияти урнатилган пайтда ҳам «Ёш сартлар» партияси Компартия арбоблари эътиборини узига қаратди: Москвадан келган вакил П.А.Кобозев 1918 йилда Ленин ва Свердловга йўлаган хатида «1917 йил инқилобига қадар Туркистонда «Ёш сартлар» партияси фаолиятда бўлгани, унинг аъзолари эса катта маблағ ва европача маълумотга эга эканини, ҳамма шаҳарларда бундай тўғарақлар ишлаб турган»ини ёзган.

Уша махфий «Ёш сартлар» ташкилотининг фаолларидан бири Акбар Бойтурсунович Урозалиев Москвадан Хитойга дипломатик хизмат сафарига жўнаш олдидан 1925 йил 6 июлда тўлдирган шахсий варақасидаги: «Ўтмишда қандай партияга мансуб эдингиз?» деган саволга: «1914 йилдан 1917 йилгача ёш ўзбекларнинг «Иттиҳод ва тараққий» яширин ташкилотига аъзо бўлганман»¹, деб ёзган. Фозилбек Отабек ҳам сўроқ варақасидаги: «Инқилобгача ва инқилобдан кейинги даврда қандай нашрларда ишлагансиз?» деган саволга ҳеч иккиланмай: «Инқилобга қадар ҳам инқилобчи бўлганман, инқилобий ғояларни тарқатганман», деб

¹ Шамсутдинов Р.Т. Тарихий меросимизга бир назар. Андижон, «Мерос», 1994, 19-бет.

ёзган. Туркистон район оҳранка бўлими (ТРОБ) архивда Мирза Аҳмад Кушбегиёвнинг «Тараққийпарварлар жамияти ғоялари очерки» деб номланган маълумотномасида шундай дейилган: «Тараққийпарварлар жамиятининг бош ғояси ёш турклар ҳаракатига тақлид этишдир. Уларнинг режаси халққа сиёсий ва ички эркинлик бериш, аҳоли ўртасида ўз эътиборини сиёсат ва дин заминидаги ҳаракатлар билан амалга оширишдир. Улар ўзларини халқни рус ва маҳаллий маъмурият зулмидан халос этиш сиёсатини олиб борувчилар қилиб кўрсатишга интилишади, рус тили ва русча маълумотни эгаллаган, руслар билан бир доирада юрвчи ёшларнинг кўпчилиги уларга хайрихоҳ ва уларнинг ғояларини тарқатишда яқиндан ёрдамлашади».



Убайдуллахужа
Асадуллахужаев.

Оҳранка бўлими «тараққийпарварлар»дан энг хавфлиси деб Убайдулла Хўжаев (Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев) ни билган. Махфий айғоқчи таърифича, у «рус тили ва маълумотини эгаллаган ёшлардан» эди. Убайдулла Хўжаев асли Тошкент шаҳрининг Қорёғди маҳалласида дунёга келган, рус-тузем мактабини битирган, келиштирувчи суд идорасида таржимон сифатида фаолият бошлаган. Махфий полиция раҳбари Андижонда чиққан «Туркестанский голос» газетаси ва унинг ат-

рофидаги тараққийпарварлар тўғрисида аниқ маълумотларга эга бўлган.

«Таҳририят таркиби, — деб ёзилган агентура маълумотида, — бу газета йўналишини яққол кўрсатади... Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев — Тошкент сартларидан, қонуншунос, Андижонда яшайди ва ишлайди. Газета ходими ва пайчиси. Эътиқодли панисломчи сифатида Туркистон район оҳранка бўлими томонидан 1913 йили руйхатга олинган. Уша йили Саратовдан Тошкентга қайтган Убайдулла қисман адвокатлик, асосан эса

тарғиботчилик билан шуғулланган. У «Умид» деб аталган илгор мусулмонлар гуруҳига бош булди. Унинг ҳаракатлари туфайли Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида китоб савдоси ташкил қилинди. Маҳаллий тилда сўл йўналишдаги газета нашр қилишга мўлжалланган ширкат тузилди. Газетани нашр қилиш буйича Хўжаевнинг саъй-ҳаракати бекор кетмади. 1913 йил 21 декабрда унга Тошкентда маҳаллий тилда «Садои Туркистон» номида газета чиқаришга рухсатнома берилди ...Газета 1914 йил февралдан чиқа бошлади. Худди ўша йили Тошкентда Убайдуллахўжа раҳбарлигида сахнада «Падаркуш» пьесаси қўйилди. 1914 йилдан Хўжаев Тошкент мужоҳидлари сафига қўшилиб, улкада Россия ҳукмронлигига қарши қаратилган тарғиботчилик фаолиятини махфий равишда давом эттирди. «Садои Туркистон» газетаси ёпилгандан сўнг Хўжаев Андижон шаҳрига келиб, адвокатлик қилди.

1 июлдан «Туркестанский голос» газетасида ҳамкорлик қилади. «Андижонга келган У. Хўжаев бу ердаги тараққийпарварлар ва рус журналистлари билан яқинлашиб, ҳукуматга қарши қаратилган фаолиятини давом эттирмоқда».

Тошкент, Қўқон ва Андижондаги жадид ташкилотларида ўзбек буржуазиясидан ташқари, рус савдо-саноати вакиллари, шулар қаторида инқилобий партия аъзолари ҳам борлиги ҳақида полковник Волков хабар топган эди. Волков ўз агентурасининг яна бир ахборотини ҳам диққат билан ўрганайди. Бу ахборотда Убайдулла Хўжаев бош булган Тошкент жадидларининг Андижондаги «Тараққийпарварлар» партияси билан бирлашгани ва уларнинг орасида туманбошининг тилмочлари Сулаймон Келгинбоев, Акбар ва Мадамин Урозалиевлар ҳамда Убайдулла Хўжаевнинг укаси Баширулла Хўжаевнинг муҳим роль ўйнаши кўрсатилиб, улар билан маслақдош булган рус журналисти Вадим Чайкиннинг маҳаллий ёшларни ҳокимиятга қарши уюштираётгани маълум қилинган.

Андижондаги «Ёш ўзбеклар», яъни «Тараққийпарварлар» партияси таъсири ва ёрдамида «Файрат» номи билан яна бир жадид жамияти вужудга келади. Шу ҳақда агентуранинг бир тармоғи полковник Волковга бундай ахборотни йўллаган: «Чайкиннинг фикрича, бош мақсади маҳаллий аҳоли манфаатларини ҳимоя

қилиш бўлган «Туркестанский голос» газетаси ўзининг пайларидан кўпини (25 минг сўмини) Қўқон шаҳридаги «Ғайрат» деб аталмиш маҳаллий мусулмон маърифатпарварлар жамиятига жойлаштиришга муваффақ бўлди. Бу жамият Андижон шаҳрида 1916 йил октябрь бошларида «Туркестанский голос» таҳририяти раҳбарлигида сартча матбуот органини нашр қилишга киришмоқчи. Мазкур масалани узил-кесил ҳал қилиш учун 4 октябрда «Ғайрат» жамияти аъзоларининг шошилинч мажлиси чақирилди. Мажлисида жамият уставига баъзи ўзгартишлар киритиш, пай капиталини 12 500 сўмдан 50 000 сўмга етказиш, хусусий босма-хона сотиб олиш ва мусулмонча газета чиқариш масалалари муҳокама қилинди. «Туркестанский голос» газетаси таҳририяти «Ғайрат» жамиятига ўзининг хусусий нашр органини Андижонда эмас, балки Қўқонда «Туркестанский край» газетаси («Утро Ферғаны», «Ферганская жизнь» газеталарининг давомчиси — *муаллиф*) таҳририяти раҳбарлигида чиқаришни таклиф қилди. Агар «Ғайрат» жамияти бу газета пайларининг маълум қисмини оладиган бўлса, унинг босмахонасидан фойдаланиши мумкинлиги ҳам айтилди. Бу масала ҳал бўлиши арафасида «Ғайрат» жамияти ҳозирча «Туркестанский голос» газетасининг 25 минг сўмлик пайларини сотиб олди.

«Туркестанский голос» газетасига обуна йиғиш учун Андижондан газета котиби Николай Михайлович Наринский (тахаллуси Туркестанский, Соломатин) Қўқонга жўнаб кетди. У Наманган, Скобелевда ҳам бўлиб, «Ғайрат» жамияти аъзоларидан ташқари, бошқа кўплаб обуначиларни ҳам топди».

Қўқонда 9 октябрда Обиджон Маҳмудовнинг уйида «Ғайрат» жамияти аъзоларининг иккинчи йиғилиши бўлиб, унда Қўқонда хусусий босмахона очиб, ўзбек тилида мусулмонча газета чиқариш масаласи муҳокама қилинди. «Бойлар, сартлар, — дейилади агентура маълумотларида, — бу тadbирга маблағ бериш ҳақида розилик билдиришган. Бу ишда 1914 йилда илғор йўналишдаги «Садои Фарғона» газетасини нашр қилган Обиджон Маҳмудов салмоқли таъсирга эга. У бой, мулкдор, айёр ва тadbиркор киши... Исломпарастлик ғояларига ўта берилган. У бир қанча йиғинларда Туркистон ўлкаси руслардан озод бўлиши кераклиги ҳақида гапирган».

Охранка бўлими бошлиғи полковник Волков 1916 йил 4 ноябрда Туркистон генерал-губернаторига, Фаргона вилояти губернаторига йўллаган махсус хабарида «Ғайрат» жамияти демократик ташкилот бўлиб, унинг маҳаллий аҳоли орасида қизғин фаолият кўрсатаётгани ва у билан ҳисоблашишга тўғри келаётгани, шу боис бу жамият фаолиятини охранка бўлими ўз назоратидан қочирмаётганини баён қилган.

Андижондаги «Ёш сартлар», яъни «Тараққийпарварлар» партиясининг бағрида яна бир яширин сиёсий жамият юзага келади. Атоқли адиб Комил Яшин умрининг охирларида ўзбек халқининг буюк фарзанди, юртдошимиз Чўлпоннинг «Андижонда инқилобга қадар кўрсатган ижтимоий-сиёсий фаолияти ҳақида»-ги бир материални адабиётшунос олим Озод Шарафиддиновга тақдим қилган. Бу ҳақда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» (1999 йил 25 июнь) ҳафталигида «Адабиётимизнинг жонли тарихи эди» мақола чоп этилган. Ўша тарихий ҳужжатни шарҳлаб, Комил Яшин бундай деб ёзган эди:

«Андижонда чоризмга қарши яширин сиёсий жамият — «Ғап»¹ бўлиб, унинг фаол ташкилотчиларидан бири Абдулҳамид Сулаймон (Чўлпон) экан.

Тазкирада номи шарифлари зикр этилган тараққийпарвар зотлардан бошқа бу «Ғап» деган ном билан иш кўрган жамиятга яна бир қанча зиёлилар, чунончи: менинг қариндошларим — поччаларим Муҳаммаджон ҳожи, Ҳакимжон (Маъруф Ҳакимовнинг отаси), Олимжон Ёқубов, Саркаровлар ва уларнинг биргаликда рус-тузем мактабида ўқиган кадрдон дўстлари Салоҳиддин Ашуралиев, босмачилар қўлида ҳалок бўлган Қаландар Девонабоев, олим ва драматург Иззат Султоннинг акаси Раҳматулла Султонов (Чўлпон бу киши вафот этганда унга бағишлаб марсия ёзган эди), Ўш шаҳридаги тараққийпарвар арбоблардан Мирзафозил Қосимбековлар... ҳам аъзо бўлган эканлар.

Демак, шоир Чўлпон фақат зулмга қарши шеър ёзиш билан чекланмай, оғир кишанларни, баланд дор-

¹ Чор охранкаси ва совет махфий хизмати ходимлари Ўзбекистонда кенг тарқалган «Ғап» деб аталган меҳмондорчилик қатнашчиларини чор ва совет ҳокимиятига қарши кишилар, уларнинг «Ғап»ларини эса махфий аксилинқилобий ташкилот, деб ҳисоблаганлар ва қатағон этганлар (муҳ.).

ларни, совуқ ва узоқ Сибирь азобларини ҳам писанд қилмаган мард, фидокор шоир экан».

Яшин домланинг бу мактубини ўқиб чиққан Озод Шарафиддинов ҳаяжон ила бундай ёзган эди: «Буни қарангки, Чўлпон 1914—1915 йиллардаёқ, яъни 17—18 яшарлигидан бошлаб мустабид чоризм зулмига қарши курашга қўшилган, унинг теварагида эса ўша даврдаги етук зиёлилардан бир қанчаси бўлган экан...»¹.

Хуллас, бу икки забардаст адиб ва олимнинг ёзиш-малари Андижонда ташкил топган «Гап» яширин жамияти ва унинг аъзолари фаолияти, тақдирини излаш, чуқур урганиш ва оммалаштириш вазифасини қўйди. Бу муаммо — калавадаги ипни топишда бутун турк оламида жадидчилик ҳаракати сардорларидан, катта давлат арбоби ва забардаст олим Аҳмад Закий Валидий Тўғоннинг 1913 йилда Андижонга келиб, Чўлпон хонадонида бўлиши ҳам хизмат қилса керак. Бу улуг зот ўз «Хотиралари»да шундай ёзган: «Туркистонда танишган шахслар орасида Назир Тўрақулов билан Абдулҳамид Сулаймон (Чўлпон) менга алоҳида яқин дўст бўлдилар... Кейинроқ ўзбекларнинг энг буюк шоирига айланган Чўлпон ўша вақтда 15 ёшларда бўлган бўлса керак. Менга тарих китобимни ўқиб, илҳомланганлиги ва фикрдошлик қилишимни айтиб, хат ёзди. Андижонга, уйларига таклиф қилди... Буюк ўзбек шоирининг ўзи билан ҳам, унинг меҳмондўст отаси билан ҳам танишиб олдик... Сулаймон ака билан хайрлашдик, у кишининг менга қилган совғаларини онамга олиб бордим...»².

Закий Валидийнинг гувоҳлик беришича, Чўлпон ўша пайтдаёқ «Турк юрди», «Сайра» каби туркча нашрларни кузатар экан.

Убайдулла Хўжаев топшириғи билан Тошкентдан Андижонга келган жадид муаллими Мўминжон Мухаммадҷонов Чўлпон билан яқиндан боғланган эди. У 1916 йилда Чўлпон билан биринчи бор учрашганини эслаб, бундай ёзган: «Абдулҳамид ҳар куни хусусий равишда русча ўқир, Татаристон, Озарбайжон, Ҳин-

¹ Қ а р а н г: *Озод Шарафуддинов*. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати». 1999 йил 25 июнь.

² *Аҳмад Закий Валидий*. Хотиралар. «Шарқ юлдузи», 1993 йил, 5—6-сонлари.

дистонда чиқадиган ҳамма газеталарга ва журналларга муштарий бўлиб, русча газеталарни ҳам ўқиб турар эди»¹. М.Муҳаммаджоновнинг эсдалигидаги яна бир муҳим жиҳат шуки, унинг Андижонга келишдан мақсади аввалда чиқа бошлаган, лекин тўхтаб қолган миллий нашрларни Фаргона водийсида рус тилида чиққан газета (масалан, «Туркестанский голос») ёнида тирилтириш эди.

МАЪРИФАТ УЧУН КУРАШ

Жадид мактаблари. Чор мустамлакачилик сиёсатининг табиий натижалари бўлган миллий зулм, шовинизм, маҳаллий аҳолига нисбатан нописандлик Туркистон ўлкасида шу даражага бориб етгандики, унинг даҳшатли манзараларини ҳатто совет арбобларидан бири Г.И.Сафаров ҳам эътироф этиб, бундай ёзган эди: «Барча руслар Туркистоннинг туб аҳолиси одам эмас, балки урса, таласа, зурласа мумкин бўлган иш ҳайвонларидир, деган руҳда яшаган ва тарбияланган»².

Андижон тараққийпарварлари бутун Туркистон жадидлари каби миллий, ижтимоий истибдоддан қутулиш, эркин ривожланишга эришиш фақат маърифат орқали юз беришини яхши англаганлар. Улар ишни энг аввало маърифатчиликдан бошлаб, кенг халқ оммасини саводли қилишга, жаҳолат уйқусидан уйғотишга интилиб, янги усулдаги жадид мактабларини очдилар. Самарқанд, Тошкент, Қўқонда бўлгани каби бундай мактаблар Андижонда ҳам очилди. 1899 йили биринчи бор Андижонда Шамсиддин домладан жадид мактаби очилди. Бундай мактаблар 1917 йили ўлкада 100 тага етган эди. Айни пайтда шу йилларда Андижонда «Маориф ҳаваскорлари», «Нашри маориф» жамиятлари ташкил этилди. Бу ишларда Чўлпон, Усмонхон Эшонхўжаев, Фозилбек Отабеков, Ҳусайнхон Ниёзий, Акбар Урозалиев, Санжарбек Қосимбековлар ҳам фаоллик кўрсатдилар.

1917 йили Чўлпон ташаббуси билан Эски шаҳарда

¹ Муминжон Муҳаммаджонов. Турмуш уринишлари. Тошкент, 1964, 130-бет.

² Сафаров Г.И. Колониальная революция (опыт Туркестана). Москва, 1921, 34-бет.

«Турон» кутубхонаси очилди, унинг ёнида катта бир қироатхона ишга тушди. Хорижий манбалардан бирида шу ҳақда бундай ёзилган: «Кенг маъруза зали булган бу қироатхонанинг бошқарув ҳайъатига Туркистон миллий бирлигининг Андижондаги вакили Хусайнхон Ниёзий, Усмонхон Эшонхўжа ўғли, Вали Мақсудий, Зоҳир Аълам, Фозилбек Отабек ўғли, Абдулҳай Маҳдумлар сайландилар. Қироатхона мактаб вазифасини бажарар эди. Ҳар оқшом усмонли зобитлар кундалик масалалар, маданий-сиёсий ва тарихий мавзуларда маърузалар қилардилар».

Андижонлик мардикорлар билан бирга фронт ортидан қайтиб келган турк зобитлари жадид мактабларида катта хизмат қилдилар. Усмонли турк лашкарида мингбошилиқ қилиб, чор қўшинларига асир тушган Хусайн Хуснибек Андижонда дор ул-муаллимин мактабига ва олти ойлик курсларга асос солди. Бу мактабда унинг ўзи тарихдан, Ҳилмибек жуғрофиядан, австриялик Бакир човуш ҳарбийдан, Садриддинбек эса математикадан дарс беришди. Бошланғич мактаб ўқитувчиларини тайёрлаш курсларида 17 ёшли Усмонхон Эшонхўжаев ҳам муаллимлик қилди. Уша вақтда Садриддин Айнийнинг мана бу шеъри маҳаллий аҳоли орасида кенг тарқалган эди:

Мактабсизлик қилди бизни қип-яланғоч,
Мактабсизлик бизни этди талон-торож,
Мактабсизлик Турон элин ўлдирди оч,
Кўзингни оч, бу ҳўрликдан мактабга қоч.

Билим қочди қўлимиздан беш юз йилдир,
Унутмагил Улўбеклар бизнинг элдир,
Турон эли, ўзбек тили бизнинг тилдир,
Турон ўғли эканингни тезроқ билдир!

Андижон жадидлари рус демократлари билан ҳамкорликда бутун Туркистонда биронта ҳам дунёвий ўқув юрти йўқлигини эътиборга олиб, юқорида айтиб утилганидек, Фарғона водийсида олий ўқув юртини очиш масаласини Андижонга 1916 йил августидан келган Давлат Думаси аъзолари А.Ф.Керенский бошлиқ вакиллар олдига қўядилар. Шунда А.Ф.Керенский бу масалани Давлат Думасида кўриб чиқишга ваъда қилади. Аммо 1917 йил 18 февралда шаҳар зиёлилари, жамоат арбоб-

лари, маърифий ташкилотлар вакилларининг замонавий олий ўқув юртини очишга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтади. Кечқурун соат 7.30 да бошланган мажлис тунги 3 гача давом этади ва сузга чиққан нотиклар водийда олий техника институтини очиш зарурлигини асослаб берадилар. Кеч соат 11 га бориб, жамоат ташкилотлари ва айрим шахслардан институт очиш учун 40 000 сўмлик хайрия фонди ташкил бўлади. Олий ўқув юртини очиш ғояси водийнинг барча шаҳарларида катта мамнуният билан кутиб олиниб, 15 нафарлик ташкилий қўмита энг шимариб ишга киришади.

Миллий театр. Жадидлар халқни маърифатли қилиш, оқу қорани танитиш, уни илғор ғоялар асосида тарбиялаш мақсадида Туркистонда биринчи бор миллий театрни ташкил қилдилар. Убайдулла Хужаев, Мунаввар қори, Абдулла Авлоний, Тошпулатбек Норбутабеков ва бошқалар ташаббуси билан «Турон» жамияти тузилди. Унинг шўъбаси Андижонда ҳам ташкил бўлди.

Жамиятнинг низомида шундай ёзилган эди: «Халқ орасида жадидий ва сахна ишига ҳамда хайрияга муҳаббат уйғотиш, халқ учун спектакль кўйиб, соғлом томоша кўрсатиш, Туркистон улкаси ҳудудида яшовчи муҳтож мусулмонларга моддий ёрдам бериб, маънавий ва моддий жиҳатини яхшилаш»¹.

1913 йилнинг июнь-июль ойларида «Турон» труппаси ўзининг норасмий спектаклини кўрсатди. 1914 йил 27 февралда Тошкентдаги Колизей театри биносида ўзбек миллий театрининг биринчи мавсуми расмий равишда очилиб, Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг «Падаркуш» пьесаси катта муваффақият билан намойиш этилди. Пьеса миллий ўзликни англашда муҳим аҳамият касб этди. Тошкент труппаси бутун Фарғона водийсини айланиб чиқиб, ҳар бир шаҳарда театр томошасини кўрсатди. «Бу вақтларда, — деб ёзган эди Абдулла Авлоний, — бизнинг мақсадимиз зоҳирда театру булса ҳам, ботинда Туркистон ёшларини сиёсий жиҳатдан бирлаштирув ва инқилобга ҳозирлов эди»².

¹ Шамсутдинов Рустамбек. Истиқлол йулида шаҳид кетганлар. Тошкент, «Шарқ», 2001, 352-бет.

² Авлоний Абдулла. Бугунги ўзбек вақтли матбуотнинг тарихи. «Туркистон», 1924 йил, 24 июнь.

«Падаркуш» пьесаси Андижон жадидлари томонидан ҳам сахнага қўйилди. Бундан Акбар Урозалиевнинг 1917 йил 24 февралда Туркистон генерал-губернатори А.Н.Куропаткинга йўллаган аризасидаги қўйидаги сўзлар далолат бериб турибди: «1914 йилнинг 6 июнида Андижон шаҳрида маҳаллий ҳаваскор сарт ёшлари томонидан кўнгилни ҳуш этувчи кеча ташкил қилинди, унда сарт тилида Маҳмудхўжа Бехбудий ёзган «Падаркуш» номли пьеса ҳам қўйилганди. Пьеса, ўз мазмунига кўра, чуқур ибратли эди. Ҳозирги замон сартлари жамиятнинг маънавий тушқунлигини очиб берадилар. Шу кечада тупланган маблағнинг бир қисми Андижондаги эрлар прогимназияси, қолган қисми эса бошқа кўнгилочар муассасалар фойдасига сарфланди»¹.

Таниқли адабиётшунос Шухрат Ризаевнинг «Жадид драмаси» китобида шу ҳақда мана бундай сатрлар бор: «1914 йилнинг 6 июнида Андижоннинг «Люкс» театрида ҳам «Падаркуш» фожеаси ўйналди. Бу спектакль ташаббускорлари Андижоннинг ўз кўнгилли ёшлари бўлиб, улар орасида Эшонхон Маҳдум, Мулла Эргаш ҳожи, Зиёиддин каби кишилар бор эди. Бу труппа яна ўша озарбайжонлик актёр ва режиссёр Алиасқар Асқаров етакчилигида тузилиб, фаолият кўрсатди. Унинг «Падаркуш» спектаклидан тушган маблағи, «Садои Туркистон» жаридасининг 20-сонида ёзилишича, 1500 сўмни ташкил этиб, шундан бир қисми Андижонда қурилаётган «қизлар гимназияси»га берилган, қолган қисми эса бошқа хайрли ишларга сарфлаш мақсадида банкка қўйилган. Хабарда бошқа тафсилотлар келтирилмайди. Лекин тушган маблағнинг миқдорига қараганда, спектаклга жуда кўп томошабин қатнашган»².

Мустамлакачи ҳукмдорлар «Падаркуш» пьесасининг қўйилишидан ваҳимаю саросимага тушдилар. Шу боис улар «Падаркуш» пьесасини қўйганларни «падаркушчилар» деб аташди. Жадидларни шундай номлаш жоҳил уламолар ва бидъатчи унсурлар орасида ҳам расм бўлиб кетди. Туркистон тумани охранка бўлими агентураси «падаркушчилар» изидан тушиб, уларни чоризмга қарши кураш олиб бораётган яширин жамият аъзо-

¹ ЎЗР МДА, 1-фонд, 31-руйхат, 114-иш, 71—72-варақлар.

² Ризаев Ш. Жадид драмаси. Тошкент, «Шарқ», 1997, 88—89-бетлар.

лари, деб билди. 1917 йил январида Андижонга Тошкентдан оҳранка бўлими бошлиғи бир гуруҳ терговчилар билан келиб, вокзал бекатидаги махсус вагонда шубҳа қилинган ўнлаб одамларни тергов қилди. Тергов натижалари беиз қолмади. Айрим тараққий-парварлар жазоланди, лавозимларидан бўшатилади. Шундайлардан бири ака-ука Акбар ва Мадамин Ўрозалиевлар эди. Улар Андижон уезди келишти-рувчи судида тилмочлик қилардилар. 1917 йил 6 январда Скобелев округ суди махфий полиция тақдим



Акбар Ўрозалиев.

этган «айблов»лар асосида фармойиш билан бу ака-укани ўз вазифаларидан бўшатади. Акбар Ўрозалиев 6 февралда Туркистон генерал-губернатори А.Н.Куропаткинга ариза билан мурожаат қилиб, масалани одилона текширишни талаб қилади. Натижа бўлавермагач, у 24 февралда яна шикоят ёзади. Аммо бу уринишлар ҳам зое кетади.

Матбуот. Жадидлар миллий уйғониш даврига хос ва мос миллий матбуотни ҳам оёққа турғиздилар. Биринчи бор ўзбек тилида «Тараққий», «Шухрат», «Хуршид», «Садои Туркистон» газеталари чиқа бошлади.

Фарғона водийсида 1914 йилдан бошлаб жадид Обиджон Маҳмудов муҳаррирлигида «Садои Фарғона» газетаси чиқиб турди. Унинг саҳифаларида водийда кечаётган ижтимоий-сиёсий, маънавий-мафкуравий ҳаёт ўз аксини топиб борди. Шу вақтда Андижонда газета чиқариш имкони бўлмади. Андижон тараққий-парварлари Тошкент, Қўқонда чиқаётган газеталарда ҳамкорлик қилиб турдилар. Бу борада Чулпон ижодини мисол сифатида кўрсатиш мумкин. Унинг матбуот юзини кўрган илк шеър, ҳикоялари «Садои Туркистон», «Садои Фарғона» газеталарида эълон қилинган. «Туркистонлик қардошларимизга» номли шеъри «Садои

Туркистон» газетасининг 1914 йил 3-сонида чоп этилди. «Қурбони жаҳолат», «Доктор Муҳаммадиёр» номли ҳикоялари ва қатор мақолалари эса «Садои Фарғона» саҳифаларида чоп этилган. Чўлпон бу газетанинг Андижондаги обуначи ва эълон қабул қиладиган вакили ҳам эди. Обиджон Маҳмудов, Ашурали Зоҳирий раҳбар бўлган «Садои Фарғона»да андижонлик тараққий-парварлар, айниқса, фаол иштирок этдилар. Турмушдаги хилма-хил камчилик ва нуқсонларни фош этиш орқали маҳаллий аҳоли миллий онгининг ўсишига хизмат қилувчи хат ва хабарлар ҳам мазкур газетадан мунтазам равишда ўрин олиб турди.

Газетанинг 1914 йил 2 июль сонида чоп этилган «Андижонда овмалик» номли мақолада жамият ҳаётидаги айрим ярамас иллатлар мардона фош қилиб ташланди. «Андижонда, — дейилган эди уша мақолада, — Оллоқулибек қасрида ҳар кун ва кечалари 500 нафардан бир минг нафаргача одамлар, ҳаттоки мадрасадаги муллабаччалар жам бўлишиб, чой ичиб утирар эканлар. 7 июнда мазкур мавзедан ўтиб эрдимки, мазкур саройга кўзим тушди, бир неча нафар ўрислар кўринди, ичкари кириб қарасам, 4 нафар ўрис старшийлари хотинлари билан ва бошқа одамлар жам бўлишиб, 4 нафар баччани ўйинга солиб турибдур. Баъзи одамлар (жувонлар) баччаларга ...сўмлик, ...сўмлик қоғозларни ёпиштириб туриб эканлар. Ажабо! Андижон қози ва уламолари театрни ҳаром деб, бул тариқа маълум ва машҳур жойда бўлиб турган баччабозликни нимага кўзлари кўрмас экан?

Ва на учун амри-маъруф қилмас эканлар?»

Газетанинг 1915 йил 2 январь сонида босилган «Нафсоният қаҳрамони» сарлавҳали мақолада Андижонда амалга оширилаётган хайрли, ибратли ишлар ҳикоя қилинади. Унда Андижондаги машҳур Офтобачи мадрасаси биноси эски бўлиб, «талабаларни истиқомат қилмоқлариға ярамай қолинганлиги сабабли, Андижоннинг Яланғоч қўрғонлик ҳожи Муҳаммад эшон жаноблари Насибулло ўз ақчаларидан мазкур мадраса биносини ислоҳ қилиб, бурунги муддарис келтирилиб, мадрасани аввалгидек обод қилиб, талабалар ўқимоқда эканлар», деб ёзилганди.

Газетанинг 1915 йил 25 февраль сонида эса «Ана, муллаларнинг аҳволи» деган хабар эълон қилинади. Унда бундай сатрлар бор: «Андижондаги Маҳмуд дастурхон-

чи мадрасасида турғувчи бир неча нафар ахлоқи бузук, ёмон муллалар бир яхши пок муллани мадрасадан зурлик қилиб чиқарибдурлар. Бечорани гуноҳи бачча-бозликни монё қилиши экан, сунгра бечора туғри мулла жаноб инспектор турага арз қилибдур. Инспектор тура мазкур ишни ҳақиқат қилмоққа мадрасага бориб, полиция билан хужрага кириб, китоблар кўриб турилгон ҳолда бир туника яшиқда баччаларга солиб ўйнайтургон (кокил) топибдурлар. Бул ишдан кўп норизо бўлиб жаноб инспекторга юборибдурлар. Ана, муллаларнинг аҳволи». Газетанинг 1 май сонидида Ашурали Зоҳирийнинг «Туркистонда биринчи юрист» номли мақоласи чиқади. Мақолада Тошкентдан Қўқонга келиб қолган Тошпулатбек афанди Норбўтабеков ҳақида гап борган. Ўзбеклардан биринчи бўлиб дунёвий фанлар бўйича олий маълумотга эга бўлган бу зиёлининг ҳаёти ва фаолияти ўзгаларга намуна сифатида ёритилган эди.

Қўқонда чиқиб турган «Утро Ферганы», «Ферганская жизнь», «Туркестанский край» номли русча газеталарда ҳам андижонлик илғор ёшлар рус тилида хат ва хабарлар чиқариб турганлар. 1916 йил 1 июлда Андижонда биринчи бор рус тилида «Туркестанский голос» газетаси чиқа бошлагач, тараққийпарварлар бу газета теварагида мустаҳкам жипслашиб, иш олиб бордилар.

Газета муҳаррири Анастасий Афанасьевич Чайкин Андижонда ҳовли-жойли, йирик асаларичилик хўжалигига эга киши, узаро ёрдам жамиятининг раиси, шаҳар ҳарбий-саноат қўмитасининг аъзоси эди. Таҳририят ходимларидан бири Вадим Афанасьевич Чайкин (ноширининг туғишган укаси) Уфа гимназиясида ўқиган кезлари ўқувчилар уртасида сиёсий ғоялар тарғиботчиси бўлган; Курск шаҳрида социалист-инқилобчи сифатида қамоққа олиниб, 1916 йил ёзида Андижонга келган. Иккинчиси Степан Антонович Руйко бўлиб, у Харьков университетини тугатган журналист, касбий тахаллуси «Вл. Качинский»дир. У социалист-инқилобчи, максималист, унг эсер бўлган. Газетанинг фаол ходимларидан яна бири яҳудий Илья Яковлевич Шапиро эди. Мазкур газета фаоллари орасида Убайдулла Хўжаев ҳам бўлиб, кейинчалик улар даврасига Усмонхон Эшонхўжаев билан Абдуллажон Иўлдошбоев ҳам келиб қўшилганлар.

Бу газета Андижондаги рус демократлари билан маҳаллий жадидларнинг ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлари туфайли дунё юзини курган.

А.А.Чайкин билан Убайдулла Хўжаевлар газетанинг асосчилари эди. Газетанинг номига эътибор беринг. У «Туркестанский голос» деб номланган. Маълумки, 1914 йил февралда Тошкентда Убайдулла Хўжаев ташаббуси билан ва унинг муҳаррирлигида «Садои Туркистон» газетаси чиқа бошлаган эди. Газета 1915 йили ёпилгач, унинг муҳаррири Андижонга келиб, «Садои Туркистон»ни А.А.Чайкин билан бирга рус тилида «Туркестанский голос» номи билан чиқаришга муваффақ бўлган. Ўша полиция изқувари полковник Волков 1916 йил 4 ноябрда Туркистон генерал-губернатори номига йўллаган махфий хатида «Туркестанский голос» газетасининг бош мақсади улка аҳолисининг манфаатини ҳимоя қилиш ва унга хизмат қилишдан иборат бўлганини, шунинг учун бу газета бутун Фарғона аҳолиси орасида жуда ҳам оммалашиб кетганини салбий факт сифатида қайд этган.

Газетанинг жадидчиликка яқин руҳда бўлгани унинг саҳифаларида кўтарилган мавзулар, муаммолар, хат ва хабарлардан кўриниб туради. Унинг саҳифаларида 1916 йил воқеалари тафсилотига катта ўрин берилган. «Мардикорлар талаби», «Ишчи-туземецлар йўлда», «Ишчиларни жўнатишга доир», «Тузем ишчиларнинг мактублари», Андижон шаҳар ариқ оқсоқоли Рустам Тошматовнинг фронт ортидаги андижонликлардан ҳол-аҳвол сўраб келганлиги ҳақидаги ҳисобот, «Ўш эшелонини жўнатиш», «Жойлардан саломлар», «Йўлдан, бизнинг мухбиримиз Абдулла Йўлдош Қориевдан», «Ўзбек ҳарбий ишчиларининг йўлдан юборган мактублари», «Палловни соғинмоқдалар», «Ишчилар учун кетмонлар», «Оренбургдан хатлар», «Ҳарбий суд», «Ажралиб қолганлар», «Суд хабарлари», «Суд залидан», «Рузи Охун Муҳаммад Назарбоевнинг иши бўйича», «Далварзин иши» каби хабар ва мақолаларда маҳаллий аҳолининг 1916 йил воқеалари билан янада оғирлашган, мушкуллашган ҳаёти ўз ифодасини топган. Газета саҳифаларида ҳаттоки Андижоннинг эски ва янги бозорларидаги нарх-наво, улардаги фарқ ва бу фарқнинг сабаблари ҳам кўрсатиб берилган. Хуллас, газета 1917 йил Февраль инқилобига қадар олиб борган фаолиятида Туркистон, хусусан, Фарғона водийсидаги ижтимоий-сиёсий, маданий ва маиший ҳаёт манзараларини тўғри ва ҳаққоний ёритган.

МАЪРИФАТПАРВАРЛИКДАН СИЁСИЙ КУРАШГА

Жадидлар билан илғор рус демократларининг умумий душман — чоризмга қарши курашда яқиндан ҳамкорлик қилганликларини «Туркестанский голос» газетаси фаолиятдан аниқ кўриш мумкин.

Охранка бўлими бошлиғи ўринбосари подполковник Розалион-Сошальский 1916 йил 24 ноябрда Туркистон генерал-губернаторига йўллаган маърузасига қўшимча тарзда 1916 йил 14 октябрда махфий хабар ҳам йўллайди. Унда айтилишича, «Туркестанский голос» газетаси биносида ҳар куни оқшом чоғида газета муҳаррири Чайкин раислигида ўзларига «Тараққийпарварлар» номини берган 20 га яқин ўзбек ёшлари йиғилишлар ўтказишади ва уларда ҳозирги аҳвол ва бошқа масалалар муҳокама этилади.

Полковник Волков агентураси йўллаган ахборотда айтилишича, рус журналисти Вадим Чайкин атрофига уюшган Андижон тараққийпарварлари турк-рус урушида Туркиянинг Россия устидан ғалаба қозонишини ишашмоқда. Бу махфий жамиятнинг мақсади, агентуранинг фикрича, «Маҳаллий рус ҳокимиятини ерга уриб қоралаш орқали маҳаллий халқ ўртасида обрў қозонишдир». Охранканинг махфий агенти Мирза Аҳмад Қўшбегиев эса уни тўлдириб: «Агар бу жамият жазосиз қолаверса, у ҳолда даҳшатли кучга айланади. Халқ уларнинг қармоғига илиниб, жilовини уларга бериб қўяди»¹, деб тараққийпарварларни қаттиқ назорат ва таъқиб остига олишга чақиради.

Андижон уезди бошлиғи полковник Ю.А.Бржезицкий Фарғона вилояти ҳарбий губернаторига 1916 йил 13 сентябрда йўллаган хабарида: «Ҳозирда аҳоли маъмурият овозига эга эмас, балки жаноб Чайкин, Убайдулла Хўжаев, Аҳмадбек Ҳожи Темирбеков, Пошшоҳўжа Умархўжаев ва улар тудаси овозига қулоқ осмоқда. Одамлар арз-шикоятлар билан маъмурият олдига эмас, балки ўшалар ҳузурига адолат истаб боришмоқда. Маъмурлар Тошкент, Андижон ва Қўқон каби йирик маъмурий марказларда тобора кучайиб бораётган «Тараққийпарварлар» партиясидан жуда ҳайиқиб қолишди», деб ёзган.

Полковник Бржезицкий маслакдош дўсти, Фарғо-

¹ ЎЗР МДА, 3-фонд, 1-руйхат, 31-иш, 68-варақ.

на вилояти ҳарбий губернатори вазифасини бажарувчи полковник Ивановга юборган хатида бундай ёзган: «Мустамлака аҳолиси сўнги вақтда сурбетлашиб кетди. Жаноб Хўжаев ва Чайкинлар «Камбағал тузем аҳолини эзаётган маъмурият устидан» яна аризабозлик компаниясини бошламоқда. Фикримизча, зудлик билан уларнинг фаолиятига чек қўйиш керак. А.Чайкин, Убайдулла Хўжаев, укаси Баширулла Хўжаев, Аҳмадбек Темирбеков, Пошшахўжа Умархўжаевларни мардикорликка жўнатиш тугагунча ўлкадан чиқариб юбориш зарур. Шахсан ўзим кўрган-кечирганларим асосида маҳаллий аҳолига ишончимни батамом йўқотдим. Бу халқ... куприкларни ёндирди, ҳимоясиз амалдорларни ўлдирди. Бундай ёввойиларга мен энди сира ишонмайман, ўлкадаги 27 йиллик хизматимдан келиб чиқиб, шундай қатъий хулосага келдим: ёввойи аҳолига бизнинг инсонпарварлигимиз тўғри келмайди. Фақат милтиқ найзаларигина уларни мардикор беришга мажбур қилади»¹.

1898 йилги Андижон кўзғолонини бостиришда фаол қатнашган Бржезицкийнинг бу хулосаси полковник Ивановнинг ҳам қалбига яқин эди. Чунки у Жиззах кўзғолонини ваҳшиёна бостирган, жазо отрядлари қўмондони бўлган ва курсатган «жасорати» учун генераллик амалига кўтарилган полковник Иванов ўша вақтда машҳур бўлиб кетган «Бир рус солдатининг пошнаси мингта тузем аблаҳдан афзал», деган иборанинг «ижодкор»и эди.

Шовинист Иванов жадидларни, айниқса, Убайдулла Хўжаевни ўлгудек ёмон кўрарди. У бор воситаларни ишга солиб, тараққийпарварлар устидан жиноий иш кўзгади. Шахсан ўзи кузатув ишларини олиб борди. 162 варақни ташкил этган маълумотномасида тараққийпарварларнинг рус инқилобчилари билан ҳамкорлиги хунук оқибатларга олиб келиши ҳақидаги далилларни қайд этиб, ўлка ҳукмдори Куропаткинни кўрқитмоқчи бўлди. «Хўжаев ўз таъсирини кучайтириш учун, — деб ёзган эди Иванов, — Андижондаги Келгинбоев тўдаси билан битим тузиб келиб, тайёр ташкилотга бош бўлиб олди. Келгинбоевнинг Хўжаев билан иттифоқига «Туркестанский голос» газетаси муҳаррири фахрий фуқаро А.А.Чайкиннинг укаси Вадим Чайкин ва ходими яҳудий

¹ ЎзР МДА, 3-фонд, 1-руйхат, 31-иш, 12-варақ.

Илья Яковлевич Шапиро билан астойдил киришган ва у билан тил бириктирган»¹.

Полковник Иванов шахсан ўзи ва маслакдошлари номидан Убайдулла Хўжаев ва унинг сафдошларини дарҳол ҳибсга олиш ва Туркистон улкасидан чиқариб юборишни генерал-губернатордан қатъий талаб қилган. Куропаткин эса уста сиёсатчи сифатида Сирдарё вилояти губернаторидан бу ҳақда фикр сўрайди. У эса ўзининг 1916 йил 5 ноябрда Куропаткинга йўллаган ахборотида У.Хўжаевнинг «зарарли фаолияти»га оид ҳеч қандай асослар йўқлигини ёзади. Аммо, охири генерал-губернатор маҳкамаси, махсус бўлим, сиёсий разведка — Туркистон тумани охранка бўлими ҳужжатларида кўрсатилишича, Туркистоннинг ҳарбий-сиёсий доиралари «Тараққийпарварлар» партиясининг аҳолига кўрсатаётган таъсиридан хавфсираб, унинг фаолиятини тўхтатишга қарор қилинади.

1917 йил 31 январда Охранка бўлими бошлиғи уринбосари подполковник Розалион-Сошальский Фарғонага келиб, ҳарбий губернатор маҳкамасидаги ҳужжатлар билан танишди. Тез орада «ўзига Тараққийпарварлар номини қўйган Андижондаги уюшма фаолияти ҳақида» жиноий иш қўзғатилди. Худди шу вақтда ўзбек тилида тарқатилган инқилобий варақалар чор маъмурларини ғоят ташвишга солди. Бу варақаларни ёзишда ва тарқатишда 50 дан ортиқ тараққийпарварлар гумон қилинди.

«Тараққийпарварлар»нинг аста-секин инқилобий ҳаракатга қўшилиб кетаётганликлари энди равшан бўлиб қолган эди. Охранка бўлими бошлиғи полковник М.Волков 1917 йилнинг февраль ойида генерал-губернатор Куропаткинга «Тараққийпарварлар» партиясининг иши бўйича ишга киришганини ва уринбосари подполковник Розалион-Сошальскийни 7 февралда Андижонга юборганини айтади. Шу билан бирга Убайдулла Хўжаев ва бошқа партия аъзоларини жиноий фаолиятда айблаб, улкадан сургун қилиш ҳақидаги Куропаткиннинг буйруғи ижро учун қабул қилинганини маълум қилади.

Куропаткин ўта шовинист генераллар ва зобитларнинг сиқувига дош беролмай, мардикорликка сафарбарликни уюштиришда адолатли иш кўрган жадидлар-

¹ Ўша архив, 67-варақ.

ни судга берди. Аммо Туркистон улкаси тарихида кутилмаган воқеа юз берди. Тошкент округ суди ўз касбдоши, ишончли вакил — адвокат Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев (Убайдулла Хўжаев) ва унинг сафдошлари устидан қўзғатилган жиноий иш ва чиқарилган ҳукми бекор қилди. Бунинг устига, Петроградда «Тараққийпарварлар» партиясига хайрихоҳ Давлат Думасининг мусулмон фракцияси аъзолари (жумладан, Мустафо Чўқаев, Тевкелев) Ички ишлар вазирлигидан бу иш учун махсус тушунтириш беришни талаб қилдилар.

1916 ЙИЛ ҚЎЗҒОЛНИ ВА ТАРАҚҚИЙПАРВАРЛАР

Россия таркибида яшаётган ғайрирус халқларидан биронтаси ҳам Туркистон халқидек 1916 йилда миллий-озодлик қўзғолонини кўтара олмади. Туркистонликлар «Мардикорлар қўзғолони»ни кўтариб, чор Россияси учун янги бир фронтни очиб бердилар. Жаҳон урушида қатнашаётган Россия ҳарбий куч-қудратининг бир қисмини ғарбий фронтлардан олиб, Туркистондаги озодлик курашини бостиришга сафарбар қилишга мажбур бўлди. Озодлик кураши туркистонликлар учун мислсиз даражада қимматга тушди: катта қурбонлар бўлди, Урта Осиё аҳолиси 1 миллиондан зиёд кишидан жудо бўлди. Шундан 673 минг киши ўлдирилди, 300 минг киши хорижга чиқиб кетди, 1 миллион кишининг мол-мулки талон-торож қилинди, отларнинг 50 фоизи, сигирларнинг 39 фоизи, туяларнинг 55 фоизи, қўй ва эчкиларнинг эса 50 фоизи фронт учун тортиб олинди ва йўқ қилинди.

Бутун чор Россиясини гангитган уртаосиёликларнинг 1916 йил қўзғолонида миллий буржуазия ва унинг мафкурачилари бўлмиш жадидлар иштирок этганларми ёки йўқми, улар қайси томонда турганлар, деган саволларга совет даврида жадидлар ҳам, миллий буржуазия ҳам чор Россияси тарафида турганлар, деган жавоб бериб келинди. 20-йилларда бошланиб кетган жадидларни танқид қилиш кампанияси 30-йиллар қатағонига уланиб кетди. 30-йиллардан бошлаб 80-йилларнинг охирларига қадар собиқ Иттифоқда жадидчилик буржуа миллатчилигининг синонимига айланиб келди. 1916 йил қўзғолони тарихини тадқиқ этган олимларнинг айримлари бу қўзғолонда «жадидлар хоинлиги»ни алоҳида сарлавҳа остида кўрсатишгача бориб етдилар.

Аслида эса бундай қарашлар мутлақо нотўғридир. Аксинча, жадидлар ҳам, миллий буржуазия ҳам бу кўзғолонда фаол қатнашганлар, ҳаттоки айрим масалаларда етакчилик қилганлар. Буни биргина Андижон тараққийпарварлари фаолиятида ҳам яққол куриш мумкин.

Ўзбек миллий буржуазиясининг таниқли вакили Миркомилбой Мирмўминбоевнинг Кўқон ва Марғилон шаҳарлари мингбошилари халқни кўзғолонга даъват этиш ҳақида ёзган хатида бундай сатрлар бор: «Шаҳрингиздаги аҳоли ва бойларга мардикорликка қарши чиқишларини айтинг. Россиянинг аҳоли жуда танг, шунинг учун ҳеч нарсадан кўрқманглар. Ҳаммангиз бир ёқадан бош чиқариб иш юритсангизлар, мардикор олинишига қарши кўзғолон кутарилиши осон. Ҳозирги вазиятда ҳукумат амалдорларига пул бўлса, ҳамма ишни битирадилар. Мана, менинг халойиқни кўзғолонга ундаш ҳаракатим билиниб, текширув утказилганда 150 минг сўм бериб, ўзимни сақлаб қолдим. Шу боис сизлар ҳам хавотирланмай ҳаракат қилаверинглар»¹.

Николай II 1916 йил 25 июнда имзо чеккан «Империёдаги рус булмаган эркак аҳолини ҳаракатдаги армия районида мудофаа иншоотлари ва ҳарбий алоқа йуллари куриш учун олиб бориладиган ишларга, шунингдек, давлат мудофааси учун зарур бўлган бошқа ҳар қандай ишларга жалб қилиш ҳақида»ги фармони-нинг эълон қилиниши Туркистон халқини кўзғолон кутаришга мажбур этди.

Энди жадид Убайдулла Хужаевнинг Андижонга келган Давлат Думаси аъзоларига кўзғолонни юзага келтирган сабаблар ҳақида айтган мана бу сўзларига эътибор беринг: «Подшо фармони эълон қилинмасдан олдин Андижонда мустамлакачи маъмурлар халқни алдаб, сизларнинг уғилларингизни фронтга олмаймиз, шу боис армияни қўлаб, унга от ва бошқа керакли нарсалар билан ёрдам берсангиз, пул берсангиз бўлади, деган ва бунга ишонган аҳоли фронт учун кўпдан-кўп моддий сарф-харажатлар қилган»². У.Хужаевнинг бу фикрини Давлат Думаси минбаридан туриб 13 де-

¹ Каримов Ш., Шамсутдинов Р. Туркистон чор Русияси босқини даврида. Андижон, «Мерос», 1995, 88-бет.

² УзР МДА, 1-фонд, 31-руйхат, 1100-иш, 54—90-варақлар.

кабрда депутат Жафаров катта ачиниш билан айтган эди.

Фарғонада ун йилдан бери губернаторлик қилиб келаётган генерал-лейтенант Александр Гиппиус подшо фармонининг бемавридлигини пайқаб, уни ниҳоятда тинч йул билан бажаришга уринди. У «Фарғона вилоятининг ведомости»да подшо фармони билан баравар узининг аҳолига мурожаатномасини ҳам эълон қилди. Бу мурожаатнома ўзбек тилида араб имлосида берилди. Унда губернатор мардикорларнинг давлат томонидан тула-туқис таъминланишини, одамларнинг узлари ўрнига бошқа одамни ёллаб юборишлари мумкинлигини ҳам айтган. А.Гиппиус айни пайтда Тошкентга йуллаган хатида қуйидагиларни илтимос қилган:

1) темир йулни қуриқлаш учун минг нафар аскар ва рус посёлкаларини ҳимоя қилиш учун ҳар эҳтимолга қарши бир дружина юбориш;

2) жабҳа приставлари ихтиёрига 600 нафар казакни жунатиш;

3) вилоятни ҳарбий ҳолатда, деб эълон қилиш;

4) ҳарбий губернаторга бош қўмондон ҳуқуқини бериш¹.

Аммо подшо фармони эълон қилиниши билан аҳоли ўртасида қонли воқеалар юзага келди. 10 июлга келиб Эски Марғилон, Қўқон, Наманган, Андижон, Чуст ва бошқа жойларда катта ғалаёнлар руй берди. Сафарбарликка қарши ошкора талаблар билан чиқишлар бўлди. Гиппиус жойлардаги ғалаёнлар ҳақидаги хабарларга асосланиб, генерал-губернаторга «Халқ ғалаёни нима сабабдан келиб чиқишидан қатъи назар, у уз тараққиёти давомида диний ва сиёсий заминга кучиши мумкин», деб уни огоҳлантиради. У 17 июлда руза ойининг тугаши ва 18 июлда уч кунлик ҳайитнинг бошланишини эслатиб, шу кунларнинг «туполон чиқиши учун жуда қулай»лигини уқтирган. Гиппиус ҳатто подшо фармонини Фарғонада амалга ошириш иложсиз эканини ҳам ёзишга журъат этган. У маҳаллий шартшароитдан келиб чиқиб, подшо фармонига «ўзи билганича тузатиш ва чекинишлар киритажагини, бундан

¹ Ўзбекистоннинг янги тарихи. 1-китоб. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида (Ҳ.Содиқов, Р.Шамсутдинов, П.Равшанов, Қ.Усмонов). Тошкент, «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни Бош таҳририяти, 2000, 417—418-бетлар.

мақсад катта тартибсизликларга йўл қўймасликдир», деган мазмундаги телеграммани Тошкент ва Петербургда, Бош штабга юборган.

Тажрибали сиёсатчи ва тадбиркор генерал ён босишлар, қисман чекинишлар ва ҳатто Қуръони Каримни ҳам ишлатиш билан қўзғолонни чиқармасликка уринган. У катта оломоннинг кўз унгида бошига салла ўраб, елкасига тўн ташлаб, Қуръондан суралар уқиган, ҳатто охириги чорани қўллаб, 27 июлда подшо фармони ижросини тўхтатиб туриш ҳақида курсатма бериб, катта жасорат ҳам кўрсатган. Губернатор ўзининг бу ўта қалтис ишини асослаб, агар зўравонлик ишлатилса, «исёнга доим мойил» ва «ҳамиша газовот руҳи анқиб турадиган» Фарғонада аҳолининг бир қисми тоғларга чиқиб кетишга, иккинчи қисми қароқчилар тўдасига қўшилиб кетишга, қолган қисми эса диний ва сиёсий шиорлар остида ошкора исён кутаришгача боришини айтган. У Олий қўмондонликка Туркистон рус давлатининг қудрат манбаи бўлиб қолиши учун шундай қилингани маъқул, деб ёзган.

Аммо Марказ унинг далилларини қабул қилмайди, аксинча, уни фармонни бузишда ва мусулмонларга ён босишда айблаб, вазифасидан бўшатади. Унинг ўрнига учига чиққан шовинист, калтафаҳм полковник П. Иванов тайинланади. У зудлик билан фармонни бажариш ҳамда очикдан-очик ҳарбий жазолар қўллашга киришади.

Фарғона водийси ўт ичида қолади. Шаҳар-қишлоқларда жазо отрядлари билан «маҳаллий оломон» ўрта-сида қуролли тўқнашувлар юз бера бошлади. Бундай мудҳиш воқеа Андижонда 9 июль куни рўй бериб, маҳаллий аҳолидан 3 киши ўлди, 8 киши ярадор бўлади. Қўзғолон бошлиқларидан 22 киши ушланиб, тергов органига топширилади.

Андижон жамоатчилиги номидан Убайдулла Хужаев, миллий бойлардан Миркомил Мирмўминбоев, рус демократларидан Вадим Чайкин Петербургда бориб, Давлат Думасига Туркистондаги фожеалар ҳақида ёзма маълумотнома бериб, масалани пухта ўрганиб чиқиш ва тегишли чоралар кўришни талаб қилади. Хуллас, Николай II Давлат Думаси аъзолари талабини ҳисобга олиб, ўлкадан мардикорликка одам олиш муддатини 1916 йил 15 сентябргача кечиктириш ҳақида фармон чиқаради. Фарбий фронт қўмондони А.Н.Куропаткин-

ни эса Туркистон генерал-губернатори этиб Тошкентга жўнатади.

А.Н.Куропаткин Тошкентга келгач, қўзғолоннинг келиб чиқишига сабабчи бўлган амалдорларни жазолаш, одамларнинг шикоятларини диққат билан тинглашга ваъда беради, ўзи билан бирга келган IV Давлат Думаси аъзолари Керенский ва Тевкелев билан ўлкани айланишга чиқади. Сафар давомида унинг номига кўплаб ариза ва шикоятлар тушади. Убайдулла Хўжаев рус тилини яхши билгани учун бу аризаларни таржима қилиб, ўлка ҳукмдорини ҳам, Давлат Думаси аъзоларини ҳам водийдаги ҳақиқий аҳвол билан тиништиради.

У. Хўжаев мустамлакачиларнинг жойлардаги зўравонлиги, порахўрлиги ва ўзбошимчалиги ҳақида кўплаб материал йиғиб, уларни генерал-губернаторга, Давлат Думаси вакилларига тақдим қилди. Куропаткин рад этиб бўлмайдиган далиллар олдида ўзини адолатпарвар ҳоким қилиб кўрсатиш учун Андижон шаҳар бош оқсоқоли Шермат Алимқулов ва унинг рус ҳомийлари бўлган амалдорларни лавозимларидан четлаштирди. 1865 йилда рус босқинчиларига қарши мардона жанг қилиб ҳалок бўлган саркарда Алимқулнинг ўғли Шермат мирза отасидан фарқли равишда мустамлакачиларнинг содиқ малайига айланган эди. Одамларга беҳад зулм ўтказиб,



Саъдуллахўжа Турсунхўжаев.

мутлақ ҳоким бўлиб олган Шерматнинг лавозимидан четлаштирилиши катта шов-шувга сабаб бўлади. Аслида Куропаткин бир кесак билан икки қуённи урган эди. У гўё маҳаллий миллат вакилларининг фикрини инобатга олиб, фуқаропарвар эканлигини кўз-кўз қилган бўлса, айти пайтда халқ оммасининг газаб ва нафратига учраган рус амалдорларини ишдан олиб, рус демократларининг ҳам ишончини қозонмоқчи бўлган.

1916 йил воқеаларидан кейин кўп ўтмай, 1917 йил Февраль инқилоби содир

бўлди. 300 йил умр кўрган икки бошли бургут рамзли Романовлар салтанати қулади. Бу хабар Тошкентга 2 март куни етиб келди. Аммо бу сирни ҳеч кимга билдирмасликка уриндилар. Бироқ Николай II нинг тахтдан воз кечганлиги ҳақидаги хабар аллақачон кўчиртирилиб, тарқалган эди. Бу қувончли хабарни Андижон аҳолисига 26 ёшли тараққийпарвар Саъдуллаҳужа Турсунҳўжаев Жоме масжиди олдидаги майдонда эълон қилди. Халқ бу хабарни шоду хуррамлик билан қарши олди. Чор ҳукуматини гангитган Андижон тараққийпарварларининг истиқлол учун, мустақил, миллий демократик давлатга эришиш учун курашларида янги давр, янги босқич бошланди. 1917 йил 26—29 ноябрда Қўқонда бўлиб ўтган Ўлка мусулмонларининг фавкуллода IV қурултойи Туркистон мухториятини эълон қилди. Бу улкан тарихий воқеа жадидлар фаолиятининг натижаси эди.

Китобхонларда исм-шарифлари юқорида зикр этилган тараққийпарварларнинг кейинги тақдири қандай кечган, деган саволнинг туғилиши табиий. Улардан Сулаймон Келгинбоев, Қаландар Девонабоев, Мирзафозил Қосимбеков, Санжарбек Қосимбеков, Олимжон ҳожи Юсупов, Қўчқорбой Олимов (Қўчқор ўрис), Муҳаммаджон ва Ёқубжон Саркоровлар советларга хизмат қилганларига қарамай, ҳалок бўлдилар. Аҳмадбек ҳожи Темирбеков Қошғарга, Абдулҳай Маҳдум Афғонистонга ўтиб кетиб, жон сақлаб қолдилар. Чўлпон, Миркомилбой, Усмонхон Эшонҳўжаевлар советлар томонидан отиб ташланди. Акбар Ўрозалиев, Фозилбек Отабеков, Убайдулла Хўжаев, ака-ука А. ва В.Чайкинлар, Салоҳиддин Ашуралиев, Хўсайнхон Ниёзий, Саъдуллаҳужа Турсунҳўжаев, Мирали Умарбоев, Латифжон Маҳдум Қозиевлар эса қамоқхона ва лагерларда ҳалок бўлдилар.



Кўчқорбой Олимов.

ЭРККА ЧОРЛАГАН ЭРКСИЗЛИК

Ишчи, аскар ва деҳқон депутатлари советларининг ўлка III съезди материаллари бизгача тула етиб келмаган. Съезд ҳақида «Наша газета» саҳифаларида турли хабарлар чоп этилган, холос. Воқеа иштирокчиларининг эсдаликлари ҳам узук-юлуқ, тугал маъно бермайди. Туркистонда совет ҳокимиятини эълон қилган бу съезд тарихшунослигимизда кам урганган. Аммо бизгача етиб келган материаллар шундан далолат берадики, съезд маълум даражада буюк давлат шовинизми руҳида ўтган. Буни, масалан, III съездда қабул қилинган «декларация»да туб аҳоли, зиёли кучлар ўлка турмуши ва ҳаётини яхшилашда фаол қатнашишдан четлаштирмаслиги, аксинча, жалб этилиши лозимлиги қайд этилганига қарамай, унда бу муҳим имтиёзни йўққа чиқарувчи бошқа фикр ҳам мавжуд. Чунончи, ҳужжатда олий инқилобий ҳукумат идорасига ҳозирча мусулмонларни жалб этиш мумкин эмас, чунки маҳаллий аҳоли ишчи, аскар ва деҳқон депутатлари ҳукуматига ўз муносабатини тула ва аниқ ифодалаган эмас. Маҳаллий аҳоли орасида пролетар синфий ташкилотлар етилганича йўқ, дейилган. Шу тариқа 1917 йил ёзидан бошлаб ўлкада вужудга келган мусулмон советлари, мусулмон меҳнаткашлари иттифоқлари ва уларнинг Ишчи, аскар ва деҳқон депутатлари советлари билан ҳамкорликда олиб борган инқилобий фаолияти инобатга олинмаган. Қолаверса, бу вақтда инқилобий курашда синалган маҳаллий миллатларга мансуб зиёдилар, ҳатто ишчилар, большевиклар гуруҳи ҳам мавжуд эди. Буни инқилобий ҳаракатнинг йирик арбобларидан бири Д.И.Манжара ҳам тан олиб: «Туркистон ҳукуматининг биринчи таркибига биронта ҳам ўзбек, туркман, қозоқ ёки қирғиз киритилмаганини қурултой қатнашчилари орасида муносиб номзодлар йўқ, деган баҳона билан оқлаш мутлақо асоссиздир», деб айтган эди.

Туркистон республикаси давлат ва ҳукумат ташкилотларига маҳаллий миллатлар вакиллари жалб этмасликдан иборат шовинистик йўл сўнгги йилларда ҳам давом этди. Турор Рисқулов, Назир Турақулов, Султонбек Хужанов, Абдулла Раҳимбоев, Қайғисиз Отабоев, Инъомжон Хидиралиев, Нодирбой Айтақовлар давлат ва ҳукумат бошқаруви идораларига 1920 йилдан бошлаб кутарилган эди. Ўлкада фаолият кўрсатган Турккомиссия, Туркбюро, Ўрта Осиё бюроси раислари ҳам фақат Марказдан жўнатилган европалик кишилардан тайинланган, ерли аҳоли вакиллари эса бу ваколатли ташкилотларга жуда ҳам оз киритилган.

Совет ҳокимияти қарор топган дастлабки кунлардан оқ большевиклар Туркистонда миллий сиёсат борасида жиддий камчиликларга йўл қўйганини бошқа мисолларда ҳам кўриш мумкин. 1917 йил 6—7 декабрда Скобелев шаҳрида бўлиб ўтган Фарғона вилояти советларининг IV қурултойида ҳозирги аҳвол, Туркистон мухториятига муносабат, вилоят ҳокимияти, матбуот ишлари, мусулмон демократик кучларини вилоят ва ўлка ҳукуматига жалб этиш сингари масалалар муҳокама қилинади. Ўлка советларининг III қурултойидагидек, бунда ҳам большевиклар кўпчиликти ташкил қилиб, эсер, меньшевик ва бошқа партия вакиллари нутқларига қулоқ солишмайди. Шу қурултойда Халқ Комиссарлари Кенгашининг барча халқлар ўз тақдирини ўзлари белгилаш, ҳатто Россиядан бутунлай ажралиб чиқиш ҳуқуқига эгаллиги туғрисида Петрограддан келган телеграмма ўқиб эшиттирилади.

Вакил Ҳ.Хусанбоев ўз сўзида мухторият яхши, аммо унга Таъсис мажлиси орқали эришиш керак, деб айтади. Меньшевик Данишевский: «...большевизм кўяётган вазифаларни уйдалаб бўлмайди, биз бор имкониётни большевизм саҳнадан тушиб кетган чоғда ҳам инқилоб ғалабаларини сақлаб қолишимиз керак», деб таъкидласа, эсер М.Бризгайлов Туркистон мухториятини ёқлаб чиқиб, унга кўплаб мусулмонларни жалб этиш йўли билан бу ҳукуматни демократлаштириш мумкин, дейди. Дориомедов ҳам шу мазмунда гапириб, қурултой қатнашчиларини Туркистон мухториятчилари билан келишишга чақиради. Подполяк ўз нутқида Туркистон мухториятчиларини ҳимоя қилиб, «Ҳокимият Советларга!» шиори бутунлай йўқ бўлиб кетди,

биноқ мухторият мусулмон ташкилотларининг ўлкани, вилоятларни, уездларни идора этишдаги иштироки билан амалга оширилиши мумкин. Муваққат мухторият ҳукумати мусулмонлардан иборат заминга эга бўлмаса, рус демократиясидан ўзига таянч топиши лозим, деган сўзларни айтади.

Аммо бу сингари тўғри фикрлар қурултой томонидан қўллаб-қувватланмасдан, большевиклар ва бошқа сўл кучлар тазйиқи билан ўлка советларининг III қурултойи Туркистон мухториятига қарши қарорни қабул қилади. Мусулмон аҳолисига ишончсизлик қурултойда шу даражага етиб борадики, Х.Хусанбоев қарорнинг боши бир гуруҳ мусулмон вакиллари учун унчалик тушунарли эмас, деб қайтадан овозга қўйишни таклиф этганида, унга қарши Реутов: «Мусулмонларга ҳеч қандай резолюцияни тақдим этишнинг ҳожати йўқ, чунки улар барибир тушуниб етмайди», деб жавоб қилади.

Миллий сиёсатда йўл қўйилган хатоларнинг сабабларидан бири миллий кадрларнинг етишмаслигида эди. Чунки кейинги 50 йил мобайнида чор мустамлакачилари ерли аҳолини сиёсий ҳаётга, давлат ишларини бошқаришга жалб этишга асло йўл қўймадилар. Мавжуд миллий кадрларни шовинизм, мустамлакачилик ҳиссиёти кучли бўлган европалик раҳбар кадрлар атайин четлаштирадидлар.

1919 йил 29 март куни мусулмон вакиллари Туркистон АССР Советларининг VII қурултойи ҳамда Туркистон Компартияси Марказий Қўмитаси, Туркистон МИК номига «Дашноқўтўнь» арман партиясидан норозилик хатини топширади. Тўғри, бу ҳужжатда ерли раҳбар ходимларнинг дашноқлар ҳақидаги мулоҳазалари айнан эмас, шарҳланган ҳолда келтирилган. Шундай бўлса-да, 1918 йилда коммунистик партия сафига кирган, «Қўқон меҳнаткашлари иттифоқи» раҳбари, Қўқон шаҳар ижроия қўмитаси ва Фарғона вилояти партия комитети аъзоси Мирзараҳмон Мусахонов анжуманда Қўқон воқеаларининг сабабчиси арманлар бўлди, чунки улар ўша пайтларда нуқул ароқ сотиш билан шуғулландилар, деган эди. Наманганлик большевик Инъомжон Низомбоев «Дашноқўтўнь» партиясини қуролсизлантириш йўли билангина мусулмон аҳолисини ҳалокатдан қутқазиб қолиш мумкин, деб

ҳисобласа, вакил Садиров мусулмон коммунистлари ўзларини ҳимоя қилиш мақсадида қалъа сари жўнаганларида йўлда қизил гвардиячилар томонидан ўққа тутилди, икки коммунист ўлдирилди ва ўлганлар устига қалбаки карточка қўйилиб, гуё уларни босмачилар ер тишлатганига ишонтирмоқчи бўдилар, дея ҳақ гапни айтди. Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси ҳамда жумҳурият Фавқулодда Комиссияси аъзоси Х.Хусанбоев ўз сўзида:



Инъомжон Низомбоев.

«...ўз қуролимиз билан ўзимизни қирмоқдалар, ҳатто мусулмон пролетариатининг ғоявий курашчиларини ўлдириб юбориш учун душманлар қўлига тутиб бермоқдалар», деди. Яна бир вакил Қирғизбоев Намангандаги Балиқчи қишлоғида, асосан арманлардан таркиб топган гуруҳнинг тинч аҳолига нисбатан зўрлик қилганини далиллар билан исботлаб берди.

Дашноқларнинг ерли халққа ўтказган зўравонлиги ҳақидаги масала бошқа йиғинларда ҳам кутарилди. Наманган советларининг буйруғига кўра, Самсон Давидянц Қўқон воқеаларидан кўп ўтмай, шубҳали одамларни қўлга олиш учун ўз гуруҳини Учқўрғонга етаклаб келади. Аммо у бу гуруҳи билан талончилик қилади, мусулмонлар устидан зўравонлик ўрнатади. Аҳолининг қонуний талабига биноан С.Давидянц вазифасидан озод этилади, гуруҳи эса тарқатиб юборилади. Шундан сўнг у Андижонга келиб, Андижон советларининг рухсати билан янги бир бўлинма тузади. Бу ерда ҳам қатор ноўрин ишларни амалга оширади. Унинг жиноятлари фош этилиб, ҳибсга олиш ва судга беришга қарор қилинган, дарҳол яшириниб, қонуний жазодан қутулиб қолади.

Туркистон АССР Халқ Комиссарлари Совети раиси В.Д.Фигельский 1918 йил 8 декабрда Андижон шаҳар

коммунистлари йиғилишида қилган маърузасида Андижон, Наманган, Қўқон советлари таркибида дашноқлар борлигини кескин танқид қилади, уларни тез орада советлардан қувиш кераклигини айтади. Мангельдин ўз нутқида Наманганда арманлар пайдо бўлиши ҳамано ўзбеклар билан арманлар ўртасида можаро келиб чиқди, дейди. Туркистон Советлари VII съезди миллатлар иши бўлими аъзоларининг деярли ҳаммаси «Дашноқцутюнъ» партияси, умуман, арманларнинг барчаси Фарғонадаги совет ҳокимиятига хоинлик қилиб, босқинчи тўдалари ташкил этиб, мусулмон аҳолисининг ҳалок бўлишига сабабчи бўлди, деб таъкидлайдилар.

1919 йил апрель ойининг бошларида Андижоннинг Жоме масжидида кўп минг кишилик меҳнаткашлар митинги бўлиб, унда дашноқлар азобидан қутулиш масалалари муҳокама этилади. Республика марказий раҳбариятига Андижондаги даҳшатли воқеаларни етказиш ва унга қарши курашда ёрдам талаб этиш мақсадида митингда Акбар Урозалиев, Мухтор Олимов, Мадминбек Битбеков, М.Шарифхўжаев, Ёқубжон Исакуловдан иборат комиссия тузилади. Улар Тошкентга келиб, Андижон уездидаги аҳволни ёзма ва оғзаки равишда юқори партия ва совет органлари раҳбарларига маълум қиладилар.

Фарғона фронтини тугатиш, мусулмон камбағалларини «босмачилар» тўдаларидан ажратиб олиш ва уларни совет ҳокимияти томонига жалб этиш, бунинг учун эса Эргаш, Мадаминбек, Холхўжа бошлиқ гуруҳларда иштирок қилаётган барча мусулмон меҳнат аҳлига афв бериш, уларнинг совет ҳокимияти тарафига ихтиёрий равишда ўтишини таъминлаш, хавфсизлиги учун тўла кафолат бериш, вайрон бўлган хўжаликларни тиклаб олиш учун моддий ёрдам кўрсатиш зарурлиги РКП(б) ўлка қўмитаси ва ўлка коммунистлари мусулмон бюросининг 23 апрелдаги қарорида ўз аксини топди. Шунингдек, унда совет ташкилотларини ёт унсурлардан тозалаш, қизил армия қисмларида тозалов ўтказиш, уларни иввогар, фитначилардан халос этиш, «дашноқцутюнъ»чиларни ҳайдаб юбориш зарурлиги таъкидланган эди.

1919 йил 9 майда Туркистон АССР Советлари Марказий Ижроия Қўмитаси ва Халқ Комиссарлари Советининг «Босмачилар тўдаларида қатнашган Фарғона

меҳнаткаш аҳолисига афв бериш туғрисида»ги мурожаати эълон қилинади. Андижонлик вакиллар талабига кўра, Туркистон АССР Халқ Комиссарлари Совети раиси К.Е.Сорокин (комиссия раиси), миллатлар иши бўйича халқ комиссари С.Турсунхўжаев, РКП(б) улка мусулмонлар бюроси раиси Т.Рискулов, Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси аъзолари Ҳ.Ҳусанбоев, В.Билик, Аббосхўжаевдан иборат фавқулодда комиссия тузилади.

Комиссия Фарғона водийсида катта фаолият кўрсатиб, партия, совет ва ҳарбий муассасаларни ёт унсурлардан тозалаш, дашноқларга зарба бериш, мусулмон аҳолиси билан расмий ҳукумат ташкилотлари муносабатларини яхшилаш, миллий кадрларни бошқарув ишига кенг жалб этиш борасида талай ишларни амалга оширади. Комиссия аъзолари Қўқон, Марғилон, Скобелев, Андижон, Наманган. Ушла бўлиб, мусулмон коммунистларининг йиғинларини ўтказиб, партия, совет қурилишида, «босмачилар» ва дашноқларга қарши курашда катта ташкилотчилик ишлари олиб борадилар.

1919 йил 12 майда Андижон шаҳар мусулмон коммунистларининг умумий йиғилиши бўлиб, унинг кун тартибига: 1) марказий-улка ҳукумат вакиллари маърузаси; 2) мусулмон советини ташкил этиш; 3) партия дружинаси ташкил этиш; 4) коммунист мусулмонлар фракциясига назоратсиз Марказ ва телеграф орқали боғлашга эришиш; 5) қароқчи тўдаларни тугатиш борасида чоралар кўриш каби масалалар қўйилган эди.

Йиғилишда нотиклар Фарғонада, жумладан, Андижондаги оғир аҳвол сабабларини очишга ҳаракат қилдилар. С.Турсунхўжаев совет ҳокимияти ғояси, большевизм мезонларини тушунтириб, Фарғонада советлар таркибида порахўрлар ўрнашиб олгани, оддий мусулмон омма большевикларни босқинчилар, талончилар деб билаётганини айтади. Большевизм ниқобини кийиб олиб, амалда аҳолини талаётганлар совет идораларидан қувилмоғи зарурлигини таъкидлайди. У: «Сизларнинг вакилларингиз Тошкентга келиб, Фарғонадаги аҳвол манзарасини чизиб бердилар, мусулмон пролетариати билан маҳаллий ҳукуматнинг узаро муносабатларидан хабар топгач, биз бу ерда рисоладагидек ҳаёт ўрнатиш учун келдик. Вакилларингиз нима айтган бўлса, ҳаммаси тула ҳақиқат эканлигига гувоҳ бўлдик,

токи Фарғона мусулмон пролетариати учун муносиб шарт-шароит яратмагунимизча биз бу ердан кетмай-миз. Сизлар коммунистлар ташкилоти сифатида аллақачон безорилар билан курашиш чорасини куришингиз лозим эди, амалда эса сизлар қоғоздаги ташкилот бўлиб қолгансиз», дейди.

С.Тухтабеков ўз сўзида Турсунхўжаевнинг мусулмон большевиклари босқинчилик ҳаракатини тугатиш учун чоралар кўрмаяпти, деган фикрига қўшилмайди. Янги шаҳардаги большевиклар мусулмон большевикларига ишонмаслигидан, умумий офатга қарши курашишдан тулалигича четлаштириб қўйилди, шу боисдан ўлка комиссарининг бизга билдирган таънаси уринсиздир, деб айтади. Иброҳимов ҳам бу фикрни маъқуллаб: «Турсунхўжаевнинг бизга қилган таънаси уринсиздир, биз ҳукуматга бир неча бор мурожаат этиб, шаклланиб келаётган босқинчилик ҳаракатларини тугатиш учун чоралар куришни талаб қилдик. Аммо номаълум сабабларга кура, ҳукуматдагилар бирон чора кўрмадилар», деб айтади. С.Тухтабеков қайтадан мусулмон совети ёки инқилобий кўмита ташкил этиш зарурлигини таъкидлаб, Андижон уезди қишлоқларидаги аҳоли на босқинчиларга, на совет ҳокимиятига бўйсуннишни билмаяпти, дейди¹.

Чиндан ҳам, талон-тўрожни, зўравонликни ўз кўзи билан кўрган халқ большевикларга ишонмай қўйган эди. Маҳаллий аҳолининг ҳар жиҳатдан камситилиши, кадрлар масаласида европаликлар билан маҳаллий аҳоли ўртасидаги мутаносиблик йўқлиги Туркистон миллий раҳбар кадрлари томонидан бир неча бор марказий партия ва ҳукумат раҳбарларига билдирилган. Аммо раҳбарлар ҳеч қандай чора кўрмаганлар.

1919 йил 7 май куни В.И.Ленин Ҳиндистон ва Афғонистон миллий-озодлик ҳаракати арбоби, профессор Муҳаммад Баракатуллони қабул қилади. У Москвага Афғонистон амири топшириғига кура, норасмий визит билан борган эди. Суҳбат РСФСР ва Афғонистон ўртасида дўстона муносабатлар урнатиш имкониётлари, Шарқдаги аҳвол туғрисида боради. Афғонистондан, ўзаро фикр алмашуви чоғида Туркистондаги аҳвол ма-

¹ Қ а р а н г: Андижон вилояти давлат архиви, 196-фонд, 2-руйхат, 189-иш, 191—195-варақлар.

саласи ҳам кутарилган. Дарвоқе, М.Баракатулло Москвага бораётиб, Тошкент ва бошқа шаҳарларда бўлган ва Туркистонда руй берган воқеалар билан танишган эди. Шунинг натижаси улуроқ у 9 майда «Туркистондаги кенг мусулмон оммани совет ҳокимияти томонига оғдириш мақсадида бажарилиши зарур бўлган ишлар ҳақида»ги «мулоҳазалар»ини ёзган. Бу ноёб ҳужжатни ўқир экансиз, унда Туркистоннинг оғир қисмати маълум маънода куз унгингизда гавдаланади:

«Ўртоқ Ленин билан учрашган пайтда мен унга Шарқ бўлимининг мудури уртоқ Вознесенский ҳамда Туркистоннинг мухтор вакили уртоқ Юсупов иштирокида Марказий Осиёнинг кенг мусулмон оммасини совет ҳокимияти томонга оғдириш, мусулмонларнинг Туркистондаги рус ҳокимиятига азалий ишончсизлиги ва совет бошқарувининг моҳияти юксак вазифаларини тушунмаслик оқибатида келиб чиқабдиган қайғули воқеалардан ўзимизни асраш учун нималар қилиш борасидаги ўзимнинг самимий фикрларимни билдирдим.

Комил ишонч билан айтаманки, тавсияларим орқа томонни мустаҳкамлаш учун Афғонистон, Ҳиндистон ҳамда Эронда инглизларга қарши фаол ҳаракатлар бошлангунга қадар амалга оширилиши зарур.

1. Туркистонда этнографик негизда ҳақиқий мухторият урнатиш зарур. Бунинг учун Туркистон жумҳурияти туққиз ички мухтор вилоятдан иборат бўлиши керак: 1) Каспий орти; 2) Самарқанд (Амударё бўлими билан бирга); 3) Сирдарё; 4) Фарғона; 5) Еттисув; 6) Турғай; 7) Оқмулла; 8) Семипалатинск; 9) Қуйи Урол (Букеев урдаси билан).

2. Мусулмон аҳолисининг руслардан анча куплиги туфайли мазкур вилоятлар советлари таркибига ҳеч бўлмаганда мусулмонларнинг руслар билан тенг даражада киришига йул қўйиш; комиссарларнинг ҳам ярми мусулмонлардан бўлиши керак.

3. Ҳар бир вилоят ўзининг ички бошқарувида мухтор бўлиши керак.

4. Туркистоннинг Марказий бошқаруви ва Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси тенг иштирокда тузилди: ярми рус, ярми мусулмон.

5. Ҳозирги пайтда тузилган Туркистон ишлари бўйича комиссия беш кишидан эмас, ун кишидан иборат бўлиши керак, айна пайтда вакиллик нисбати ҳам сақлани-

ши зарур: беш рус ва беш мусулмон (кейингиларнинг са-
фига сарт) кириши лозим.

6. Шу йилнинг бошида нодонлик ёки ёвуз ташвиқот
оқибатида аксилинқилобий ҳаракатларда иштирок эт-
ган Қўқон аҳолиси ва туркистонлик ерли аҳолига афв
инъом этиш зарур. Қўқонга мазкур афвдан аҳолини ха-
бардор этиш ҳамда сўнги бошпанасидан ҳам айрилган
жабрдийдалар ўртасида тарқатиш, вайрон қилинган
хўжаликни тиклаш учун бир оз пул маблағини (бунинг
учун зарур маблағ, фикримча, ўн миллион сўмни ташкил
қилади) тақсимлаш учун махсус шахс юборилиши керак.

7. Юқорида тилга олинган барча тадбирларни, ило-
жи булса, уртоқ Ленин ҳамда Сталиннинг Урта Осиё
мусулмонларига мурожаати тарзида тантанали эълон
қилиш зарур. Бу улкан таассурот уйғотади ва мусул-
монларда қўрқинч туғдирадиган, уларнинг қалбида совет
сиёсатининг самимийлигига ишончсизлик уруғини соча-
диган империалистик фитналарга бутунлай барҳам бе-
ради.

Юқорида баён этилганларни қараб чиқишингиз ва уму-
мий иш манфаатида чора-тадбирлар белгилашингизни
илтимос қиламан.

М. Баракатулло.

1919 йил 9 май, Москва»¹.

1919 йил октябрида Андижон мусулмон йўқсилла-
ри номидан Ёқубжон Исоқулов, Султонмақсуд Холбо-
тиров, Илья Григорьевич Смирнов (ижрокўм раиси,
Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси аъзоси), Ла-
тифжон Содиқбоев ва бошқалардан иборат вакиллар
Тошкентга келиб, Фарғона, хусусан, Андижон уезди-
да юз бераётган ғоятда оғир сиёсий-ҳарбий, миллий
аҳвол ҳақида республика партия ва совет раҳбариятига
ёзма баённома топширадилар. 1 ноябрда ўлка партия
қўмитаси ижроия бюроси, Туркистон ўлка мусулмон-
лари бюросининг андижонлик вакиллари иштирокида
йиғилиш утказилиб, унда баённома кенг муҳокама эти-
лади. Йиғилишга Т.Рисқулов раҳбарлик қилади. Йиғи-
лиш Фарғонадаги оғир аҳволни эътиборга олиб, бу
ерда мустаҳкам сиёсий ҳукумат йўқлиги, ҳарбий ҳоки-
мият маҳаллий шароитни, миллий муҳитни ҳисобга
олмасдан узича салбий ишлар юритаётганидан келиб

¹ ГАРФ, 130-фонд, 3-руйхат, 365-иш, 46—47-варақлар.

чиқиб, Фавкуллода инқилобий қўмитани ташкил этишга қарор чиқаради. Инқилобий қўмита Фарғона вилоятида ўтказиладиган барча тадбирларга раҳбарлик қилиш, совет ташкилотларини назорат ва тафтиш этиш, бу ташкилотларни, ҳарбий қисмлар сафини советларга қарши аксилинқилобий унсурлардан тозалаш, агар шароит тақозо этса, советларни тарқатиб юбориш, ҳарбий мансабдор шахслар билан биргаликда фронтни тезроқ тугатиш, ҳатто айбдор, буйсунмовчи шахслар ва муассасаларни ҳарбий судга, инқилобий трибуналга бериш ҳуқуқига эга эди. Афсуски, Фавкуллода инқилобий қўмита ҳам уз ҳуқуқларидан етарли фойдалана билмади. Амалий натижа куплар кутгани каби чиқмади¹.

Биз қурбошилар билан яраш битимини тузиш туғри-сида олиб борилган музокаралар ва уларнинг материаллари ҳам кенг оммага етказилишини ўринли, деб ҳисоблаймиз. Чунки улар билан танишган ўқувчи бизнинг фикрларимиз қуруқ эҳтирослардан иборат эмаслигига ишонч ҳосил қилади. Россия Федерацияси Ҳарбий давлат архивида (ГВАРФ) Наманган уезд-шаҳар инқилобий қўмита аъзоси Инъомжон Низомбоевнинг 1919 йил 19 декабрда Мадаминбек билан олиб борган музокарасининг тафсилоти ҳақидаги баённомаси сақланмоқда. Қуйида уни айнан келтираемиз:

«Ревком томонидан берилган топшириқни бажариш учун беш вакил билан биргаликда 19 декабрь эрталаб Намангандан Жийдакапа қишлоғи орқали Андижон уездига Ҳожимат эшон ҳузурига йўл олдик. Дарёдаги кўприккача ҳеч кимни учратмадик. Қайиқда дарёдан ўтгач, бир неча қуролли кишиларга дуч келдик. Улар Бойтуман йигитлари экан. Улардан бири Бойтуманнинг аҳволини сўради. Яхши юрибди, деган жавоб олгач, йигитлар бизга Бойтуман Парвардигори оламга ишонмайдиган худосизларга кўшилди, деди. Салла ураб олган бўлсам ҳам, йигитлар шахсан менга ҳайвонга қарагандек назар солишди. Андижоннинг у тарафидаги бутун қирғоқ пахта тойлари билан тўсиб ташланган. Дарёдан ўтгач, Ҳожимат эшоннинг ҳузурига жўнадик, бироқ у киши уйда йўқ экан. Йўлда унинг ўғлига дуч келдик.

¹ Қ а р а н г: Рыскулов Т. Революция и коренное население Туркестана. Часть I. 1917—1918 г.г., Ташкент, 1925, стр. 109—110.

У билан бориладиган жойга кундузи соат 4 ларда етиб бордик. Етиб келиб, уловимизни тўхтатдик, би-роқ аравадан тушмадик. Масжид олдида тумонат одам йиғилганди. Сал фурсат утиб, қуролланган йигитлари билан қўрбоши келди, унинг ёнида қандайдир ўрис ҳам бор эди. Уни мен Наманганда кўрмаганман. Бизни масжид ёнидаги хужрага таклиф этишди. Хужрада утир-ганимизга ярим соатлар бўлганда даврада утирганлар ворис келяпти, деб қолишди. Ташқарида карнай-сур-най чалинарди. Хужрадан ташқарига чиққанимизда қўлида яланғоч қилич тутиб олиб, одамларга эсларини йиғиш, имондан айрилмаслик ҳақида ваъз айтиб кела-ётган мулла йигитни кўрдик. Унинг ортида от миниб эшон ҳамда 4—5 нафар афғон келарди. Уларнинг баъ-зилари ҳарбийча кийинган, баъзилари эса чопон ки-йиб олган эди. Тантанани кўриб бўлгач, хужрамизга қайтиб кирдик. Келганлар қўшни хужрага жойлашиш-ди. Халқ ворисни ҳамда эшонни тўлқинланиб, тиз чўкиб, уларнинг хоки пойи, тўнларининг барини ўпиб кутиб олишди. Эшон билан бирга келган кишининг кимлигини сўраган эдик, афғонистонлик ворис, деган жавобни олдик. Масжидда шовқин-сурон авжига чиқ-қан, куй-наво тинмас эди. Эшонга Намангандан элчи бўлиб келганимизни етказишгач, у киши бизни ҳов-лига таклиф этди. Салом-алиқдан сўнг у кишига таш-рифимиз боисини англатиб, яхшилаб кенгашиб олиш истагимизни билдирдик. Эшон ҳоли бўлгани заҳоти ҳузуримизга ташриф буюришини айтди. У киши кеч соат еттиларда хужрамизга кириб келди. Мен у кишига ҳозирги аҳвол ҳақида гапирдим, ақлга тўғри келмай-диган ишлар бўлаётгани, бекорга қон тўкилаётганини айтдим, келишдан мақсадимни тушунтирдим. Совға-ларни ва ревкомнинг хатини топширдим. Эшон хатни ўқиб беришни илтимос қилди. Мен у кишининг илти-мосини бажардим. Шундан сўнг эшон хатни мендан олиб, жавоб қилиб олиб қолди. Хат ўқиладиганда эшон уни диққат билан, ҳатто йиғлаб туриб эшитди. Эшон хатни олиб туриб, менга унинг мазмунини тушундим, агар мусулмонлар бирлашса, нур устига нур бўларди, деди. «Бекнинг ҳузурига борамиз, унга ҳаммасини ай-тиб берасизлар», деди эшон. Биз рози бўлдик. Бизга таом келтиришди. Дастурхон устида бекнинг ҳузур-мизга мирзосини юборганини эшитдик. Эшон билан

бир бор маслаҳатлашиб, боришга қарор қилдик. Эшон бизнинг тўла хавфсизлигимизга кафиллик берди. «Бек сизларнинг бир тукингизга зиён етказишдан олдин менинг ва ўн икки ўғлимнинг бошини олади», деди эшон. У кишининг маслаҳати билан келтирган совғаларимиз — қўй ва чўтларимизни олиб, икки йигит кузатувида аравада йўлга чиқдик. Эшон билан афғонистонлик ворис от миниб олдинда кетишди. Бек эшон турган жойдан 8 чақирим нарида, Қоратерак¹ қишлоғида манзил тутган экан. Бироқ йўл лой бўлиб, қоронғида аравада юриш мушкул бўлганлиги туфайли унинг куп қисмини пиёда босиб ўтишга тўғри келди. Манзилга кечаси соат 12 да етиб бордик. Йўлда деярли ҳар чақиримда 3—4 қуролли қоровулга дуч келдик. Улар бизни ҳар гал тухтатиб, сўроқ қилишди. Биз етиб келган саройдаги 40—50 отга кўзим тушди. Айвоннинг ичида анча одам тупланган эди, бироқ аниқ қанча эканлигини айтолмайман, чунки зимистон эди. Биз бек яшайдиган болахонага кўтарилдик, у бизга пешвоз чиқиб, хонасига таклиф этди.

Хонада, биздан ташқари, Ҳожимат эшон, афғонистонлик ворис ва яна бир киши бор эди. Утирганимиздан кейин афғонистонлик бизнинг кимлигимизни суриштирди. Бизнинг муллалар: учовимиз мулла, икковимиз бой бўлиб, Наманган аҳлидан вакил эканимизни айтишди. Бек: «Ҳукуматнинг вакили ким?» деб сўради. Мен турдим ва ревкомнинг раисимисиз, деган саволга йўқ, аъзосиман, деб айтдим. Бек кескин, заҳархандали саволлар берди. Муллаларимиз келишдан мақсадларини баён қилишди. Мен сўз сўраб, ҳозирги аҳвол ҳақида гапира бошладим, бироқ бек сўзимни кесиб, сиз мусулмонга ўхшаш учунгина салла ўрагансиз, деб таъна қилди; гапга уста экансиз, лекин гапга чечан одамлар бизга эмас, большевикларга керак, деб айтди. Мени ўзларингизга қўшилишни таклиф қилиб келибсиз, деб давом этди бек, шартларингиз ва неки истагингиз бўлса, айтинг. Мен шу кунларда мусулмонлар яхши яшаётганлигини, оқ пошшо давридаги ўзбошимчаликлар йўқлигини айтдим. Шўролар йўқ қилингани, 2 европалик ва 2 мусулмондан иборат ревком тузилга-

¹ Мадаминбекнинг бу вақтдаги қароргоҳи шу Қоратерак қишлоғида жойлашган эди.

ни, ишлар изга тушаётганини билдирдим. Бек айнан ким ревкомга кирганини сўради, мен бирма-бир айтдим. Менга ҳамроҳ бўлган муллалар ревкомга кирганини, у ердан жуда яхши таассурот билан чиқишгани, ўзлари билан хушмуомала, дўстона ва эътиборли муносабатда бўлишганини айтишди. Ревком шариат буюрганига қарши бормаслиги ва бу масалага аралашмаслигини айтганида, бек большевиклар ваъдани кўп беришади-ю, лекин ваъдаларининг устидан чиқишмайди, ана, улар завод, пахта молларини олиб қўйишяпти, нима, бунга шариат йўл берадими, деб муллаларга мурожаат қилди. Муллалар: йўқ, деб жавоб қайтаришди. Мен бекка жуда кўп моллар, от-аравалар, ем ва бошқа нарсалар тортиб олинган, бу олдин бўлган эди, бу ишни ҳукуматда ўтириб олган безори ва жиноятчи унсурлар қилишган, ундайлар энди ҳукуматдан бадарга қилинган, уларга қарши ўзимиз кураш олиб бораёпмиз, ноурин тортиб олинган нарсаларни қайтариб бераёпмиз, баҳосини тулаяпмиз, мусодара этилган, тортиб олинган нарсаларни қайтиб бериш ҳақида декрет бор, дедим. Шундан кейин бек большевикларнинг каттаси Ленин ҳибсга олингани, Иттифоқдаги 12 давлат большевикларга қарши юриш қилаётгани, ўзлари бу ердан туриб уларга ёрдам беражagini баён қилди. Бек Наманганга озиқ-овқат олиб боришни тақиқлаш ҳақида буйруқ берганлиги, уч кун олдин хориждан шу ҳақда телеграф орқали топшириқ ва кўрсатма олгани, иттифоқдаги бошқа давлатлар ҳам большевикларга ҳеч нарса бермасликка қарор қилишганини айтди. Мен Туркистонда барча қулфатлар биз бир-биримизни тўшунмаётганлигимиз туфайли юз бермоқда, деб эътироз билдирдим. Бек менинг бу гапимга мужмал жавоб қайтарди. У: «Сизларнинг Николайларингиз ўлди — уларнинг фуқаролари қайси миллатга тегишлилигидан ва бошқа нарсалардан қатъи назар меросхўр бўлиб қолди. Николайдан кўп бойлик, қурол, аслаҳа-анжом, туп ва ҳоказолар қолди. Биз бу ерда 95 фоиздан кўпроқмиз, бироқ ўзимизнинг бутун ҳақимизни сўраётганимиз йўқ, ана шу бойликнинг ярмини берсангиз ҳам майли, сизлар ўз қонунларингиз билан яшайверинг, биз эса шариат бўйича яшаймиз. Аммо сизларнинг қилаётган ишларингиз бутунлай бошқача. Ахир бир отанинг ўн ўғли бўлиб, улардан учови ақлли-ю қолганлари майиб-маж-

руҳ бўлса, меросхўрлик қондасига кўра, мерос уч ўғилга эмас, унига ҳам тенг бўлиниши керак-ку, большевиклар эса ҳаммасига эгалик қилишни иштаяпти, ҳаммасини ўз қўлларига олишяпти. Мен ўрислар ва европаликларни ўлдираман, деб хаёлимгаям келтирмаганман, бундай ниятни хаёлимгаям келтирмоқчимасман. Уларнинг икки мингдан ортиғи қўл остимда хизмат қилади. Аскарларингизга қанча маош берасизлар? — деб сўради бек. Мен: аниқ билмайман-у, лекин минг атрофида бўлса керак, рўзгор тебратишга етади, дедим. Бек икки минг тўлашини айтди ва мендан қанча оласиз, деб сўради. Мен 1130 сўм, деб айтдим. Бек бунга бир ойдан кейин қоғоз пул билан эмас, тилла танга билан тўлаш имкониятига эга бўлиши, ҳеч нарсага муҳтож эмаслиги, муҳтожлик сезган тақдирда қўшни давлатлар истаган миқдорда етказиб беришини айтди. Агар мен сизларга, шўро ҳукуматига қўшилсам, сизлар менга қандай ҳуқуқ берасизлар, деди-да, давом этди: ахир мен сизларга ўтган кўрбошиларга ўхшаб большевикларнинг хизматкори бўлиш, уларнинг этигини артиш учун қўшилмайман-ку. Сизлар менга нимани ишталарингизни ёзма равишда баён этинг. Мен ҳам ўз шартларимни ёзма равишда етказаман. Мен шартнома тузиш эмас, суҳбатлашиш учун юборилганимизни айтдим ва бекдан Наманганга ўз вакилларини юборишни, уларнинг хавфсизлиги учун кафилик берилишини айтдим. Бек одам бермаслиги ва юбормаслигини айтди. Бўлиб ўтган ҳамма гапларни ревкомга етказишимни сўради ва бизга қўшилган тақдирда қандай ҳуқуққа эга бўлиши ҳақида ёзма хабар кутишини билдирди. «Коммунистларингиз ва ёшларга айтинг, қуролли ёки қуролсиз бизга келиб қўшилсин, — деб давом этди Бек. — Уларни афу этамиз, борди-ю бунга унашмаса, оқибати ёмон бўлади. Мабодо шаҳарга борсак, уларни чавақлаб ташлаймиз». Мен: яхши, етказаман, дедим. Афғонистондан келган вакил тожикчалаб, бекка большевиклар билан мусулмонларнинг фойдасига битимга келишини сўради, бек бунга розилик бергандай бўлди.

Суҳбатдан сўнг Ҳожимат эшон бекдан бизни ўзи билан бирга олиб кетишга ижозат беришини сўради. Бек меҳмон бўлиб ётиб қолишга зўрлади, эшон бунга кўнмади. Бек ун отар милтиқни олиб келиб менга

кўрсатди. Бу турдаги қуролдан яқинда 25 мингтасини олишини, тўпи бўлмаса ҳам, 17 та пулемёти борлигини, яқинда тўплик ҳам бўлишини айтди. Эрталабгача қолинглар, қўлимиздаги қуролдан қандай отишимизни кўрсатамиз, деди у. Биз танишиб олдик, худо хоҳласа, тез-тез учрашиб туришга умид қиламиз, йигитларингиз бизга тегмаслиги учун ёрлиқ ёзиб берсангиз, деб илтимос этдик. Бек биронтангизга ҳам тегишмайди, деди. Сизлар эшоннинг ҳузурига келганда қўрбошилар менга хабар етказган ва қайтаётганларингизда ушлаш керакми, керак эмасми — сурашган эди. Лекин буйруғимсиз сизларни ушламаслигини тайинлаганман. Бек бизга ўз муҳри билан эркин юриш ҳуқуқини берадиган ёрлиқ берди. Бек эрталаб Низомиддин Хўжаев илтимоси билан Скобелевга кетаётганлигини айтди. Бек билан хайрлашиб, эшонникига келдик, афғонистонлик вакил бекникида қолди. Эшонникига эрталаб соат бешда етиб келиб, саккизга қадар дам олдик, сўнг нонуштага ўтирдик. Эшон билан суҳбатдан у холис одам эканини англадим, бироқ бек 12 иттифоқдош давлатга ишониб, уруш олиб бормоқчи. Эшон бекдан шаҳарга озиқ-овқат ўтказишга рухсат беришини илтимос қилди. Эшон қайсидир қишлоққа боришга отланаётган экан, мендан ҳибсга олишмайдими, деб сўради. Мен ҳеч ким сизга тегмайди, дедим. Эшон нонуштадан кейин хайрлашаётиб, менга зарбоф тун кийдирди. Муллаларга эса минг сўмдан пул совға қилди. Қайтишда дарёни кечиб ўтдик ва Янгикўрғон орқали шанба куни шомда Наманганга етиб келдик»¹

Кўриниб турибдики, мазкур ҳужжат «босмачилар»нинг уруш тарафдори эмаслигини кўрсатади. Улар юртда осойишталик ўрнатмоқчи. Оддий инсоний ҳуқуқлар тикланиши тарафдори. Ерли халққа ўтказилаётган зулм учун совет ҳукуматига ишонмаяпти. Айрим большевикларнинг хатти-ҳаракати ерли аҳолининг ғазабини кўзғамоқда. Бу ҳол қуйида келтириладиган ҳужжатдан ҳам яққол кўриниб туради.

Фарғонадаги қўзғолончилар қўмондони Шермухаммадбек Туркистон республикаси раҳбарияти билан сулҳ юзасидан музокара олиб бориш масаласида ташаббус кўрсатади. Совет ҳукуматига қарши курашиб келаётган

¹ ГАРФ, 110-фонд, 1-руйхат, 15-иш.

Шермухаммадбекнинг бу ташаббуси Фарғона аҳли ҳақли талабининг натижаси эди. Республика раҳбарияти унинг таклифига мувофиқ Фарғонага келиб, Шермухаммадбек билан очикчасига музокара олиб боради. «Фарғонадаги вайронагарчилик, уруш етарли эмасми? Сиз нимани талаб этасиз?» деган саволга у бундай деб жавоб қайтарган: «Тугри, биз Фарғонанинг тикланиши ва тинчлик қарор топиши тарафдоримиз. Аммо сизларнинг ҳукуматингиз ғоялари Туркистон жумҳурияти учун яроқсиздир ва маҳаллий аҳоли ҳаётига татбиқ қилиб бўлмайди». «Туркистон жумҳуриятида тинч ҳаёт қарор топиши учун, сизнинг фикрингизча, нималар қилиш керак?» деган саволга Шермухаммадбек биринчи навбатда савдога йўл қўйиш, жойдан-жойга кўчиш эркинлиги, конфискация ва реквизицияларни тақиқлаш, шариат қонунлари асосида судни жорий этиш, вақф ерларни эгаларига қайтариб бериш» деб жавоб қилади¹.

Бу каби фикрлар юқори доираларда ҳам айтилган бўлса-да, большевиклар туфайли содир булаётган бундай хато ва нуқсонларни тугатишга жиддий киришилмади. Туркистон вакиллари раиси Ҳусайн Иброҳимовнинг 1919 йил 24 ноябрда В.И.Ленин ва Я.М.Свердлов номига ёзган хати ҳам натижасиз қолди. Бу хатда эса РКП(б) Туркистон мусулмон бюроси жуда қисқа муддатда 200.000 кишилиқ мусулмон қизил армияси ташкил этишни ўз олдига вазифа қилиб олгани, бунинг учун Марказ зарур қурол-аслаҳа ҳамда иложи борича мусулмонлардан иборат командирлар билан таъминламоғи зарурлиги айтилган бўлиб, уни Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси ҳам маъқуллаган эди.

Шарқ халқлари коммунистик партияларининг II Бутунроссия съезидга, РКП(б) Бутунроссия VII конференциясига ҳамда Бутунроссия советлари VII съезидга борган Туркистон республикаси вакиллари П.Кобозев, Ҳ.Иброҳимов, Отарбоев, Бисеров, Ҳ.Ҳусанбоев, Б.Иванов, А.Муҳитдинов 1919 йил 15 декабрда Москвада туриб, РКП(б) Марказий Қўмитасига, В.И. Ленинга ёзган баённомасида «Босмачилар — бу советлар VII съезидга қадар Туркистон ҳукуматининг нотўғри

¹ «Шарқ юлдузи», 1991 йил, 3-сон, 187—188-бетлар.

миллий сиёсати натижаси ўлароқ шаклланган партизанлардир», деб баҳолаган эдилар.

Мазкур хатда Туркистонда миллий масалада йул қўйилаётган қатор хатолар кўтарилган эди.

1919 йилнинг май-октябрь ойигача бўлган даврда Туркистон Коммунистик партиясининг III ва IV съездлари, мусулмон коммунистларининг I ва II конференциялари, советларнинг VII ва VIII съездлари ўтказилган. Шу съезд ва конференцияларда Туркистон республикасини туғри йўлдан олиб бориш, меҳнаткаш оммани РКП(б) шиорлари остида бирлаштириш, шунингдек, Туркистонни ҳалокат ёқасига олиб бораётган унсурлардан халос этиб, низоларга барҳам бериш масалалари баҳс боиси бўлган. Лекин РКП(б) Марказий Қумитасининг вакиллар мутаносиблиги ҳақидаги 12 июль санали радиограммасидан кейин Туркистонда совет ҳокимияти белгилаб берган «тартиб ва қоидалар»ни ўзгартириш умуман мумкин эмаслиги аён бўлди.

Ҳолбуки, шу йилларда барча вилоят ва уездларда бўлиб ўтган анжуманлар, йиғилишларда рўй бераётган ҳақсизлик ва адолатсизликлар ҳақида очиқ айтилган. Буни 1921 йил 13 январда бўлиб ўтган Наманган шаҳар партиясизлар конференциясида сўзга чиққан Нуриддин Қориев маърузасидан ҳам кўриш мумкин. Нотиқ таъкидлашича, мусулмон меҳнаткашлари энг оддий ҳуқуқлардан ҳам маҳрум бўлганлар, турмушнинг қайси соҳасига кўз ташламайлик, ҳамма жойда икки хил ўлчов бўлган: бири европаликлар учун, бошқаси эса мусулмон аҳолиси учун. Ширкат ва озиқ-овқат идораларида озиқ-овқат аксар ҳолларда фақат европалик аҳолига берилган, мусулмонлар оммаси эса, тўқ европалик аҳолининг кўз ўнгида очлик азобини тортиб, ўлиб кетаверган. Мактаб, театр ва барча маданий муассасаларнинг аксарияти европалик аҳоли учун очилган ва ишлаб турган.

Мустамлакачилик сиёсатининг ана шундай манзараларини бошидан кечирган туб аҳолининг совет ҳокимиятидан норози бўлмаслиги мумкин эмас эди. Шунинг учун ҳам Туркистондаги деҳқонлар ва ҳунармандлар кенг ҳалқ оммаси совет ҳокимиятига қарши қуролли курашга кутарилди.

«БОСМАЧИЛИК ҲАРАКАТИ» ҚАНДАЙ БУЛГАН?

Совет тарихшунослигида «босмачилик ҳаракати»га қарши олиб борилган кураш тарихига, яъни ғолиб томон тарихига оид кўплаб адабиётлар, тарихий асарлар бор-у, ammo мағлуб томон — «босмачилик ҳаракати»нинг ўзи тўғрисида илмий тадқиқотлар деярли яратилмади. Хорижий мамлакатларда эса бунинг акси: хорижий адабиётда «босмачилар» ҳақида хилма-хил асарлар яратилган. Шунинг учун ҳам, масалан, 1986 йилда Москвада нашр қилинган А.И.Зевелев, Ю.А.Поляков, Л.В.Шишкиналарнинг «Басмачество: правда истории и вымысел фальсификаторов» монографиясида асосан инглиз, француз, немис ва бошқа Европа тилларида чоп қилинган адабиётлар таҳлил қилинган, холос. Хорижий Шарқ халқлари тилларида «босмачилик ҳаракати» бўйича эълон қилинган асарлар эса совет историографиясида ўз ифодасини топган эмас. Ҳолбуки, Ўрта Осиёда 1918—1935 йилларда олиб борилган «босмачилик ҳаракати» тарихи фақат Фарб эмас, балки Шарқ муаллифларининг тадқиқотлари ёки шу ҳаракат қатнашчиларининг хотиралари асосида ҳам ёзилиши керак. Айниқса, замона зайли билан ватанни тарк этиб, ўзга юртларга кетиб қолган ватандошларимизнинг эсдаликлари чуқур ўрганилмоғи лозим.

Маълумки, 1927—1932 йилларда Туркияда Туркистоннинг сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаётини ёритувчи «Янги Туркистон» журнали нашр қилинган. Бу журнал Бухоро Халқ Совет Республикаси Марказий ижроқўмининг собиқ раиси, 1922 йилда Афғонистонга, 1923 йилда эса Туркияга ўтиб кетган, Бухородаги жадидчилик ҳаракатининг пешқадамларидан бири, 1909—1910 йилларда Истамбулда ўқиган Усмонхўжа — Усмонхўжа Пулатхўжаев томонидан ва шу кишининг муҳаррирлигида ташкил қилинган. Журнал саҳифаларида «босмачилик ҳаракати» тарихини ҳолисона баён этувчи кўпдан-кўп мақолалар ҳам босилган. Мустафо Чўқаев томонидан Францияда нашр қилинган «Ёш Туркистон» журнали ҳам тарихимизга, жумладан, «босмачилик ҳаракати» тарихига оид кўплаб материаллар бериб борган.

Бу мавзуни ҳар томонлама тадқиқ этишда «босмачилик ҳаракати»да қатнашган кучларнинг миқдори, аҳволи, имконияти, қудрати, кураш шакли ва услублари,

ғалаба қозониш ва енгилиш сабаблари, ҳарбий стратегия ва тактикаси, таниқли қурбошиларнинг таржимаи ҳоли, ижтимоий ва диний қарашларини гавдалантирувчи асарлар етарли даражада яратилгани йўқ. Қолаверса қурбошилар ва уларга раҳнамолик қилган дин арбобларининг халққа мурожаатномалари, совет ҳукумати вакиллари билан олиб борган музокараларига оид ҳужжат ва материаллар тарихчилар томонидан янада чуқур ўрганилиши лозим. (Ўзбекистонда сўнгги йилларда тарихчи олим Қ. Ражабов тадқиқотларида «босмачилик» ҳаракати Туркистон халқларининг совет режимига қарши олиб борган миллий истиқлол кураши эканлиги ҳар томонлама асослаб берилган — *муҳаррир изоҳи.*)

Мазкур ҳаракат тарихини ҳолисона ўрганиш ва янгича баҳолаш билан боғлиқ яна бир муҳим масала бор: У ҳам булса Москва ва Санкт-Петербургдаги махфий архивларда сақланаётган манбалар билан танишиш ва уларни ўрганишдир. Масалан, РГАСПИ архивининг 61, 62 ва 122-фондларида РКП(б) Марказий Қўмитаси Туркистон бюроси, РКП(б) ва ВКП(б) Марказий Қўмиталарининг Ўрта Осиё бюроси, 122-фондида РКП(б) МК, РСФСР ХКС ва Бутунроссия Марказий Ижроия Қўмитасининг Туркистон иши билан шуғулланувчи комиссияси фаолиятига оид ҳужжатлар сақланган бўлиб, бу муассасалар 1919—1934 йилларда Тошкентда жойлашган ва фаолият олиб борган эди.

Россия Федерацияси Ҳарбий давлат архивининг 110, 149, 278, 238, 256, 125 ва 131-фондларида Туркистон fronti армиялари бошқармаси, Фарғона fronti 3-Андижон — Уш жанговар группаси штаби, Закаспий fronti бошқармаси, Еттисув Шимолий фронт бошқармаси ва бошқа фронтларнинг архивлари сақланмоқда. Худди шунингдек, ГАРФ архивида ҳам Ўрта Осиё тарихига оид бир қатор архив фондлари бор. Бу архивларда 1918—1924 йиллардаги Туркистон ва Бухоро ҳукуматларининг Москвадаги мухтор ваколатхоналари, шунингдек, Ўзбекистон ҳукуматининг СССР ҳукумати ҳузуридаги Мухтор ваколатхонаси фондлари мавжуд. Санкт-Петербургдаги архивларда эса Туркистон мухторияти ҳақидаги ҳужжатлар сақланмоқда. Бу архив фондларини чуқур ўрганмасдан туриб Ўзбекистоннинг 1917—1935 йиллардаги тарихини, хусусан, «босмачилик ҳаракати»нинг ҳаққоний тарихини яратиш маҳолдир.

Бундан ташқари, уша давр вақтли матбуотининг катта бир қисми Москва, Санкт-Петербург кутубхоналарида, ихтисослаштирилган омборларда сақланмоқда. Масалан, Туркистонда нашр этилган шундай газета ва журналлар борки (масалан, «Туркестанский голос», «Туркестанское слово», «Щит народа», «Голос Семи-речья», «Знамя свободы», «Бухоро ахбороти», «Инқи-лоб қуёши»), уларни Тошкентдаги кутубхоналардан топа олмаймиз. Уларнинг талайгина қисми Москвада-ги Ленин номидаги давлат кутубхонасининг Химки шаҳридаги филиалида, собиқ Россия Фанлар акаде-мияси Ижтимоий фанлар илмий ахборот институти кутубхонасида сақланмоқда.

Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизмати архивида ҳам «босмачилик ҳаракати»ига оид материаллар бор-ки, уларни ҳам атрофлича урганиш бу ҳаракат тарихи-ни ҳаққоний яратиш ишига ёрдам бериши шубҳасиз-дир. Фикримиз исботи учун қуйида бу ҳаракатга бош-чилик қилган кишилардан бири Носирхон тўра Саид-камолхон Тўраев ҳақидаги маълумотни келтирамиз. •

Носирхон тўра наманганлик мударриснинг ўғли бўлиб, отасининг мадрасасида таҳсил кўради. Бухоро-да ўқийди. Сўнгра Наманганда бош мударрис сифати-да бутун Фарғона водийсида катта шуҳрат қозонади. Чоризм салтанати ағдарилгандан сўнг у ижтимоий фа-олият билан шуғулланиб, Наманган шаҳар думасига сайланади. 1917 йил 26—29 ноябрда Қўқон шаҳрида бўлиб ўтган Ўлка мусулмонларининг IV қурултойида қатнашади ва Туркистон мухторияти ҳукумати тарки-бига аъзо бўлиб киради ҳамда Халқ маорифи вазири этиб тайинланади. Мухторият қонга белангач, Носир-хон тўра таъқибдан қочиб, яшириниб яшайди. Аммо бир йил утгач, очиқ фаолиятга утади ва 1923 йилга қадар Наманганда «Маҳкамаи шаръия» диний бош-қармасига раислик қилади.

ОГПУ ҳужжатларида ёзилишича, Носирхон тўра ди-ний соҳада фаоллик кўрсатиш билан бирга «Миллий иттиҳод» ташкилотининг Наманган бўлимига аъзо була-ди ва бу ташкилотнинг Косон шаҳридаги тармоғини ташкил қилади. 1924 йилда Косондаги батрақлар уюш-маси бойларга қарши кураш бошлаб юборганида унинг ташкилотчилиги билан деҳқонларнинг оммавий чиқиш-лари юз беради. 1925 йили Носирхон тўра советларга

қарши фаолияти учун ОГПУ қарори билан ҳибсга олинади ва Урта Осиёдан чиқариб юборилади. У Оренбургда яшар экан, татар руҳонийлари билан яқин алоқада бўлади. У ўзининг кўрган-билганларини «Оренбург мактублари» эсдалигида баён этади. 1928 йил охирида сургундан қайтиб келиб, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Қозоғистон шаҳарларида бўлади.

20-йиллар охири — 30-йиллар бошларида Ўзбекистонда зулм, ҳақсизлик, адолатсизликка қарши «босмачилик ҳаракати»нинг янги тулқини бошланади. «Босмачилик»ка қарши кураш баҳонасида куплаб бегуноҳ кишилар жисмонан йўқ қилинади. Шундайлардан бири Носирхон тура ҳам большевиклар томонидан отиб ташланади.

Фитрат 1937 йил 25 октябрда булиб ўтган тергов жараёнидан кейин бундай баённомани имзолашга мажбур бўлган: «Бизнинг ташкилотимиз «босмачилик ҳаракати»га катта аҳамият берган ва унга совет ҳокимиятига қарши фаол кураш олиб борувчи қурол сифатида кўпдан-кўп умид боғлаган эди. Биз «босмачилик»ка бўлғуси буржуа миллий давлати миллий армиясининг туғилиши, деб қараганмиз. Шунинг учун ҳам Муинжон Аминов, Ота Хўжаев (Отахўжа Пулатхўжаев — *муаллиф*), Усмон Хўжанинг фаол иштирокида Файзулла Хўжаев «босмачилик ҳаракати»га бевосита раҳбарлик қилиш билан машғул бўлди. Қулоқ-миллатчилик ишлари остида ташкил қилинган «босмачилик ҳаракати»ни РСФСР ҳукумати олдидаги совет ҳокимияти принципларига қарши қаратилган халқ ҳаракати, деб билганмиз».

Ўйлаймизки, Фитрат терговчи томонидан ёзилган ва сохта фактларга асосланган бу баённомани жисмоний тазйиқ остида тасдиқлаган бўлса-да, унда «миллий иттиҳод»чиларнинг «босмачилик ҳаракати»дан кузатган мақсади умуман тўғри ифодаланган.

«Миллий иттиҳод»нинг истиқлолга эришиш мақсадида бошлаган фаолияти шунга олиб келдики, 1920—1924 йилларда Мулла Абдулқаҳҳор, Жўра Амин, Мурод Мешкоб, Митан Полвон ва бошқа кўрбошилар раҳбарлигидаги совет давлатига қарши ҳаракат бутун Зарафшон водийсини қамраб олди. Фарғона водийсида ҳам аҳвол шундай эди. Бу ҳаракат иштирокчилари хорижий давлатлар билан ҳам алоқа ўрнатдилар.

Совет даврида «босмачилик ҳаракати» номини олган, иштирокчилари эса «аксилинқилобчилар» ва «халқ душманлари» деб қораланиб келинган қуроли ҳаракат ана шу тарзда большевикларнинг Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистондаги мустамлакачилик сиёсатиға қарши бошланди. Шунинг учун ҳам бу ҳаракат мустақиллик даври тарихчилари томонидан Туркистонда совет режимига қарши қуроли ҳаракат ёхуд истиқлолчилик ҳаракати сифатида талқин этилиб келинмоқдаки, бу мутлақо тўғридир.

Тарихий ҳужжатлардан шу нарса маълумки, 1909 йилда Туркистонда 7 миллион аҳоли яшаган. Шундан 2,5 миллиони ўзбеклар, 2,4 миллиони қозоқ-қирғизлар, 1,3 миллиони тожиклар, 0,6 миллионини эса руслар ташкил этган. 1920 йилги аҳоли рўйхатиға кўра, Туркистон республикасида 5 миллион 250 минг аҳоли яшаган. Демак, 11 йил ичида Туркистон аҳолиси 1,5 миллион кишиға камайиб кетган. Ҳолбуки, аҳолининг табиий усиши чор ҳокимиятининг бошқа улкаларига қараганда Туркистонда юқори бўлган. Қолаверса, шу давр ичида ички Россиядан кўплаб кишилар Туркистонға кўчириб келтирилган. Шундай экан, нега бунчалик аҳоли камайиб кетган? Бунинг асосий сабаби 1916 йилги миллий-озодлик ҳаракати ва инқилобнинг дастлабки йилларида кўплаб кишиларнинг қирилиб кетишидир. Статистик маълумотларға қараганда, фақат фуқаролар уруши оқибатида чор салтанатида 1921 йилға қадар 800 мингдан зиёд киши ҳалок бўлган, шундан 200 мингдан зиёди Туркистонға тўғри келади. Қарийб 140 миллион аҳолилик мамлакатда уруш йилларида 800 минг киши ҳалок бўлган бўлса, 7 миллионлик аҳолиға эға бўлган Туркистонда 200 мингдан ортиқ киши маҳв этилган. Демак, бошқа улкаларға қараганда Туркистонда кўпроқ қон тўкилган. Аниқ бўлмаган маълумотларға кўра, дашноқлар бандаси томонидан 1918 йил ва 1919 йилнинг биринчи чорагида Марғилонда 7 минг, Андижонда 6 минг, Наманганда 2 минг, Бозорқўрғон билан Қўқон ўртасидаги қишлоқларда 4,5 мингға яқин аҳоли ўлдирилган, азобланган. Халқнинг бу сингари даҳшатлар билан ортиқ мурса қилиши мумкин эмас эди.

Миллий истиқлолчилик ҳаракати тарихидек кенг қамровли масалани ҳар томонлама ёритиш учун шу ҳаракатнинг юзаға келишиға асосий сабаб бўлган Туркистон мухториятининг зўравонлик йўли билан туга-

тилиши ва дашноқларнинг совет ҳокимияти номидан иш қўриб, Фарғона халқига нисбатан қилган ёвузликлари ҳақидаги ҳақиқатни аниқлаш ва юзага чиқариш муҳим аҳамиятга эга. Дашноқларнинг Фарғона водийсидаги ёвузликлари ўз даврида Туркистон ҳукумати-нинг айрим миллий раҳбарлари томонидан кескин фош этилган, уларнинг айримлари уша танқидлари ҳам сабаб бўлиб 30-йилларда қатағон қилинган.

Дашноқларнинг Андижон уездида олиб борган босқинчилик ҳаракатига жавобан бошланган қуролли ҳаракат тўғрисида Турор Рисқулов бундай ёзган эди: «Босмачилар Андижон шаҳрида бирмунча муваффақиятга эришдилар, натижада 70 та милтиқ, бир неча минг ўққа эга бўлишди. Дашноқлардан иборат ҳарбий қалъа бу воқеада бутун айбни эски шаҳарликлар бўйнига юклади. Шу муносабат билан бўлинма митинги чақирилиб, Эски шаҳарни тинтиб чиқиш учун қарор қабул қилинди. Тинтув бир ҳафта давом этди. Ўғирлик, қотиллик, зўрлаш ҳодисалари содир бўлди. Тинтувдан сўнг эскишаҳарликларнинг кўпчилиги босмачиларга қўшилиб кетди.

Оқибат шу бўлдики, бир неча кундан кейин 170 кишидан иборат дашноқлар отряди босмачилар томонидан қуршаб олинди ва битта қолдирмай чопиб ташланди. Шундан сўнг аҳолини босмачиларга ён босишда айблаш бошланди. 170 кишининг ўрнига шаҳар қумитаси раиси Салаев¹ бошчилигида 250 кишидан иборат отряд тузилди ва Қўқонқишлоққа ҳужум қилиниб, биронта уй қолдирмай ёқиб юборилди.

Қочиб кетган қишлоқ аҳолисини 20 чақиримгача қувлаб боришди ва бирма-бир қиличдан ўтказишди. Бошқа бир отряд босмачиларга Сузоқ қишлоғи атрофида дуч келди: босмачилар қишлоққа кириб яшириндилар. Сузоқ қуршаб олинди ва аёвсиз ўққа тутилди. Қишлоқдан қочиб, дарё бўйига яширинган аҳолига қарата ўт очилди ва бирор-бир тирик жон қолдирмай, қириб ташланди. Бир ойлар чамаси қумилган мурдаларни итлар ғажиб ётишди.

Бозорқўрғонга борган Коновалов бошчилигидаги учинчи отряд эса, иложи борица ўз ҳаракатини сир

¹ *Аркадий Прокофьевич Салаев* — Андижон уезд-шаҳар советининг раиси.

тутишга интилки ва тахмин қилганларидек, босмачиларга дуч келгач, қутилмаганда ғойиб бўлдилар. Коновалов Бозорқўрғонда кетар экан, қўшни Никольское қишлоғи (ҳозирги Бозорқўрғон билан Асака ўртасида жойлашган қишлоқ — *муаллиф*) даги русларга Бозорқўрғонни босмачилардан тозалашни топширди ва бу қишлоқни Никольскоедаги рус «қулоқ»лари уч ҳафта давомида обдон «тозалашди». Аввалига, шунчаки талон-торож қилишди, сўнг ҳеч нимани сураб-суриш-тирмай, эркакларни босмачиларни қўллаб-қувватлагани, болаларни эса, бир неча йилдан сўнг босмачи бўлиб етишиши мумкинлиги учун отиб ташладилар. Ниҳоят, улар аҳолига ўлганларни кумиш учун рухсат беришди. Халқ мурдаларни олиб, диний урф-одатларни бажо келтираётганида, «қулоқ»лар такрор ҳужум қилиб, намоз ўқиётганларнинг ҳаммасини ер тишлатди... Дашноқ ва қулоқларнинг бу хил ҳаракатлари (бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин) босмачилар сафининг яна ҳам кенгайишига сабаб бўлди»¹.

Қўрбошилар ўз сафларини мустаҳкамлаш, қўрол-яроғ сотиб олиш ва озиқ-овқат билан таъминланиш учун қишлоқ аҳолисига солиқ солганлар, иродаларига бўйсунмаган кишиларни жазолаганлар. Масалан, Қозоқ қўрбоши Андижон шаҳридаги Уйлик даҳасининг эликбошиси Тўхтасинга қўйидаги талаб билан мурожаат этган: «Жаноби Исроилбек Ғозий амрига мувофиқ бой синфига мансуб аҳолидан тезлик билан 300 минг сўм тўплаб, уни мусулмон аскарлари фойдасига келтиришингизни талаб этаман. Пулни келтириш пайсалга солинадиган бўлса, қатъий жазоланасиз».

Шу даҳа оқсоқоли Мухтор охунга келган хатлардан бирида бундай дейилган: «Шошилинич тарзда ўзига тинч бойлардан ислоннинг жасур лашкарларига ёрдам ва хайрия учун марказий банк ҳисобидан бир миллион сўм пул йиғиб топширишингизни буюраман...

Ислон қўшинлари бош қўмондони Шерматбек Ғозий».

Жалабек қишлоғи аминига Умрзоқ қўрбоши эса мана бу хатни йўллаган: «Шерматбек Ғозий фармони-га кўра, сиз 3 кун муддат ичида қўшинлар учун 100 минг сўм тайёрлаб қўйинг. Айтилган фурсатда бажар-

¹ *Рисқулов Т.* Курсатилган адабиёт... стр. 113—116.

масангиз, аёвсиз жазоланасиз. Пулни бой ва камбағаллардан мутаносиб тарзда йиғинг»¹.

Пойтуғ ҳоқими Асқар Алидан Чунг Бағиш оқсоқолига 1921 йил 23 мартда келган хатда эса бундай сўзлар айтилган: «Ушбу билан барча элликбошиларга маълум қиламан ҳамда буюраманки, мусулмон қўшинларининг бош қўмондони баҳодир Шерматбекнинг амрига мувофиқ Мулла Абдукарим Мулла Муҳаммад Назар Охуннов халқ қозиси этиб тайинланди. Шундан эътиборан у барча ишларни шариат асосида кура бошлайди. Васиқа, никоҳ, мулк ва бошқа масалаларнинг ҳаммаси шариат асосида курилади. Бу ҳақда бутун аҳолини хабардор қиламанки, бундан кейин ҳамма халқ қозисига муружаат этсин»².

Бундай ҳужжатлар шундан далолат берадики, агар қуролли ҳаракат ғалаба қозонган тақдирда ҳам Ўзбекистонда замонавий дунёвий давлат эмас, балки диний кадриятлар устуворлик қилган давлат тузуми барпо этилган бўларди. Шунга қарамай, айтиш жоизки, большевизмга, совет давлатининг мустамлакачилик сиёсатига қарши кураша оладиган бошқа бирор куч бўлмагани учун бу тарихий вазифани ҳаракат раҳбарлари ўз зиммаларига олдилар.

Партия, совет ва ҳарбий ташкилотларнинг жойлардаги фаолиятларида ўта сўллик ва зуравонликка йўл қўйганликлари ҳам мазкур ҳаракатнинг авж олишига сабаб бўлди. Шу нуқтаи назардан Туркистон Халқ Комиссарлари Совети ва Фарғонада «босмачилик»ка қарши кураш бўйича тузилган «учлик»нинг раиси Қ.С. Отабоевнинг 1922 йил 25 февралда Андижон уезди масъул ходимлари билан ўтказган кенгашдаги каттагина нутқи эътиборга сазовор. У кенгашда «босмачилик»ни ҳарбий куч билан тугатиб бўлмаслигига иқдор бўлиб, тўрт йиллик кураш давомида Фарғонанинг маҳаллий шароити, турмуш тарзи, умумий ҳолати ҳисобга олинмагани, шунинг учун ҳам бу ҳаракатнинг миллий тус олганини айтиб, бундай дейди: «Босмачилар ўзларини дин ҳимоячилари ва русларнинг душмани деб эълон этдиларки, бу билан улар маҳаллий туб аҳоли-

¹ Андижон вилояти давлат архиви, 90-фонд, 1-руйхат, 86-иш, 240—290-варақлар.

² Ўша архив, 90-фонд, 1-руйхат, 77-иш, 229-варақ.

нинг ҳурматини қозонмоқчи бўдилар. Большевизм билан кураш олиб боришни босмачиларга оқ гвардиячилар ўргатди. Босмачилик...вақт ўтиши билан ўз жараёнида диний ва миллий тус ола бошлади»¹.

Мазкур йиғилишда Ёқубжон Исакулов сўз олиб, бундай дейди: «Ҳарбий қумондонликда жойлашиб олган шахсларнинг маҳаллий аҳоли турмуши ва психологияси билан таниш бўлмаслиги туфайли ҳозирги вақтгача босмачиликни тугатиш имкони бўлмапти. Жазо органлари бошида европалик уртоқлар жойлашиб олганларки, улар ҳам маҳаллий аҳоли психологияси билан таниш бўлмасдан, қандайдир ярамаснинг ёлғон чақуви бўйича масъул мусулмон ходимларни судга бердилар ва ҳатто отиб ҳам ташладилар, бу эса босмачиликни тугатиш масаласида мусулмон ходимларнинг совиб кетишга сабаб бўлди»².

1922 йил 12 майда Туркистон Компартияси Марказқумининг V пленуми «Босмачилик билан курашиш ва ТКПнинг Туркистондаги навбатдаги вазифалари» масаласини муҳокама қилди. Пленум ишида РКП(б) МҚ Туркистон бюроси аъзоси С. М. Гусев, РКП(б) МҚ аъзоси Г.К.Орджоникидзе қатнашдилар. Марказқум котиби Н.Тўракуловнинг маърузаси бўйича муҳокамада Қ.С.Отабоев, Врачев, И. Хидиралиев, Бурнашев, Казарин, Миржамолов, Султон Хўжаев, С.И.Гусев, Юдовкин, Соловьев, Г.К.Орджоникидзе лар сўзга чиқдилар. Қ.С.Отабоев ўз нутқида Фарғонадаги аҳвол сабабларини билмагунча бу масалани ҳал этиб бўлмаслигини таъкидлаб, бундай деди: «Фарғонада рўй берган воқеа босмачилик эмас, балки халқ қўзғолонидир. Босмачилик ундан олдин бўлган. Вазиятни ҳисобга олишдаги укувсизлигимиз туфайли дастлабки йилларда «Йуқолсин бойлар, дин, шариат! Яшасин совет ҳокимияти!» каби шиорлар остида совет ҳокимияти ўрнатилди...»

Қ.С.Отабоев кимга қарши кураш олиб борилган бўлса, халқ оммаси шу «жабрдийдалар»га хайрихоҳ бўлганлиги ҳақида сўзлаб, шундай деди: «Ҳожимат эшон (собик авлиё) аҳоли ҳурматини қозониб, узоқ вақт давомида босмачиликни бошқаради. Бу ерда иқти-

¹ Ўша манба.

² Ўша манба.

содий сабаблар бор эди: майда кустар корхоналарнинг миллийлаштирилиши, пахта заводларининг ёпиб қўйилиши натижасида бир гуруҳ ишчилар босмачилик кучоғига ташландилар. Биз ўртоқ Ленинга суиқасд қилиниши муносабати билан бойларни суиқасдликда айблаб, қамоқхоналарга ташладик. Биз аҳолининг барча нуфузли қатламларини қувиб юбордик ва босмачилик советларга қарши ҳаракат тусини олди, бутун аҳоли томонидан қўллаб-қувватланди, диний урф-одатларни ва миллатни большевиклардан ҳимоя қилишга отланди. Босмачилик билан кураш бошланган эди, аммо бу кураш уни тугата олмади. Бу ҳам босмачиликнинг ривожига янги сабаб бўлиб хизмат қилди». Кўрамизки, советлар «босмачилар»га қарши курашиш жараёнида тинч аҳолига ҳам беқийёс даражада катта жабр-зулмлар келтирди ва шунинг натижасида улар қуролли ҳаракатга кўпроқ ёрдам бердилар.

Мазкур ҳаракатнинг узоқ йиллар мобайнида давом этишининг сабабларидан яна бири совет жазо муассасаларининг фаолияти билан боғлиқ. Улар, миллий таркибига кўра, руслардан иборат бўлиб, туб аҳолининг истак-хоҳиши билан мутлақо ҳисоблашмас эдилар. Улар аҳолини бекордан-бекорга отиб, қамоқхоналарда қийнаб, ушлаб турардилар. Шунинг учун ҳам Қ.С.Отабоев ўз нутқида Туркистонда «босмачилик» маҳаллий аҳолининг ўз кучи билангина тугатилиши мумкинлигини, ЧК органларидаги Иванов, Петров каби ходимларнинг маҳаллий халққа ёт кишилар булганлиги сабабли уларнинг бу ҳаракатга қарши танлаган кураш усул ва услублари самара бермаслигини, «босмачилик»ка қарши курашиш учун жазо органларини, ҳарбий инқилобий кенгашларни, совет-партия муассасаларини маҳаллий ходимлар билан тўлдириш ва бу ишни уларга топшириш зарурлигини айтади.

И.Хидиралиев ўз нутқида Қ.С.Отабоевни қўллаб-қувватлаб, шундай деганди: «Ўртоқ Отабоев ўзининг қисқа маърузасида Фарғонада юз бераётган даҳшатларнинг юздан биринигина келтирди. Фарғонадаги ҳозирги аҳвол бизнинг хатоларимиз натижасидир. Авваллари пахта ва гуручнинг базаси ҳисобланган бир қатор йирик қишлоқлар эндиликда қаҳатчиликни бошидан кечирмоқда. Шунинг учун ҳам очликни кечирмоқдаларки, 20-йилда босмачилар жойлашган жойлар-

дан қизил аскарларнинг овқатланиши учун озиқ-овқатларни олиб чиқиб кетиш методи қўлланган. (Шунинг учун ҳозир у ерда қаҳатчилик ҳукм суриб, ҳатто экиш учун ҳатто уруғ ҳам етишмаяпти.) Натижада биз аҳолини очликка дучор қилдик. Сўнгра шариатни ҳақорат қилиш масаласидаги номаъқулчиликларни ҳам таъкидлаш зарур, мадрасалар казармаларга айлантдилди. Босмачилар билан курашда ҳалок булганлар диний расмларсиз дафн қилинмоқда. Буларнинг ҳаммаси маҳаллий аҳолини ғазабга келтирмоқда. Булар маҳаллий аҳолининг нафратини уйғотмоқда, деб айтган ходимлар миллатчиликда айбланмоқдалар ва таъқиб этилмоқда. Шу боис улар совет ҳокимиятидан босмачилар томонига ўтиб кетмоқдалар...

Босмачилар билан курашиш учун тузилган маҳаллий полклар тарқатилиб юборилмоқда. Ҳаттоки ўртоқ Зиновьев босмачилар билан курашиш учун «бегона»ларга, яъни маҳаллий аҳолига биронта ҳам милтиқ бермаслигини эълон қилди... Петерс отряди тинч аҳолидан 130 кишини қилич билан чопиб ташлади, худди шундай фожеа Андижон уездида ҳам содир булди. Босмачилар кетганидан сўнг тинч аҳолидан 45 киши сўйиб ташланди. Петерс отряди шундай хатти-ҳаракатлари билан шуғулланаётган бир пайтда, ўртоқ Эйхманс фармонига кўра, сиёсий бўлимда маҳаллий масъул ходимлар устидан тергов ишлари олиб борилмоқда. Бундан Тошкент ҳам, Марказ ҳам хабардор. Эндиликда сиёсий ён беришлар билан ўша вақтда қилинган хатоларимиз жазосини тортаяпмиз»¹.

Врачев Бухорода авж олган «босмачилик» ҳақида тўхталиб, бу ерда ҳаракат маълум маънода халқ кўзғолони, исёни характериға эға бўлаётганини қайд этиб, «босмачилик»нинг Самарқанд, Закаспий, Сирдарё вилоятларида ҳам ривожланиб бораётганини асослаб беради ва шундай оғир вазиятда Фарғонада хато сиёсат олиб борилаётганини танқид қилади.

Куролли ҳаракатда минтақалар, миллий районларнинг ўзига хослиги билан боғлиқ фарқлар, хусусиятлар ҳам булган. Масалан, Туркменистондаги Жунаид-

¹ Шамсутдинов Рустам. Жасоратларға тула ҳаёт соҳиби (Ўрта Осиёнинг таникли сиёсий, жамоат арбоби Иномжон Хидиралиевнинг ҳаёт йули ҳақида). Андижон, 1991, 40—41-бетлар.

хон бошчилигидаги ҳаракат билан Тожикистондаги Иброҳимбек раҳбарлигидаги ҳаракатда, Фарғона водийсидаги Мадаминбек бошлиқ ҳаракат билан водийнинг қирғиз аҳолиси яшаган Муҳиддин, Жонибек қози каби қўрбошилар бошлиқ ҳаракатда талайгина миллий ва маҳаллий хусусиятлар бўлганки, буларни эътибордан четга қолдирмаслик керак. Шу билан бир қаторда советларга қарши қуролли ҳаракатда қайси минтақада бўлишидан қатъи назар кўпдан-кўп умумийликлар бўлган ҳамда курашувчи гуруҳлар бир-бирлари билан ўзаро қўшилиб кетганки, шунинг учун ҳам мазкур ҳаракатни атрофлича урганмай туриб унга тўғри баҳо бериб бўлмайди.

Ўйлаймизки, миллий истиқлол ҳаракати ҳақидаги янги далиллар, ҳужжатлар, материаллар, фикр ва мулоҳазалар қанчалик кўп бўлса, тарихимизнинг бу гоят мураккаб даврини тўғри талқин ва таҳлил қилиш имконияти ҳам шунчалик кўп бўлади.

«БОСМАЧИЛАР» КИМ БЎЛГАН?

Президент И.А.Каримов Тошкент вилояти Кенгаши сессиясида сўзлаган маърузасида мамлакатимиз тарихини яратишдаги долзарб муаммолар устида тўхталиб, жумладан, бундай деган эди: «Она юртимиз Туркистонга ёв бостириб келганда ҳам, инқилоб даврида ҳам, «босмачи» деган уйдирмалар чиққан пайтда ҳам, сўнгги йиллар давомида «ўзбек иши», «пахта иши» деган маломат ва бўҳтонлар авж олган, «десантчилар» келиб хонадонларимизни хонавайрон қилган вақтларда ҳам, Фарғона фожеаси туфайли халқимиз бошига ёғилган бало-офатларнинг барчасининг сабаби ва илдизини юртимизда адолат мезони бузилганидан кўриш керак. Ўйлайманки, шу кўз билан тарихимизнинг аламли саҳифаларига тўғри баҳо-изоҳ берсак, кўп нарсани жой-жойига қўйишимиз мумкин. Шундай вазифани авваламбор олимларимиз, тарихчиларимиз, адабиётчиларимиз, эл-юртимизнинг ҳақиқий ватанпарварлари ўз зиммасига олишлари даркор»¹.

Биз, тарихчилар, «босмачи», «босмачилик» деган

¹ *Ислом Каримов*. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. Т., «Ўзбекистон», 1996, 349-бет.

сўзлар уйлаб туқилган 1918—1935 йилларни тарихимизнинг аламли саҳифаларидан бири сифатида тадқиқ ва таҳлил қилиш, холисона баҳолашни долзарб вазифалардан бири, деб ҳисоблаймиз. Бу мавзу қарийб олтамиш йилдирки, нафақат ўзбек ва рус олимлари, балки хорижий тарихшунослар эътиборини ҳам ўзига жалб этиб келади. Аммо 75 йиллик совет тарихшунослигида мазкур масала, юқорида қайд этиб ўтилганидек, сохталаштирилиб, бузиб келинди.

Мустақиллик туфайли, тарихимизнинг бошқа даврлари каби, бу ҳаракат ҳам тамомила янгича нуқтаи назардан туриб ўрганилмоқда. Мазкур мавзуда бир қатор тадқиқотлар олиб борилиб, докторлик ва номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди, бир қатор рисола ва мақолалар эълон қилинди. Айниқса, тарих фанлари доктори Қаҳрамон Ражабов шу соҳада ибратли ишларни амалга оширди.

Миллий-озодлик ҳаракати истиқлол кураши юз берган Ер қуррасининг бирон минтақасида: на Африкада, на Осиёда, на Европада Туркистонда бўлганидек ғоят катта, улкан қурбонлар эвазига бўлмаган. Далилларга мурожаат этамиз.

Совет тарихшунослигида Туркистондаги «граждандар уруши» даврида ҳар икки томондан 200 минг киши, жумладан, 50 минг коммунист қурбон бўлгани айтилган. Фарғона fronti ҳарбий кенгаши аъзоси Березин «босмачилар»дан 250 минг киши ўлдирилганини фахр билан айтган¹. Таниқли давлат арбоби И.Хидиралиев ҳам Фарғона водийсида бир неча ўн минглаб кишиларнинг ўлдирилганини ачиниш ҳисси билан қайд этган². Доктор Боймирза Ҳайит туркистонликлардан 700 минг киши, қизил аскар ва зобитлардан эса 68 минг киши ҳалок бўлган, деб ёзади³.

1917—1923 йилларда фақат Фарғона водийсида очликдан 1 миллиондан ортиқ одам ўлган. Қаҳрамон Ражабов водийда 1918 — 1924 йилларда 500 минг киши

¹ Березин Н. Басмачество в Бухаре. Военный работник Туркестана. 1922, № 7.

² Шамсутдинов Рустамбек. Жасоратга тула ҳаёт соҳиби (Урта Осиёлик миллий арбоб Иномжон Хидиралиевнинг ҳаёти ва фаолияти). Андижон, 1991.

³ Боймирза Ҳайит. «Босмачилик». Туркистон миллий мужодала тарихи (1917—1934). Туркия Диёнат вақфи нашрлари. Анқара, 1997.

қизил аскарлар томонидан қирилган, 1 миллион киши очликдан ўлган, 1915 йили минтақада 2,2 миллион киши яшаган бўлса, 1924 йил охирига келиб, 500 минг киши қолган, яъни 10 йил ичида 1 миллион 700 минг киши ҳалок бўлган, деган хулосага келган¹. Шаҳобиддин Яссавий эса 1920—1935 йиллар мобайнида Туркистондан тахминан 2 миллиондан ортиқ киши хорижга кетган², деб ёзади.

Боймирза Ҳайитнинг ҳисоблашича, Ўрта Осиёда 1917—1934 йилларда олиб борилган миллий-озодлик ҳаракатида турли миллат вакилларида 2 миллионга яқин одам жон фидо қилган, 1 миллион 900 мингдан ортиқ киши хорижга кетган, 1930—1939 йилларда камида 1 миллион 700 минг киши «босмачи»ларга қушилган ёки уларга ёрдам берган ёки улар ҳақида маълумот бермаганликда айбланиб, Сибирга ва бошқа жойларга сургун қилинган. Ҳаммаси бўлиб 5 миллион 600 минг киши қурбон бўлган³. Бу ҳисобга чор Россияси босқинига қарши Ўрта Осиё халқлари 1853 йилдан 1917 йилга қадар олиб борган миллий-озодлик кураши давомида берилган кўпдан-кўп қурбонлар кирмайди. Агар уларни ҳам жамлаб, 130 йил давомида қурбон бўлган кишилар ҳисобланса, чиндан ҳам, ер юзида юз берган миллий-озодлик курашлари тарихида Ўрта Осиёдаги каби кўп қурбонларнинг бўлмагани маълум бўлади. Шунинг учун ҳам Ўрта Осиёдаги истиқлолчилик ҳаракати тарихини чуқур ўрганиш ва шу мавзуга бағишланган кўп жилдли нашрларни амалга ошириш айти муддаодир.

«Босмачи» деган ҳақоратли сўз қандай юзага келган?

1918—1919 йилларга оид совет ва партия муассасалари ҳамда ҳарбий ташкилотларнинг ҳужжатларида «таловчилар», «душманлар» деган сўзлар учрашига қарамай, «босмачилар», «босмачилик» деган сўзлар кўзга

¹ *Ражабов Қ.* Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракати: моҳияти ва асосий ривожланиш босқичлари (1918—1924 йиллар). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация, 1994, 30—35-бетлар.

² *Шаҳобиддин Яссавий.* Туркистоннинг аччиқ ҳақиқатлари. Истанбул, 1984.

³ *Боймирза Ҳайит.* «Босмачилик». Туркистонда 1917—1934 йиллардаги миллий кураш (немис тилида). Кёльн, 1992.

ташланмайди. 1918—1919 йилларда булиб утган Туркистон компартияси ва советларининг съездлари, шунингдек, пленумлар, сессиялар, конференциялар ҳужжатларида ҳам «босмачилик» ибораси учрамайди. Ҳатто «босмачилик ҳаракати» ва шу ҳаракат билан боғлиқ ҳужжатларда ҳам бундай ифодани курмаймиз. Шубҳасиз, миллий-озодлик йулида кураш олиб борганлар узларини «босмачилар» деб атамаганлар. «Босмачи» сузи биринчилардан булиб большевиклар томонидан Москвада нашр этилган «Жизнь национальностей» («Миллатлар ҳаёти») журналининг 1920 йил июнь сонида қўлланиб, «Босмачилар fronti» мақоласи эълон қилинган. РКП(б) Марказий Қўмитасининг 1922 йил 18 майдаги қарорида ҳам «босмачилар» ибораси қўлланилган. Унда «босмачилик»ка қарши ҳарбий тадбирлар белгиланиб, аҳоли орасида тарғибот ишларини олиб бориш, Анвар Пошони аҳоли орасида инглиз жосуси ва Шарқ халқларининг душмани сифатида бадном этиш вазифаси қўйилган эди. П.Кушнев эса «босмачи» сузини «Красная звезда» газетасининг 1928 йилги 1-сонида қароқчи маъносида қўллаган. Буни қарангки, Туркистон улкаси чор Россияси томонидан босиб олинганга қадар ва ундан сунг ҳам бу ерда «қароқчилар» булган ва улар қизил қўшинга, большевикларга қарши кураш олиб борганлар.

Аммо 20-йиллардаёқ бу каби ғайриилмий, туҳмат қарашларга қарши улуроқ ҳақиқатга яқин фикрлар ҳам билдирилган. Баъзи тадқиқотчилар «босмачилик»ни «партизанлик ҳаракати», «халқ ҳаракати», «инқилобий кураш», «озодлик кураши» деб талқин этишган. Ҳаттоки В.В.Куйбишев ҳам Бухородаги миллий-озодлик курашини «бу босқинчилик босмачилик ҳаракати эмас, балки сиёсий ҳаракатдир», деб баҳолаган. Ҳарбий арбоблардан бири Врачев эса 1922 йил 12 майда «Бухорода авж олган босмачилик маълум маънода халқ қўзғолони, халқ исёни характерига эга», деб очиқ-ойдин айтган.

Таниқли совет раҳбар ходими Г.Сафаров «Колониальная революция. Опыт Туркестана» («Мустамлакачилик инқилоби. Туркистон тажрибаси») (Москва, 1921) китобида мазкур ҳаракатни мустамлакачиларга қарши қаратилган миллий кураш, деб атаган.

Маҳаллий миллат вакилларидан Низомиддин Хўжаев, Турор Рисқулов, Файзулла Хўжаев, Абдулла

Рахимбоев, Санжарбек Асфандиёров, Назир Туракулов, Қайғусиз Отабоев, Фитрат, Усмонхон Эшонхўжаев, Иномжон Хидиралиев, Раҳим Иноғомов ва бошқалар масалага туғри ёндошиб, «босмачилик» моҳиятини ҳақиқатга яқин тарзда гаҳдил этишга уринишган. Аммо улар шу фикр-ғоялари учун 30-йилларда қатағон қиличидан утказилди.

Шу вақтдан бошлаб «босмачилик ҳаракати» Туркистонни Россиядан ажратиб олиш, эски феодал-клерикал хонликларни тиклаш йулида, советларга қарши қаратилган аксилинқилобий, миллатчилик ва диний йуналишдаги ҳаракат, деган фикр совет даври тарихшунослигида мустаҳкам урин ола бошлади. Бу жараён XX аср 80-йиллар охири — 90-йиллар бошига қадар давом этди.

Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институтида «босмачилик» масаласига бағишланган давра суҳбатида республика олимлари «босмачилик»ни истиқлолчилик ҳаракати, «босмачилар»ни эса истиқлолчилар, деб аташ маъқул, деган фикрга келишди. Ўзбекистонда тарих фанининг ҳозирги тараққиёти даражаси ва муаммога нисбатан концептуал ёндашувнинг такомиллашуви натижасида кейинги йилларда бу ҳаракат Туркистон минтақасида совет режимига қарши қуролли ҳаракат деб номланмоқда¹.

Тарихдан шу нарса маълумки, советларга қарши қуролли ҳаракат Қўқонда 1917 йил ноябрида ташкил бўлган Туркистон мухторияти ҳукуматининг 1918 йил февралда қизил қўшин томонидан тор-мор этилиши билан бошланди. Советларнинг Урта Осиёда маҳаллий аҳоли манфаати билан ҳисоблашмай амалга оширган тадбирлари, шунингдек, бу «тадбирлар»га қарши кўтарилган ҳаракатга жавобан совет ва партия муассасалари, ҳарбий қўшилмаларнинг Фарғона водийсидаги тинч аҳолига қарши бошлаган қирғин ва тазйиқ сиёсати водийдаги бу ҳаракатга янада кескинлик ва оммавий тус берди.

Фарғона водийси миллий курашчиларининг ижтимоий таркиби деҳқонлар, хунармандлар, савдогарлар,

¹ *Раджабов К. К.* Вооруженное движение в Туркестанском крае против советского режима (1918—1924 гг.). Автореферат дисс... док. ист. наук. Ташкент, 2005, стр. 64.

бойлар, руҳонийлар, эшонлар, муллалар, дарвешлар, зиёлилар, айниқса, жадидлар ва умуман зиёлилардан, миллий таркиби эса асосан ерли аҳоли — ўзбеклар, қирғизлар, тожиклар, қozoқлар, туркманлар, уйғурлардан иборат бўлган. Қуроли ҳаракат сафида рус зобитлари, турк ва афғон ҳарбийлари ҳам бўлишган. Деярли шундай ижтимоий ва миллий таркибни Ўрта Осиёнинг бошқа минтақаларидаги ҳаракатда ҳам кўриш мумкин.

Бу ҳаракат иштирокчиларининг миқдори масаласида ҳар хил фикрлар мавжуд. Совет тарихчиларининг асарларида уларнинг миқдори 6 мингдан 60 минггача, деб кўрсатилган. Инглиз олими Г.Фрезер 1922 йил ноябрида Туркистонда 106 минг кишилик совет қуроли кучларига қарши курашда 60 минг, жумладан, Фарғонада 26 минг нафар миллий курашчи қатнашган¹, деб ёзади.

Туркистон Республикаси Марказий Ижроия Қўмитаси раиси И.Хидиралиевнинг фикрича, 1920 йил сентябрида истиқлол курашчиларининг сони 70 минг кишига етган. Бу рақамлар вақтга, шароитга қараб ўзгариб, гоҳ кўпайиб, гоҳ камайиб турган. Бу уринда 2-ўқчи Туркистон дивизияси командири Ф.Д.Карповнинг 1920 йил 8 августда Туркфронт қўмондони М.В.Фрунзегга телефон орқали юборган қуйидаги хабари диққатга лойиқ. «Фарғонадаги кураш, — деб хабар берган у, — ерли халқнинг совет ҳукуматига қарши уюшган кўзғолонидир. Ўтган сафарги операцияда босмачилар жуда катта талофат кўрдилар, ҳозирги пайтда уларнинг сафи яна тўлдирилди, ҳатто кўп, ҳар бир миллионга беш номзод бор».

Қуроли ҳаракатга қарши жанг олиб борганлар миқдори. Боймирза Ҳайитнинг ҳисобига кўра, 160—170 минг кишига етган. Аммо қизиллар замонавий қурол, ҳарбий техника, пулемёт, самолёт ва бошқа воситаларга эга бўлишган. Уларга қарши кураш олиб борганлар эса бу жиҳатдан жуда заиф бўлганлар. Бироқ жанговарлик, ҳақ ишга садоқат, ватанпарварлик руҳи уларда жуда кучли бўлган.

Туркистон fronti қўмондони А.С.Пугачёв, инқилобий ҳарбий кенгаш аъзоси Берзин, штаб бошлиғи

¹ Гленда Фрезер. Босмачилар. Лондон, 1987 (инглиз тилидан ўзбекчага таржима қилинган).

Шуваловлар «Рота командирларигача булган барча ҳарбий бошлиқларга босмачиликка қарши кураш бўйича кўрсатмалар»ида «босмачилар»ни шундай таъриф ва тавсиф этишган: «Босмачиларнинг характерли томонлари айёрлик, ниҳоятда топқирлик, жасурлик, эпчиллик ва толмаслик, маҳаллий шароитни яхши билиш, бир вақтнинг ўзида тўдалар уртасидаги алоқа бўлиб ҳисобланган аҳоли билан боғлиқлик... Босмачилар айёр, лекин уларни алдай олиш керак; босмачилар топқир, жасур, чапдаст ва толмас, демак, улардан топқирроқ, жасоратлироқ ва чапдастроқ бўлиш керак; пистирмалар қўйиш, кутилмаганда пайдо бўлиш; модомики, босмачилар маҳаллий шароитни яхши билмаганимиздан фойдаланаётган эканлар, демак, шуларни биз яхши ўрганишимиз, босмачилар маҳаллий аҳолининг обрўйига таяниб иш кўраётган эканлар, демак, биз ҳам шунга эришишимиз керак»¹.

Шу фикрнинг ўзиёқ большевикларнинг қуроли муҳолифат ҳаракати қатнашчиларига алаалоқибат ҳурмат билан қарагани, улардан сабоқ олгани ва уларга хос энг яхши фазилатларнинг ўзларида йўқлигини тан олганларини англатади.

ҲАРАКАТНИНГ ҲАРБИЙ РАҲБАРЛАРИ

Қурбошилар ва лашкарбошиларнинг ижтимоий-сиёсий, ҳарбий фаолиятини ўрганиш ва уларга баҳо бериш тарихчилар олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Турли архивларда қурбошилар ҳақида кўплаб материаллар бор. Шаҳобиддин Яссавий, Мусо Туркистоний сингари хорижий муаллифлар ўз китобларида 200 га яқин қурбошилар туғрисида умумий маълумотлар беришган. Биз ҳам қўлимизда мавжуд бўлган ҳужжатлар асосида мазкур ҳаракатнинг баъзи бир раҳбарлари ҳақида маълумот бермоқчимиз.

Парпибек ва Охунжон қурбошилар

Хориждаги тарихчи олимлардан бири Б.Ҳайит тадқиқотларида Парпибек қурбоши фаолияти билан боғ-

¹ Сборник указаний по борьбе с басмачеством. Издание Реввоенсовета Туркестанского фронта. Ташкент, 1924, стр. 16.

лиқ айрим маълумотлар берилган. Бу маълумотларга кўра, Фарғона водийси худудларида ҳаракат қилган кўрбошилар орасида Узганда Жонибек қози, Новқатда Муҳиддинбек, Андижон атрофида Парпибек анчагина катта гуруҳларга эга бўлишган. Чунончи, Парпибек кўшинида 3600 дан ортиқ аскар хизмат қилган. «Босмачилар»га қарши курашда қизил армия кўшинларида 14 та артиллерия, 376 та пулемёт, ўнлаб самолёт, 7 та бронепоезд бўлгани учун улар ғоят оғир шароитда кураш олиб борганлар.

Кўзга кўринган кўрбошилардан бири Охунжон 1919 йил 12 июнда қизил аскарлар кўшини кўмондони Д.Е. Коновалов билан сулҳ тузиб, ўз йигитлари билан советлар томонига ўтган ва ўша йилнинг сентябрь ойида Андижон мудофаасида советлар тарафида туриб катта жасорат кўрсатган. Аммо большевикларнинг сиёсий ўйин ва найранглари кўрган Охунжон ўз ниятидан қайтиб, шу вақтда Андижон уездида катта куч ва мавқега эга бўлган Парпибек кўрбоши билан яширин музокаралар олиб боради. Бундан қизиллар огоҳ бўлишадди. 1920 йилнинг май ойида Туркфронт кўмондони М.В.Фрунзе иштирокида бўлиб ўтган инқилобий кўмита ва партия кўмитасининг кўшма йиғилишида, бошқа масалалар билан бир қаторда, Охунжон отрядини Тошкентга жўнатиш масаласи ҳам кўрилади. 25 майда Андижонда гарнизон кўшинлари кўриги ўтказилаётган вақтда собиқ кўрбошиларидан бири Охунжоннинг Парпи кўрбоши билан биргаликда ҳаракат қилиши ҳақида музокара олиб бораётгани туғрисида хабар келади. Шундан сўнг Охунжон отрядини қуролсизлантиришга ҳаракат қилинади. Аммо қуролни топширишдан бош тортган Охунжон отрядидан бир қанча киши аскарларга қарата ўт очади. Отишма натижасида ҳар икки тарафдан қурбонлар бўлади. Охунжон ва унинг йигитлари қуролсизлантирилиб, Тошкентга юборилади.

Аммо Охунжон, унинг ноиб Абдураззоқ ва бошқалар Тошкентдан Наманган орқали қочиб, Қўқонқишлоқдаги Парпибек кўрбоши кўшинига бориб кўшилади. Бу билан Парпибек кўрбошининг кўшини янада кучайиб, қудрати ортади. Аммо Охунжон кўрбоши советларга қарши жангларнинг бирида ҳалок бўлади. Бу, Парпибек кўшини жанговорлигига салбий таъсир қилади.

Парпибек қурбоши большевикларга қарши олиб борган курашида турли муносабатлар билан Андижон шаҳри аҳолисига муурожаат этиб турган. Қуйида унинг ана шундай муурожаатномаларидан бирини айнан келтирамиз:

ЭЪЛОННОМА

Умум мусулмонларга эълон қилиб ёзаманки, биз 4 йилдан бери ноҳақчи большевиклар билан маҳораба қилиб қон тукуб, неча мусулмонлар хонавайрон бўлуб, шу жойга келдук. Эй мусулмонлар, кўзларингни очиб қаранглар! Қўқонқишлоқ, Чувама ва бошқа қишлоқларда бу ноҳақчи большевиклар ёш гўдак болаларни бетартиб чопиб, кўп жафолар қилди ва яна туриб шуни бадалида бизларни тепамизга қаттиқ ҳужумлар қилиб, кўп ишларни кўнгилларига муддао қилиб юрди. Худога хос эканмиз, ҳақ йўлига юрганимиз маълум бўлди. Ҳозирги вақтда шаҳар атрофларини бесарамжон қилиб турибдир. Очиқдан-очиқ маълум бўлиб, бизларни йигитларимизни тутмоққа тадбирлар жорий қилибдур. Умум мусулмонлар, нечаларга қаттиқ сармофий қиламанки, бундан буён мундоқ ноҳақ ишлар бўлмасун. Бир, икки нафар бизларни йигитларимизни тутган бирлан ҳеч нима воқеа бўлмаса керак. Ушал жосус чиққан маҳалладан бир донга йигитимизга неча нафарини жазо бермоққа қодирмиз. Ушбу бизларни йигитларимизни тутмоққа тадбир жорий қилган жосусларни Қорбура гузаридида жазоларини кўзларига кўрсатдук. Ушбу жума кунидан ўтадурғон кечаси. Агарчи, ҳар ким жосуслик қилса, шундоқ жазога гирифтор қиламиз. Иккинчи чакана ўғрилар воқеаси шулки, ҳар ким ўғрилик қилиб, қўлимизга тушса, хоҳ ўзимизга қарашлик йигитлардан, хоҳ шаҳардаги ўғрилардан бўлса, бизни қурбошиларимизга фармойиш қилдим: ҳақиқат орқали ўлим жазосига борадурлар.

Яшасин ҳақ йўлга юргувчилар! Битсин ноҳақчилар! Ушбу жумадан шанбага ўтадирғон кечаси чакана ўғрилардан бир донасини отиб юбордук. Сойгузарда.

Амири лашкар — Парпибек Ғозий Маҳдум.

Муҳр: Насруллоҳ. Оллоҳ қўлласин!"

¹ Андижон вилояти давлат архиви, 90-фонд, 1-руйхат, 86-иш, 155-варақ.

Кунларнинг бирида қизил аскарларнинг Андижон шаҳридан Қўқонқишлоққа қараб чиққани ҳақидаги хабар Парпибекка етиб келади. Парпибек жангчиларнинг бир қисмини Қўқонқишлоқда қолдириб, асосий кучларни теварак-атрофга тарқатади. Қизиллар катта куч билан Қўқонқишлоққа келадилар ва бу ердаги оз сонли қаршилик кўрсатувчилар билан жанг бошлайдилар. Бир неча муддат давом этган отишмадан сўнг у Қўқонқишлоқни бушатиб, ўз лашкари билан атрофдаги кучларига бориб қўшилади.

Қизиллар ғолиб келиб, Қўқонқишлоқни ва Парпи қўрбоши қароргоҳини ишғол этадилар. Аммо қизиллар жойлашиб улгурмасларидан қаршилик кўрсатувчиларнинг Қўқонқишлоқнинг уч томонидан бошлаган ҳужумига дуч келиб, довдираб қоладилар. Қўрбошиларнинг ҳар бири муайян йўллар билан ҳужумга ўтган, аммо Андижон йўлини очиб қўйган эдилар. Шиддатли жангга дош беролмаган қизиллар чекинишга мажбур бўлишади ва аста-секин мудофаага ўтиб, Андижон томонга чекина бошлайдилар. Улар оғир юклари, туп, тупхона, аравалари билан катта йўлдан Андижонга етиб боргунларича «босмачи»лар пистирма йўллар ва тор кучалар орқали ўтиб, Хайробод атрофига жойлашиб оладилар. Қизиллар Хайрободга етиб келганларида улар қизилларга қарши орқа ва ён тарафлардан ҳужумга ўтадилар. Уқ ёмғирига учраган қизиллар чекинадилар. Уларнинг 200 га яқин омон қолганлари бир саройга кириб яширинишга мажбур бўлади. Уч кеча-кундуз давом этган отишмадан кейин тинкалари қуриydi. Озиқ-овқатларнинг йўқлигидан оч қоладилар, ўқ-дорилари ҳам тугаб қолиб, таслим бўлишга мажбур бўлишади.

Сарой дарвозасининг икки ёнида турган миллий курашчилар саройдан чиқаётган қизилларни қуролсизлантириб, асирга олишади ва отиб ташлашади. Бундан хабар топган Андижоннинг Янги шаҳарида яшовчи большевиклар Эски шаҳар аҳолисидан қизил аскарлар жасадини олиб келишни талаб қиладилар. Акс ҳолда Эски шаҳар аҳолисини қириб ташлаймиз, деган таҳдид ҳам қилинади. Эски шаҳар фуқаролари йиғилишида вакиллар сайланиб, улар ўлган қизил аскарларнинг мурдаларини олиб келишга отланади.

Бу воқеа Мусо Туркистонийнинг «Улуғ Туркистон фожеаси» асарида бундай тасвирланган: «Андижонда

Нодир эшон домла, Мулла Абдукарим, Охун домла, Шамсутдин тура, Сулаймон баззоз (шоир Чўлпоннинг отаси — *муаллиф*) ва бошқа машҳур домлалар, амалдорлар ва халқ оммасининг диққат-эътиборини қозонган нуфузли кишилардан, жами 10 кишини элчи қилиб Парпи қўрбоши ҳузурига юбордилар.

Элчилар Қуқонқишлоқда Парпи қўрбоши қароргоҳида қабул қилинди. Элчилар ҳаммаси таъзим ва тавозеъ ила ўлтирдилар. Элчилардан чиройлиқкина, соқол-мўйловларини қисқартирғонлардан бири сўз бошлади: «Бек ака! Бизлар ҳукуматнинг элчиларимиз, ҳукумат айтадурки, ўлиқларимизни берсун, Андижонга келтириб кўмайлик, ўзлари сулҳ қилиб биз билан ярашсинлар, шаҳарга кирсинлар, муносиб мансабларга ўлтирсинлар», дейдур.

Шу жойга келганда тўп овозлари, пулемёт овозлари билан баробар ўрус аскарларининг ҳужум қилиб келгани маълум бўлди.

Парпи қўрбоши Халон нажотларига мудофаа қилишга амр берди... Сўнгра бу ўн кишини эъдомга ҳукм қилди. Бу ҳукм Парпи қўрбошининг отахони (маслаҳатчиси) Муҳаммад Иброҳимга етди. Дарҳол Парпи қўрбошини кўриб, элчилар ҳақидаги эъдом ҳукмини таъдим этди. Буларни 2 аробага чиқариб, Орол, Бўтақора ила Андижонга жўнатди. Видо (хайрлашув) асносида Нодир эшон бошлиқ ҳамма элчилар қўл кутариб, отахон Муҳаммад Иброҳимни ҳаққига дуо қилдилар. Отахон дедик: «Дуоларингиз ижобат бўлса, фойдаси охиратда, албатта, бўлғайдир. Бу дунёда фойдаси тегадурғон бирор нарсаларинг йўқму?», деб хитоб қилди. Шу гапдан кейин элчилар ичидаги силлиқ салла, теваарак соқолли киши бир табассум қилди. Қўлига қаламқоғоз олди, икки тилда (русча, ўзбекча) бир парча хат ёзиб, қўлига бериб, айтди: «Ҳар вақт Андижонга кирадирғон бўлсангиз, шу хат билан бемалол кира биласиз, дунё ишларингизни қила биласиз».

Отахон Муҳаммад Иброҳим айтадур: «Ушбу хат (ёрлиқ) билан беш-ўн маротаба Андижонга кириб чиқдим, ҳеч бир зотга учрамадим, ўруслар қайси жойда кўрсалар, кимсан, деб сўрайдур. Ёрлиқ хатни кўрсатсам, «пожалуйста, буюринг», дедилар. Шу ҳангома-ларда ўрислар сиёсий рафторларни 3—5 қадам орқага ташлаб мажбуриятликда қолди. Баъзи ишларда юртга

кенгчилик берди. Масалан, Андижоннинг 4 даҳасига 4 қози тайин қилди. Миллат ўз ихтиёри билан сайлади. Уч ойда бир марта бу 4 қози тупланиб, бир ҳайъат улароқ баъзи нозик масалаларни ҳал қиладурғон мажлис ҳам тайинлади. Сунгра бу приказ билан йўқ қилинди. Фирқани қарори билан ГПУни ҳукми жорий бўлди, қозиларни ўрнига суд (народное судья) тайин қилинди»¹.

Андижондаги совет ҳукумати шаҳар атрофидаги кўрбошиларга қарши жанг олиб боришга журъат этолмаганликларидан уларни сулҳ тузиш орқали ўз томонларига оғдириб олишга бир неча бор уринди. Бу ҳийла Парпибек кўрбошига нисбатан ҳам ишлатилди.

Фарғона водийсида 1918—1923 йиллар ичида 10 марта кўрбошилар қурултойи ўтказилган. Бу қурултойларда қуроли ҳаракатга 1918 йил мартада Катта Эргаш, 1918 йил ноябрида Мадаминбек, 1920 йил майда Шермуҳаммадбек, кейинчалик Ёрмат маҳсум, Исломкул водий буйича бош қўмондон — лашкарбоши этиб сайланган. Парпибек ана шу қурултойларда фаол қатнашган. Мадаминбек ва Шермуҳаммадбек бошчилигида кўпдан-кўп жангу жадалларда қатнашиш унга насиб этганди.

Мадаминбек қизиллар фитнаси оқибатида қатл этилгач, қуроли ҳаракат янги куч билан аланга олди. Бу ҳаракатнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси Шермуҳаммадбек (совет тарихчиларининг китоб ва мақолаларида у Кўршермат деб ҳақоратлаб келинган) бўлди. 1920 йил 3 майда Шермуҳаммадбек ташаббуси билан «Туркистон турк мустақил жумҳурияти», яъни Туркистон муваққат ҳукумати ташкил бўлди. Бу ҳукумат водийдаги истиқлолчилик ҳаракатида муҳим роль ўйнади. Шермуҳаммадбек қўмондонлигида барча кўрбошилар бирлашди ва янги отрядлар тузилди.

Андижон ҳудудидаги кўплаб кўрбошилар билан бир қаторда Парпибек кўрбоши ҳам ўз қўшини билан Шермуҳаммадбекнинг умумий қўмондонлиги остига ўтди.

1920 йил июль охирида Пойтуғда Шермуҳаммадбек, Холхужа, Омон полвон, Парпи ва Мулла Собир кўрбошилар бирлашиб, 4—5 минг лашкар билан Татар

¹ Мусо Туркистоний. Улуғ Туркистон фожеаси. 1-жилд. Мадина, 1979, 161-бет.

бригадаси аскарларини қуршовга олдилар. Аммо Пойтуғ гарнизони жангчилари ва Андижондан етиб келган 1-отлиқ полки ёрдами билан рота бир амаллаб қуршовдан қутулишга муваффақ бўлди.

Шермухаммадбек 1920 йил октябрь ойининг охирида Фарғона водийси қўрбошилари билан кенгаш ўтказди. Андижондан Парпибек қўрбоши ҳам унда қатнашади. Жадидлар сардори Мунаввар қори Абдурашидхонов ва «уламо»чилар вакили Миён Бузрук¹ қатнашган бу кенгашда Шарқий Бухоро ва Афғонистонда советларга қарши кураш олиб бораётган Иброҳимбек² қўрбоши билан ҳамкорликда курашни давом эттиришга қарор қилинади.

1920 йил 24 ноябрда бош қўмондон Шермухаммадбек, Алиёр ва Парпибек қўрбошилар ўзаро ҳамкорликда Шоҳимардонда қизилларга қарши жанг олиб бордилар. Андижон уезди Қўқонқишлоқ туманидаги жангларда иштирок этиш учун Шермухаммадбек 1000 аскари билан келади. Бу даҳшатли жангда Парпибек лашкари ғалаба қозониб, қизил аскарларнинг 2 замбараги, 4 пулемёти ва турли қурол-аслаҳаларини ўлжа олади.

Совет қўмондонлиги 2000 дан зиёд аскари бўлган Парпибекка қарши 1920 йил охирларида Қўқонқишлоқ ва Омончўрада қаттиқ жанг бошлаб юборади. 8-отлиқ бригада қўмондони Я.А.Мелькумов операцияни бошқаради. Шиддатли жангда Парпибекнинг асосий таянч базаси Қўқонқишлоқ ва Омончўра душман қўлига ўтади. Парпибек Бозорқўрғон томонга чекинишга мажбур бўлади. Душман бу ерда унга кучли зарба беради.

Шермухаммадбек ва Холхўжа қўшинларининг мағлубиятга учраши айрим миллий курашчиларнинг руҳини тушириб юборади ва улар советлар томонига ўтишга мажбур бўладилар. 1921 йил 31 январда 2600 аскари билан Акбарали ва Маҳкам ҳожи қўрбошилар ҳам қизиллар томонига ўтадилар. 1921 йилнинг бошида Парпибек қўрбоши 2-ўқчи Туркистон дивизияси

¹ *Миён Бузрук Солҳов* (1891—1938) — таниқли адабиётшунос ва санъатшунос олим (мух.).

² *Иброҳимбек* — Бухоро амири Саид Олимхоннинг вакили, лақайлар раҳнамоси.

жангчилари билан бўлган жангда мағлубиятга учрайди. Бу жанг Жалолобод, Сузоқда бўлиб ўтади. Парпибек қурбоши аскарларининг ярми жанг майдонларида ҳалок бўлади. Парпибек қурбоши шу жангда оғир ярадор бўлиб, 1921 йилнинг апрель ойида вафот этади.

Фарғона қурбошилари

Ўзбекистонда олиб борилган қатағонда фаол иштирок этган ва куплаб бегуноҳ ватандошларимизнинг ёстигини қуритган кимсалардан бири Г. Агабековдир. Францияда чоп этилган «Ёш Туркистон» журналининг 1930 йил 11-сонида унинг Шермуҳаммадбек ҳақидаги бўхтон ва маломатларга тўла мақоласи босилган. Журнал ҳайъати, афтидан, бу мақолани советларнинг «босмачилар»ни фош этиш мақсадида хорижда тарқатилган бирор нашридан олган ва Шермуҳаммадбекнинг унга раддия ёзишига умидвор бўлган.

«Биз, — дейилади ҳайъатнинг шарҳида, — ҳақиқий Туркистон миллатчиси бўлган Шермуҳаммадбекнинг бу чекистлар томонидан унинг устига отилмоқда бўлган доғни тозалаб олажагига инонализ».

Куп ўтмай, Шермуҳаммадбек Агабековнинг тўхматномасига жавобан Кобулдан ўз раддиясини йўллаган.

«Мана энди, — дейилади журнал ҳайъатининг навбатдаги шарҳида, — Шермуҳаммадбек ўз раддиясини юбориб утирибдур. Бу раддия бўлмаса ҳам бизнинг Шермуҳаммадбекка раддияси ила большевикларнинг шайтонлигини яна бир дафъа ортуқ майдонга чиқаргон бўладур».

Журнал шу шарҳ билан Шермуҳаммадбекнинг Кобулдан йўллаган хатини чоп этади. Куйида ушбу хат матнини айнан келтирамиз:

«Севикли афандилар!

Чин кўнгилдан қайнаб чиққан арз ила ихлос-ҳурматларимни қабул этингиз. «Ёш Туркистон» журналида бурунги чекистлардан Огабековнинг хотираларида меним устимга айтилгон кир бўхтонни ўқиб, жуда ўқиндим ва бу журналнинг ўз пайтида менга келиб етмаганига кўп қайғурдим.

Тангри ярлақасин, шу кунларда муҳтарам муфти Садриддинхон ҳазратларининг Кобулга келиб чиқишлари журналнинг бу масала ила алоқадор сонини ўқиб чиқишимга

сабаб булди. Шу пайтдаёқ қулимга қалам олиб, узимнинг миллий муқаддас вазифамни бажаришга, устимга ҳақсиз отилган қора туҳматни итқитиб ташлашга қарор қилдим.

Истакли афандилар! Бизнинг миллий ва эзгу вазифаларимизни онглашиб, чизиб утишларингизга чин юракдан миннатдорлик қиламан. Туғри, Туркистоннинг ҳур тирилиши учун кўкрагини кериб, курашиб ўлган мингларча Туркистон шаҳидларининг муборак қонлари масъулияти устимизда эканлигини биз, мужоҳидлар, сира унутмай-миз.

У муҳтарам шарафлик шаҳид туғонларимизнинг қонлари бизни бундай кир манжус тузоққа илинмаслигимизни амр этади. Оё бу кунларда большевикларнинг мингларча миллат ходимларимизни ноҳақ уққа тизиб турғон қандай бир виждонсиз хоин уларнинг кумагига қул уза-тади экан?..

Мен Оғабеков ва унинг манжус идораси ГПУ вакиллари билан ҳеч вақт ҳеч қандай ерда кўришмадим. Пул ҳам олмадим, ҳақимдаги сўзларнинг бошдан-оёқ қип-қизил ёлғон эканини очиқ-ойдин эълон қиламан.

Оғабековнинг қўлида мени қоралайтурғон кичкина бир далил бор бўлса, мана, майдон, марҳамат этсин! ГПУ тузоғига илинадиган айғоқ қони менда йўқ. Мен бошқа мужоҳидлар билан бирга шараф билан миллатимнинг қутулиши учун чоришдим. Кўксимни уққа девор қилиб уришдим. Уша синашда душманимиз бўлган зolim большевиклар ила бундан кейин ҳам урушишга ҳозирман.

Муҳтарам афандилар!

Меним юқорида ёзғон кичкина раддиямни мендан бўлмағон сабабларга биноан кечикишига қарамай, журналингизга босиб, дунёга тарқатсангиз, буйимга буюк бир миннат қуйғон бўлур эдингиз.

Тулиқ ҳурматларимни қабул этингиз.

Шермуҳаммадбек.

Афғонистон. Кобул.

8 ноябрь 1934 йил».

Бу ҳужжатни келтиришдан мақсад, аввало, совет даври тарихининг очилмаган саҳифаларини холисона ёритиш, совет сиёсий тузумининг Компартия, ВЧК, ЧК, ГПУ ва шу каби ташкилотларининг муҳолифларни нафақат ўз халқи олдида, балки жаҳон миқёсида

ҳам обрусини тукиш учун ҳар қандай қабиҳликдан қайтмаганлигини яна бир бор кўрсатишдир. Қолаверса, ёш тарихчиларни истиқлолчилик ҳаракати қатнашчиларининг ўз қўллари билан битилган ёки улар фаолиятига оид шу сингари ҳужжатларни топиш ва ўрганишга даъват этишдир.

Биз 1995 йилнинг кузида хизмат сафари билан АҚШда бўлганимизда Нью-Йоркда истиқомат қилаётган Давронбек исмли ватандошимизнинг хонадонига таклиф қилиндик. Давронбек номи юқорида неча бор тилга олинган Шермуҳаммадбекнинг ўғли бўлади. У билан бўлиб ўтган суҳбатимизда Шермуҳаммадбекнинг укаси Нурмуҳаммадбекнинг ўғли Анварбек ака ҳам қатнашди. Биз оилавий архив ҳужжатлари билан бафуржа танишиб чиқдик. Давронбек ва Анварбек ака ўз падари бузрукворларидан эшитган эсдаликларини, тарихий воқеаларни сўзлаб беришди, биз кунт билан тингладик ва диктофонга ёзиб ҳам олдик.

Шу суҳбатдан маълум бўлишича, ака-ука Шермуҳаммадбек ва Нурмуҳаммадбеклар бир гуруҳ понсодлар билан бирга 1927 йил шаъбон ойининг биринчи куни Кобул шаҳридаги Боғи Алимардонда тўпланишди. Улар 1917—1924 йилларда Фарғона водийсида олиб борилган кураш лавҳаларини эслашади ва андижонлик Абдулҳай Маҳдум бўлиб ўтган суҳбатни келажак авлодларга тарихий ҳужжат сифатида қолдириш мақсадида ёзиб олади. Давронбек Абдулҳай Маҳдум томонидан эски туркий тилда арабча имлода ёзилган мазкур ҳужжатни бизга лутфан тақдим этган бўлиб, унда мана бундай сўзлар бор:

«Мухтарам орқадошлар!

...Русияда хуррият тарафдорлари Русия императорлигига қарши бир ҳаракат этишибдур. 1333 ҳижрийда, мутобик 1917 исавийда мухториятларини олиб ҳар миллат ўз ҳуқуқига соҳиб ўлуб, икки йил хуррият тарихи ила сурди. Бу ҳукумат ташкил ўлуб, усули салтанати усули машварот-ла тақдил этилдилар. Оқибат мухториятчилара қарши инқилобчилар хуруж қилиб, коммунист ёки большевик шиори ила буюк бир тўфон келтурди. Бу тўфоннинг ҳашоратлари ва заҳарлари-ла ҳайвонотлари бечора оқ гуруҳларни ҳалок этиб, мухториятни-да маҳв этди. Бу муҳораба икки йил давом этди. 1336 ҳижрийда большевизм галаба қозониб, бу нархнинг

раҳнамоси асли яҳудий ва кейин руслашмиш Ленин номида бир инқилобчи ўлуб, бутун Русияда ҳоким ўлди. Сўнгра бу большевизмга Русия ва мусулмон миллатчилари такрор исён этиб, бир тарафдан муҳораба очдилар. Жумладан, ... Фарғона, Хива ва Бухоро атрофларидан чўх мужоҳидлар майдони муҳорабая отилдилар. Булардан машҳурлари, етти йил давомида ғайрат этганларидан икки кимса эди. Биринчи Фарғона мужоҳидлари раиси Шермуҳаммадбек эса, иккинчиси Бухоро мужоҳидлари раиси Иброҳимбек эди...»

Шундан сўнг ҳужжатда Шермуҳаммадбекнинг таржимаи ҳоли ва олиб борган курашидан айрим лавҳалар келтирилган. Қуйида улардан айримларини айнан китобхонлар эътиборига ҳавола этамиз:

«Шермуҳаммадбек жаноблари зотинда бир узбек жамоасиндан ...ўлуб, оталари Қушоқ Мирзо ҳожи номли бир зот эди. Булар отадан тўрт эр вужудга келиб: биринчиси Тошмуҳаммад, иккинчиси Рўзимуҳаммад, учинчиси Шермуҳаммад, тўртинчиси Нурмуҳаммадбеклар эди. Булардан учинчилари Шермуҳаммадбек большевизмдан ватанларини қутқармоқ учун 1917 да муҳорабага отилиб чиқди. Бу зот ибтидоий чиқдигинда юз нафарча йигитлари ила ғайрат этиб, икки сиза тарофинда мингларча аскарларга соҳиблик ўлди. Шу вақтда Фарғонани ҳар бир атрофидан чиқмиш мужоҳидлара бошлиғи, қўрбоши номи ила шуҳратланиб, умуман бир раислари йўқ эди. Сўнги саҳифаларда ёзилмиш 8 нафар қўмондон бир қўрбошилиқда ҳокими мулкдор каби ўз аскарларига ҳукм юритар эди. Сўнг бу қўрбошилар қувват топиб, 1918 да мазкур Шермуҳаммадбек умуман Фарғона мужоҳидларига раис ўлди. Бу раисликда тўрт йил давом этди. Бу вақтда юз минг мунтазам аскарларга молик ўлуб, бир эр каби фармон этар эдилар. Шу 1924¹ сана Шарқий Бухородан Анвар пошо марҳум қарши иш очиб, Шермуҳаммадбекни кўмак учун чақирди.

Жавобан Шермуҳаммадбек кўмак учун биродари Нурмуҳаммадбекни икки минг қаҳрамон йигитлари ила юбориб, ортидан ўзи ҳам Анвар пошо марҳум ҳузурларига

¹ Анвар Пошо 1924 йилда эмас, 1921 йил охирида Шарқий Бухорода фаолият бошлаб, Шермуҳаммадбекка ўз вакилларини жўнатган. Анвар Пошо 1922 йил 4 августда Балжувон атрофида мардларча ҳалок бўлган.

юрдилар. Бахтсиз миллат Туркистон иқболи йўқлигидан бу мужоҳидлар ҳар бирига етушмасдан, аввал Шарқий Бухоронинг бир қарияси атрофинда Балжувон номли шум бир ерда руслар тарафидан даҳшатли бир ҳужум Анвар пошо устина отилиб, бу ерда доҳий, машҳур қаҳрамон ғозий Анвар пошони шафоқат қони-ла бўяди.

Одами ислом учун бидмас даражада бир жароҳат ва алам тортилди. Сўнг Шермуҳаммадбеклар етишуб, бу воқеадан чўх аламли ва ғамгин ўлди. Сўнг етти кунга таъзия маросимларини адо этиб... очмоқ учун келмиш Сомийбек ила биргаликда иш қилмоқ бўлдилар. Оқибат бу икки мужоҳидларга ҳаргиз бадбахтлар ёлғон сўзлар тошуб, урталарига бир буюк адоват солди. Шермуҳаммадбек Сомийбекдан ажраб, тоғ тарафга юрмоқчи бўлди. Сомийбек қувлаб уққа тутди. Уртада бир неча адад йигитлар шаҳид улуб, қувватлари булинди. Сўнг ҳалокатлар бири ортидан бири келиб Сомийбек-да, бошқаси-да бир тарафга қочди. Фурсатдан истефодаланиб, Русия буюк ҳужумлар этди. Шермуҳаммадбек жаноблари шу 1324 да 300 (уч юз) аскарлари хоки муқаддас Афғонистона Бадахшонда, Хонабодда давлат тарафидан бир неча ой меҳмон этилдилар. Сўнгера мазкур сана давлати Хитойга бордилар. Ул ерда давлати Англиядан кўмак сўраб, Русияга қарши такрор муҳораба очмоқчи ўлдилар. Сўнгера Хитой тарафасидан юриб, такрор Афғонистонга келуб, бу ерда давлати олия чўх кўмак ва пуллар берилиб, туз тотилдилар. Бу вақтда алар Кобулда муқим бўлиб, бир ойда минг рупия ҳукумат тарафидан кўмак олиб турардилар. Камина хизматкоринда Нормуҳаммадбек биродарлари ва бошқа 15—20 нафар йигитлари ҳозирдирлар. Атрофлари ила муҳорабалар этишуб, миллат вазифаларинда чолишуб турмоқдалар. Аллоҳ жаллаҳу жаллалоҳ бек соҳибнинг мақсудларина ҳосил этсун. Омин!»¹

Мазкур ҳужжатда Фарғона водийсида большевикларга қарши курашган лашкарбошилар, қўрбошилар ва улар ҳақида маълумот келтирилган. Улардан энг муҳимлари қуйидагилар:

Шермуҳаммадбек 23 ёшида большевизмга қарши курашга киришиб, аввал 13 минг, сўнгера 103 минг лашкарга эга бўлган. Унинг етакчилигида Эргашбек, Ма-

¹ Шермуҳаммадбекнинг ўғли Давронбекдан 1995 йил октябрида Нью-Йоркда олинган ҳужжат.

даминбек, Холхужа эшон, Парпибек, Муҳиддинбек, Омон Полвон, Нурмухаммадбек, Жонибек қозилар миллий-озодлик йўлида кураш олиб борганлар.

Қўқонлик **Эргашбек** 35 ёшида 6 йил уруш олиб борган, 12 минг аскари бўлган, муҳораба майдонида шаҳид бўлган.

Марғилонлик **Мадаминбек** 23 ёшида 10 минг аскари билан уч йил уруш олиб борган, 1920 йил майида шаҳид бўлган.

Ўшлик **Холхужа** 43 ёшида 8 та лашкар бошлиқлари, 10 минг аскари бўлган; бир гуруҳ йигитлари билан Олой водийсида қор кучкиси тагида қолиб кетган.

Андижонлик **Парпибек** қурбоши 35 ёшида 8 нафар лашкар бошлиқларига, 10 минг жангчига эга бўлиб, 5 йил кураш олиб борган. 1921 йили Сузоқда шаҳид бўлган.

Қўқарлик **Муҳиддинбек** 40 ёшидан бошлаб 11 та лашкарбоши, 13 минг қирғиз йигитларидан иборат жангчилар билан 7 йил уруш олиб бориб, шаҳид бўлди.

Наманганлик **Омон Полвон** 6 лашкарбоши, 8 минг аскар билан 7 йил жанг қилиб, шаҳид бўлган.

Яккатутлик **Нурмухаммадбек** 18 ёшида 7 йил уруш олиб бориб, 1975 йили Туркияда вафот этган.

Ўзганлик **Жонибек** қози миллий курашни бошлаганида 50 ёшда эди. У 4 нафар лашкарбошига ва 10 минг аскарга эга бўлиб, 7 йил уруш олиб борган, сўнг Шарқий Туркистонга муҳожир бўлиб ўтиб кетган.

Эргашбек қурбошининг қули остида қуйидаги лашкарбошилар бўлган:

Қўқонлик **Эшмухаммадбек**, 35 ёшда;

Олтиариқлик **Тўйчибек**, 35 ёшда;

Қўштегирмонлик **Мирзо Улуғбек**, 25 ёшда;

Яйпанлик **Ислом Полвон**, 35 ёшда;

Бешариқлик **Ҳамдам ҳожи**, 35 ёшда;

Қиссақўзлик **Усмон дев**, 30 ёшда;

Олтиариқлик **Султон Ғозий**, 40 ёшда;

Ворухлик **Мулла Пулат**, 30 ёшда;

Сўхлик **Абдурахим Махдум**, 45 ёшда.

Мадаминбек қурбошининг қули остида қуйидаги лашкарбошилар бўлган:

Найзақайрағочлик **Солиҳ Махдумбек**, 30 ёшда;

Наманганлик **Исмоил Полвон**, 32 ёшда;
Қалмоқлик **Усмонбек**, 33 ёшда;
Оқёрлик **Қозоқбойбек**, 26 ёшда;
Қоракийиклик **Ҳошим Полвон**;
Имомоталик **Холхўжа Соҳиб қори**, 35 ёшда;
Аравонлик **Йўлчибек**, 32 ёшда;
Булоқбошилик **Теша Қайсар**, 30 ёшда;
Ўшлик **Оқсоқ Ниёз**, 25 ёшда;
Ўшлик **Нўмонбек**, 20 ёшда;
Сузоқлик **Мулла Умрзоқбек**, 40 ёшда;
Ўшлик **Саид Аҳмадбек**, 25 ёшда;
Султонободлик **Йўлдош Полвон**, 30 ёшда.

Буларнинг ҳаммаси большевиклар билан жангларда шаҳид бўлган. Уларнинг ҳар бири қарамоғида 1000—1200 нафардан ўзбек ўғлонлари бор эди.

Андижонлик Парпибек қўрбоши қарамоғида 7 нафар лашкарбоши бўлиб, ҳар бирида 1000—1200 йигит бўлган бу лашкарбошилар ҳам большевикларга қарши олиб борилган жангларда қаҳрамонларча шаҳид бўлишган. Улар қуйидагилардир:

Хирабеклик **Юнусбек** қўрбоши, 45 ёшда;
Омончўралик **Исроилбек**;
Урганжилик **Маҳкам ҳожи**, 40 ёшда;
Мурободлик **Қозоқбой**, 25 ёш;
Мулла **Абдураззоқ**, 30 ёшда;
Андижонлик **Охунжон**, 35 ёшда;
Мирза Тоға, 50 ёшда.

Омон Полвоннинг қули остидаги лашкарбошилар:

Қуршоблик **Раҳмонкулбек**, 40 ёшда;
Балиқчилик **Йўлдош Чумоқ**, 30 ёшда;
Хўжабодлик **Сотиболди қози**, 32 ёшда;
Балиқчилик **Рўзимуҳаммадбек**, 27 ёшда;
Хивалик **Ҳожи Тўрабек**, 35 ёшда;
Момоҳонлик **Бойтуманбек**, 35 ёшда.

1000—1200 йигитларга раҳбарлик қилган бу лашкарбошилар ҳам шаҳид бўлганлар.

Мазкур ҳужжатга кўра, Нурмуҳаммадбекнинг кўмондонлиги остида қуйидаги 25 нафар лашкарбоши бўлган (энг ёши 18 ёшлик):

Кумариқлик **Сотиболди Соҳиб**, 18 ёшда;
Гарбувалик **Умар** билан **Тошмуҳаммад**;
Абусиёлик **Дардакбек**;
Қорасоқоллик **Эргаш Полвон** ва **Юсуф Полвон**;

Сувкечиклик Асқарбек;
Чеклик Раҳматали;
Хонариқлик Журабек ва Эргаш;
Тевагумлик Авлиёхон Тура;
Гарбувалик Рўзимуҳаммад;
Қизилоёқлик Аҳмад Полвон;
Зилгалик Алиёрбек ва Ғанихон;
Суқоқлик Тўхтасин;
Хўжаҳасанлик Умарали кулоқ;
Толмозорлик Мулла Ҳотам;
Шўрбулоқлик Муҳаммад Рўзибек;
Коросконлик Юсуфжон Маҳмуд;
Жутонлик Мулла Пулат;
Шокир қурбоши;
Тожикқишлоқлик Қушмурод;
Олтиариқлик Қорабой;
Найнавалик Муҳаммадали.

Жонибек қозининг ихтиёрида 4 нафар лашкарбоши бўлиб, улар ҳам большевизм билан курашда шаҳид бўлганлар:

Шамсибек, 47 ёшда;

Олайкуллик Жамолбек, 30 ёшда;

Ўзганлик, қуршоблик Қодирбеклар 35 ёшда, қирғиз;

Қуршоблик Путиков, 34 ёшда, рус.

1927 йили Кобулдаги Боғи Алимардонда айtilган хотира ва тузилган шаҳид лашкарбошилар рўйхатидан кейин мана бу сузлар битилган:

«Қабрингда роҳат топ, миллат шаҳидлари, ёш Фарғона мужоҳидлари, қаҳрамонлари.

Яшасун миллат қаҳрамонлари.

Оҳ, Фарғона!»¹.

Уйлаймизки, Фарғона водийсида 1917—1924 йилларда олиб борилган ҳаракатда иштирок этиб, шаҳид кетган бу қурбоши ва лашкарбошилар ҳамда уларнинг қўли остида жанг қилган йигитларни авлодлар мустамлакачилик даврининг қурбонлари сифатида тилга оладилар.

¹ «Фан ва турмуш», 1996 йил, 2-сон, 18—20-бетлар.

Шермухаммадбек ким ва қандай инсон бўлган?

Президент Ислом Каримов Аҳмад Фарғоний таваллудини нишонлаш билан боғлиқ тадбирлар юзасидан Кува ва Фарғона шаҳрига келиб қилган суҳбатларидан бирида миллий-озодлик ҳаракатига, қуроли курашга бош бўлган саркардалар қаторида Мадаминбек билан Шермухаммадбек номларини ҳам тилга олган эдики, бу ҳаракат тарихини чуқур ва ҳаққоний ўрганишимизда биз, тарихчиларни рағбатлантириб туради.

Тошлоқ туманига қарашли «Навбахор» жамоа ҳужалиги жойлашган қишлоқ Карбува деб аталади. Қишлоқ шу ерда яшаб, шу ерда дафн қилинган бир зотнинг шарафига шундай ном олган. Баъзилар шу қишлоқни Фарбува, Форбува, Фариббува деб ҳам аташади. Эҳтимол, қишлоқ номи қалимда ўтган ғариб бир киши билан боғлиқдир. Аммо бизнинг мақсадимиз шу қишлоқ номини аниқлаш эмас, балки истиқолчилик ҳаракатининг йирик намояндаларидан бири Шермухаммадбекнинг 1893 йили шу ерда туғилганини қайд этишдир.

Унинг катта бобоси Абдурахимбек Худоёрхоннинг вазирларидан бири бўлган. Чор Россияси босқини туфайли Худоёрхон тахтдан тушиб, Қўқон хонлиги тугатилгач, Абдурахимбек Марғилоннинг Қумариқ қишлоғига келиб, деҳқончилик билан шуғулланган. Унинг ўғли Қўшоқбек Қумариқ амини бўлиб, Тошмухаммадбек, Рўзимухаммадбек, Шермухаммадбек, Тожимухаммадбек ва Нурмухаммадбек деган 5 ўғил ҳамда Туфухон ва Савринисо деган 2 қизни кўради. Қўшоқбек 1915 йили ҳаж сафарида бўлади ва қайтиш чоғида Истанбулда вафот этади.

Шермухаммадбек ота касби деҳқончилик билан машғул бўлиб, мироблик вазифасини ўтайди. У 1916 йилги миллий-озодлик қўзғолонида фаол қатнашади.

Давронбекнинг айтишича, 1917 йил ёзида Тошлоқда бўлиб ўтган сайилда жамоатчиликнинг ҳуррият, озодлик руҳида ўтказилаётган йиғинини тарқатиш учун Янги Марғилондан ҳукуматга қарашли аскарлар келади. Рус зобити аҳолининг тарқалишини талаб қилиб, қамчисини ўйнатади: «Ёввойи сартлар, уй-уйларингга тарқалинглар, акс ҳолда ҳибсга олинасан-

лар», деб от уйнатиб, аҳолини қўрқитади, қочиб ул-гурмаганларни қамчи билан ура бошлайди. Бу хўрла-нишдан изтиробга тушган Шермуҳаммадбек зобит оти-нинг тизгинини ушлаб олиб: «Сен кимни ёввойи сарт, деяпсан, кимларни ҳайдаяпсан? Ахир биз шу ерлик-миз. Куппа-кундузи тинч аҳолини шу қадар хўрлаш, камситиш яхши эмас-ку», дейди. Бундан ғазабланган зобит Шермуҳаммадбекни боши-елкаси аралаш қам-чилай бошлайди. Шермуҳаммадбек унга ҳамла қилиб, отдан қулатади, одамлар уни тепкилай бошлайдилар. Дарҳол миршаблар пайдо бўлади. Шермуҳаммадбек оломон орасидан чиқиб, Карбува томонга қочишга мажбур бўлади. Укалари ва дўст-ёрлари ҳам унинг ор-қасидан боради. Улар Карбува қабристонидаги катта бир чинор тагида тупланишиб, мустамлакачилик зул-мидан озод бўлиш учун кураш олиб боришга аҳду паймон қиладилар.

«Уша ерда, — дейди Анварбек ака амакиси Шер-муҳаммадбекдан эшитганларини бир-бир эслаб, — ама-ким катта отамиз Қўшоқбойдан қолган қўш милтиқни олади. Бошқаларни қуроллантириш мақсадида Скобе-лев шаҳридаги турмага ҳужум қилиб, у ердаги соқчи-ларнинг қуролларини тортиб олишади. Бу ишда Асо-миддин, Мадаминбек ҳам қатнашган. Шу тариқа озод-лик учун кураш бошланади. Ушбу жангда амакимнинг ўнг кўзига ўқ тегади. Шу боис кейинчалик болшавой-лар унга Қўршермат деган ҳақоратомуз ном қўйиш-ган».

1917 йил 26—29 ноябрь кунларида Қўқонда Туркист-он улка мусулмонларининг IV фавқулодда қурултойи бўлиб, қурултой демократик йул билан Туркистон мух-ториятини эълон қилди. Бу ҳукумат қисқа умр кўрди. Большевиклар 1918 йил феввалида мухторият тараф-дорларини қонга беладилар. Анварбек аканинг айти-шича, мухториятчилардан бир гуруҳи Марғилонга ке-либ, шу ерда мухториятни тикламоқчи бўлади. Аммо большевиклар катта ҳарбий куч билан бу ҳукуматни ҳам тузилмасидан бўғизлаб, 15 нафар мухториятчини, шу жумладан, унинг раҳбари Миродилбекни отиб ўлди-радилар. Қувада эса қизил аскарлар 200 нафар мусул-монни қириб ташлайди. Бунга жавобан Шермуҳаммад-бек ўз йигитлари билан 1918 йилнинг 28—29 феввали-да Қува гарнизонига ҳужум қилиб, рус аскарларидан

кўпини отиб ташлайди, бир қисмини асир олади, кўплаб қурол-аслаҳани қўлга киритади¹.

Турк тарихчиси Али Бодомчи Шермуҳаммадбекнинг вафотидан икки ой олдин у билан суҳбат қилиб, унинг эсдаликларини магнитофон тасмасига ёзиб олган. Унинг: «Шўролар «босмачилик ҳаракати» деб атаган ҳаракат ўз олдига қандай вазифани қўйган эди?» деган саволига Шермуҳаммадбек бундай жавоб қилган: «Босмачилик» — бутун Туркистоннинг истиқлоли учун бир нуқтага келган миллатчиларнинг ҳаракати эди. Бу ҳаракат... Темур, Улуғбек, Навоийлар юртини келгинди босқинчилар чангалидан озод қилишга қаратилган, «Туркистон — туркистонликларники» шиори остида олиб борилган миллий кураш эди. Биз кўп йиллар мобайнида қонимизни зулукдек сўриб келаётган босқинчиларга, Масковнинг ҳукмронлигига қарши истиқлол байрогини кўтариб чиққан эдик».

Юсуфжон қўрбоши Шаҳрихондан Шермуҳаммадбекка мактуб йўллаб, бу ердаги гарнизон аскарлари аҳолига нисбатан турли жазолар қўллаб, мол-мулкани талаётганликларини маълум қилади. 1918 йил 11 март куни Шермуҳаммадбек хуфтон намозидан сўнг Карбувадан Шаҳрихон сари йўл олиб, ярим тунда Шаҳрихон гарнизонига тўсатдан ҳужум қилади. Бирорта ҳам ўқ отилмасдан бутун гарнизон қўлга олинади. Мустамлакачилар тортиб олган бутун мол-мулк маҳаллий аҳолига қайтариб берилади. Сўнг Шаҳрихон қасабаси Юсуф қўрбоши ихтиёрига топширилади.

1898 йилги Дукчи эшон қўзғолонидан кейин Мингтепа (ҳозирги Марҳамат тумани) қуролланган рус мужиклари томонидан эгалланган бўлиб, маҳаллий аҳоли ўз уйларини ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлган эди. Мужиклар шу билангина қаноатланиб қолмай, тева-рак-атрофдаги қишлоқларга ҳам таҳдид солиб турардилар. 1918 йил 20 мартда Шермуҳаммадбек шундай таҳдидлардан бири ҳақида хабар топади. У босқинчи мужикларга хат йўллаб, Мингтепадан яхшиликча чиқиб кетишларини талаб қилади. Табиийки, бунга рад жавоби олинади. Шу масала бўйича Холхўжа эшон Ўшдан Карбувага келиб, Марҳамат ва унинг атрофи-

¹ Шамсутдинов Р., Қодиров А. Шермуҳаммадбек ҳаётига чизгилар. «Фан ва турмуш», 1999 йил, 2,3,4-сонлар.

даги мужиклар фитнасига зарба бериш режаси ишлаб чиқилади. 23 март эрталаб Марҳамат томон юриш бошланади ва тушга келиб шаҳар ўраб олинади. Ярим тунгача жанг давом этади. Жангда «босмачилар»дан 15 киши, мужиклардан эса 300 киши ўлади. Тирик қолган мужиклар Шермуҳаммадбекдан омонлик тилаб, унга мурожаат қилишга мажбур бўладилар. Шермуҳаммадбек уларга қуроолларини топшириб, таслим бўлишни, қизил аскарларга бундан буён ёрдам кўрсатмасликни, эгаллаб олинган ерларни бушатиб беришни, халқдан тортиб олинган мол-мулкни эгаларига қайтариб беришни, шундагина улар афв этилиши мумкинлигини шарт қилиб қўяди. Бу шартлар қабул қилиниб, 400 милтиқ, куп миқдорда ўқ-дори, халқдан тортиб олинган мол-мулк Шермуҳаммадбек ихтиёрига берилди. Ўлжа марҳаматлик қасосчилар ва Холхўжа йигитларига, мол-мулк эса эгаларига тарқатилади.

Куп ўтмай, Янги Марғилондан қизилларнинг маҳаллий аҳолидан 1200 кишини қамоққа олгани, Чимёндан эса дашноқларнинг аҳолига зулм ўтказётганлиги тўғрисида хабар келади. Янги марғилонлик Ёдгор Бойжон миллатпарвар бойлардан бўлиб, миллий халқ манфаати йўлида кураш олиб бораётган гуруҳларга моддий ёрдам кўрсатиб келаётган эди. 1200 нафар қамоққа олинган марғилонликларнинг бири ана шу Ёдгор Бойжон эди. Бу хабарни эшитган Шермуҳаммадбек Чимёнга, Нурмуҳаммадбек эса Скобелев томонга лашкар тортиб борадилар. Шермуҳаммадбек 1918 йил 20 апрелда йўл-йўлакай ўзига қўшилган 3 минг йигит билан Чимёнга етиб келади. Гарнизонга уч томондан ҳужум қилади. Бир неча дақиқалик отишувдан сўнг Шермуҳаммадбек душманга таслим бўлишни таклиф этади. Натижада Шермуҳаммадбек 700 дан ортиқ милтиқ, 6 та пулемёт, куп миқдорда ўқ-дорини ўлжа олади.

Хуллас, 1918 йил февралдан то 1920 йил мартгача бутун водийда совет тузумига қарши қуроолли ҳаракат авж олади ва Шермуҳаммадбек олиб бораётган кураш халқ ҳаракатига айланиб кетади.

Шу даврдаги миллий ҳаракат Кичик Эргаш, Катта Эргаш, айниқса, Мадаминбек, Шермуҳаммадбекларнинг номлари билан чамбарчас боғлиқ. Бу ҳаракатга Мадаминбек билан бирга Шермуҳаммадбек ҳам катта

ҳисса қўшган. Улар душманга қарши бир неча бор бир-галикда жанг олиб борганлар.

...1919 йилнинг март ойи. 4 мингдан ортиқ яхши қурооланган қизил аскарлар Балиқчида Мадаминбекнинг қўшинларига қарши ҳужум уюштирадилар. Шиддатли жангларнинг бирида Мадаминбек ва Холхўжа йигитлари қуршовда қолади. Шермуҳаммадбек жангнинг тўртинчи кунида 3000 дан ортиқ йигитлари билан Балиқчига етиб бориб, жангга киришади. Эрталабга қадар кучли куча жанглари бўлиб, вазият улар фойдасига ўзгаради. Қуршовдан чиққан мадаминбекчилар душманга қарши ҳужумни авж олдириб, қизилларни тўрт томондан қуршаб оладилар. Қаттиқ жангдан сўнг, қочиб улгурган ва ўлганлардан ташқари, 1700 аскар таслим бўлишдан бошқа чора топа олмайди. 700 га яқин бешотар милтиқ, 2 тўп, 2 пулемёт ўлжа олинади. Ўлжага олинган қуроолар Мадаминбек, Холхўжа, Шермуҳаммадбек йигитлари ўртасида тақсимланади. Асирлар Норин ва Қорадарё қўшилиб, Сирдарё бошланган жойга келтирилиб, сўроқ қилинади, керакли маълумотлар олингач, рус миллатига мансуб бўлганлари кўйиб юборилади.

Қуроолли муҳолифат ҳаракатини бўлиб юбориш, бу ҳаракат раҳбарлари ўртасида ихтилоф чиқариш, таслим булган ёки советлар билан сулҳ тузган қурбошиларни бир-бирларига гиж-гижлаш каби «сиёсий» ўйинлар большевикларнинг сеvimли тактикаси бўлиб келган. Бу жирканч усул Туркистон иши билан шуғулланувчи махсус комиссиянинг Ленин ташаббуси билан ўлкага келиши (1919), РКП(б) Марказий Қўмитаси Туркистон бюросининг ташкил этилиши (1920), Фрунзе қўмондонлигида Туркистон fronti юзага келиши билан айниқса кенг қўллана бошлаган. Шундай сиёсий ўйин ва найранглар таъсирида, Фарғонада ортиқча қон тўкилмаслигини ўйлаб, большевикларнинг ён беришлари, қолаверса, катта ваъдаларига ишонган Мадаминбек 1920 йил мартада советлар томонига ўтган. Шу вақтдан бошлаб 1922 йилнинг охиригача Фарғона водийсида олиб борилган ҳаракатга Шермуҳаммадбек бошчилик қилади. Большевиклар энди ўз нишонларини унга қаратадилар.

1921 йил 11 августда Туркбюро Алиёр қурбошининг сулҳ ҳақидаги таклифини қабул қилади. Аммо

унга Шермухаммадбекка қарши жанг қилиш вазифаси қўйилади. Бу шартга Алиёр қўрбоши кўнмайди. Чунки у Шермухаммадбек билан бир умрга дўст бўлиб қолиш ҳақида Қуръони Каримни ушлаб олт ичган эди. Шундан сўнг советлар Алиёр қўрбошига Новқатдаги қирғиз Муҳиддин қўрбошига қарши жанг қилишни буюрадлар. Алиёр бу таклифни қабул қилиб, ўз йигитлари билан Муҳиддин қўрбоши ҳузурига бориб, у билан бирлашади ва советларга қарши жанг қила бошлайди. Аммо ҳийла-найранг йўли билан қўлга олинган Алиёр қўрбоши 1921 йил ноябрида ўз йигитлари билан бирга большевиклар томонидан қатл этилади.

Шермухаммадбек аҳолига қарата тез-тез мурожаат этиб, озодлик йўлида олиб борилаётган курашни қўллаб-қувватлашга, советларнинг ёлғон ва иккиюзламачи сиёсатига эса ишонмасликка даъват қилган. Унинг араб имлосида ёзилган бундай мурожаатномалари бутун улка бўйлаб тарқатилган. Уларнинг айримлари чекистлар қўлига тушиб, рус тилига таржима қилинган ва ҳарбий қўмондонликка етказиб турилган. Шундай мурожаатномалардан бири ҳозирда Андижон вилояти давлат архивининг уезд-шаҳар инқилобий қўмитаси фондида сақланмоқда. Қуйида уни айнан келтирамиз:

Туркистон улкаси барча миллатларига!

Туркистон улкаси Мусулмон қўшинлари бош қўмондони курашчан Шермухаммадбек Ҳазратининг

ЭЪЛОННОМАСИ

Ушбу билан барча миллатларга эълон қиларканман, худога шукрки, кундан-кунга куч-қудратимиз тобора ортиб бормоқда. Менинг барча қўмондонларим деярли ҳар куни Туркистонда яшаётган ва болшавойлардан безор бўлган рус ва мусулмон аҳолиси ўз қуролири, кийим-кечаклари билан сафимизга қабул қилинаётганликлари ҳақида хабар бермоқдалар. Биз уларни ихтисослиги бўйича лавозимларга қўймоқдамиз ва уларнинг иззат-икромини ҳам жойига қўймоқдамиз. Улар болшавойлар яшаётган жойларда, шаҳарларда ва бошқа жойларда етишмовчилик, ёппасига очарчилик ва тартибсизликлар ҳукм сураётганини билдирмоқдалар. Биз томонимизга утган бу кишилар озиқ-овқат билан тула таъминланмоқда ва улар

ўзларининг ҳаёт муҳитидан қониқаётганини билдирмоқдалар. Хорижий маълумотларга қараганда, четдаги давлатлар бошавойлар нима сабабдан туркистонликларга тўла мухторият бермаётгани ҳолда, «Туркистонга аллақачон мухторият берилган», деган ёлғон гаплар айтаётганликларидан газабга келаётир. Ҳозирги вақтда бу чет эл давлатларига бошавойлар аблаҳ, ёлғончи эканликларини ҳамда уларнинг касби ҳар қандай вақтда ҳам меҳнаткашларни ва айбсиз камбағал аҳолини талаш ва улдиришдан иборат эканлиги маълум бўлиб қолди. Шу туйғайли бу барча хорижий давлатлар ўз муҳитидан аблаҳ бошавойларни улоқтириб ташлашга қарор қилдилар ва уларни тугатиш учун катта уруш очдилар.

Агарда ҳозирги вақтда бошавойлар туркистонликларга тўла мухторият берсалар, у ҳолда биз, туркистонликлар, ҳеч қандай зарар келтирмаймиз. Агардаки, тўла мухторият бермасалар, у ҳолда биз юразимиз ва танамизда охирги қонимиз қолгунча ватан учун курашамиз, яккаю ягона тангри таоло, Муҳаммад пайғамбаримизнинг шариати йўлида қурбон бўлишга тайёрмиз. Динимиз, ватанимиз учун бутун қалбимиз ва жисмимизни қурбон бериб, тўла ғалабага эришишни Аллоҳдан тилаймиз ва унга ибодат қиламиз.

Мусулмон қўшинлари бош қўмондони Шермуҳаммадбек»¹.

Ушбу ҳужжатдан аёнки, миллий курашчилар ва уларнинг қўмондони Шермуҳаммадбек Туркистонни тўла мухторият ҳолида куришни орзу қилган. Улар шу йўлда кураш олиб борганлар. Шермуҳаммадбек беҳуда қон тукилмаслиги учун улкага мухторият мақоми берилишини совет раҳбарияти ва ҳарбий қўмондонлигидан талаб қилган. Шундай музокара 1921 йил август ойининг охирларида Марғилон билан Ёзёвон уртасидаги очиқ майдонда ўтказилган. Унда советлар томонидан 1-армия қўмондони Г.В.Зиновьев, Туркистон Компартияси Марказқўми котиби Назир Тўрақулов, ҳарбий ходимлар Р.И.Березин ва А.А.Слудский, миллий курашчилар номидан эса Шермуҳаммадбек, Нурмуҳаммадбек, Алиёр қурбоши, Юсуф Полвон, Бозорбойбек, Мулла Пулат, Асқар қурбошилар қатнашган-

¹ Андижон вилояти давлат архиви, уезд-шаҳар инқилобий қумитаси фонди, 1-руйхат, 86-иш, 225-варақ.

лар. 25 кишилик советлар билан 7 кишилик миллий курашчилар ўртасидаги музокара 8 соат давом этади. Шермухаммадбек сулҳ тузиш учун советлар олдига Туркистон мухториятини тан олиш, мусулмонларга диний эркинлик бериш, қизил армия қўшинларини Фарғона водийсидан олиб чиқиб кетиш, ҳибсдаги миллий курашчиларни озод қилиш каби ўнта шартни қўяди. Бу талабларни Г.В.Зиновьев истехзо билан тинглайди ва уларни амалга ошириш мумкин эмаслигини айтади. Шермухаммадбек бунга жавобан: «Биз истиқлол истаймиз», дейди. Зиновьев эса: «Сиз деҳқончилик билан шуғулланинг, сиёсатга аралашманг!» дея жавоб қилади. Шермухаммадбек эса: «Сиёсат бизнинг маслагимиз бўлади. Биз ватанни мудофаа қиляпмиз. Чунки биз Амир Темурнинг фарзандларимиз. Улар фақат деҳқончилик қилмаганлар. Масжидларимиз, халқимиз қон йиғлаяпти. Кунни кеча болшавойларингиз қилган ваҳшийлик инсонга хос иш эмас, ҳукуматингизга айтинг, инсоф қилсин», дейди.

Шундан сўнг Шермухаммадбек музокарани ташлаб кетиш учун ҳамроҳларига ишора қилади. Шунда Зиновьев Шермухаммадбекни тўхтатиб, яккама-якка суҳбатлашишни таклиф этади. Суҳбат чоғида Зиновьевнинг «Сиз нима хоҳлайсиз?» деган саволига Шермухаммадбек: «Биз ўз илтимосимизни айтдик. Ҳуррият истаймиз, истиқлол истаймиз, бизни холи қолдиришингизни истаймиз», деб жавоб қилади.

Зиновьев эса: «Ҳуррият учун миллион нафар аскар керак. Сенда шунча куч борми? Сенинг халқинг ичида



Шермухаммадбекнинг қизил қўшин вакиллари билан учрашуви.

сен каби фикр қиладиганлари оз. Сенинг истакларинг-ни ҳукуватимиз қабул қилса ҳам, булар сенга эргашмайди», дейди. Шермуҳаммадбек бунга жавобан: «Ёлғон айтаяпсиз, бизнинг халқимиз ичида бундай инсонлар оз эмас, 2 миллион аскар тушлашга ҳам имконимиз бор. Биз Туркистонда 15 миллиондан ортиқроқмиз. Керак булса, ҳаммамиз сизга қарши курашга отланамиз», — деб уз ҳамроҳлари билан музокара жойини тарк этиб, қароргоҳи Карбувага қайтиб кетади.

Улкадаги совет ҳукувати Шермуҳаммадбекни уз томонига оғдириб олиш учун миллий арбобларни ҳам унинг ҳузурига элчи қилиб юборган. Туркистон республикаси Марказий Ижроия Қўмитаси раисининг ўринбосари Низомиддин Хўжаев 1921 йил 12 сентябрда сулҳ тузиш мақсади билан Шермуҳаммадбекнинг қароргоҳига келади. Музокарада у Шермуҳаммадбекка қарата: «Ҳозир мен бутун Туркистон ҳукуватини бошқаряпман. Мажбур бўлиб қолганингизда менинг ҳузуримга келаверасиз, бирга бўламиз», дейди. Бу фикрнинг мужмал ва асосизлигини пайқаб, Шермуҳаммадбек бундай жавоб қилади: «Тошкентдаги рус ҳарбий қўмондонлиги ҳам сизнинг қўл остингиздами? Агар шундай булса, сиз уларга Туркистонни тарк этишларини буюринг. Шўро аскарлари Туркистондан кета бошлаган соатдан эйтиборан Сизнинг хизматингизга кирман ва сизга бўйсунман».

Табиийки, музокара натижасиз қолади.

Айни вақтда Шермуҳаммадбек уруш тарафдори булмагани учун беҳуда қон тукилишининг олди олинишига, осойишталикнинг ўрнатилишига, Фарғона халқи оддий инсоний ҳуқуқларининг тикланишига, айрим большевик раҳбарларнинг ярамаслигига, тажовузкорлигига чек қўйилишига умид боғлаб, Туркистон раҳбарияти билан сулҳ тузиш учун музокара олиб бориш ташаббуси билан чиқади. Советларга қарши тинимсиз кураш олиб бораётган Шермуҳаммадбекнинг бу ташаббуси Фарғона аҳли ҳақли талабининг натижаси эди. Туркистон раҳбарияти Шермуҳаммадбекнинг таклифига мувофиқ Фарғонага келиб, у билан очиқчасига музокаралар олиб боради. «Фарғонадаги вайронагарчилик, уруш етарли эмасми? Сиз нимани талаб этасиз?» деган саволга Шермуҳаммадбек бундай жавоб беради: «Туғри, биз Фарғонанинг тикланиши ва тинч-

ликнинг қарор топиши тарафдоримиз. Аммо сизларнинг ҳукуматингиз ғоялари Туркистон жумҳурияти учун яроқсиз ва уни маҳаллий аҳоли ҳаётига татбиқ қилиб бўлмайди». «Туркистон жумҳуриятида тинч ҳаёт қарор топиши учун, сизнинг фикрингизча, нималар қилиш керак?» деган саволга эса Шермуҳаммадбек, «Биринчи навбатда, савдога йўл қўйиш, жойдан-жойга қўчиш эркинлиги, мусодара ва реквизицияларни тақиқлаш, шариат асосидаги судни жорий этиш, вақф ерларини эгаларига қайтариб бериш», деб жавоб қилади. Лекин большевиклар бу таклифларни қабул қилмайдилар.

Бундай сулҳ тузишга уринишдан олдин ўлкада, хусусан, водийда қандай воқеалар бўлиб ўтган, Шермуҳаммадбек ва унинг жангчилари бошидан не кунлар ўтмаган эди.

...1920 йилнинг ноябрь ойи. Парпибек қўрбоши Қўқонқишлоқда 2000 қизил аскарга қарши жанг олиб борарди. Унга кўмак бериш учун Шермуҳаммадбек минг нафар йигити билан Қўқонқишлоққа келади. Даҳшатли жангларда Парпибек ғалаба қозониб, 2 замбарак, 4 пулемёт ва турли қурол-аслаҳаларни ўлжа олади. Бундан ғазабланган душман катта куч билан Қўқонқишлоқ, Омончўрада Парпибекка қарши шиддатли ҳужумни бошлайди. Унга 8-отлиқ бригада қўмондони Я.А.Мелькумов шахсан раҳбарлик қилади. Шиддатли жангдан сўнг Қўқонқишлоқ билан Омончўра яна советлар қўлига ўтади. Парпибек Бозорқўрғон томонга чекинишга мажбур бўлади. Бу ерда ҳам душман унга кучли зарба беради.

Шермуҳаммадбек ва Холхўжа қўшинлари мағлубиятга учрагани сабабли айрим қўрбошилар руҳи тушиб, советлар томонига ўта бошлайди. 1921 йил 31 январда 2 600 аскар билан Акбарали ва Маҳкам ҳожи қўрбошилар шўролар томонига ўтади. 1921 йил бошларида Парпибек қўрбоши ўз қўшини билан Жалолобод ва Сузоқда 2-Туркистон ўқчи дивизияси билан шиддатли жанг олиб боради, аммо у мағлубиятга учрайди.

Шермуҳаммадбек Парпибек ўрнини эгаллаган Туражоннинг йигитлари билан аввал Учқўрғонга, сўнг Норин ирмоғи томон чекинишга мажбур бўлади. Шу жойда мустаҳкам мудофаа ташкил қилиниб, қизил аскарларга қарши ҳужум уюштирилади. Бу жангда 400 рус аскарлари асир олиниб қуролсизлантирилгач, қўйиб юбо-

рилади. Шермуҳаммадбек Карбува қароргоҳига қайтиб келгач, Ашовадаги Раҳмонқул қўрбошидан мактуб олади. Унда Тошкентдан Раҳмонқулга қарши катта куч юборилгани айтилиб, шу боис душманни даф этиш учун ёрдам сўралган эди. Шермуҳаммадбек Болта қўрбоши бошлиқ 1400 отлиқ аскарни ёрдам учун Ашовага юборади. 1921 йил январь ойи охирларида шу ерда 6 кун давом этган кучли жангда қизил аскарлар катта талофат қурадилар.

Худди шу вақтда Ҳуратепеда Холбўта йигитлари қизил аскарларнинг қуршовига тушиб қолади. Бундан хабар топган Шермуҳаммадбек Ҳотам қўрбоши бошлиқ 500 суворийни Холбўтага ёрдамга юборади. Қизиллар мағлубиятга учраб, Ҳуратепадан қувиб чиқарилади.

Замондошларнинг хотираларига қараганда, Шермуҳаммадбек бегараз инсон эди. Шу жиҳатдан унинг Бухоро амири Сайид Олимхон билан бўлган муносабатини эслаш жоиз. Шермуҳаммадбек Фарғонадан Бухорога, амир ҳузурига элчи юбориб, ундан қурол-яроғ масаласида ёрдам беришни сўрайди. Аммо амир бу илтимосни жавобсиз қолдиради. Бу ҳам етмаганидек, Афғонистондан Шермуҳаммадбек учун келтирилаётган қурол-яроғ амир одамлари томонидан ўтказилмайди. Сайид Олимхоннинг ўзи Бухорони тарк этиб, ҳозирги Тожикистон ҳудудида советларга қарши уруш олиб бориб, танг аҳволга тушганида Шермуҳаммадбекка хат ёзиб, ундан большевиклар зулмига учраган мусулмонларга ёрдам бериш лозимлигини айтади ва ўзига ҳам ёрдам беришни сўрайди. Бунга жавобан Шермуҳаммадбек 1920 йил ноябрь ойининг охирларида Асқар қўрбоши қўмондонлигида 500 кишидан иборат суворийларни Шарқий Бухорога юборади. Фарғонадан борган бу миллий курашчилар Бойсунда қизил аскарларга қарши жанг қиладилар. Бойсун мудофаасида фарғоналиклардан 70 нафари шаҳид бўлади. Амир Афғонистонга омон-эсон ўтиб кетгач, Асқар қўрбоши Карбувага қайтиб келади.

20-йиллардаги мана шундай воқеалар, халқнинг уруш азобидан қийналганлиги, вайронагарчилик туфайли Шермуҳаммадбекда советлар билан сулҳ тузиш, истиқболсиз курашни тўхтатиш фикри туғилган бўлиши мумкин.

Закий Валидий Туғон АҚШга борганида Давронбек ва Анварбеклар хонадонларида бўлиб, оталари Шермухаммадбек ва Нурмухаммадбекларнинг большевикларга қарши курашдаги катта хизматларини алоҳида қайд этиб, уларнинг совет мустамлакачилигига қарши изчил кураш олиб боргани, бу йўлдан асло қайтмагани, Шермухаммадбек билан сулҳ олиб борган большевиклардан биронтаси ҳам уни бу йўлдан ура олмаганлигини айтган.

Саудия Арабистонида истиқомат қилувчи ватандошларимиздан Аҳмад Тўлқин Шермухаммадбек фаолиятидаги ўзи шоҳид бўлган қуйидаги кичик бир воқеани Давронбек билан Анварбекларга айтиб берган: Шермухаммадбек билан Нурмухаммадбеклар Носирхон Туранинг ёнига бориб: «Домла, сиз бизга бош бўлинг, диний раҳнамо бўлинг, биз амрингизга итоат қилиб, душманга қарши биргаликда курашайлик», — деб илтимос қилган эканлар. Шунда Носирхон Тура кўзини ердан узмай, утирган ҳолда на ҳа, на йўқ, деб жавоб қилмаган. Бироқ орадан бир қанча вақт ўтгач, Носирхон Тура бу қилмишидан пушаймон еб, виждонан қийналиб, қўрбошилар таклифига мен бирор нарса дея олмадим, бу менинг хатойим эди, деб иқроор бўлган. Кейинчалик Носирхон Тура миллий кураш жабҳасига узини бағишлаб, шу йўлда қўрбон бўлган.

1922 йил апрелида Кофирунда Анвар Пошо ташаббуси билан истиқлолчилик ҳаракати қатнашчиларининг йиғилиши ўтказилади. Шу вақтда Фарғона ва Зарафшон водийларидаги қўрбошиларнинг Самарқанд қурултойида мазкур водийларда қизил қўшинга қарши кураш ва Туркистоннинг келажаги билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилади. Қурултойда Шермухаммадбек ҳам қатнашган. Бу анжуманда Шермухаммадбек бошчилигида 1920 йил май ойида тузилган «Туркистон — турк мустақил ислом жумҳуриятининг махсус резолюцияси» (муваққат конституция) қабул қилинган. Бу резолюция 7 бўлим ва 36 бандан иборат бўлган. Қурултой большевикларга қарши кураш тактикаси ва Туркистоннинг келажасига оид тегишли ҳужжатларни қабул қилган. Демак, совет тарихчиларининг «босмачилар»нинг сиёсий стратегияси бўлмаган, улар Туркистоннинг мустақиллиги ҳақида уйламаганлар, деган фикрлари ҳақиқатга мутлақо зид.

Совет тарихчилари қуролли ҳаракат раҳбарларини бадном этиш мақсадида улар бошчилик қилган гуруҳларнинг тинч халқни талагани ҳамда шу халқнинг ризқ-насибасини қирқиш ҳисобига яшагани ва курашганини айтиб келишган. Бундай раҳбарлар ва гуруҳларнинг бўлганини умуман рад этиш қийин. Аммо Шермуҳаммадбек ва унинг қўли остидаги қўрбошилар 1921 йил баҳорида оғир иқтисодий аҳволга тушиб қолганларида фарғоналик бир неча бойлар унга 150—200 фоиз қўшимча қарз беришни таклиф этишган.

Шермуҳаммадбек қуролли ҳаракат яқун топиб, ўз ватанини ташлаб кетишга мажбур бўлган ва маълум вақт Туркиянинг Адана шаҳрида яшаган. Шунда у ўтмиш воқеаларини эслаб, Давронбек ва Анварбек акаларга Андижон қўрбошиларидан кўп марта ёрдам олганини катта миннатдорчилик билан айтган. «Энг кўп мактаганлари, — деган эди Анварбек ака биз билан суҳбатда, — Парпибек қўрбоши, Маҳкам ҳожи эди. Оталаримиз андижонлик саховатли одамлар ҳақида сўз юритиб, мен ҳақиқатан Андижон халқидан миннатдорман, қачон аскарларимиз билан оч-наҳор, толиқиб борганимизда Андижонда бизга, йигитларимизга овқат, отларга ем, устиларига чопон қилиб беришган...»

Шермуҳаммадбек Кобулда яшаганида ҳам Англия ҳукуматидан ёрдам олиб, Туркистонни озод қилиш орзусидан воз кечмади. Шу мақсадда у Нишопур, Бомбайгача бориб, рожалар билан музокаралар олиб борди. Бирон натижа чиқмагач, Помирдаги қирғиз ва бошқа халқларни советларга қарши курашга ундамоқчи бўлди. Унинг Помирга қилган сафари ҳам натижа бермагач, яна Кобулга қайтади. Омонуллахон, сўнгра Нодирхон подшолик қилган даврда Афғонистон советлар билан алоқани узмаслик сиёсатини олиб борарди. Шунинг учун ҳам Омонуллахон ва Нодирхон Шермуҳаммадбекка ер ва 1 минг афғон рупияси миқдорида ойлик бериб турган бўлса ҳам, унинг большевикларга қарши олиб бормоқчи бўлган курашини қўллаб-қувватламади.

Шермуҳаммадбек Кобулда яшай бошлаганида 1924 йили Андижондан Кобулга бориб қолган Зулфинисо исмли қизга уйланади. Улардан Давронбек, Жаҳонгир, Саодатхон ва Хосиятхонлар дунёга келади. Тўнғич ўғли Давронбек ҳозир Нью-Йоркда, Саодатхон Туркиянинг

Адана шаҳрида истиқомат қилишмоқда. Жаҳонгир билан Хосиятхон Шермуҳаммадбек Кобулдалиқ вақтидаёқ вафот этишган. Давронбекнинг онаси Зулфинисо 1972 йили Аданада оламдан ўтган.

1951 йили Афғонистондаги туркистонлик муҳожирлар Туркиядан бошпана топадилар. 1955 йили Шермуҳаммадбек ҳам ўз оиласи билан Туркияга келади ва умрининг охиригача Адана шаҳрида яшайди. 1970 йил 10 мартда Шермуҳаммадбек оламдан ўтади. Унинг дафн маросими жуда катта ҳурмат ва эҳтиром билан ўтказилади.

Совет тарихчиларининг асарларида Мадаминбек Шермуҳаммадбекни советлар томонига оғдириш учун сулҳга борганида, уни қатл эттирган, деган фикр ўтказилиб келинди. Марк Поликовскийнинг «Конец Мадаминбека» («Мадаминбекнинг маҳв этилиши») тарихий очеркида, Али Ҳамроев режиссёрлик қилган, тарих фанлари доктори, профессор М.Ф.Ваҳобов маслаҳатчи бўлган «Фавкулудда комиссар» фильмида ҳам Мадаминбекнинг гўё Шермуҳаммадбек қўлида қатл этилганлиги тасвирланган. Бундай фикр, афсуски, мустақилликка эришилган ҳозирги кунларда ҳам баъзан давом этиб келмоқда.

Айни шундай фикрларга Шермуҳаммадбекнинг ўзи 60-йилларда «Америка овози» радиоси орқали жавоб бериб, «Мадаминбекнинг ўлимига мен айбдор эмасман. Уни низо чиқариш мақсадида ўша пайтдаги армия қумондони Зиновьев оттириб, дарёга ташлаб юборган», деб айтган эди.

Турк олими Али Бодомчи узининг «1917—1934 йиллар. Туркистон миллий истиқлол ҳаракати ва Анвар Пошо. Курбошиллар» (1-жилд. Истанбул, 1975) номли асарида Мадаминбекни Сойиб қори ва Лутфулла Маҳдум ўлдириб, Бухорога қочиб кетганликлари, буни уларнинг ўзлари ҳам эътироф этганликларини ёзган. У Мадаминбекнинг ҳалок бўлиш тарихини урганиб, уни большевикларнинг ўзлари ўлдиртириб юборганлар, деган хулосага келган.

Давронбек ва Анварбек акалар билан бўлган ўша суҳбатимизда улар бизга Мадаминбек Шермуҳаммадбекнинг ёшлиқдаги дўсти, большевикларга қарши курашиш учун бирга қасам ичган 7 йигитнинг бири Мадаминбек, иккинчиси Шермуҳаммадбек бўлгани, Шер-

муҳаммадбекнинг қуролдош дўсти хотирасига ҳурмат сифатида набирасига унинг исмини қўйгани, Нурмуҳаммадбекнинг эса Мадаминбекнинг холаваччасига уйлангани, шу боис у Мадаминбек ўлимидан беҳад изтиробга тушгани, ҳар доим Афғонистонда ҳам, Покистонда ҳам, Туркияда ҳам Мадаминбекни миллий қаҳрамон деб эъзозлаб келганини сўзлаб беришди.

Ушбу тадқиқотда тарихимизнинг ҳали тула ёритилмаган саҳифаларини ёритишга, большевизмга қарши қуролли ҳаракатда фаол иштирок этган, Ватан ва миллатнинг озод бўлишини орзу қилган, тенгсиз курашда шароит тақозоси билан баъзан хато ҳам қилган кишиларнинг кураши ва тақдири ҳақида турли манбалар ва ҳозирда барҳаёт гувоҳларнинг хотираларига таянган ҳолда фикр юритишга ҳаракат қилинди.

* * *

Ўтган асрнинг 20—30-йилларида Ватан ва миллат озодлиги йўлида фаолият олиб борган ватандошларимиз турли-туман дунёқараш, маслак ва мақсадга эга бўлишларига қарамай, эл-юртларининг бошқалар томонидан идора этилмаслигини, халқнинг миллий ва инсоний ҳақ-ҳуқуқлари топталмаслигини астойдил истадилар. Шу йўлда қурол билан ҳаракат қилиб, шу йўлда жон бердилар. Улар совет мустабид тузумининг Ўрта Осиё халқларини кейинчалик ҳам қуллик ва мутелик шароитида ушлаб туришини яхши билдилар. Бинобарин, бу ҳаракатга жалб этилган тоза виждонли ва эрксевар кишилар Ватан ва миллатнинг озод келажаги йўлида жонфидо қилдилар. Шунинг ўзи ҳам бизга улар номини ҳурмат билан тилга олиш имконини беради.

ШИМОЛИЙ КАВКАЗГА СУРГУН ҚИЛИНГАН ЮРТДОШЛАР

1931 йил августида бошланган «кулоқлаштириш» ва сургун қилиш жараёнида Ўрта Осиёдан 6 минг, жумладан, Ўзбекистондан 3 795 хўжалик (17 839 жон) Украина ва Шимолий Кавказга сургун қилинган. Аммо яқин вақтларгача Ўзбекистоннинг қайси вилоятидан қанча кишининг Шимолий Кавказга сургун қилингани маълум эмас эди.

Яқинда биз Россия Федерацияси Хавфсизлик хизматининг Москвадаги марказий архивидан «кулоқ»лар ортилган эшелонларнинг 1931 йил 28 августдан 16 сентябргача бўлган вақтдаги ҳаракати ҳақидаги диспетчер маълумотини топишга муваффақ бўлдик. Унда 1931 йил 28 августда Когондан жунатилган 605-сонли эшелоннинг Шимолий Кавказнинг Прикумск туманига етиб келганлиги қайд этилган. Бу эшелонда 231 оила (1 542 киши) бўлиб, шундан 387 нафарини эркаклар, 324 нафарини аёллар, 646 нафарини эса болалар ташкил этган.

Каттақурғондан чиққан 615-эшелонда 282 хўжалик (1 450 киши) бўлиб, шундан 471 нафари эркаклар, 396 нафари аёллар, 583 нафари эса болалар бўлган. Эшелон 9 сентябрда Шимолий Кавказнинг Прохладная бекатидан ўтиб, Махачқалъага етиб келганда бир боланинг ўлганлиги қайд этилган. Эшелон борадиган жой Карамюк бекати эди.

Термиздан йўл олган 611-сонли эшелонда 288 оила (1 602 жон) бўлиб, шундан 447 нафарини эркаклар, 430 нафарини аёллар, 735 нафарини эса болалар ташкил этган. Бу эшелон 1931 йил 1 сентябрда Чоржўйдан ўтган. Унинг Прикумск туманига бориши белгилаб қўйилган.

Самарқанддан жунаган 617-сонли эшелонда эса 304 оила (1 493 киши), шундан эркаклар 611 киши, аёл-

лар 416 киши, болалар 666 киши бўлган. 9 сентябрда бу эшелондагилар Красноводскка етиб келишган ва пароходда Каспий денгизи орқали Махачқалъани ҳам босиб утишган.

Бундан ташқари, айни вақтда Шимолий Кавказга Самарқанд вилоятидан 700 хўжалик (3 680 жон), Бухоро вилоятидан 691 хўжалик (3 820 жон), Сурхондарё вилоятидан эса 100 хўжалик (482 жон), яъни бутун Ўзбекистон буйича 1 491 хўжалик (7 982 жон) сургун қилинган.

Ўз уйдан, ҳовли-жойидан, от-уловидан, мол-мулкдан, рўзгор буюмларидан, ишлаб чиқариш қурулларидан маҳрум қилиниб, юк ташиладиган вагонларга ортиб юборилган ва йўл азобларини тортган бу юртдошларимиз Шимолий Кавказнинг Прикумск, Арзгир, Будённий, Апанасенков туманларига келтирилган. Улар дашт-чўл ерларини ўзлаштириш, ғалла пахта етиштириш ва бошқа оғир ишларга сафарбар қилинган. Меҳнат сургунига юборилган бу бева-бечоралар ҳисобига пахтачилик, ғаллачилик совхоз ва қишлоқ хўжалик артеллари тузилган. Уларнинг кўпчилиги йўл азобидан, оғир меҳнатдан, ноқулай иқлимдан, турли хил касалликлардан, очарчиликдан ўлиб кетган, бир қисми сиёсий қатағонга учраб отиб ташланган, узоқ муддатларга қамоқ жазосига ҳукм этилган. Улар 1937—1938 йиллардаги оммавий қатағонга учраган кишилардан ҳам кўпроқ азоб-уқубат чекканлар.

Иккинчи жаҳон уруши бошлангач, сургундагиларнинг бир қисми фронтга, кекса ёшдагилари эса меҳнат лагерларига юборилган. Улар жангоҳларда фашистлар ўқидан ҳалок бўлган, меҳнат лагерларидаги мислсиз оғир шароитга бардош беролмай ўлиб кетган. Меҳнат сургундагиларнинг маълум бир қисми қочиш вақтида, муҳожирликка чиқиб кетиш пайтида ушлаб олиниб, узоқ муддатга қамоқ жазосини олган, баъзилари эса отиб ташланган.

Ўзбекистондан Шимолий Кавказ ўлкасига сургун қилинганларнинг кўпчилиги ватанга қайтиб кела олмаган. Уларнинг аксари бегона юртларда ҳалок бўлган, жуда ҳам оз қисмигина бир амаллаб она юртларига қайтиб келишган.

Биз, «Мерос» халқаро илмий-амалий экспедиция аъзолари, қайтиб келган ватандошлар тақдирини би-

лиш мақсадида 2004 йил 13—25 апрель кунларида Самарқанд, Бухоро ва Сурхондарё вилоятлари бўйича илмий сафар уюштирдик. Натижада Шимолий Кавказга сургун қилинганлар ва уларнинг авлодлари ҳақида қимматли ҳужжат ва материаллар қўлга киритилди. Жумладан, Каттакўрғон туманидан 1931 йил августидан ўша 615-эшелонда Шимолий Кавказга сургун қилинган 75 хўжалик (349 жон) орасида Ражаббой Дўстмуродбой бошлиқ 12 жондан иборат оиланинг (Катта Араб қишлоғидан) ҳам бўлгани аниқланди. Бу оиллага қарашли 12 таноб ер, боғ, чорбоғ, 200—300 бош қўй, бир жуфт ишчи ҳукиз, 4 бош қорамол, 3 эшак, бир купкари чопадиган от ва бошқа уй-рузғор буюмлари тортиб олиниб, уларнинг ўзлари эса «қулоқ» сифатида сургун қилинган.

Шу ҳақда Эгамназар Ражабов бундай эслайди: «...Ҳовлимизнинг рўпарасидаги катта дарвоза ёнида бир-икки от қўшилган тўрт гилдиракли фургон, Қафталида 2—3 отлиқ милтиқ таққан одамлар акам ва онамларга: «Бўлинг, чиқаринг, аравага ортинг!», деб дағдага қилишди. Онам, акамлар, опаларим йиғлаб, уйдаги кўрпа, ёстиқ, енгил нарсаларни ташиб, аравага ташлай бердилар. Юклар ортилгач, бизларни аравадаги юклар тепасига миндириб, катта ёшдаги акамларни арава орқасидан пиёда Каттакўрғон шаҳрига қараб ҳайдадилар. Эски тош йўли темир йўл вокзалидан ўтгач, ҳозирги паркнинг ўнг томонидан ўтадиган йўлга қўшилди. Эски паркнинг ўрни шаҳарлик Худойназарбойники бўлган. Шу вақтда атрофи тиконли сим билан уралиб, ичига баланд-баланд жуя тортилиб, тамаки экилган эди. Ўша Худойназарбойнинг ўғиллари Ғулумиддинлар ҳам «қулоқ»қа тортилиб, бизлар билан бирга Кавказга сургун қилинган эдилар.

ГПУ, прокурор шу тамакизорнинг кунчиқар бетида пишиқ гиштдан қурилган катта саройда ўтирар эканлар. Араваларимиз тўғри шу саройга киритилди. Тамакизорнинг ярмига борганимизда олдимиздан катта акамиз Абдуҳаким бир ҳасани кўк отчага минган ҳолда чиқиб қолди. У бундан икки йил аввал давлат ишига, «Улус» ширкатига «отаман» бўлиб сафарбар қилинган эди, Қиличқишлоқда яшарди. У қулоққа тортилмаган эди. Шунга қарамай, бизларни олиб келаётган отлиқ соқчилар Абдуҳаким акамни ҳам отлари билан биз кир-

ган саройга олиб келдилар. ГПУ ва прокурорга айтишиб, акамни ҳам бизларга қўшиб, пахта заводидаги усти ёпиқ, атрофи сим билан ўралган каппонга келтириб қамадилар. Шу жойда 15 кун тунашга тўғри келди. Жўнашга 3—4 кун қолганда Абдуҳаким акам Қиличқишлоқдаги оилаларини ҳам олиб келишга мажбур бўлди.

Шу вақтда отамиз Ражаббой Қаршида сургунда эди. У узоқ жойларга сургун қилинаётганимизни эшитиб, дарҳол Каттақўрғон ГПУсига, прокурорига келиб: «Мени ҳам болаларим билан бирга жўнатасизлар», деган. Натижада отамиз ҳам бизларга қўшилди.

Ниҳоят, бу оила Николо-Александровск деган жойга етиб келиб, эгалари Сибирга сургун қилинган ҳовлилардан бирига жойлашади.

Ражаббой Дустмуродов оиласи унинг аёли Сапарова Шарофат, угиллари Абдуҳаким, Абдуҳалил, Дустназар, Эгамназар, қизлари Назокатхон, Ойдинхон, катта келини Ҳикматхон, кичик келини Назонхон, катта ўғлининг ўғли Муродилла, кичик ўғлининг қизи Меҳрилардан иборат эди.

Бу оиланинг сургундаги азоб-уқубатлари, қисмати Эгамназар Ражабовнинг 1992 йил 18 феввалида тугаллаган эсдалигида ўз ифодасини топган. Шу пайтда у 71 ёшда эди. Афсуски, бу инсон ҳозир орамизда йўқ. Лекин унинг эсдалиги ниҳоятда қимматли ҳужжат бўлиб қолди. Бу эсдалиқда Шимолий Кавказ сургунида бўлган бир қанча каттақўрғонликларнинг номлари зикр қилинган. Жумладан, Саройқўрғон қишлоғидан сургун қилинган Қодир қассоб, Пайшанба қишлоғидан сургун қилинган Маъруф боболарнинг номлари эсдалиқда келтирилган.

Сурхондарё вилоятининг уша вақтдаги Жарқўрғон туманидан 50 хужалик (269 жон), Сариосиё туманидан 25 хужалик (112 жон), Денов туманидан 25 хужалик (101 жон) Шимолий Кавказга сургун қилингани, «қулоқлар» ортилган 611-сонли эшелоннинг Термиздан чиқиб, 1931 йил 1 сентябрда Чоржўй темир йўл бекатидан ўтгани, бориладиган жой Шимолий Кавказнинг Прикумск тумани экани, шунингдек, эшелонда 276 оила, 1342 киши, шундан эркаклар 337, аёллар 636, қолгани болалар экани ҳам ҳужжатда ўз аксини топган.

Қумқўрғон туманидаги «Беш қаҳрамон» ширкат хўжалиги жойлашган Оқсой маҳалласи, Ҳайдар Баратов кўчаси, 39-уйда 85 ёшли Лолабиби Қурбонназарова яшайди. У Шимолий Кавказга сургун қилинган 11 жондан иборат Мулла Қурбон бобо Назаровнинг кенжа қизи. 1931 йил августида бу оилани қизил вагонга жойлаштиришганда уни ўлдига чиқаришиб, холаси Султонбибига қолдириб кетишган. Сургундаги 10 кишидан фақат биргина Жуманазар Қурбонов ўз юртига қайтиб келган, қолган оила аъзолари ўша бегона юртда қолиб кетишган. Оғир меҳнат, очарчилик, касаллик, даҳшатли уруш гирдобидида қолган Мулла Қурбон бобо ва унинг жигаргушалари ватанларига қайтиб кела олмай, ўша бадарға қилинган тупроқдан абадий жой топдилар.

1870 йилда туғилган, Сариосиё тумани Сарижўй қишлоғилик Саид Рўзиев хўжалиги ва мол-мулки мусодара этилиб, 1931 йил августида Шимолий Кавказга сургун қилинган. Унинг набираси Мирза Муҳаммад Назаров 1936 йилда туғилган, ҳозирда Лангар қишлоғида яшайди. Шу ернинг Хуфор қишлоғидан сургун қилинган Мулла Малик (Бухорода 15 йил ўқиган) ҳам Шимолий Кавказга сургун этилган. Кейинчалик унинг ўзи қайтиб келган, оиласи, фарзандлари эса сургунгоҳда қолиб кетганлар. Мулла Малик 1952 йил ноябрида оламдан ўтган. Бу ҳақда унинг 1944 йилда туғилган ўғли Исматулла Маликов маълумот берган.

Шимолий Кавказнинг руслар яшайдиган туманларидаги колхозларда пахтачиликни жорий қилишда Ўрта Осиёдан сургун қилинган «қулоқ»лардан фойдаланилган.

1937 йил 25 мартдаги махсус хабарномадан маълум бўлишича, Бурлаций туманидаги тўрт колхоздан ташқари, бошқа колхозларга пахта чигити ташиб келтирилмаган, аввал чигит экилган майдонлар экиш фасли учун тайёрлаб қўйилмаган, экиш режалари колхозларга етказилмаган, ишлаб чиқариш режалари тузилмаган, бригадалар ва звенолар бўйича ерлар бириктириб қўйилмаган. Бу маълумотномага асосланган ҳолда аниқ айтиш мумкинки, экин майдонларининг ўз вақтида мавсумга тайёр бўлмаганлиги учун сургундаги юртдошларимиз жазоланмай қолмаганлар.

Сургун қачон ва ким томонидан қилинган бўлса ҳам, доим сургун қилинувчи азоб-уқубатни бошидан

кечирган. Аммо советларнинг утган асрнинг 30-йилларида олиб борган сургун сиёсатидек даҳшатли воқеалар тарихда кам бўлган. Шунинг учун ҳам кўплаб ватандошларимиз ҳукумат томонидан ижозат берилмаганлигига қарамай, бир амаллаб она юртларига қочиб келиш пайида бўлганлар. Уруш тугагач, пахтазор ерлар ва колхозлар вайрон этилганлиги сабабли совет давлати ўзбекистонлик «қулоқлар»нинг ўз ватанларига қайтиши учун расман рухсат беради. Аммо сургун ва уруш азобларидан тирик қолган саноқли кишиларгагина қадрдон қишлоқларига қайтиш бахти насиб этади.

ШИМОЛИЙ ҚОЗОҒИСТОНГА СУРГУН ҚИЛИНГАН ЮРТДОШЛАР

1929—1936 йилларда зўравонлик билан утказилган коллективлаштириш, «қулоқ» қилиш жараёнида «қулоқлар», «қишлоқ буржуазияси», «социализм душманлари», «колхоз душманлари», «муштумзўрлар», «аксил-инқилобчи унсурлар» каби ҳақоратомуз номлар билан атаб келинган ўзига туқ, тadbиркор ўзбек деҳқонлари бегона юртларга бадарға қилиндилар ва улар азоб-уқубатли, жафоли кунларни бошдан кечирдилар, кўплари эса ҳалок этилдилар. Бу совет давлати томонидан амалга оширилган халқларни оммавий депортация қилиш, яъни қатағон этишнинг биринчи босқичи эди.

Истиқлол туфайли яқин тарихимизнинг сохталаштирилган ва бузилган ана шу саҳифалари қайта тиклана бошлади. Шу мавзуга бағишланган кўплаб китоб, мақола ва хотиралар эълон қилинди, телевизион курсатувлар ва радиоэшиттиришлар олиб борилди. Мазкур масалага аталиб бадиий асарлар, илмий тадқиқотлар яратилмоқда, диссертациялар ҳимоя этилмоқда.

Ўзбекистоннинг ўз ички ҳудудларига, Украинанинг Херсон вилоятига, Шимолий Кавказга (ҳозирги Ставрополь улкасига) сургун қилинган юртдошларимиз фожеали қисмати маълум даражада монографик тадқиқотларда ўз ифодасини топган¹. Аммо Ўзбекистондан

¹ Қ а р а н г. *Шамсутдинов Р.* Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари. Тошкент, 2001; *Шу муаллиф.* Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун. Тошкент, 2003; *Шамсутдинов Р., Мамажонов А.* Шимолий Кавказ сургунидаги юртдошлар қисмати. Тошкент, 2005.

Шимолий Қозоғистонга сургун қилинганлар ва уларнинг ўша бегона юртда фожеали ҳаёт кечирганликлари ҳозиргача ўзбек ва қozoқ тарихшунослигида мутлақо ўрганилмай келади. Ушбу мақолада Шимолий Қозоғистонга сургун қилинган ўзбекистонлик «қулоқлар» ва уларнинг қисмати ҳақида айрим янги маълумотлар келтирилади.

ВКП(б) МҚ Сиёсий Бюросининг 1930 йил 20 февралдаги «Коллективлаштириш ва иқтисодий қолоқ миллий районларда қулоқларга қарши кураш туғрисида»ги қарори бўйича ОГПУга¹ миллий республикаларни ёппасига коллективлаштириш районларида 15 мартга қадар Ўзбекистондан 1000, Туркменистондан 200, Қирғизистондан 100 кишини «қулоқ» қилиш ва концлагерларга юбориш вазифаси топширилади. Топшириқ Ўзбекистон бўйича ортиғи билан, яъни 1195 киши миқдорида бажарилади². «Учлик»нинг қарори билан уларнинг бир қисми қamoқ ва сургун жазосини Сибирь, Урал ва Шимолий Қозоғистонда ўташга ҳукм қилинади.

Шимолий Қозоғистонга қamoқ жазосини ўташ учун сургун қилинганлар орасида Шаҳрихондан Мирусмон Мираҳмедов, Кенжабой Ашурбоевлар ҳам бўлганлар.

Сургун қилинган иккинчи тоифали «қулоқлар» миқдори туғрисида 1930 йил 4 майгача бўлган маълумотда Ўрта Осиёдан 400 оила (2000 жон) сургун қилиниши керак бўлган. Шундан 80 оила (281 жон) Қозоғистонга юборилган.

ОГПУ ГУДАГи махсус кўчирилганлар бўйича бўлимининг маълумотида 1930 йил Ўрта Осиёдан Қозоғистонга 159 оиланинг сургун қилингани айтилган³.

ОГПУ Қозоғистондаги ваколатли вакили Даниловскийга, Ўрта Осиёдаги ваколатли вакили Л.Г.Мионовга 1930 йил 16 апрелда телеграмма йўллаб, унда Ўрта Осиёдан жўнатилган «қулоқлар»ни жойлаштириш ва уларга хизмат курсатиш кераклиги айтилган. Телеграммадан бундан буён Ўрта Осиё ҳудудидан «қулоқлар»ни

¹ ОГПУ — Бирлашган Давлат Сиёсий Бошқармаси.

² РГАСПИ (Россия Давлат ижтимоий-сиёсий ташкилотлар архиви), 62-фонд, 2-руйхат, 2138-иш, 18-варақ.

³ ГАРФ (Россия Федерацияси Давлат архиви), 9479-фонд, 1-руйхат, 89-иш, 205-варақ.

қайси районларга сургун қилиш масаласи ОГПУнинг махсус санкциясидан сунггина амалга оширилиши лозимлиги уқтириб утилган¹.

1930 йил 30—31 январда ОГПУ коллегиясининг жойлардаги доимий вакиллари ва бўлимлари раҳбар ходимлари билан бўлган йиғилишида «қулоқлар»ни тугатиш масаласи куриб чиқилган ва Урта Осиёдан 2 минг «қулоқ»ни Қозоғистонга сургун қилишга қарор қилинган².

ВКП(б) Марказий Қўмитасининг таклифи билан ОГПУ органлари зиммасига 1933 йилда собиқ Иттифоқнинг шаҳар ва қишлоқларидаги аксилинқилобий «қулоқлар» ва жиноятчи унсурларни кўчириш ва бундайларнинг умумий миқдори 2 000 000 кишидан иборат булиши масаласи юклатилади.

1933 йилдаги кўчириш 1931 йилдагига нисбатан миқдор жиҳатидан бир неча бор ортиқ эди. Агар 1931 йили фақат қишлоқдагилар сургун қилинган бўлсалар, 1933 йилда эса сургун қилинганлар контингенти ҳар хил ижтимоий қатламлардан, ҳам қишлоқ, ҳам шаҳар аҳолисидан иборат бўлган. Шу боис сургун қилиш техникаси анча мураккаблашган. 1933 йилги сургун пайтида саноат корхоналари тўлалигича «қулоқлар»дан тозаланган, махсус посёлкалардан қочган «қулоқлар» ҳам, аввалги яшаш жойларидаги, қишлоқлардаги «қулоқлар» ҳам бошқа жойларга кўчирилган.

1933 йилда кўчириш кампанияси амалга оширилгач, махсус посёлкалардаги махсус кўчирилганлар миқдори 5 миллионга етган. Уларнинг ижтимоий келиб чиқиши, сиёсий савияси, аҳволи, ўтмиши эса хилма-хил бўлган³.

1933 йил 19 июнда ОГПУ кадрлар бўлими бошлигининг уринбосари Вейншток номига ОГПУ махфий сиёсий бўлимининг бошлиғи Г.А.Молчановдан келган хатда директив инстанциянинг қарорига мувофиқ 1933 йилда Кавказорти ва Урта Осиёдан Шимолий Қозоғистонга «қулоқлар»ни кўчириш амалга оширилиши кўзда тутилаётгани қайд этилган. Унда, жумладан, бундай

¹ ЦФСБРФ (Россия Федерацияси Федерал Хавфсизлик Хизмати марказий архиви), 2-фонд, 8-руйхат, 3-иш, 44-варақ.

² Уша архив, 2-фонд, 8-руйхат, 35-иш, 4—8-варақлар.

³ Уша архив, 2-фонд, 11-руйхат, 1313-иш, 71-варақ.

дейилган: «Ўрта Осиёдан шу йилнинг 15 июлидан 20 июлигача бўлган вақт ичида 500 оила, тахминан 2 500 киши Шартандиқ станциясига жунатилиб, меҳнат посёлкаларига жойлаштирилади. Бундан ташқари, уша йилнинг июнь ойида Шартандиқ станциясига 3 йилдан 5 йилгача қамоқ жазосига ҳукм этилган маҳбуслардан 3 000 киши келтирилиб, улар ҳам меҳнат посёлкаларига жойлаштирилади ва уларнинг оилалари ҳам кейинчалик кўчириб келтирилади»¹.

Хатда Шимолий Қозоғистондаги Кавказорти турклари ва арманларидан, Ўрта Осиё халқларидан иборат 8 000 кишининг аксарияти рус тилини билмаганликлари боис меҳнат посёлкаларидаги махсус бадарғачилар (кучкиндилар) орасида агентура-оператив ишларини олиб бориш учун сургун қилинган меҳнат бадарғачилари тилини биладиган оператив ходимлардан — Ўрта Осиёдан 5 кишини, Кавказортдан эса 3 кишини Шимолий Қозоғистонга юбориш сўралган. ОГПУнинг Қарағанда вилояти бўлими аппаратида ва меҳнат посёлкалари комендатураларида меҳнат бадарғачилари тилини биладиган оператив ходимларнинг бўлиши зарурлигига алоҳида аҳамият қаратилган.

ОГПУ ГУЛАГи бошлиғи М.Д.Берман 1933 йил 25 майда «Қозоғистонда «ОГПУ меҳнат посёлкаларига сургун қилинган «қулоқлар»ни қабул қилиб олиш режаси»ни тасдиқлайди. Унга кўра, 1933 йилнинг учинчи декадасида Ўрта Осиёдан 2000 «қулоқ» Шимолий Қозоғистоннинг Шартандиқ темир йўл бекатига келтирилиши кўрсатилган².

Кўчиришнинг тахминий муддати 1933 йилнинг 10 июнидан 15 июнигача қилиб белгиланган бўлса-да, бироқ кўчириш 15 июлдан 20 июлгача амалга оширилган.

ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакили Райский 1933 йил 3 июлда Тошкентдан ОГПУ сиёсий-махфий бўлими бошлиғи Г.А.Молчановга, ОГПУ ГУЛАГи бошлиғи уринбосари Плинерга меморандум йўллаб, сургун қилинаётганлар Марв ва Тошкентда иккинчи мартда эмлашдан ҳамда тулалигинча санитария кўригидан ўтказилганлигини хабар қилган³.

¹ ЦАФСБРФ, 2-фонд, 11-руйхат, 1313-иш, 105—106-варақлар.

² ЦАФСБРФ, 2-фонд, 11-руйхат, 1309-иш, 14-варақ.

³ ЦАФСБРФ, 2-фонд, 11-руйхат, 313-иш, 108-варақ.

ОГПУ махфий сиёсий бўлими бошлиғи уринбосари Люшковнинг 1933 йил июлида тақдим этган «Қулоқларни сургун қилиш тўғрисида»ги маълумотномасида Ўрта Осиёдан Қозоғистонга 1933 йилнинг 15 июлидан 20 июлигача бўлган вақт ичида 500 оила (2000 киши) сургун қилиниши тахмин қилинаётгани айтилган. Бошқа бир расмий ҳужжатда эса 1933 йил 8 июлдан 10 июлгача бўлган вақт ичида Ўрта Осиёдан Қозоғистонга 500 оиланинг эшелонларда жўнатилгани қайд қилинган¹.

Шимолий Қозоғистон сургунидаги ўзбеклар бошқа миллатлар каби мислсиз оғир шароитда меҳнат қилишган, бир амаллаб кун кўришган. Уларнинг кўплари очликдан, тўйиб овқат емасликдан, тинка-мадорни қури-тадиган оғир меҳнатдан, руҳий азоблардан, миллий, диний камситишлардан ўлиб кетганлар.

Қуйида ўша муҳит манзарасига оид ҳужжатли дав-ҳаларга мурожаат қиламиз.

Совет махсус хизмати томонидан тайёрланган «Махсус кўчирилганларнинг сиёсий кайфияти ва аксилин-қилобий фаоллиги» деб номланган махфий маълумот-номада Қозоғистоннинг Қурдай туманидаги «Шартюба» совхозига махсус кўчирилганлар тумандаги махсус посёлка коменданти номига ариза билан мурожаат қилиб, 6 ой давомида иш ҳақи олмаётганликлари, 1933 йил январидан бери нон билан таъминланишда куплаб узилишлар бўлаётгани, ҳозирда эса очарчиликни бошдан кечираётганликларини қайд этганлар. Бундай оғир аҳвол туфайли 1933 йил 1 январдан бери 200 кишининг қочиб кетганлиги, совхоз дирекцияси махсус кўчирилганларга тегишли ғалла фондини эркин ёлланган ишчиларга бериб юборгани, очлик оқибатида меҳнат бадарғачилари оила-оила бўлиб ҳишиб кетаётгани, айрим ҳолатларда овқат ўрнида ит ва мушукларни ейишга мажбур бўлаётганлари, овқатланиш ёмонлашгани туфайли эркаклар ва аёллар орасида 1 ва 2-тоифали ногиронлар сонининг ўсиб бораётгани таъкидланган².

Махсус посёлкалардаги ўлимнинг кўпайиши озиқ-овқат билан таъминланишнинг мутлақо чидаб бўлмас

¹ ЦАФСБРФ, 2-фонд, 11-руйхат, 1309-иш, 18—19-варақлар.

² ЦАФСБРФ, 2-фонд, 11-руйхат, 1311-иш, 49—50-варақлар.

аҳволи билан боғлиқ эди. Мислсиз оғир моддий аҳвол туфайли ўлган ҳайвонларни, одамларни, ҳар хил сунъий маҳсулот, ясама териларни овқат ўрнида истеъмол қилиш махсус кўчирилганлар орасида ўзини-ўзи ўлдириш, қишлоқлар бўйлаб дарбадарлик қилиш каби фожеали ҳолатлар рўйхатга олинган¹.

1933 йил 10 июнга оид ана шундай махфий маълумотда Шимолий Қозоғистондаги меҳнат сурғунидагилардан 900 киши очликдан, 300 кишининг эса ҳишиб кетишдан ҳалок бўлиш хавфи борлиги қайд этилган.

Шимолий Қозоғистондаги меҳнат бадарғачиларининг ҳаддан зиёд оғир аҳволи Ички ишлар халқ комиссарлиги Қарағанда вилояти бошқармаси қошидаги Меҳнат посёлкалари бошлиғи Шкеленинг 1934 йил 5 декабрда ГУЛАГ бошлиғи М.Д.Берманга йўллаган ёзма маърузасида ҳам ифодаланган².

1934 йил 1 ноябргача бўлган ҳолатга кўра, меҳнат бадарғачиларининг умумий миқдори 33 658 оила (95 609 жон)дан иборат эди. Шундан катта ёшдагилар 58 943, болалар 36 666 кишини ташкил этган. Қишлоқ хўжалигида 49 547 киши, саноатда 46 062 киши банд бўлган. Оғир меҳнат, аянчли турмуш, очарчилик, касаллик ва бошқа сабаблар билан 1934 йилнинг 10 ойи ичида 5 656 киши ўлган, 3 135 киши қочиб кетган. Меҳнат бадарғачилари озиқ-овқат танқислигидан ташқари, иссиқ кийим, пойабзал ва ички кийимлар билан ниҳоятда кам таъминланган, уларнинг 50 фоизга яқинида эса умуман иссиқ кийим ва пойабзал бўлмаган. Уст-бон, оёқ кийим олишга мутлақо қурби етмаган ногиронлар ва кўп болаликлар сони 3 000 кишига етган.

Қарағанда кўмир конида ишлаган ҳар бир меҳнат бадарғачисининг ойлик маоши ўртача 149 сўми, олтин конидагиларнинг маоши 148 сўми, саноат комбинати ва посёлка қурилишларидагиларнинг маоши эса 82 сўми ташкил этган. Қарағанда кўмир конидаги меҳнат бадарғачиларидан 7 140 киши бевосита шахтада ишлаган. Шахтада ўртача ойлик 154 сўм 40 тийин, бошқа ишларда эса 146 сўм 70 тийин бўлган.

Дарвоқе, 7-сон шахтадаги меҳнат бадарғачилари

¹ Уша архив, 75—76-варақлар.

² ГАРФ, 9479-фонд, 1-руйхат, 22-иш, 31—37-варақлар.

меҳнат мусобақасида голиб чиқиб, Қарағанда кумир конининг кучма қизил байроғи билан тақдирланганлар.

1934 йили меҳнат бадарғачилари 328 610 центнер ғалла, 29 700 центнер крупа, 113 930 центнер ем, 6 061 центнер техник ғалла, 323 690 центнер картошка ва сабзавот, 324 940 центнер беда, 24 920 центнер силос тайёрлаганлар.

ОГПУнинг махсус сиёсий бўлими бошлиғи ўринбосари Сидоровнинг 1933 йил 22 августдаги «Қозоғистон АССР Қарағанда вилоятида махсус бадарғачиларни таъминлашдаги камчиликлар туғрисида»ги ахборотида махсус бадарғачиларнинг таъминоти мислсиз даражада оғир ва кескин ҳолда бўлганлиги қайд этилган. Уша йилнинг июлида очликдан озиб қуруқ гавдаси қолган 722 киши ўлган, 2 210 киши овқатсизликдан озиб тузиб кетган. Бундай ҳолатга махсус бадарғачиларнинг озиқ-овқат картоққаси билан ўз вақтида таъминланмаслиги, озиқ-овқат билан таъминлашдаги доимий узилишлар, иш ҳақининг ўз вақтида берилмаслиги сабаб бўлган. Кумир қазиб чиқариш билан машғул бўлган 21-сон махсус посёлкадагилардан 1 431 киши ўз вақтида маошларини олмаган, бунинг устига 3 кун давомида нон билан таъминланмаган.

Махсус коопсавдо омборхонасида ун бўлмаслиги оқибатида 25 ва 26 июль кунлари 800 киши нон билан таъминланмаган.

Махсус бадарғачиларнинг 379 920 сўм миқдордаги маошлари берилмай қолган.

Шундай аҳвол туфайли махсус бадарғачилар оммавий суратда СССР ичкарасига ва хорижга ёрдам сўраб мурожаат этганлар¹.

Шимолий Қозоғистондаги махсус бадарғачиларнинг иқтисодий аҳволи, турмуш шароити мислсиз даражада оғир ва ачинарлигини эътиборга олиб, ОГПУ раиси ўринбосари Г.Г.Ягода СССР Халқ Комиссарлари Совети раиси В.М.Молотовга маъруза билан мурожаат этиб, Қозоғистон АССР Қарағанда вилояти қишлоқ хўжалигида ер ўзлаштирувчи махсус бадарғачилар 1932 йилдаги экинларнинг нобуд бўлишидан ҳозирга қадар ўзларига келолмаётганликларини асослаб бер-

¹ ЦАФСБРФ, 2-фонд, 11-руйхат, 1310-иш, 123—124-варақлар.

ган. Шундан келиб чиқиб, СССР ХКСининг 1931 йил 16 августдаги қарорида кўрсатилган махсус бадарғачиларни 1934 йил 1 январгача бўлган солиқлар, йиғимлар ва тайёрловлардан озод қилиш ҳақидаги имтиёзини 1935 йил 1 январгача, яъни яна бир йил муддатга чўзиш зарурлиги масаласи ўртага қўйилган ва ҳукумат бу таклифни қабул қилишга мажбур бўлган эди¹. Лекин бу имтиёзлар ҳам аҳволни яхшилашга имкон бермаган.

1936 йилда Шимолий Қозоғистонда 7 744 меҳнат бадарғачи оилалари (30 046 жон) ҳаёт кечирган. Уша йили бошқа ўлкалардан келганлар 1 833 кишини, ички қайта кўчиришлар орқали келганлар 364 кишини, оилалар қўшилиши натижасида келиб қолганлар 100 кишини ташкил этган. Қочувдан қайтариб келтирилганлар 323, қочувдан ихтиёрий қайтиб келганлар эса 482 кишини ташкил этган. Бошқа турли сабаблар билан яна 570 киши келган.

Шу вақт ичида меҳнат бадарғачилари сафидаги йўқотиш қуйидагича бўлган:

нотўғри сургун қилинганлар — 1 674 нафар;
боқимандаликка ўтказилганлар — 148 нафар;
ўлганлар — 2 201 нафар;
қочиб кетганлар — 354 нафар;
қамоққа ҳукм этилганлар — 315 нафар;
ҳуқуқи тикланганлар — 8 264 нафар;
бошқа ташкилотларга бериб юборилганлар — 436 нафар;

бошқа сабаблар туфайли кетганлар — 1 152 нафар.

Жами — 15 044 нафар киши.

1937 йил 1 январда эса Шимолий Қозоғистон меҳнат посёлкаларида 28 377 оила (89 342 жон) бўлган².

Шимолий Қозоғистон сурғунидаги кўплаб ўзбеклар, юқорида таъкидланганидек, аянчли шароитга бардош бера олмай ҳалок бўлганлар.

Шимолий Қозоғистоннинг Шартандиқ тумани 37-сон меҳнат посёлкасидаги 185 кишидан иборат ўзбеклар гуруҳи 1936 йил 19 февралда Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Қўмитасига илтимоснома йўллайди. Уни қуйида айнан келтирамыз:

¹ ГАРФ, 9479-фонд, 11с-руйхат, 20-иш, 8-варақ.

² Уша манба, 89-иш, 211-варақ.

«Биз 1933 йилдан бери меҳнат посёлкаси тизимида тишимизни тишимизга қуйиб, ҳар қандай қийинчилик ва машаққатларга чидаб келмоқдамиз. Шимолий Қозоғистондаги иқлим шароитида бизнинг иш қобилиятимиз кескин даражада пасайган, бунинг устига, агар биз ўз юртимизда пахтачилик билан шуғулланган бўлсак, бу ерда бизга шундай ишларни топширишмоқдаки, уни бажаришга асло қодир эмасмиз. Шунинг учун ҳам орамизда нафақат ногиронлар, балки бу ердаги меҳнатга мосланмаган кишилар ниҳоятда кўп. Бизнинг 90 фоизимиз топширилган ишини эплай олмаяпти, шунинг учун ҳам орамиз у ёқда турсин, ақалли қисқа муддат бўлса ҳам, узимизни боқиш учун зарур бўлган меҳнат кунига эга эмасмиз. Манглай теримиз билан ризқ-насиба топа олмаганимиз сабабли, жорий 1936 йилдан бошлаб очликка маҳкум этилганмиз, ҳеч бир жойдан ҳеч қандай ёрдам ололмаётганимиз сабабли секин-аста очликдан олишдан бошқа иложимиз қолмаган.

Ҳолбуки, бизлар яшашни, ишлашни, узимизни бардам тутиш учун бир бурда нонни халол топиб ейишни хоҳлаймиз. Агар бардош бериш мумкин бўлган иқлимда ва ўз ихтисослигимиз — пахтачилик бўйича ишлаганимизда, социалистик давлатга кўпроқ фойда келтирган бўлар эдик.

Шимолий Қозоғистонга кўчирилган 1 523 нафар кишидан 185 кишигина тирик қолди. Қолган кишилар иқлимга ва биздан катта куч-қувватни талаб этаётган меҳнатга мувофиқлашмаганлигидан, шунингдек, 40 градусли аёз ва буронлардан вафот этиб кетдилар.

Биз шунга ишонамизки, ҳукуратимиз бизнинг бутунлай қирлиб кетишимизга йўл қўймайди ва пахтачилик ихтисослиги билан шуғулланиб, ўз давлатимизга фойда келтиришимиз учун бизни ёки ўз ватанимизга қайтариб олиб кетади, ёки иттифоқнинг иссиқроқ жойларига кўчиради.

Биз тўртинчи марта Сизларга мурожат этмоқдамиз ва бизга эътибор бериб, оилаларимизни очликдан сақлаб қолишимиз учун ишлашимизга имкон берилади, деб ишонамиз.

Бизнинг ногиронларимиз, чолу кампирларимиз, аёллару болаларимиз ҳукуратимиздан ёрдам кутади ва бу сўнги илтимосимиз жавобсиз қолмайди, деб умид қилади.

Бизнинг илтимосимизга қуйидаги манзилга тезроқ ижобий жавоб беришингизни кутамиз:

Шимолий Қозоғистон, Қарағанда вилояти, Омск темир йўлининг Шартандиқ бекати, 37-меҳнат посёлкаси.

Абдураимов — 4 киши.

Камолов Алиахан — 6 киши.

Набиев Раби — 7 киши.

Маҳматов Тоғай — 5 киши.

Омонов Ризо — 4 киши.

Йўлдошев Умур — 5 киши.

Йўдошев Мамажон — 3 киши.

Бахтиёрлов Тансух — 3 киши.

Саидов Тути — 2 киши.

Аблязизов Мам (Мамед) — 3 киши.

Саидин Носо (Нисо) — 3 киши.

Закд Абриколов — 5 киши.

Абдурахмонов Абдурасул — 6 киши.

Норматов Улмас — 4 киши.

Раҳматов Рузи — 4 киши.

Чориева Орзи — 4 киши.

Раҳмонов Абдожен (Абдуллажон) — 5 киши.

Турсунов Исмоил — 4 киши.

Ашуров Норқобил — 2 киши.

Турсунов Рам (Раим) — 2 киши.

Хатамов Жериқул — 3 киши.

Азизов Мўйдин — 3 киши.

Миржамолов М. — 3 киши.

Норов Абдин — 4 киши.

Раҳматов — 2 киши.

Ғоибов Ҳасан — 3 киши.

Сатторов — 1 киши ва қолганлари яккабош ўзбеклар. 19/II 1936 йил»¹.

УзССР МИҚ раиси уринбосари Д.И.Манжара бу хатни 1936 йил 8 июлда Ўзкомпартия Марказий Кумитаси котиби Акмал Икромовга йўллайди. Унда шундай дейилган: «Сизга Шимолий Қозоғистоннинг Шартандиқ туманидаги 37-посёлкасида яшаётган 185 кишидан иборат ўзбеклар гуруҳидан уларни Ўзбекистонга кучиришни сураб ёзган ариза хатининг нусхасини юбормоқдамиз. Чунки бу каби аризалар куп марта келиб тушаётганлиги сабабли бу масалани Ўзбекистон Ком-

¹ УзР ПДА (Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони архиви), 58-фонд, 12-руйхат, 608-иш, 139—140-варақлар.

партияси Марказий Қумитаси бюросида куриб чиқишни сурайман»¹.

Аммо Марказий Қумита бу масалани қараб чиқмайди. Бу ишни куриб чиқиш республика Ер ишлари халқ комиссарлигига топширилади. Масала бу ерда ҳам уз ечимини топмайди. Ер ишлари халқ комиссари уринбосари Муҳаммаджон Бисеров 1936 йил 20 июлда Узкомпартия Марказқуми (Голованов) га мазкур ариза хатни илова қилиб, бундай ёзган: «Шимолий Қозоғистоннинг Шартандиқ туманидаги 37-меҳнат посёлкасидаги 185 кишидан иборат ўзбеклар гуруҳидан Ўзбекистонга кучириш тўғрисидаги ариза нусхасини Сизга юбормоқдаман. Бунинг боиси шуки, бунга ухшаш аризалар бизларга бир неча бор тушмоқда. Шунинг учун бу масалани Ўзбекистон КП(б) Марказий Қумитаси муҳокамасига қўйишни сурайман»².

Аммо Марказқум бу хатни яна Ер ишлари халқ комиссарлигига ҳал этиш учун йўллайди. Ўша йилнинг 20 августидан Ер ишлари халқ комиссарлиги Марказқумга мана бу хатни юборади: «Ер ишлари халқ комиссарлиги Шимолий Қозоғистоннинг Шартандиқ туманида жойлашган 37-меҳнат посёлкасидаги ўзбек меҳнат бадарғачилари гуруҳининг Ўзбекистонга қайта кўчириш ҳақидаги аризаси билан танишиб, уларни бошқа махсус бадарғачилар яшаётган «Ўзбексовхозпахта»га қарашли совхозларга жойлаштириш мумкин, деб ҳисоблайди. Аммо меҳнат бадарғачилари билан бевосита НКВД ЎзЛАГи шуғулланаётганлиги сабабли мазкур масала бўйича бевосита НКВД билан боғланишни лозим, деб ҳисоблайман»³.

Ўрта Осиёдан сургун қилиниб, Украина, Шимолий Кавказда мислсиз оғир шароитда кун кечирган ўзбеклар, тожиклар, туркманлар, қирғизларнинг маълум қисми 1937—1938 йиллардаги «катта террор гирдобига тортилган, улардан бир қанчаси «учлик» қарори билан отилган, яна бир қанчаси 8—10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган ва бу маҳбуслар ГУЛАГнинг турли лагерларига, жумладан, Қозоғистондаги Қарлагга

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 12-руйхат, 608-иш, 139—140-варақлар.

² Ўша манба, 132-варақ.

³ Ўша манба, 134-варақ.

(Қарағанда лагери) этап қилинган. Қарлагдаги маҳбуслар орасида ўзбеклар ҳам анча бўлган.

Андижоннинг Ҳакан қишлоғидан Херсоннинг Голпристань тумани, «Коминтерн» пахтачилик совхозига сургун қилинган Соҳиб Исоқовга 1937 йил 9 августда «учлик» қарори билан 10 йил қамоқ жазоси берилган. Уни айна Қарлагга этап қилишган ва у шу ерда очлик ва оғир касалликдан вафот этган.

Иккинчи жаҳон уруши даврида Урта Осиёдан Украина ва Шимолий Кавказга сургун қилинган юрдошларимиз немис фашистлари оккупацияси шароитида кун кўришга мажбур бўлганлар. Бироқ эркаклар, айниқса, ёши 18 дан 45 гача бўлганлар Шимолий Қозоғистонга эвакуация қилинган. Улар махсус посёлкаларда, Қарағанда кўмир конида ва бошқа энг оғир соҳаларда меҳнат қилганлар. Кекса эркаклар эса меҳнат фронтига олиниб, Шимолий Қозоғистонга сургун қилинган. Уларнинг ҳам кўпчилиги шу жойда вафот этиб кетишган. Масалан, Тошкент шахрининг Қибрай туманидан Херсон вилояти Скадовск туманига сургун қилинган Йўлдош Мўминов (1895 йили туғилган) 1-пахтачилик совхози 4-бўлими 6-базасидан меҳнат фронтига олиниб, Қарағанда кўмир конида ишлаган. Йўлдош Мўминов тинка-мадорини қуритадиган оғир меҳнат, очлик ва касалликдан ўша ерда вафот қилган.

Наманган вилояти Учқўрғон тумани Қайқи қишлоғидан 1931 йили Тўхтабой Бойчибоев оиласи Каховск тумани 2-пахтачилик совхозига сургун қилиб келтирилган. У шу жойда 1934 йили вафот этган. Унинг ўғли Бойчибоев Бойдада (1906 йили туғилган) 1941 йил августида меҳнат фронтига олиниб, Қарағанда кўмир конида ишлаган, 1942 йил майида қайтиб келган.

Тошкент шахридан Херсон вилоятининг Скадовск туманига бадарға этилган Шомурод Шоносиров 1941 йили урушга сафарбар қилинган. 1946 йили эса меҳнат армиясига олиниб, Қарағанда шахтасида меҳнат қилган¹.

Николаев вилояти ички ишлар бошқармаси кадрлар буйича бошлиқ ўринбосари Маглеван Скадовск

¹ АУВДХО (Херсон вилояти ички ишлар бошқармаси архиви). Собиқ «кулоқ»ларни меҳнат посёлкаларидан озод қилиш учун тайёрланган шахсий ишлар.

тумани комендант Квартальнийга 1941 йил 20 июлда зудлик билан ёши 18 дан 45 ёшгача ва қурол ишла-тишга қодир бўлган аксарияти ўзбек ва қирғизлардан иборат катта ёшдаги эркак меҳнат бадарғачиларини Мелитополь шаҳрига эвакуация қилиш туғрисида оғзаки фармойиш беради. (Шу вақтгача улардан 270 киши ҳар хил муддат ичида Скадовск тумани комендатураси то-монидан Ростов вилоятига эвакуация қилинган эди.) 5—6 соат ичида барча посёлкалардан 321 нафар меҳ-нат бадарғачиси Скадовск тумани комендатурасининг йиғув пунктига келтирилади. Туман комендант Квар-тальний узи билан бирга барча меҳнат бадарғачилари-ни, жумладан, ўз жойида қолаётганларни ҳам, 818 та шахсий ишлар ва ёзув машинкаларини олади. Барча ҳужжатлар, 8-формали ҳисобот карточкалари ва китоб-лари ёқиб юборилади.

Николаев вилояти бўйича ички ишлар бошқармаси жойлашган Чаплинки қишлоғига яқин жойда эшелон бошлиғи қилиб давлат хавфсизлик сержанти Богачин-ский, унинг ўринбосари қилиб Херсон турмасининг собиқ бошлиғи Дихожен тайинланади, Ички ишлар бошқармаси ҳамда Николаев ва Херсон турмалари хо-димларидан назоратчилар ажратилади.

Голопристань туман комендатурасидан келган 119 нафар, Каховск туман комендатурасидан келган 19 на-фар меҳнат бадарғачилари Мелитополда қўшиб юбо-рилади.

Ўзбек, қирғиз, туркман, рус миллатларига ман-суб меҳнат бадарғачилари маъмурий ва назорат раҳ-барлари билан биргаликда жами 459 киши вагонларга жойлаштирилади, соқчилар тайинланади. Эвакуация-дан бош тортган бир қисм ходимлар Скадовск, Ка-ховск, Голопристань туманларига қайтарилади. 459 кишилиқ эшелон эса Қарағанда темир йўли орқали Акмолинск шаҳрига қараб йўл олади. Йўл давомида меҳнат посёлкалари ходимлари соқчилик хизматини олиб борадилар. Квартальний, туман комендант Ба-ранов, посёлка комендант Тогобицкий меҳнат ба-дарғачиларини текшириб боришади. Улар шунингдек, қочиб кетганларни аниқлаш, меҳнат бадарғачилари-ни озиқ-овқат, қайноқ сув ва сув билан таъминлаш, санитария хизматини ташкил этиш масалалари билан ҳам шуғулланишади.

Эшелондан 38 киши қочиб кетади. Қарағанда вилоятига 421 киши келтирилади, шундан 294 нафари Скадовск, 109 нафари Голопристань, 18 нафари эса Каховск туманлари комендатураларидан юборилган эди. Барча қочиб кетганларга темир йўл милиция оператив пунктлари орқали қидирув эълон қилинади.

Келтирилган меҳнат бадарғачилари, 1941 йил 4 октябрда тузилган далолатномага қараганда, Қарағанда вилояти ички ишлар бошқармасининг махсус меҳнат посёлкалари катта инспектори Соловьёв ихтиёрига топширилади. Меҳнат бадарғачиларининг бир қисми Осакаровкада қолдирилади, қолган қисми эса Самарқанд посёлкасига жунатилади. Меҳнат бадарғачиларининг шахсий ишлари, ёзув машинкалари ҳам Соловьёвга топширилади.

Украинанинг Николаев вилоятидан эвакуация қилинганлар асосан 1931 йили Ўзбекистон ва Қирғизистондан сургун қилинган ўзбек ва қирғизлардан, қисман туркман ва руслардан иборат бўлган. Эвакуация қилинган меҳнат бадарғачилари сафида меҳнат сургунидан озод этилган ва паспортга эга бўлган 12 киши оила аъзолари билан бирга Қарағандага келгач, озод қилинган ва ўз ватанига қайтиб кетган. Улардан ташқари, 1916—1926 йилларда туғилган 47 киши ҳам озод қилинган кўринади.

Шимолий Қозоғистонга эвакуация қилинганларни кузатиб борган ходимлар шу янги жойда хизмат вазифасини давом эттирганлар. Масалан, Скадовск тумани коменданти С.И.Квартальний Қарағандага келгач, Қарағанда вилояти буйича ички ишлар бошқармасидаги махсус меҳнат посёлкалари бўлимининг катта инспектори бўлиб, ўша туман комендатурасининг посёлка коменданти В.М.Тогобицкий 10-посёлка коменданти, посёлка коменданти В.Ф.Чаус 7-посёлка коменданти, милиционер И.Тусленко Самарқанд посёлкаси коменданти, Голопристань тумани комендатураси посёлка коменданти Баранов 8-меҳнат-тузатув колониясида катта инспектор, ўша туман комендатураси посёлка коменданти Кравченко эса Қарқарали посёлкаси коменданти вазифасида хизматни давом эттиришган¹.

¹ ГАРФ, 9479-фонд, 1-руйхат, 80-иш, 41—42-варақлар.

Херсон вилоятидан эвакуация қилинган ўзбек, қирғиз, қисман туркман ва тожик эркак меҳнат бадарғачилари Шимолий Қозоғистонда ниҳоятда оғир шароитда кун кечирганлар. Уларнинг оилалари немис фашистлари оккупация қилган Херсон вилоятининг Скадовск, Голопристань, Каховск туманларида, айримлариники эса Ростов ва Запорожье вилоятларида қолишган эди. Қозоғистондаги меҳнат бадарғачиларининг 1942 йил биринчи ярмидаги аҳволи тўғрисидаги ҳисобот маърузасида айтилишича, Украина ССР меҳнат посёлкаларидан эвакуация бўйича келтирилган ва суққабош бўлиб яшаётган ўзбеклар ва қирғизлар оила аъзоларини соғиниб, сургун қилинишлари олдида туғилган жойларига кетишга ёки қочишга уринганлар¹. Табиийки, қочиб кетишга, юртга қайтишга интилган бу юртдошлар купдан-куп саргузаштларни бошдан кечиришган, ушлаб олиниб, қамоқ жазосига тортилган, айримлари йул ва йўқчилик азобидан ўлиб кетишган, камданкам кишиларгина ўз ватанларига қайтиб келишган, баъзилари уруш тугагач, сўнгги бор сургун қилинган жойларга бориб, ўз оилаларига қўшилган. Баъзи бирларининг тақдири эса янада фожеали кечган.

Шундайлардан бири, Украинадан Қозоғистонга эвакуация қилинган ўзбек Болтабой Суюнбоев Қарағанда вилоятидаги 2-махсус посёлкага жойлашган. Аммо у ғайриватанпарварлик руҳидаги сузлари учун қатағон қилинган. Агентура маълумотномасида қайд этилишича, Болтабой Суюнбоев бундай деган экан: «Бизнинг оилаларимиз немислар эгаллаб олган ҳудудларда яхши яшашмоқда. У ерда ишчилар кунига Германия пули билан 2 сўм 50 тийиндан ҳақ олмоқдалар. Уша жойда бир кило оқ ноннинг нархи 5 тийин. Бизлар бўлсак, бу ерда 11 йилдан бери очликдан қийналиб, азоб-уқубат чекмоқдамиз. Германия СССРга қарши уруш бошлаганидан кейин меҳнат бадарғачилари армияга керак бўлиб қолди. Кимки армияга олинса, немислар билан урушмай, асир тушинг, энг яхшиси шу»².

Урушдан кейин Украина, Шимолий Кавказ ва Шимолий Қозоғистонга сургун қилинган собиқ «қулоқлар»-

¹ Ўша манба, 8—15-варақлар.

² История сталинского ГУЛАГа. Спецпоселенцы в СССР. Том 5. Москва, РОССПЭН, 2004, стр. 392.

нинг юртга қайтишларига рухсат берилган бўлса-да, уларнинг Ўзбекистонга қайтиш жараёни ниҳоятда оғир кечиб, 50-йилларнинг ўрталаригача давом этган.

1950 йилда Қозоғистонга Тожикистондан мингга яқин «босмачилик» ҳаракатининг собиқ иштирокчилари келтирилган бўлиб, улар орасида ўзбеклар ҳам бўлган. Фақат Қарағанда лагерининг ўзида 2 миллион киши бор эди.

1952 йилнинг иккинчи ярмида Қозоғистонга махсус кучирилган кишиларнинг миллий таркиби қуйидагича — 1070 нафар татар, 876 нафар тожик, 766 нафар қozoқ, 511 нафар ўзбек, 111 нафар қирғиз ва 7 нафар туркман бўлган. Акмолинск ва Қарағанданинг ҳар бирида 6 тадан, Семипалатинскда 28 та, Кокчетовда эса 469 та ўзбек бўлган¹.

Шимолий Қозоғистонга сургун қилинган, хоки покларни ўша жойларда қолган жабрдийда юртдошларимизнинг ҳаёти ва тақдири махсус ва чуқур тадқиқ этилиши зарур. Улар номма-ном аниқланиши ва яратилажак «Қатагон қурбонларининг хотира китоби»га киритилиши мақсадга мувофиқдир.

КАТАГОН ҚИЛИНГАН МУЛҚДОРЛАР ФОЖЕАСИ

Зўрлик билан амалга оширилган жамоалаштириш кампанияси совет давлатининг майда хўжаликларга, деҳқонларга, умуман, қишлоқ аҳолисига қарши бошланган ҳақиқий уруши эди. Шу даврда руй берган даҳшатли воқеалар фикримизни тула тасдиқлайди. Мазкур фожеа куламини тасаввур қилиш учун 1929 йилда деҳқонларга қарши бошланган «буюк ҳужум» оқибатида 2 миллиондан зиёд деҳқонларнинг депортация қилингани, фақат 1930—1931 йилларда 1 800 000 кишининг кучирилгани, 6 миллион кишининг очликдан ўлгани, юз минглаб деҳқонларнинг сургунларда вафот этганини эслаш ўринлидир. Бу уруш 1929—1930 йилларда тугамади, у 1932—1933 йилларда кульминацион нуқтасига кўтарилиб, 30-йилларнинг ўрталаригача давом этди. Совет давлати ўзи ташкил этган даҳшатли очарчилик билан деҳқонларнинг колхозлаштиришга қарши курсатган қаршилигини синдирмоқчи бўлди. Деҳ-

¹ ГАРФ, 9479-фонд, 1-руйхат, 646-иш, 6, 17-варақлар.

қонлар устидан қилинган зўравонлик аҳолининг бошқа қатламларини зўрлаш учун узига хос тажриба ролини ўйнади. Деҳқонларга нисбатан қилинган бу зулм ва зўравонлик, таъқиб ва тазйиқлар сталинча террорнинг кейинги тараққиётида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Академик А.Н.Яковлевнинг «Коммунизмнинг қора китоби»га ёзган «Большевизм — XX асрнинг ижтимоий касали» сўзбошисида айтганидек, «большевизм Россия деҳқонларини йуқ қилгани», «деҳқонлар маънавияти, анъанаси ва урф-одатларини топтагани учун жавобгарликдан қочиб қутула олмайди. Қишлоқдаги ишлаб чиқарувчи кучлар шу қадар хонавайрон этилган эдики, бунинг натижасида мана ҳозир ҳам мамлакатнинг хориждан емоқ-ичмоқни сотиб олаётгани, ҳозирга қадар ҳукумат ерни деҳқонларга бермаётгани ана шу жамоалаштиришнинг натижасидир»¹.

Жамоалаштириш кампаниясини бениҳоя зўрлик-зўравонлик билан амалга ошириш ишлари Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистонда, айниқса, даҳшатли шаклда олиб борилган. Бу борада «ибрат кўрсатиш пойгаси» авжига минган эди.

ВКП(б) Марказий Қўмитаси Ўрта Осиё бюроси 1930 йил 26 январда Ўзбекистондаги 18 районни ёппасига жамоалаштириш туманлари деб эълон қилади ва бунга розилик беришни 30 январь куни ВКП(б) Марказий Қўмитаси Сиёсий бюросидан сурайди. Сиёсий бюро бундай жадал жамоалаштириш ҳақидаги кўрсатманинг қаердан чиққани ва бу ҳақдаги қарорнинг нақадар нотўғри эканини, марказий туманлардаги жамоалаштиришни жадал суръатлар билан тезлаштириш тактикасини Ўрта Осиё туманларига кўчириш асоссиз эканини, бу туманларнинг узига хос хусусиятларини, айниқса, Тожикистоннинг алоҳида шароитини эътиборга олишни тавсия қилади. Аммо бу курсатма ҳамма жойда авж олиб кетган жамоалаштириш курсаткичларининг пасайишига таъсир қилмади. Оқибатда кўплаб фожеалар келиб чиқди. Шулардан бири деҳқонларни «қулоқ»қа тортиб, уларни бор-бурдидан маҳрум этиб, ўзларини Украина, Шимолий Кавказ,

¹ Чёрная книга коммунизма. Преступления, террор, репрессии. Перевод с французского. Издание второе, исправленное. Москва, «Три века истории», 2001, стр.11.

Шимолий Қозоғистон ва республиканинг чекка дашт-чўл зоналарига депортация қилиш, сургун этиш амалга оширилди.

Бу фожеанинг куламини биргина Андижон шаҳри ва тумани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Андижоннинг Эски шаҳари ва Андижон тумани буйича 95 хўжалик, 411 жон сургун қилиш учун тайёрлаб қўйилади. Жўнатилаётганларнинг 126 нафари эркаклар, улардан меҳнатга яроқдилари 113 киши, ёши 55 дан утганлар 13 киши эди. Аёллар 136 жон бўлиб, меҳнатга яроқлиси 113 киши, ёши 50 дан утиб кетганлар 20 киши булган. Сургун қилинаётганларнинг 146 нафари эса болалар бўлиб, уларнинг ёши 2 дан 16 ёшгача, 11 нафари эмизикли гудаклар булган. Болаларнинг 68 нафари угил, 70 нафари қизлар эди.

Сургун қилиш арафасида 36 киши қочиб кетади, 10 киши қамоққа ҳукм этилади, 2 нафари вафот қилади.

Андижоннинг Эски шаҳаридаги Сой даҳасидан 8 оила (29 жон), Қирлиқ даҳасидан 16 оила (70 жон), Олайлиқ даҳасидан 7 оила (32 жон), Уйлиқ даҳасидан 7 оила (41 жон) сургун этилади.

Андижон туманидаги Ёрбош қишлоғидан 4 оила (12 жон), Далварзиндан 4 оила (19 жон), Бустондан 1 оила (5 жон), Найдиқдан 2 оила (7 жон), Қўнжидан 2 оила (3 жон), Хирабекдан 2 оила (10 жон), Экинтикиндан 1 оила (4 жон), Шўродан 8 оила (41 жон), Толмозордан 3 оила (12 жон), Сувюлдуздан 7 оила (29 жон), Жалабекдан 1 оила (7 жон), Саройдан 1 оила (5 жон), Маслаҳатдан 4 оила (20 жон), Завроқдан 2 оила (9 жон), Мирободдан 3 оила (13 жон), Кўланойдан 2 оила (10 жон), Полосондан 1 оила (4 жон), Оқёрдан 2 оила (6 жон), Бутақарадан 6 оила (19 жон), Наймандан эса 1 оила (4 жон) сургун қилинган.

Хуллас, Андижоннинг Эски шаҳари ва Андижон тумани буйича 94 оила (403 жон) эшелонга ортилиб, Украинанинг Херсон вилоятига сургунга юборилган¹.

Андижоннинг Эски шаҳари ва Андижон тумани буйича Украина ва Шимолий Кавказга сургун қилинадиган хўжаликларга берилган тавсифномада 208 хўжалик (оила) бошлиқлари номма-ном келтирилиб, уларнинг

¹ УзР ПДА, 58-фонд, 7-руйхат, 252-иш, 77—78-варақлар.

ҳар бири туғрисида маълумотлар берилган. Андижон туманидаги қишлоқлардан сургун қилинган оилалар ва улардаги одамлар сони ҳақидаги юқорида келтирилган маълумотда барча қишлоқлар қамраб олинмаган. Тавсифномада эса Янгиобод қишлоқ советидан 2 оила бошлиғи (Собиржон Асқаралиев, Ҳусанбой Раҳимбоев), Мадийрчек қишлоғидан Холиқ Мадёров, Сарикуй қишлоғидан Аҳмад Йўлдошев, Қумибой Нишонбоев, Дархон қишлоғидан Отажон Тошматов, Ҳайдарали Нурматов, Абдураҳим Тошматов, Турғун ҳожи Отабоев, Иминжон Тошматов, Дадажон Муҳаммадтурдиев, Ҳакимжон Ҳакимов, Мулла Холбек Тоҳиров, Омонбой Раҳматуллаев, Абдуллажон Зулунаминов, Турғун Матҳолиқов, Уйшун қишлоғидан Ғойибжон Тиллабоев, Тожи биби Мирзахўжаева (эри Мирзамат Бутабоев қочиб кетган), Шеробод қишлоғидан Раҳимберди Холиқбердиев, Жабборали Худойбердиевлар ҳақида маълумот келтирилган¹.

Украинага сургун қилинган ана шу кишиларнинг тақдири турлича кечган. Уларнинг айримлари чўлда, борган жойларида ҳалок бўлган. 1932—1933 йиллардаги очарчилик-қаҳатчиликдан ҳам кўп юртдошларимиз уша бегона юртларда вафот этиб кетишган. Оғир меҳнат, аянчли турмуш шароити, изғирин, қаҳратон совуқ, хилма-хил касалликлар кўплаб юртдошларимизнинг ёстиғини қуритган. 1937—1938 йиллардаги «катта террор» даврида сургундагиларнинг бир қисми сиёсий қатағонга учраб отилиб кетган, бир қисми 8—10 йиллик қамоқ жазосига ҳукм этилиб, Сибирь, Узоқ Шарқ, шимолий улкаларга ва Шимолий Қозоғистондаги ГУЛАГ концлагерларига этап қилинган, уларнинг аксарияти уша лагерларда нобуд бўлганлар. Уларга она юртларига қайтиш насиб этмаган.

Иккинчи жаҳон уруши даврида ҳам сургун қилинган «қулоқ»лар кўплаб азият чекдилар. Улар армияга, меҳнат фронтига олиниб, жангоҳларда ҳалок бўлдилар. Ишчи батальонларидагилар оғир меҳнат, очлик ва касалликдан вафот этдилар. Уруш тугагач, эсон-омон қолганларининг айримлари «ватан хоини», «душманга хизмат қилган», «Туркистон легиони»да бўлган, «асирга тушган» каби айблар билан яна қатағон қилинди.

¹ Уша манба, 26—76-варақлар.

Хуллас, Андижондан 1931 йил август ойининг охири — сентябрь ойининг бошларида эшелонларда олиб кетилган юртдошларимизнинг катта қисми бегона юртларда, кафансиз, жанозасиз тупроқ қаъридан жой олди.

Ана шу тарзда совет давлат тузумида қарор топган адолатсизлик ва зулмнинг қурбони булган юртдошларимиз тақдирига ҳар биримиз бефарқ қарай олмаймиз. Улар ҳақидаги ҳақиқат ҳозирги ва келгуси авлодлар учун ҳам муҳим ва аҳамиятлидир.

Андижондан олиб кетилганларнинг Херсон вилоятидаги фожеали тақдири сургун азобини тортган Миръзам Мирҳошим ўғли томонидан мана бундай тавсифланган: «1931 йили, колхозлаштириш даврида большевиклар мени «қулоқ», яъни «муштумзур» деб айбладилар. Бир озгина экин майдонимни, икки қуш ҳўкизимни ва деҳқончилик асбобларимни тортиб олдилар. Бу билан ҳам қаноатланмасдан, она юртимдан ҳам маҳрум этиб, оилам билан Украинанинг Николаев (ҳозирги Херсон) вилоятига сургун қилдилар. Бизлар бу ерга келганимиздан сўнг яна 500 дан ортиқ туркистонлик оилалар шу ерга сургун этилиб, олиб келинди. Қисқа муддат шаҳарга яқин ерда тахтадан қилинган уйларда турганимиздан сўнг бизларни сувсиз, дарахтсиз, бир чўллик ерга олиб бориб ташладилар. Шу ерда, тиканли симлар орасида, НКВДнинг қуролланган соқчилари назорати остида кун кечира бошладик.

Советларнинг мақсади бизларнинг кучимиздан фойдаланиб, бу чўллик ерларни экин майдонига айлантириш эди... Бизларга энг оғир, инсон чидай олмайдиган меҳнат мажбуриятларини юкладилар. Йил давомида ҳар куни 14 соатдан далада узлуксиз меҳнат қилдик. Аввал бир неча янги ариқлар қазидик. Улар битгандан сўнг бизларга шу ерларда пахта экиш мажбуриятини юклашди. НКВД соқчиларининг қамчиси остида, ёзнинг иссиқ, қишнинг одам ўлдирар совуқ кунларига чидаб, хотин ва болаларимиз билан ишладик ва оғир меҳнат орқасида шу чўлларни пахта майдонига айлантириб, пахта ҳосили ола бошладик. Қилдигимиз бу оғир меҳнатлар ва олдигимиз пахта ҳосили учун большевиклар бизларга очдан ўлиб қолмаслик учун емаклик, яланғоч қолмаслик учун эски кийимларни бериб турдилар ва бизларни доим тиканли сим ичида сақладилар.

Сургун этилган оилаларнинг бошлиқларидан кўпчилиги мен каби кексайган кишилар эдилар. Уларнинг ишга яроқсиз бўлганларига қарамай, мажбуран ишлатдилар. Бошланғичда, меҳнат мажбуриятига буй элмаган ёки ҳақиқатдан ҳам меҳнатга яроқсиз бўлганларни-да кўп текшириб ўлтирмай, бошқаларга намуна ўлароқ отиб ўлдирдилар. Айрим вақтларда юртдошларимиздан айримлари, қутилмаган ҳолда, соқчилар томонидан олиб кетилди ва уларнинг тақдири нима бўлганлигини бизлар била олмадик. Бизларни азоблаш учун советларнинг қилмаган ҳеч бир ваҳшийликлари ва жазо усуллари қолмади.

12 йил ичида Туркистондан Николаев вилоятига сургун этилган 500 оилани ташкил қилган 2 000 га яқин ёш, кекса, хотин ва қизлардан 950 га яқини НКВДнинг зулми остида очликдан, оғир касалликдан ўлиб, йўқ бўлди. Шулар қаторида мен ҳам бундан 4 йил аввал хотинимдан айрилдим...»¹.

Андижон станциясидан Украинага сургун қилиниб, она юртига қайтиб келиш насиб этмаганлар орасида Рузибой Абдуллаев, Хайриддин Алибоев, Жонбек Мадаминов, Исроил Маматёқубов, Журабой Холбердиевлар ҳам бўлганлар. Уларнинг ҳар бири туғрисида Андижон ГПУси томонидан берилган тавсифнома архивда сақланиб қолган. Қуйида уларни айнан келтирамыз:

«**Абдуллаев Рузибой** — узбек, 52 ёшда, меҳнатга яроқли, қўлга олинган, Ёрбоши қишлоқ совети Олтин қишлоғидан. Хотини Робияхон, 41 ёшда, меҳнатга яроқли, қўлга олинган. Ер-сув ислоҳотигача 13 таноб ери, 3 та уйи, 2 ҳўкизи, 2 буқаси, 3 моли бўлган, савдо билан шуғулланган, бир вақтида чойхонаси бўлган. Ҳозирда 12 таноб ери, 3 та уйи бор. Инқилобга қадар унинг отаси амин бўлган, босмачилик даврида унда фаол қатнашган Ҳамдам қўрбоши тўдасида бўлган. Ер-сув ислоҳоти вақтида камбағаллар орасида очикдан-очик чиқишлар қилиб, камбағалларнинг ер олишларига қарши турган. Жамоалаштириш вақтида деҳқонлар орасида колхоз тузилишига қарши фаол кураш олиб борган. 1931 йили колхозга кириб олган, колхоз-

¹ Каримов Наим. Туркистон легиони: қачон ва қандай ташкил этилган? «Нур» газетаси, 2004 йил, 16—22 декабрь, 2-сон.

далигида колхозчилар орасида кучли таъсирга эга бўлган, улар орасида колхозларни бузилиш ишларини олиб бориш учун ташвиқот ўтказган. Бунда ғалла ва саноат маҳсулоти билан таъминлашдаги қийинчиликлардан фойдаланган. Бу шахс жуда ҳам таъсирли, бойлар билан алоқаси бор. Ҳар доим улар билан муносабатда.

Жонибек Мадаминов — қўлга олинган, 35 ёшда, ўзбек, меҳнатга яроқли, Андижон шаҳри Қирлиқ даҳасидан, 25 ёшли Раҳбархон исмли хотини, 2 ёшли Марҳамат исмли қизи бор. Йирик бойнинг ўғли, ердан чорикорлар орқали фойдаланган, тегирмони бор, унда ҳам ёлланма меҳнатдан фойдаланган. Ҳозирги вақтда ҳеч нарсаси йўқ. Таъсирчан шахс, советларга қарши кайфиятда. Деҳқон кварталда яшайди»¹.

«Исроил Мадёкубов — қўлга олинган, ўзбек, ёши 50 да, меҳнатга яроқли. Хотини Пулатхон 35 ёшда, қизи Эъзозхон 15 ёшда, Саломатхон 10 ёшда, ўғиллари Назир 7 ёшда, Бакир 5 ёшда, қизи Зулайхо 3 ёшда, ўғли Олимжон 1 ёшда, акаси Матқосим 65 ёшда. Ҳозирда ҳеч нарсаси йўқ, 1930 йилгача 30 таноб ва 3 таноб ижарага берган ери, 1 моли, 1 бўзаги бўлган. Ерида ёлланма меҳнатдан фойдаланган. 1930 йил учун 1350 сўм солиқ тўлаган, Андижон шаҳри Уйлиқ даҳаси Хурсанлик маҳалласида яшайди»².

«Журабой Холбердиев — ўзбек, 53 ёшда, Андижон тумани Сувюлдуз қишлоқ советидан, меҳнатга лаёқатли, қўлга олинган, судланган, оиласи: хотини Иноят 45 ёшда, меҳнатга яроқли, ўғли Турабой 34 ёшда, меҳнатга яроқли, ўғли Мирзабой 22 ёшда, унинг хотини Алиманисо 18 ёшда, меҳнатга яроқли, ўғли Йўлдош 18 ёшда, меҳнатга яроқли, ўғли Дамин 10 ёшда, ўғли Олим 2 ёшда, қизи Зебихон 13 ёшда, Қирғизбиби 9 ёшда. Бутун оила қўлга олинган. Ерсув ислохотидан сўнг бу хўжаликда 12 таноб ер, 1 уй, 1 от, 1 мол, 1 майда ҳайвон бўлган. Хўжалик тугатилиб, ери колхозга берилган. Пахта мажбуриятини бажармагани учун оила бошлиғи 3 йилга қамоқ жазосига ҳукм этилган»³.

¹ УЗР ПДА, 58-фонд, 7-руйхат, 252-иш, 56-варақ.

² Уша манба, 65-варақ.

³ Уша манба, 57-варақ.

Юқорида қайд этилган 208 хўжалик орасида фақат Алибоев Хайриддиннинг хўжалиги ҳақидагина тавсифнома берилмаган. Афтидан, у кейинроқ сургун қилинган куринади. Биз у туғрисидаги маълумотни Херсон вилояти давлат архивидан топдик.

НКВДнинг Голопристанъ тумани коменданти меҳнат посёлкасининг коменданти Каретников 1937 йил 8 ноябрда Голопристанъ тумани ички ишлар бўлими бошлиғи, Давлат хавфсизлиги комитети катта лейтенанти Дроздовга йўллаган айблов маърузаномасида 18 нафар бегуноҳ меҳнат бадарғачиларининг ҳар бирига айб қўйиб, уларни дарҳол ҳибсга олиш ва тергов қилишни сўраган. Уша ҳужжатда Хайриддин Алибоев мана бундай тавсифланган:

«**Алибоев Хайриддин.** 1877 йили туғилган, Андижон тумани Жалабек қишлоқ советидан, 1931 йили кулоқ қилиниб, Украинага бадарға этилган. Ўзбекистондаги совет ҳокимияти ва унинг тадбирларига ошқора қарши чиққан. Совет ҳокимиятига қарши кураш олиб бораётган босмачиларни моддий таъминлаб турган.

Сургундалигида ишлаб чиқариш вазифаларини бажариш бўйича ўтказилаётган тадбирларни барбод қилиш мақсадида аксилинқилобий иш олиб борган. Ёқубжонов Муҳаммаджон бошлиқ аксилинқилобий гуруҳ билан алоқада бўлган. Бу гуруҳ совхоз раҳбарлари устидан террорчилик ҳаракатини амалга оширишни ўз олдига вазифа қилиб қўйган. Алибоев ҳозирги вақтда ишлаб чиқариш вазифаларининг барчасини барбод қилишни мақсад қилиб олган аксилинқилобий гуруҳ билан алоқада»¹.

Абдуллаев Рузибой бошлиқ оила Украинанинг Голопристанъ туманида сургунни ўтаган, сўнг бир ўзи бир гуруҳ юртдошлари билан такрор қатағон қилинган. У 1937 йил ноябрида ҳибсга олинган. Голопристанъ тумани комендатураси меҳнат посёлкаси коменданти Каретников 1937 йил 8 ноябрда Голопристанъ туман ички ишлар бўлими бошлиғи Дроздовга маърузанома йўллайди. Унда Михайловка посёлкасида аксилинқилобий гуруҳ фаолият олиб бораётгани, унга Абдурахмон Хайдаровнинг раҳбарлик қилгани, бу гуруҳга 18 киши, жумладан, Рузибой Абдуллаевнинг ҳам киргани ай-

¹ ГАХО, 4033-фонд, 6-руйхат, 835-иш, 71—73-варақлар.

тилган. Ўша айблов маърузаномасида Рўзибой Абдуллаев бундай таърифланган: «Абдуллаев Рўзибой — 1881 йили туғилган, Андижон тумани Олтин қишлоғи советидан, 1931 йили қулоқ сифатида Украинага сургун қилинган. Ўзбекистондалигида қишлоқ хўжалигини жамоалаштиришни қўпоришга қаратилган тарғибот олиб борган. Сургундалигида Абдуллаев Рўзибой аксилинқилобий гуруҳга аъзо бўлган. Гуруҳ қишлоқ хўжалигида зараркунандалик қилиш ва қулоқларни сургундан озод қилишни ўзига вазифа қилиб қўйган. Абдуллаев Рўзибой уйда йиғилишлар ўтказилиб, у ерда совет ҳокимиятидан қутулиш мақсадида хорижга, яъни фашистлар мамлакатига қочиш масалалари қўйилган»¹.

Каретников ушбу маълумотларни келтириб, бундай хулосага келган: «Номлари зикр этилган бу қулоқлар — меҳнат қилиш учун кўчирилганлар — Ҳайдаров Абдурахмон бошчилигида аксилинқилобий гуруҳда яқдил бирлашганлар ва бу гуруҳ ўз олдига қишлоқ хўжалигига зарар етказиш ва қулоқларни сургундан озод қилиш вазифасини қўйган. Юқорида баён этилганларга асосланиб, гуруҳдаги меҳнат учун кўчирилганларни зудлик билан қамоққа олиб, материалларни УНКВД нинг махсус «учлиги»га топшириш керак»².

Бу таклифни Голопристань тумани ички ишлар бўлими бошлиғи, давлат хавфсизлиги катта лейтенанти Дроздов маъқуллайди.

Николаев вилояти ички ишлар бошқармаси хузуридаги «учлик» 1937 йил 20 ноябрдаги йиғилишида 18 нафар маҳбуснинг ишини куриб чиқади ва Ҳайдаров Абдурахмон, Зоитов Мамажон, Ҳожиёв Гурўгли, Аҳроркулов Тўракул, Шерматов Акбар, Отабеков Турғун, Бобохонов Соттихон, Ҳусанбоев Уринбойлар отувга, Тошев Шамол, Чоканов Овезмуродлар 10 йил муддат билан қамоқ жазосига ҳукм қилинади. Насриддинов Иброҳим, Овезов Ўрозгелди, Исмоилов Ортиқ, Хайриддинов Исмоил, Алибоев Хайриддин, Абдуллаев Рўзибойлар ҳақидаги материалларни алоҳида куриб чиқишга қарор қилинади. Аммо бу маҳбусларнинг жиноятлари тасдиқланмагани учун 1939 йили уларни қамоқдан озод

¹ Ўша жойда.

² Ўша жойда.

қилишга мажбур бўладилар. Отувга ҳукм қилинганлар эса 1937 йил 2 декабрь кечаси соат 24.00 да Николаев турмасида отиб ташланади.

Отилганлардан Турғун Отабеков ва Туракул Аҳроркуловлар 1931 йил август ойининг охирида бола-чақалари билан Андижондаги темир йўл бекатидан эшелонда Украинага олиб кетилган бўлиб, ГПУ улар ҳақида уша вақтда мана бу маълумотни берган:

«Турғун ҳожи Отабеков — Андижон тумани Дархон қишлоқ советидан, ўзбек, 50 ёшда, меҳнатга яроқли, қулга олинган, унинг оиласида хотини Ойимчабиби 45 ёшда, меҳнатга яроқли, ўғли Ҳожимат 25 ёшда, меҳнатга яроқли, ўғли Ғани 14 ёшда. Бутун оила аъзолари қулга олинган. 1930 йили бу оила 5 таноб ерга пахта экиш мажбуриятини олган, эски вақтда пахта сотиб олиш бўйича комиссиянер бўлган, пахтани чеканка қилишдан бош тортган, партия ячейкаси котиби Қобуловни ўлдиришга уринган, бунинг учун 18 ойга қамоқ жазоси берилган. Ҳозирги вақтда советларга қарши кайфиятда, ниҳоятда таъсирли ва хавфли унсур, босмачилик билан яқин алоқада, жамоалаштириш вақтида колхозлар ташкил қилишга қарши ҳаракатда фаол иштирок этган, аввал ҳам, ҳозирда ҳам савдо билан машғул, доимий 2 чорикорга эга бўлган, утган йили унга якка тартибда 4 078 сўм 84 тийин миқдорда солиқ тулаш топширилган, 1923 ва 1929 йилларда ипаги бор бўла туриб, давлатга топширмаган, уни хусусий бозорда сотиб юборган.

Туракул Аҳроркулов (Аҳроркулов) — Андижон тумани Кумакай қишлоқ советидан, ўзбек, 58 ёшда, меҳнатга яроқли, Уринбек 17 ёшда, булар ҳам қулга олинган. Собиқ йирик савдогар, қатор йиллар давомида қишлоқ хўжалигида ёлланма меҳнатдан фойдаланилган, узи савдогарлик қилган. 18 таноб ери бўлган, ҳозирда бу ер колхозга олиб берилган. Унинг узи ҳозирда Абдуҳошим Назаров ширкатида савдогарчилик қилмоқда. 1 уйи бор, қолган уйларини сотиб юборган, доимий равишда советларга қарши тарғибот олиб боради, советларга қарши кайфиятда, бойлар ва руҳонийлар билан алоқаси бор»¹.

¹ Уша манба, 64—65-варақлар.

Херсон вилоятида сургун азобини тортган андижонликлардан айримлари Иккинчи жаҳон уруши тугаганидан сўнг ҳам қатағон қилинган. 1937—1938 йиллардаги қатағон балосидан бир амаллаб қутулиб қолганлар уруш тугагач, яна қайтадан қатағон тегирмони-га учраганлар.

СССР Ички ишлар министри С.Кругловнинг И.В. Сталин, Л.П.Берия, А.И.Кузнецовлар номига 1946 йил 25 декабрда йўллаган 5920-сонли мутлақо махфий хатида Херсон вилояти Ички ишлар бошқармаси «Туркистон — Берлин қўмитаси» аксилинқилобий миллатчилик ташкилотига аъзо бўлган, миллати аксариат узбеклардан иборат собиқ «қулоқлар»дан 26 нафарининг қамоққа олиниб, жиноий жавобгарликка тортилгани қайд қилинган. Шу ҳужжатга қараганда, ҳарбий трибунал 1 кишини отувга, 3 кишини 20 йиллик каторга ишларига, 7 кишини 15 йиллик каторга ишларига, 13 кишини 10 йил қамоқ жазосига, 2 кишини эса 8 йиллик қамоқ жазосига ҳукм этган¹.

Ана шу 26 нафар маҳбус кимлар эди? Бу саволга жавобни Херсон вилояти ички ишлар бошқармасининг 1948 йил 7 январда СССР Ички ишлар министрлигининг махсус посёлкалар бўлими бошлиғига йўллаган «Херсон вилоятидаги махсус посёлкаларда олиб борилаётган оператив ишлар ҳақида»ги ёзма маърузасидан топамиз. Унда Ўзбекистондан 1931 йили сургун қилиниб, Голопристань туманидаги «Коминтерн» совхозида яшаётган 26 кишидан иборат аксилинқилобий миллатчилик ташкилотининг фаолиятда бўлгани, бу ташкилотга 1943 йили армияга сафарбар қилинган Қаҳҳоров Атласнинг раҳбарлик қилгани, ундан кейин эса қўмитага муслмонлар суди раиси, оқсоқол Мулла Пошшаҳужаев Ҳозихоннинг раҳбар, қўмитанинг маҳаллий бошқарувига Абдулҳай Зокиров, Журабой Холбердиев, Солижон Эшонов, Рузибой Абдуллаев, Ҳаким Муминовнинг аъзо, Жамбек Мадаминов эса котиб бўлгани қайд этилган.

Яна шу манбада қайд этилишича, Скадовск туманидаги 1- ва 2-пахтачилик совхозларида ҳаракатда бўлган аксилинқилобий миллатчилик ташкилоти 15 кишидан иборат бўлган. Бу ташкилотга «Туркистон —

¹ ГАРФ, 9479-фонд, 1-руйхат, 265-иш, 124-варақ.

Берлин қумитаси» номидан оқсоқол Мулла Бадриддин Журахонов вакиллик қилган, унинг уринбосари эса Мамадали Назарматов бўлган.

Каховск туманидаги 2-пахтачилик совхозидаги аксилинқилобий-миллатчилик ташкилоти эса 9 кишидан иборат бўлиб, унинг маҳаллий бошқарувига оқсоқол Мулла Боқижон Тошматов раҳбарлик қилган. У аксилинқилобий фаолият буйича Қримдаги мусулмонлар ҳаракати вакиллари билан алоқада бўлиб, Қримга аксилинқилобий курсатмалар олиш учун бориб-келиб турган.

Аксилинқилобий миллатчилик ташкилотларининг иштирокчилари легионларга, жумладан, Херсон шаҳрида жойлашган 1F370-сонли легионга одамларни сафарбар этиш билан шуғулланганлар. Улар Каховск туманидаги 2-совхоз буйича 70 киши, Голопристань туманидаги «Коминтерн» совхози буйича 25 киши, Скадовск туманидаги 1- ва 2-совхозлар буйича 20 кишини «Туркистон легиони»га сафарбар этганлар. Улар Ўрта Осиё республикаларини СССРдан ажратиб олиш ва мустақил «туркпараст ҳукумат»ни барпо этиш мақсадида советларга қарши тарғибот ишларини олиб борганликда, немис армияси учун озиқ-овқат йиғишда ва утказётган барча тадбирларига ёрдам берганликда айбланганлар.

Маърузада айтилишича, миллатчилик ташкилоти аъзоларидан Мўмин Қосимов, Жамбек Мадаминов, Юсупжон Эшончаев, Акбар Асқаров, Неъмат Довулбоевлар коммунист, комсомол ва совет фаолларидан иборат 18 кишининг рўйхатини олиб, уни Нурмат Бегматов орқали немис комендатурасига берганлар.

1946 йил 13 майдан 22 майгача СССР Ички ишлар министрлиги ҳарбий қўшинлари ҳарбий трибунали йиғилишида «мусулмон миллатчилик ташкилоти иштирокчиларининг жинояткорона аксилинқилобий фаолияти» куриб чиқилади. Айбланувчи 26 кишидан 23 киши аксилинқилобий «Туркистон — Берлин қумитаси»га мансуб бўлганлигини тан олади. Натижада ҳарбий трибунал аксилинқилобий миллатчилик ташкилотининг аъзоси сифатида 25 нафар киши устидан ҳукм чиқаради. **Боқижон Тошматов** олий жазо — отувга, **Ғозихон Пошша Хўжаев**, **Бадриддин Журахонов**, **Маҳмуд Аҳмадалиев** 20 йиллик каторга ишларига, **Довулбоев**, **Ғафуров**, **Муротов**, **Мавлонов**, **Тоҳирхўжаев**, **Йулдошев**,

Мадаминовлар 15 йиллик каторга ишларига, Холбердиев, Эшончаев, Мирзаев, Рузиев, Назарматов, Эшоннов, Абдуллаев, Дадамухамедов, Бойхонов, Мўминов, Алимов, Матёкубов, Исломовлар 10 йиллик қamoқ жазосига, Эргаш Қаюмов эса 8 йиллик қamoқ жазосига ҳукм этиладилар. Айбланганларнинг 26-си Хайриддин Алибоев ҳарбий трибунал йиғилишида юраги ёрилиб, вафот қилади. Айбланувчи Заҳириддин Раззоқов эса суд бошланишидан бир неча кун аввал вафот этади¹.

«Ҳарбий трибунал ҳукми билан жазоланган бу 26 нафар юртдошларнинг узлари ким эдилар ва уларнинг кейинги тақдирлари қандай кечган?» деган саволнинг туғилиши табиий. Бизнинг қулимизда улардан айримлари ҳақида баъзи бир маълумотлар бор, холос. Архив ҳужжатлари орасида 20 йиллик каторга жазосига ҳукм этилган Бадриддин Журахонов туғрисида бундай маълумот бор:

«1938 йил 13 февраль, Херсон вилояти, Скадовск туманидаги 2-пахтачилик совхози 4-булими ишчиси Отабой Ҳамрокулов хонадонида кичик бир хатна тўйи ўтказилади. Улар «трудпоселенцы», яъни меҳнат бадарғачилари деб аталган. Ош еб, чой ичган меҳмонлар уйларига тарқалишади. Аммо совхознинг 3, 4-булимларидан келган Носир Турдибоев, Олимбой Юсупов, Шермат Икромов, Нормирза Солиев, Тўйчибой Ғозиев, Саидкул Отабоев, Мирғози Мирхусанов, Солихўжа Маткаримов, Шарифхўжа Тошхўжаевлар қолишади. 4-булимдан Соттибой Асроркулов, Худойкул Мавдонов, Обиджон Маҳмудов, Маҳмуд Юсупов, Рузи Бобоназаров, Жалил Абдуқаҳҳоров, Бадриддин Журахонов, Пулат Қобиловлар ҳам қолишади. Кеч соат 6—7 ларда ўша 4-булимдан Бадриддин Журахонов билан бирга яна 10—15 киши бўлиб болани хатна қилганларидан сўнг зиёфат бўлиб, ичкилик ичилади. Шунда советларга қарши фикрлар айтилади. Буни айғоқчи комендатурага етказилади. Натижада тўйда қатнашганлардан 10 га яқин «қулоқлар» жиноий жавобгарликка тортилади, айримлари отувга, баъзилари 10 йил қamoқ жазосига ҳукм этилади. Бадриддин Журахонов эса ана шу жиноий ишдан қутулиб сақланиб қолади»².

¹ ГАРФ, 9401-фонд, 1-руйхат, 101-иш, 16—18-варақлар.

² АУВДХО, 4033-фонд, 6-руйхат, 676-иш, 8—16-варақлар.

Трибунал йигилишида юраги ёрилиб вафот қилган Хайриддин Алибоев 1937 йил ноябрида қамоққа олинган, ammo тергов жараёнида унга қўйилган айблар тасдиқланмагани учун 1939 йили қамоқдан озод этилган эди¹.

Трибунал томонидан 10 йиллик қамоқ жазосига ҳукм этилган Абдуллаев Рузибой 1881 йили туғилган, Андижон туманининг Олтин қишлоқ советидан, 1931 йили «қулоқ» сифатида Украинага сургун қилинган. Ўзбекистондалигида қишлоқ хўжалигини жамоалаштиришни қўпоришга қаратилган тарғибот олиб борган. Абдуллаев Рузибой сургундалигида аксилинқилобий гуруҳга аъзо бўлган. Гуруҳ қишлоқ хўжалигида зараркунандалик қилиш ва «қулоқлар»ни сургундан озод қилишни ўзига вазифа қилиб қўйган. Абдуллаев Рузибой уйда йигилишлар ўтказилиб, у ерда совет ҳокимиятидан кўтулиш максалида хорижга қочиш масалалари кўрилган. НКВДнинг Голопристань тумани комендатураси меҳнат посёлкасининг коменданти Каретников 1937 йил 8 ноябрда шу маълумотларни келтирган.

Абдуллаев Рузибой жиноятлари тасдиқланмагани учун 1939 йили қамоқдан озод этилади. У билан бирга ҳибсга олиниб тергов қилинган 8 киши — **Ҳайдаров Абдураҳмон, Зоитов Мамажон, Ҳожиев Гурўгли, Ахронкулов Туракул, Шерматов Акбар, Отабеков Турғун, Бобохонов Соттихон, Ҳусанбоев Уринбой** эса отувга ҳукм этилади. Ҳукм 1937 йил 2 декабрда соат 24.00 да Николаев турмасида ижро этилади².

1937 йил 2 декабрда отилган Турғун ҳожи Отабеков (Андижон тумани Дархон қишлоғидан), Туракул Ахронкулов (Андижон тумани Кумакай қишлоғидан), 1946 йил 22 майда Херсонда ҳарбий трибунал йигилишида юраги ёрилиб вафот қилган жалабеклик Хайриддин Алибоев, 15 йил каторга ишларига ҳукм этилган Жамбек Мадаминов (Андижон шаҳри Қирлиқ даҳаси Деҳқон маҳалласидан), 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган Рузибой Абдуллаев (Ёрбоши қишлоқ советига қарашли Олтин қишлоғидан), Жўрабой Холбердиев (Андижон тумани Сувюлдуз қишлоғидан), Исроил Мат-

¹ Ўша манба, 885-иш, 71—73-варақлар.

² Ўша манба, 191—194-варақлар.

ёқубов (Андижон шаҳри Уйлик даҳаси Хурсанлик маҳалласидан) лар 1931 йил август ойининг охири — сентябрь бошларида қизил вагонлардан иборат эшелонда Украинага сургун этилганлардан бўлиб, ўз юрталарига қайтолмадилар. Аммо уларнинг орқасида қолган бола-чақалари, қариндошлари, яқинлари 40-йиллар охири — 50-йиллар бошларида Андижонга қайтиб келдилар.

«ҚУЛОҚЛАР»НИНГ ТАКРОРАН ҚАТАҒОН ҚИЛИНИШИ

Жамоалаштириш ва «қулоқлаштириш» кампанияси даврида деҳқончилик меҳнати билан рузғор тебратаётган, ернинг ҳақиқий эгалари бўлган қишлоқ аҳолиси қатағон объекти бўлиб қолди. 1931 йил августида Ўзбекистон бўйича 3 795 хўжалик (17 839 жон) «қулоқ» қилиниб, юқорида айтиб ўтганимиздек, бор мулкларидан, уй-жойларидан маҳрум қилинди ва Украинанинг Херсон вилоятига ва Шимолий Кавказ (ҳозирги Ставрополь ўлкаси) га сургун қилинди. 1932 йил майида эса республикамизнинг 54 туманидан 4 865 хўжалик, яъни 22 505 киши (шундан 6 877 нафари эркеклар, 5 886 нафари аёллар, 9 055 нафари эса болалар) сургун қилинди. Аммо 1932 йилда сургун қилинганлар ҳисобига нима учундир Қашқадарё ва Хоразм округларидан сургун қилинганлар кирмай қолган. Ваҳоланки, бошқа бир ҳужжатда Қашқадарё округидан 600 хўжалик (1113 киши) (шу жумладан, Косондан 180, Шаҳрисабздан 200, Яккабоғдан 75, Беҳбудийдан 30, Гурзордан 50, Чироқчидан 65 хўжалик), Хоразм округидан 680 хўжалик (1 160 киши) (шу жумладан, Хива шаҳридан 160, Манғитдан 60, Гурландан 95, Хазораспдан 100, Хива туманидан 100, Янги Урганчдан 85, Шовотдан 80) «қулоқ» қилингани қайд этилган. Хуллас, 1932 йилда Ўзбекистон бўйича 6 145 хўжалик (24 778 киши) «қулоқ»қа тортилиб, сургун қилинган. 1932 йил майида «қулоқ» қилинганлар Ўзбекистон ҳудудидаги «меҳнат посёлкалари»га, яъни «қулоқлар қишлоғи»га келтириб жойлаштирилган. Бундай «қулоқлар қишлоғи» Сурхондарёдаги «Хазорбоғ» пахтачилик совхозида, Тошкент вилоятидаги «Боёвут», «Далварзин», «Держинский», «Сталин», «Ўзбекистон беш йилли-

ги» совхозлари ва колхозларида, Самарқанддаги «Булунғур» боғдорчилик совхозида, Андижондаги «Савай», «Куйбишев» пахтачилик совхозларида, Наманганнинг Учқўрғон туманидаги «Норин» совхозида ташкил этилган эди. Бундай «қулоқлар қишлоқлари»нинг сони республика бўйича 24 тага етган. Бу ҳужаликларда сургун азобини тартаётганларнинг катта қисми яна такроран ноҳақ қатағон қилинган.

ОГПУнинг 1932 йил 15 апрелдаги «Доимий яшаш жойларидан ва сургун қилинган пунктлардан қулоқларнинг қочиб кетаётгани туғрисида»ги 2-маълумотномасида Ўрта Осиё бўйича 125 тумандаги 27 794 «қулоқ» ҳужаликларидан 7 091 оиланинг яшаш жойидан кетиб қолгани қайд этилган. Шундан 3 316 киши якка ҳолда, 3 775 оила эса барча аъзолари билан қочиб кетган. Уларни топиш ва қўлга олиш операцияси ўтказилиб, 2 155 «қулоқ» ушлаб олинган ва улардан 502 киши яшаб турган жойига, 610 киши махсус посёлка ва лагерларга юборилган, 759 кишининг иши судга оширилган, 284 киши эса маълумотнома тузилган вақтда терговда бўлган¹.

СССР Ички ишлар халқ комиссарлигининг 1937 йил 30 июлдаги 00447-сонли буйруғи асосида 1937 йил 10 августдан 1938 йил 1 январгача бўлган вақтда Ўзбекистон бўйича «қулоқлар»дан 5 924 киши, «жиноятчилар»дан 1 679 киши, бошқа «советларга қарши унсурлар»дан 3 097 киши, жами 10 700 киши қамоққа олинади. Уларнинг барчаси қамоқ жазосига ҳукм этилади. Отувга ҳукм қилинганлардан 1 376 нафари «қулоқлар», 727 нафари жиноятчилар ва 1 812 нафари «советларга қарши унсурлар» бўлиб, улар турли муддатларга қамоқ жазосига ҳукм қилинади². Улар орасида Ўзбекистон ҳудудида жойлашган меҳнат посёлкаларидаги «қулоқлар» ҳам бор эди.

Меҳнат посёлкаларига сургун қилинган кишиларнинг ҳужалик соҳасида эришган ютуқлари, уларнинг яшаш шароитлари, уй-рўзғорларининг яхши йўлга қўйилиши ГУЛАГ меҳнат посёлкалари бўлими ходим-

¹ ЦАФСБРФ, 2-фонд, 10-руйхат, 509-иш, 50—53-варақлар.

² Трагедия советской деревни: коллективизация и раскулачивание. Документы и материалы в 5-томах. 1927—1939. Москва: РОССПЭН, 2004, т. 5, книга 1, стр. 370—373.

ларини жиддий ташвишга солади. Натижада 1938 йил 29 сентябрда Ежов жойлардаги НКВД бошқармалари бошлиқларига меҳнат посёлкаларидаги режимни кучайтириш туғрисида 1818-сонли курсатмани юборади.

Меҳнат посёлкаларидаги «қулоқ» хужалиklarининг усиши НКВД органларининг қупол сиёсий хатоси сифатида баҳолана бошлади. НКВДнинг айрим ходимлари 1937—1938 йилларда меҳнат посёлкаларидаги «қулоқлар»нинг бойиб кетишида айбланиб, ҳатто қатағон этилди.

Узоқ вақт мобайнида «қулоқлар сургунни» билан «халқ душманлари» (Коган, Молчанов, Берман, Плинер, Фирин, Закаръян, Вишневский ва бошқалар)нинг шуғулланганлиги, сургун қилинганлар учун атрофдаги колхозларга қараганда имтиёзли шароитнинг яратилганлиги, шу сабабдан «қулоқ» хужалиklarининг колхозчиларга нисбатан илғорлаб кетгани, натижада сургун қилинганлар орасидан янги «қулоқлар»нинг чиқа бошлагани, уларнинг давлатга солиқ ва йиғим тулашдан озод қилинганлиги ҳақида турли маълумотлар юқори органларга юбориб турилди.

Оқибатда НКВД ходимлари билан бирга меҳнат сургунидаги кишилар ҳам қатағон объекти бўлиб қолди. Ўзбекистон ҳудудида жойлашган меҳнат посёлкаларидаги меҳнат бадарғачиларидан 1935—1936 йилларда 101 киши, 1937—1938 йилларда 156 киши такроран қатағон қилинди. 1937 йили 14 758 меҳнат бадарғачисидан 46 киши (0,31 %), 1938 йили эса 14 271 меҳнат бадарғачисидан 110 киши (0,77 %) устидан ҳукм чиқарилди, қатағон қилинди¹.

Иккинчи жаҳон уруши даврида ҳам меҳнат посёлкаларидаги меҳнат бадарғачиларининг маълум қисми турли бұхтон, нотўғри маълумот ва сохта айблар асосида қатағон қилинди.

1942 йил 20 январда ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги махсус меҳнат посёлкалари бўлимининг Чкалов шаҳри Совет кучаси, 19-уйда жойлашган ГУЛАГ бошлиғи уринбосари давлат хавфсизлиги майори Загвороднийга йуллаган ахборотида ана шу қатағон қилинганлар ҳақида маълумот берилган. Унда айтилишича, республикадаги махсус меҳнат қишлоқларида

¹ Земков В.Н. Спецпоселенцы в СССР... стр. 58—60.

3 296 та сургун қилинган оила бўлиб, улар таркибида 11 798 жон борлиги, булардан кўп қисмини «собиқ қулоқ унсурлар, бой-помешчик унсурлар ва босмачилик ҳаракатининг собиқ иштирокчилари» ташкил этгани қайд қилинган. Шунингдек, меҳнат бадарғачиларидан, 1942 йил 1 январдаги ҳолатга кўра, 283 кишининг бой-помешчик унсурлар, 24 кишининг мусулмон руҳонийлари, 103 кишининг савдогарлар, 38 кишининг собиқ дворян-князлар, 8 кишининг эса «халқ душманлари»нинг хотинлари эканлиги кўрсатилган.

Ахборотда, жумладан, бундай дейилган: «Ватан уруши бошланган вақтдан буён ўтган фурсат ичида меҳнат бадарғачиларининг советларга қарши унсурлари фаоллиги сезилмоқда, бу ҳол мағлубиятчилик ва немис фашистларига хайрихоҳлик кайфиятни, шунингдек, турли-туман иғво ва фасодларни тарқатишда ўз ифодасини топмоқда»¹.

Мазкур ахборотда қамоққа олинганлар ҳақида ҳам маълумот берилган. Масалан, Янгийул туманидаги 4-меҳнат посёлкасидан меҳнат бадарғачиси, собиқ бой, ўзбек, **Омонбоев**нинг партия аъзосига нисбатан террорчилик ҳаракати қилгани учун, Ховос туманидаги 2-посёлкадан **Козимов**нинг советларга қарши фикрлар айтгани учун қамоққа олингани, Учкўрғон туманидаги 8-посёлкадан меҳнат бадарғачиси, миллати осетин, **Жонбулат Саломов** (собиқ йирик қулоқ) нинг аксилинқилобий фаолияти учун олий жазога ҳукм этилгани, Избоскан туманидан **Шукур Худойбердиев** ва **Абдулла Мирзаев** (ўзбек, собиқ йирик қулоқлар) нинг советларга қарши ташвиқот олиб боргани ва фашистларга хайрихоҳлик руҳидаги миш-мишларни тарқатгани учун қамоққа олинганлиги ва ҳукм қилинганлиги қайд этилган.

Ҳаммаси бўлиб 1941 йил июлидан 1942 йилнинг 1 январига қадар советларга қарши фаолият кўрсатганликда айбланиб 24 киши қамоққа олинган ва улар устидан ҳукм чиқарилган. Шу вақт ичида меҳнат посёлкаларидан 40 киши қочиб кетган, улардан 8 киши ушланиб, меҳнат посёлкасига олиб келиб жойлаштирилган.

Ахборотда яна бундай дейилган: «Шунингдек, со-

¹ ГАРФ, 9479-фонд, 1-руйхат, 90-иш, 111—116-варақлар.

биқ босмачилардан булган бандаларнинг қисман жонланиб қолганлиги ҳам сезилмоқдаки, бу ҳол улар орасидан баъзи бирларининг аксилинқилобий ҳаракатни фаоллаштириш мақсадида босмачилик ҳаракатининг собиқ иштирокчилари билан алоқа боғлашга интилишларида кўринмоқда»¹.

Маълумки, меҳнат посёлкаларидаги тартиб устидан назорат олиб бориш, кузатиш, қочиб кетишлардан қўриқлаш ва меҳнат бадарғачиларидан ишчи кучи сифатида фойдаланишни тартибга солиб туриш вазифаси комендантлар ва комендатуралар зиммасига юклатилган эди. Иккинчи жаҳон урушининг бошланиши билан комендатура ва комендантларнинг «қулоқлар сургуни»даги меҳнат бадарғачилари орасида олиб бораётган оператив агентура фаолиятига жиддий ўзгаришлар киритилди. ГУЛАГ кўрсатмаларига мувофиқ, уруш даври талабларига кўра, меҳнат посёлкаларидаги тартибшароитлар кучайтирилди. 1942 йилнинг иккинчи ярмида Ўзбекистондаги барча меҳнат посёлкаларида режим кучайтирилиб, «қулоқлар сургуни»дагиларга нисбатан яна ўзига хос қатағон сиёсати қўллана бошланди. Меҳнат интизомини бузганлар ва ишга кечикиб чиққанлар судга берилди бошланди. 1941 йил августининг ўзида меҳнат посёлкаларида турли сабаблар билан 20 киши ЎзССР Жиноят Кодексининг 106-моддаси бўйича жавобгарликка тортилди².

Посёлкаларда НКВДнинг махфий агентлари собиқ «босмачилар» ва советларга қарши кайфиятдаги кишиларни излашга сафарбар этилди. Шубҳа остига олинганлар НКВДнинг оператив руйхатига олина бошлади. Масалан, Қуйи Чирчиқ туманидаги 4-меҳнат посёлкасида 1942 йилда 36 кишининг номи НКВДнинг оператив ҳисобига олинди.

1941 йилда, урушнинг дастлабки ойида шу меҳнат посёлкасида Фозилов Турсунбой қамоққа олинади. «Ота» лақабли НКВД агентининг маълумот беришича, Фозилов Турсунбой бундай деган: «Яқинда бу ерга Гитлер келади, барча қийинчиликлар тугайди. Фақат Гитлергина бизни ўзига яқин дўст сифатида кўради... Мен яқин орада бу ердан қочиб кетаман. Белгиланган

¹ Ўша манба.

² ЎЗР ИИВА, 32-фонд, 1-руйхат, 9-иш, 69-варақ.

жойда 5 та йигитим мени қуроллар билан кутиб олишади»¹.

1942 йилнинг мартада Денов туманидаги 1-меҳнат посёлкасидан 1872 йилда туғилган Отаев Шоди қамоққа олинади. НКВД агентининг берган маълумотига кўра, у ўтмишда «босмачилик ҳаракати»да фаол иштирок этган ва қўрбоши лавозимида бўлган².

Янгийўлдаги меҳнат посёлкалари буйича 11 кишининг номи НКВДнинг оператив рўйхатига олинган. Улардан 6 тасига советларга қарши кайфиятдаги «қулоқлар», 3 тасига собиқ «босмачилар» деган айб қўйилган.

1941 йил август ойида Али Мамаюсупов НКВДнинг махсус йиғилиши томонидан қамоққа олинган. Аниқланишича, у ўтмишда қўрбоши бўлган ва ихтиёрида 55 нафар йигит бўлган³.

1942 йил март ойида Окқўрғон туманидаги 3 меҳнат посёлкасидан қамоққа олинган **Дадабоев Қосим** ва **Дадабоев Вали** ўтмишда «босмачилик ҳаракати»да иштирок этганликда, 1941—1942 йилларда безорилик қилганликда ва чайқовчилик билан шуғулланганликда айбланиб, олий жазога ҳукм қилинганлар⁴.

Бекобод туманидаги 6- ва 10-меҳнат посёлкаларидан 52 киши номи НКВДнинг оператив рўйхатига олинган. Улардан 24 тасига собиқ «босмачилар», 16 тасига собиқ йирик «қулоқлар», 3 тасига «халқ душманлари»нинг қариндошлари, 2 тасига собиқ чор армияси офицерлари, деган айблар қўйилган. Мазкур меҳнат посёлкасида Файзулла Хўжаевнинг хотини Робия Хўжаева, Ота Хўжаевнинг хотини Шарифа Тизатуллинлар ҳам бўлганлар. Улар ҳақида «Роза» ва «Ғойиб» лақабли хуфялар маълумот етказиб туришган⁵.

Умуман, 1941—1942 йилларда Ўзбекистон ҳудудидаги меҳнат посёлкаларидан 283 киши собиқ «босмачи» сифатида, 279 киши эса советларга қарши ва аксилинқилобчи шахслар сифатида НКВДнинг оператив рўйхатига олинган⁶. Пиравардида улар ҳам қатағон домига тортилганлар.

¹ Ўша жойда, 15-иш, 38-варақ.

² Ўша жойда, 25-варақ.

³ Ўша жойда, 483-варақ.

⁴ Ўша жойда, 59-варақ.

⁵ Ўша жойда, 49—50-варақлар.

⁶ Ўша жойда, 14-иш, 5-варақ.

«Кулоқлар сургуни»дагиларга нисбатан урушдан кейин ҳам турли куринашда қатағон сиёсати қулланиб келинди ва бу жараён 1955 йилгача давом этди. Собиқ «кулоқлар» мустақиллик арафасидагина эркин нафас ола бошладилар.

МУҲОЖИРЛИКДАГИ ЮРТДОШЛАР ҚИСМАТИ

Юртбошимиз айтганидек, ота-боболаримизни турли-туман гуруҳларга ажратган ҳолда уларга баҳо бермаслигимиз, балки «уларнинг ҳаётини, улар яшаган давр моҳиятини тўғри тушунишимиз лозим». Яқин ўтмишимизни ҳам ана шундай нуқтаи назардан туриб англашимиз, тадқиқ этишимиз керак. Ана шу аснода янги, чин тарихимизни яратмоғимиз лозим.

Кейинги йилларда олиб борилган тадқиқотларнинг самараси улароқ тарихимизнинг кемтик жойлари, сирсиноатлари тобора очилиб бормоқда. Ўтмишимизнинг ана шундай кемтик жойларидан, «оқ доғ»ларидан бири советлар даврида юртдан бош олиб чиқиб кетган миллатдошларимизнинг хориждаги ҳаёти, қисмати, фожеасидир. Уларнинг тақдири ҳам тарихимизнинг ажралмас бир қисмидир.

Айрим манбаларда айтилишича, фақат 1917—1934 йилларнинг ўзида Урта Осиёдан 900 мингдан ортиқ киши хорижга чиқиб кетган. Улар ҳақида архивларда айрим ҳужжатлар сақланиб қолган. Бу ноёб ҳужжатларни излаш, урганиш асосида тарихимизнинг ана шу қонли саҳифаларидан бирини тиклашимиз лозим. Зеро, муҳожирликка чиқиб кетишга мажбур бўлганлар ҳам совет тузуми жабрдийдалари, қатағон қурбонларидир.

Қулимиздаги ноёб ҳужжат яқин ўтмишда рўй берган ҳақ-ҳуқуқсизлик, адолатсизликлар ҳақида гувоҳлик беради. Бу ОГПУ туман ваколатли вакили томонидан 1933 йил 12 июлда тайёрланган ҳужжат бўлиб, «Ҳозирги вақтда Избоскан туманида яшаётган собиқ босмачилар, қурбошилар, фаол йигитлар ва уларга қумаклашганларнинг 1933 йил 28 майгача ҳисобга олинган рўйхати» деб аталади. Рўйхатда 150 нафар киши ва уларнинг ёши, миллати, ижтимоий келиб чиқиши, хизмат жойи, колхозчи ёки яккахўжаликлиги, қайси қишлоқ советидан эканлиги кўрсатилган. 1934 йил учун

олинган рўйхатда ҳам туман буйича «босмачилик»ни қўллаб-қувватлаган руҳонийларнинг исм-шарифлари номма-ном келтирилиб, унда ҳар бир руҳонийнинг ёши, яшаш жойи, қайси масжиддан эканлиги, диний мансаби, оилавий аҳволи, колхозда ишлаётгани ёки яккахўжаликлиги қайд этилган.

Яна бир рўйхатда Избоскан тумани буйича (ўша кезлари Избоскан ва Пахтаобод битта туман бўлиб, маркази Чувама эди) «босмачи тудалар»нинг собиқ бошлиқлари ва йигитларининг қайси колхоз, қайси қишлоқда яшаганлиги кўрсатилган.

Колхоз қурилишига қарши турганлар, «кулоқ» хўжаликлар, пахта топшириш режасини бажармаётган кишиларнинг ҳам шундай рўйхатлари тузилган бўлиб, улар қатағон қилиш вақтида жазо органларига ўзига хос йўлланма сифатида хизмат қилиши лозим эди. Шу боис бундай «рўйхат»ларга тушганлар юракларини ҳовучлаб яшаганлар. Уларни навбатма-навбат ГПУга, ички ишлар бўлимига чақириб тергов қилишган, айримларини қамоққа олишган, сургун қилишган, отувага ҳукм чиқаришган. Бу ҳол қишлоқ аҳолисини мислсиз даражада ваҳима-саросимага солган. Мамлакатда қарор топа бошлаган бундай даҳшатли вазиятдан қўрқиб, минглаб кишилар ўз юртларини ташлаб хорижга кетишга мажбур бўлганлар.

1930 йилнинг 20 февралидан 24 февралигача бўлган вақт ичида биргина Андижоннинг Марҳамат туманидан 37 хўжалик қочиб кетган. ОГПУ сиёсий бўлимининг 1932 йил 5 августда мутлақо махфийлик тамғаси остида тузилган «Қишлоқдаги салбий ҳодисалар ва советларга қарши унсурларнинг фаолияти тўғрисида» деб номланган маълумотномасида ўша йилнинг январь-июль ойларида Урта Осиёнинг чегара туманларида аҳолининг қўшни мамлакатларга ўтиб кетиш ҳоллари кўплаб қайд этилгани айтилган. Тулиқ бўлмаган маълумотларга кўра, Эронга 1073, Афғонистонга 1218, Хитойга 40 га яқин хўжалик қочиб ўтган. 1 867 хўжалик чегарада тутиб қолинган, 49 ҳолатда эса муҳожирлик чет элдаги «босмачи» тудаларнинг чегарадан ўтишни ҳимояловчи хатти-ҳаракатлари ёрдамида кечган. Бу, 30-йилларда муҳожирликка чиқиб кетиш қанчалик кенг тус олганини кўрсатмоқдики, бундай воқеалар Андижон округида ҳам юз берган.

Пойтуғдаги туманлараро давлат архивида Избоскан туманидан муҳожир бўлиб чиқиб кетганлардан 37 хўжалик бошлиқлари ҳақида маълумотлар сақланиб қолган. Бу маълумотлар қуйидагилардир:

1. **Ҳайдарали Қодирқулов** — Избоскан тумани, Уйғур қишлоқ совети, Жанжал қишлоғида обрўли руҳоний оиласида туғилган, миллати уйғур. Унинг ўзи ҳам обрўли муллалардан бўлган, 1933 йил апрелида Қошғарга қочиб кетган. Қодирқулов паст бўйли, бўладан келган, соч-соқоли ва мўйлови, кўзи тим қора, қирғий бурун, ёши 45 да. Жанжал қишлоғидаги руҳоний Юсуп Охун билан алоқаси бор.

2. **Тожибой Миллатов** — Жанжал қишлоғилик, миллати уйғур, ёши 30 да, ўртаҳол деҳқон оиласидан, ўзи камбағал, 1933 йил майида оиласи билан Қошғарга қочиб кетган. Миллатов ўрта бўйли, буғдой рангли, кўзи кўкишдан келган, сочи, қоши, юзи малларанг, бурни одатдагидай. Мавжуд маълумотларга кўра, у мусулмон қўшинининг аскарари бўлган.

3. **Йўлдош Худоёров** — ёши 60 да, Жанжал қишлоғида камбағал оилада туғилган, ўзи ўртаҳол, 1932 йил майида ўз оиласи билан Қошғарга қочиб кетган. Худоёров ўрта бўйлидан баландроқ, озғин, соч-соқоли ва мўйлови, қоши оқарган, кўзлари катта, кўкишдан келган, тор юзли, чап оёғи билан оқсаб юради.

4. **Турақул Бойматов** — ёши 60 да, уйғур, Жанжал қишлоғида бой оилада туғилган, ўзи қулоқ, 1932 йили оиласи билан Қошғарга қочиб кетган. Белгилари: паст бўйли, гавда тузилиши ўртача, мўътадил, соқол-мўйловлари оқарган, қошлари узун, оқ, кўзлари қора, бурни катта, юзи япалоқ, чўтир.

5. **Бозорбой Хусанов** — ёши 30 да, уйғур, Уйғур қишлоқ совети Тўққизбоғ қишлоғилик, бой-савдогар оиладан, ўзи қулоқ. 1933 йили Қошғарга қочиб кетган, оиласи Тўққизбоғда қолган, алоқаси бор. Белгилари: баланд бўйли, кенг елкали, юзи ва бадани буғдой рангли, кўзлари қора, соқол ва мўйловлари қора.

6. **Сотиболди Маликов** — ёши 60 да, уйғур, Тўққизбоғ қишлоғилик, савдогар оиладан, ўзи савдогар, 1932 йил июнида Қошғарга қочиб кетган. Оиласи Тўққизбоғда қолган, алоқа қилиб туради. Белгилари: ўрта бўйли, гавда тузилиши ўртача.

7. **Шарип охун Йўлдошев** — ёши 30 да, уйғур,

Уйғур қишлоқ совети Шовруқ қишлоғидан, имом оиласидан, ўзи савдогар, 1933 йил апрелида Қошғарга қочиб кетган. Оиласи Шовруқ қишлоғида қолган. Белгилари: паст бўйли, думалоқ юзли, соч-соқоли, мўйлови, кўзи қора.

8. **Жалолхон Эшонтураев** — 29 ёшда, уйғур, Шовруқ қишлоғилик, бой ва руҳоний оиладан, ўзи руҳоний — қулоқ, 1933 йил апрелида Қошғарга қочиб кетган. Оиласи Шовруқда қолган, алоқаси бор, ўрта бўйли, соч-соқоли, мўйлови, кўзи қора, эчки соқолли, тор юзли, қирғий бурун.

9. **Мирзақосим Мусаев** — 30 ёшда, уйғур, Тўққизбоғ қишлоғидан, камбағал оиладан чиққан, ўртаҳол, 1933 йил апрелида Қошғарга қочиб кетган. Оиласи Тўққизбоғда қолган, алоқаси бор, баланд бўйли, сочи, қоши қора, кўзлари жигарранг, соқол ва мўйлови сийрак. ўртача. қирғий бурун.

10. **Султонжон Масайтов** — ёши 40 да, уйғур, Тўққизбоғ қишлоғилик, руҳоний оиласидан, обрўли руҳоний, 1933 йили Қошғарга қочиб кетган. Оиласи қолган, алоқаси бор, ўрта бўйли, озгин, сочи, қоши, кўзи қора, соқоли ва мўйлови узун ва қора, қирғий бурун, кичик тор юзли.

11. **Рузиохун Солиев** — ёши 40 да, уйғур, Шовруқ қишлоғилик, бой оиладан, қулоқ, 1933 йил апрелида оиласи билан Қошғарга қочиб кетган. Шовруқда ўғли Мамасоли Рузиохунов бор, унинг отаси билан алоқаси узилмаган, июнда Қошғардан келган. Рузиохун Солиевнинг белгилари: баланд бўйли, қора сочли, соқоли ва мўйлови қора, сийрак, кўзлари, қошлари қора, юзи чўзинчоқ, қирғий бурун.

12. **Ҳошим охун Салимохунов** — ёши 30 да, уйғур, Уйғур қишлоқ советидан, бой оиласидан, ўзи қулоқ, 1933 йил апрелида Иброҳим охун билан Қошғарга қочиб кетган, хотини Уйғур қишлоқ советида қолган. Белгилари: баланд бўйли, соч-соқоли ва мўйлови, кўзи қора, қирғий бурун.

13. **Мулла Матғози Мадёров** — ёши 55 да, уйғур, Уйғур қишлоқ совети Тўққизбоғ қишлоғилик, бой оиласидан, ўзи имом, 1932 йил кузида Қошғарга қочиб кетган. Оиласи Тўққизбоғда қолган, алоқа ўрнатилмаган. Белгилари: паст бўйли, сочи, қоши оқ, кўзи қора, соқол ва мўйлови ҳам оқ, тор бурунли.

14. **Хусанхон Шарипов** — ёши 40 да, уйғур, Тўққизбоғ қишлоғилик, ўзига тўқ оиладан, савдогар, 1933 йил апрелида Қошғарга қочиб кетган, оиласи Тўққизбоғда, алоқаси бор. Белгилари: баланд буйли, сочлари, қошлари қора, кўк кўз, соқол ва мўйловлари қора, катта қирғий бурун.

15. **Турдиоҳун Саримсоқов** — ёши 55 да, уйғур, Тўққизбоғ қишлоғилик, обрўли бой оиласидан, ўзи ҳам руҳоний. 1932 йили ўғли Абдусалом билан Қошғарга қочиб кетган, оиласи Тўққизбоғда, алоқаси бор. Белгилари: ўрта буйли, сочи оқ-қора аралаш, соқоли ва мўйлови оқ, қоши, кўзи қора, бурни узун.

16. **Мирзааҳмад Маматов** — ёши 40 да, уйғур, Уйғур қишлоқ советилик, бой оиладан, ўзи ҳам бой, кулоқ, 1931 йили Қошғарга қочиб кетган, оиласи Уйғур қишлоқ советида яшайди, алоқаси бор. Белгилари: ўрта буйли, сочига оқ оралаган, қора соқолли, мўйлови ва қоши қора, кўзи қора, юзи сариқ, бурни чўзиқли.

17. **Раҳмат Худойбердиев** — ёши 43 да, уйғур, Ниёз қишлоғилик, камбағал оиладан, ўзи ҳам камбағал, 1918 йилдан 1924 йилгача Ғози қўрбоши тудасида бўлган. 1933 йил майида бир ўзи Қошғарга қочиб кетган. Оиласи Ниёз қишлоғида яшамоқда, алоқа ўрнатилмаган. Белгилари: ўрта буйли, малла сочи, қоши ҳам шундай, кўзлари қора, мўйловли, эчки соқолли, юзи сариқ, бурни қирғий. Маълумотларга кўра, Худойбердиев мусулмон қўшинларида аскар бўлиб хизмат қилган.

18. **Мирзакомил Султонмаҳмудов** — ёши 58 да, ўзбек, бой оиласидан, ўзи кулоқ, обрўли руҳоний, собиқ катта ер эгаси, 1933 йили ўғли Мирзамаҳмуд Мирзакомил билан Қошғарга қочиб кетган. Мирзакомил ўрта буйлидан баландроқ, сочи оқарган, мўйлови узун, соқоли ҳам оқарган, кўзлари қора. Унинг ўғли Мирзамаҳмуднинг белгилари: ёши 35 да, ўрта буйли, кенг елкали, кўзи кўк, сочи, қоши малларанг, эчки соқолли. Оиласи билан ёзма алоқаси бор, хотини «Ўртоқлар» қишлоқ советида яшайди.

19. **Мараим Мирзакомил** — кулоққа тортилган Мирзакомил Султонмаҳмудовнинг ўғли. Ёши 26 да, ўрта буйли, сочи қора, юзи чўтир, қоши, кўзи қора, бир қўли ногирон, панжалари кесилган, 1933 йили қариндошлари билан Қошғарга қочиб кетган.

20. **Турдиали Сидиқаминов** — ёши 42 да, ўзбек, «Ўртоқлар» қишлоқ советида яшаган, бой оиласидан, ўзи йирик ер эгаси, эксплуататор. 1933 йил март ойида номаълум жойга қочиб кетган. Оиласи Пойтуғда, алоқа ўрнатилмаган. Белгилари: ўрта бўйли, чўтир юзли, бир оёғи билан оқсаб босади, сочи қора, соқоли калта қирқилган, узун мўйловли, юзи озғин, қоши, кўзи қора.

21. **Тухтасин Ҳакимхўжаев** — ёши 40 да, Пойтуғ қишлоғидан, қаерга қочиб кетгани маълум эмас. Белгилари: ўрта бўйли, кенг елкали, бошида сочи йўқ, қоши, кўзи, соқоли қора, мўйлови узун, қизил юзли, бурни япалоқ.

22. **Нуриддин Саидхўжаев** — ёши 52 да, ўзбек, Элатон қишлоғилик, қулоқ, 1933 йил апрелида номаълум томонга қочиб кетган. Белгилари: ўрта бўйлидан баландроқ, кенг елкали, сочлари соқол-мўйловлари оқарган, қоши, кўзи қора, қирғий бурун.

23. **Абдуғаффор Болтабоев** — 46 ёшда, ўзбек, Элатон қишлоғи «Ўртоқлар» қишлоқ советидан, бой оиладан, ўзи қулоқ. 1933 йили номаълум жойга қочиб кетган. Элатон қишлоғида хотини Тиллабуви қолган, маълум юмуши йўқ, алоқа ўрнатилмаган. Болтабоевнинг белгилари: баланд бўйли, озғин, букчайган, соқол ва мўйловсиз, сочи малларанг, оқ оралаган, кўзи кўк, қошлари ҳам малларанг, қирғий бурун.

24. **Ислом Раҳимқулов** — ёши 35 да, Элатон қишлоғилик, «Ўртоқлар» қишлоқ советидан, бой оиладан, ўзи қулоқ, 1933 йил апрелида оиласи билан номаълум жойга қочиб кетган. Белгилари: ўрта бўйли, соқол ва мўйлови, қоши қора, кўк кўз, чўзиқ юзли.

25. **Мирзабилбас Йўлдошев** — 56 ёшда, ўзбек, «Ўртоқлар» қишлоқ советидан, Элатон қишлоғилик, бой оиладан, ўзи обрўли руҳоний. 1929 йили Қошғарга муҳожир бўлиб кетган. Белгилари: ўрта бўйли, чўтир, қизил юзли, соч, мўйлови оқарган, кўзи кўк, соқоли сариқ-қора аралаш, юзи чўзиқ, алоқаси аниқланмаган.

26. **Абдуҳолиқ Уста** — 50 ёшда, ўзбек, Андижон шаҳрида туғилган, Қўқонқишлоққа 1928 йили келиб қолган. 1933 йилнинг январигача муллалик билан машғул бўлган. Ўша йилнинг январида Қошғарга муҳожир бўлиб кетган. Қўқонқишлоқда хотини қолган, исм-ша-

рифи аниқланмаган, андижонлик, ёши 40 да. Бундан ташқари, икки ўғли бўлган, биринчи ўғли Нурмон Абдухолиқов, 23 ёшда, иккинчи ўглининг исм-шарифи аниқланмаган, Андижондан Қўқонқишлоққа чой, ёғ олиб келиб, бозорда сотиб туришган. Қошғардаги отаси билан хат орқали боғланиб туришади. Шу йил мартада отасидан хат олишган, хат уларда сақланмоқда.

27. **Мулла Худойберди** — ёши 65 да, ўзбек, Избоскан туманидан, Қўқонқишлоқда йирик бой хонадонидан туғилган, бой ва мулла, руҳонийлар орасида катта обрўга эга, 1932 йили Қошғарга муҳожир бўлиб чиқиб кетган. Қўқонқишлоқда қолган унинг 1 аёли **Болтажон**, 55 ёшда, уй хўжалигида хизмат қилмоқда, ўғли Ботирали Худойбердиев, ёши 18 да, партиясиз, Қўқонқишлоқ қишлоқ советидаги Шўро қишлоғида ишлайди. Ўғли Раҳимберди, ёши 35 да, у отаси билан бирга Қошғарга муҳожирликка чиқиб кетган. Қошғардан СССРга қайтиб келишида қўлга олиниб қамалган, қамоқдан қочиб, 1932 йил охирида иккинчи бор Қошғарга муҳожирликка чиқиб кетган. Қошғардан келган хатларга қўра, Раҳимберди чойхоначи бўлиб ишламоқда. Хатни Қўқонқишлоқдаги унинг онаси олган, ўғли Мавлонберди ҳозирда ОГПУ томонидан Тошкентда қамоққа олинган, ёши 27 да, партиясиз.

28. **Тешабой Усмонов** — 42 ёшда, ўзбек, Қўқонқишлоқ совети Саинобод қишлоғидан, ўзи қулоқ, Парпи кўрбошининг фаол йигитларидан бўлган. 1932 йил декабрида Қошғарга муҳожир бўлиб кетган. Қўқонқишлоқ қишлоқ советида унинг хотини, икки ўғли бор, бири 2 ёшда, бошқаси 4 ёшда қолган, хат орқали алоқаси бор. Тешабой муҳожирликка чиқиб кетиш олдидан нос сотиб тирикчилик қилган. Ҳозирда унинг оиласини отаси Ҳайдар Усмонов боқиб турибди, у ҳозирда «Қизил омов» колхозидан ишляпти, 1932 йили у ҳам Қошғарга муҳожирликка кетган, икки ой туриб, яна Қўқонқишлоққа қайтиб келган, укаси билан хат орқали алоқаси бор.

29. **Тошмат ҳожи Ўлмасов** — 70 ёшда, 1905 йилдан «Шўрои ислом» миллий аксилинқилобий ташкилотига раҳбарлик қилган, большевикларга қарши қурол билан курашган, ўзи йирик руҳоний. 1931 йили Қошғарга муҳожир бўлиб кетган, Қўқонқишлоқда 22 ёшли

уғли Абдулла ҳожи қолган, хотини вафот қилган, эрга чиққан икки қизи бор, бири Хайрободда, иккинчиси Қўқонқишлоқда. Отаси билан ёзма алоқаси бор. Тошмат ҳожи Улмасов Қошғарда имомлик қилмоқда.

30. **Эрмат ҳожи Тўйчиев** — 60 ёшда, ўзбек, Избоскан тумани, Омончўра қишлоғидан, қулоққа ён босувчи, диндор, руҳоний, 1932 йил мартада Қошғарга муҳожир бўлиб чиқиб кетган. Унинг аёли ҳам эридан кейин 1933 йилнинг май ойида Қошғарга кетган, эрини топа олмай, яна Омончўрага қайтиб келган. 8 ёшли қизи бор, қариндоши Маматжон Муллажонов батрақлар қўмитаси раиси бўлиб турибди. Хат орқали алоқаси бор.

31. **Мулла Тешабой Йўлчибоев** — 55 ёшда, ўзбек, Избоскан тумани, «Озод» қишлоқ советидан, обрўли руҳоний, мулла. 1932 йил январида Қошғарга муҳожир бўлиб кетган. «Озод» қишлоқ советида уч хотини, ёши 9 дан 19 гача бўлган 9 нафар боласи қолган, хат орқали алоқа мавжуд.

32. **Худойберди Раҳматов** — 58 ёшда, ўзбек, келиб чиқиши бой, ҳолати қулоқ, яшаш жойи Қўқонқишлоқ. 1929 йили Қошғарга муҳожир бўлаб кетган. Қишлоқда хотини Холчачаман қолган, ёши 52 да, ўзбек, келиб чиқиши бой, ҳолати қулоқ, новвойлик билан шуғулланади. Уғли Ботир Худойбердиев, ёши 20 да, у ҳам онаси билан бирга яшайди, онаси билан бирга новвойлик билан машғул. Отаси билан хат орқали алоқаси бор.

33. **Даврон Тожибоев** — 32 ёшда, ўзбек, руҳоний, ижтимоий аҳволи қулоқ, 1929 йили Қошғарга муҳожир бўлиб кетган, Қўқонқишлоқнинг Шуро кучасида яшаган, муҳожирликкача новвойчилик билан чайқовчилик қилган, Қўқонқишлоқда унинг онаси 60 ёшли Майрам қолган, ўзбек, қулоқ, Қўқонқишлоқда яшайди. Ҳозирги вақтда колхозда ишлайди.

34. **Ҳожимат Отабоев** — 50 ёшда, ўзбек, келиб чиқиши ҳам, ижтимоий аҳволи ҳам қулоқ, 1930 йили Қошғарга муҳожир бўлиб кетган. Қўқонқишлоқда туғилган, бу ерда хотини Хосият Мадаминова қолган, ёши 30 да, ўзбек, андижонлик, ҳозирда тикув машинасида ишлайди, хат орқали алоқаси бор.

35. **Саидбек Ҳайдаров** — 56 ёшда, Қўқонқишлоқда туғилган, миллати ўзбек, келиб чиқиши бой, ижтимо-

ий ҳолати — қулоқ, 1930 йили Қошғарга муҳожирликка кетган. Қуқонқишлоқда хотини Саодат Ёқубова қолган, 45 ёшда, ўзбек, қизи Қўзихон, қулоқ, ҳозирда тикувчилик билан машғул, ўгли Ҳаким Саидий, 20 ёшда, ўзбек, ижтимоий аҳволи — бой, Қуқонқишлоқда яшайди, транспортда ишлайди, отаси билан хат орқали алоқада.

36. **Теша Усмонов** — 38 ёшда, келиб чиқиши камбағал. Ижтимоий аҳволи — чайқовчи, 1930 йили хотини билан Қошғарга муҳожир бўлиб кетган, Қуқонқишлоқда қариндошлари йўқ.

37. **Йулдош Ортиқов** — 45 ёшда, ўзбек, келиб чиқиши буйича ҳам, ижтимоий аҳволи буйича ҳам қулоқ. 1930 йили ўз оиласи билан Қошғарга муҳожир бўлиб чиқиб кетган. Қуқонқишлоқда қариндошлари йўқ, алоқа ҳам йўқ.

Совет режимидан бешиб хорижга чиқиб кетган бу 37 нафар юртдошларнинг кейинги ҳаёт йўли, қисмати, уларнинг ҳозирги авлодлари ҳақида биз бирон-бир маълумотга эга эмасмиз. Шу боис китобхонларнинг бу борада бизга ёрдам беришларига мунтазирмиз. Бизнингча, муҳожир юртдошларимизнинг қариндош-уруғлари, зурриёдлари, танишлари Избоскан, Пахтаобод туманларида яшасалар керак. Улар «Мерос» халқаро илмий-амалий экспедиция хайрия жамғармасига (Андижон шаҳри, Навоий шоҳқўчаси, 37-уй, тел: 24-24-57) хабар қилишса, гоётада хайрли иш бўлур эди. Ҳурматли китобхонларимиз қатағон даври жабрдийдаларининг манзилларини хабар қилишса, экспедиция аъзолари улар билан учрашиб, батафсилроқ маълумотлар туплаб, уларнинг номларини «Қатағон қурбонларининг хотираси китоби»га киритиш имконияти яратилган бўлур эди.

Биз юқорида фақат Андижон вилоятининг Избоскан ва Пахтаобод туманларидан 1929—1934 йилларда хорижга чиқиб кетганларнинг рўйхатинигина келтирдик. Ваҳоланки, шу даврда совет тузумининг миллий, ижтимоий ва иқтисодий сиёсатидан норози бўлганликлари ҳамда ўз тақдирлари катта хавф остида қолганлиги сабабли қўшни мамлакатларга қочиб кетишга мажбур бўлган кишилар Андижон вилоятининг бошқа туманларида ҳам, республикамизнинг бошқа вилоятларида ҳам кўп бўлган. Шубҳасиз, улар ҳам қатағон даврининг қурбонлари ҳисобланади.

УЛАР ХОТИРАСИ АБАДИЙДИР

Уз озодлиги, эркинлиги, тинч ҳаёти йўлида курашиб беҳисоб қурбон берган ота-боболаримиз жасорати тарихий хотирамиздан ҳеч қачон ўчмайди.

Ислом Каримов

Чустлик арбоб фожеаси

Тарихда ўз маслағи, эл-юрт манфаати, ватан ва миллатнинг эрки-озодлиги йўлида жонини қурбон қилган қаҳрамонлар ҳам, амал, шахсий манфаат ва нафс деб хиёнат йўлига кирганлар ҳам оз бўлмаган. Тарихий ҳужжатларни кўздан кечирар экансиз, баъзан бир-бирига қарши маълумот берган кишилар кўз олдингизда намоён бўладиларки, уларнинг қайси бири қурқоқ ва сотқину, қайси бири айбсиз эканини тезда англаб ололмайсиз.

Наманганлик Бутабой Дадабоев фаолияти шу маънода ғоят мураккаб бўлиб, у ҳақда зудлик билан ҳукм-хулоса чиқариш осон иш эмас. Келинг, хулосага шошилмай, унинг фаолиятига биргаликда назар ташлайлик.

1923 йилда Туркистон республикаси Адлия халқ комиссари, республика прокурори, кейинчалик Тожикистон Компартияси ташкилий бюроси аъзоси, Тожикистон Инқилобий қўмитаси раисининг ўринбосари, СССР Марказий Ижроия Қўмитаси аъзоси, 20—30-йилларда Тожикистон ва Туркманистонда катта раҳбарлик лавозимларида ишлаган Б.Дадабоев НКВД Ҳарбий коллегиясининг 1938 йил 5 октябрда Тошкентда бўлиб ўтган сайёр ёпиқ суд мажлиси томонидан олий жазога ҳукм этилади ва ҳукм... 4 октябрда отиб ташланади. Агар эътибор берган бўлсангиз, у суд мажлисидан бир кун аввал шошилинч равишда отиб ташланган.

Хуш, Б.Дадабоев ким? Нега у совет тузумига хиёнат қилган киши сифатида қатл этилган? Унинг айби нимада?..

Тарихий ҳужжатлар қуйидагилар ҳақида сўзлайди: Бутабой Дадабоев 1887 йили Наманган вилоятининг Чуст шаҳрида ишчи оиласида туғилади. Аввало мусулмон мактабида, кейин тақдир тақозоси билан рус-тузем мактабида таҳсил кўради. Отаси вафотидан сўнг 13 ёшли Бутабой оиладаги 4 фарзанднинг қаттаси сифатида оилани тебратишга тутинади. Ниёзхужа исмли пахта комиссионерига хизматкор, тери, пахта тозалаш заводларида ишчи, наманганлик таниқли савдогар Альперов магазинида қоровул, кейинроқ Тошкентга иш қидириб келиб, шаҳар тиббий амбулаториясида қоровул ва хат ташувчи бўлиб ишлайди. Маошидан ҳар ойда 15 сўмни Чустга юбориб, оиласига кўмак бериб турган Бутабой тақдирнинг яна бир зарбасига учрайди — онаси бевақт вафот этади. Фельдшер оиласида яшаб, русча савод чиқаришга улгурган Бутабой ноилложлик орқасида қаровсиз қолган укалари, кўзи ожиз бувиси қошига, Чустга қайтиб боради.

1908 йили Чустда иши юришмаган Бутабой Чодакка бориб, волость бошқарувчиси девонхонасига ишга киради. Чор маъмурлари қарийб икки йиллик фаолиятида уни уч бор жазолайдилар. Уезд бошлиғи фармойишларини бажармагани, бошлиқлар олдида узини «корректно» тутмагани учун унга илк бор 5 сўм жарима солишади. Сўнгра аввал 7 кун, кейин 14 кун қамокда ётади. Охир-оқибат ишсиз қолади.

1914 йил январидан то Февраль инқилобигача Бутабой Чуст шаҳар хўжалик бошқармасида журналист, сўнгра даҳа пристави Б.Яхьин Марғилонга даҳа пристави қилиб ўтказилгач, унинг таклифи билан Скобелев шаҳрига бориб, пристав қошидаги хатлар бўлимида ишлайди.

Фарғонада 1916 йил воқеалари рўй берган кунларда Бутабой чор миршабининг ғазабига учрайди. Вилоят амалдорларидан бири ўтиб кетаётганида таъзим келтирмаган Бутабой унинг шу ҳақдаги танбеҳига кескин жавоб қайтаргани учун терговга тортилади.

Ўша йилнинг кузида Фарғонадаги Военное собрание биносида қўйилаётган спектаклга киришни истаган Б.Дадабоевга «сартлиги учун» билет сотишмайди.

Бундан норози бўлган Б.Дадабоев «ноқонуний ҳаракат қилганлик»да айбланиб, ҳибсга олинади. Февраль инқилоби боисгина у қамоқ жазосидан қутулиб қолади.

Большевиклар ҳокимият тепасига келгач, Бўтабойнинг саводли, сергайрат, ташкилотчи йигит эканлигини пайқаб, ундан фойдаланишга қарор қиладилар. У Фарғона вилояти Ер ишлари қўмитасига аъзо этиб сайланади. Аммо большевиклар Туркистоннинг миллий республика сифатида равнақ топишидан манфаатдор эмас эдилар. Шу боис Туркистон парчаланиб, кичик республика ва мухториятларга бўлиб юборилади. «Сувнинг қаёққа оқаётгани»ни сезган миллатпарвар зиёлилар большевиклар ҳукмронлик қилган замонда ватан ва миллатнинг озод бўлолмаслигини сезадилар. Шу сабабли улар турли ташкилотлар тузиб, Туркистонни совет давлатидан ажратиб олишга уринадилар.

Ана шундай ташкилотлардан бири «Иттиҳод ва тараққий» ташкилоти эди. Тергов ҳужжатларида қайд этилишича, бу ташкилотга Турор Рисқулов, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Саъдуллаҳужа Турсунҳужаев, Низомиддин Хўжаев, Юсуф Алиев, Али Расуловлар раҳбарлик қилишган. Унга Ўзбекистон КП(б) Марказий Қўмитаси котиби Акмал Икромов, Халқ Комиссарлари Кенгаши раиси Файзулла Хўжаев, Ер ва сув ишлари халқ комиссари Рустам Исломов ва бошқа йирик раҳбарлар ҳам хайрихоҳлик курсатишган. Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси раиси Иномжон Хидиралиев мазкур ташкилотга Бўтабой Дадабоевни ҳам жалб этган.

Ташкилотнинг асосий мақсади Туркистон ҳудудида миллий давлатни барпо этиш эди. Шу боис Б.Дадабоев, тергов материалларида қайд этилишича, «босмачилик ҳаракати»ни ҳар қандай йўл билан қўллаб-қувватлашга, ҳатто уларга қурол-яроғ етказиб беришга ҳаракат қилган.

«Иттиҳод ва тараққий» ташкилоти аъзолари миллий бирликка эришиш, маҳаллийчилик, тарқоқлик, парокандалик, гуруҳбозлик, табақабозликка қарши кураш олиб борганлар. Улар совет ҳукумати хоҳишига қарши равишда бой ҳужаликларнинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлашга, қишлоқнинг синфий табақалашувига қаршилик курсатишга уринганлар. 1923—1924 йилларда давлатдан уруғлик ва ишчи ҳайвон учун кре-

дит олингач, уни асосан деҳқончиликка қодир бўлган бойларга ва ўзига туқ кишиларга тақсимлаб беришган.

Яна тергов материалларида айтилишича, Б.Дадабоев Тожикистонда ишлаган кезларида у ердаги «Иттиҳоди Шарқ» ташкилоти билан ҳамкорлик қилган. Бу ташкилот аъзолари орасида Тожикистон ССР МИҚ собиқ раҳбари Нусратулло Махсум, Тожикистон Халқ Комиссарлари Кенгаши собиқ раиси Ҳожибоев, Ижтимоий таъминот халқ комиссари Муҳитдинов, Тожикистоннинг Москвадаги мухтор вакили Абдуҷабборов ва бошқалар бўлишган.

Қизил қўшин «босмачилик ҳаракати»ни тугатишга киришган кезларда И.Хидиралиевнинг «ихтиёрий равишда таслим бўлиш таклифи»нинг «босмачилар» томонидан қабул қилиниши ва уларнинг таслим бўла бошлаши «иттиҳодчилар»нинг обрў-эътиборини кўтариб юборади. Шу даврдаги хизматлари учун Б.Дадабоев Қизил Байроқ ордени билан тақдирланади. «Босмачилик ҳаракати» тугатилгач, ташкилот, тергов ҳужжатларида қайд этилишича, ўз фаолиятини миллатга содиқ кадрларни кўпайтириш, уларни партия ва совет аппаратига жойлаштириш орқали миллий анъаналар, қадриятларнинг оёқости бўлишининг олдини олишга, истиқлол имкониятини яратишга сафарбар этади.

1937 йилнинг фожеали воқеалари бошланиши билан миллий республикаларнинг бошқа раҳбарлари қатори Б.Дадабоевнинг ҳам яқин ўтмишда аксилинқилобий ташкилотнинг аъзоси бўлганлиги «ошкор» бўлиб қолади. Партия сафидан учирилган Бутабой Дадабоев то қамоққа олингунига қадар сарсон-саргардонликни бошидан кечиради. Ниҳоят, 1937 йилнинг 31 августида у Ашхобод шаҳрида қўлга олинади. 15 кун давомида қийноқ усталари унинг иродасини синдириш учун турли азобларни унинг бошига соладилар.

Б.Дадабоевнинг «дело»сини кўздан кечирган киши тергов ҳужжатларини ва 2-ранг хавфсизлик комиссари Л.Бельскийга ёзган хатни ўқиб, ундаги иқрорларни кўриб, унинг ўз сафдошлари номини ошкор қилганига эътибор қаратади. Наҳотки, ўз республикасининг мустақил бўлишини орзу қилган, унинг раҳбарларидан бири бўлган киши хиёнат кўчасига кирган бўлса, деган хаёлга ҳам келади. Бироқ қатағон тегирмонининг ишлаш усулидан, совет «гестапочи»ларининг ёвузлиги

ва шафқатсизлигидан хабардор бўлган тарихчилар 1937—1938 йилларга оид сўроқнома ва иқрорномаларга ҳар доим ҳам ишонавермайдилар. Улар бу сўроқнома ва иқрорномаларга қандай йўл билан қўл қўйдириб олинганини яхши биладилар. Зеро, жазо ташкилотлари ўз мақсадларига эришиш, ваҳшийликларини яшириш, қабиҳ ишларини ниқоблаш мақсадида узлари туқиб чиқарган уйдирмаларга сурункалаб ухламаган, чалажон ва қарийб беҳуш маҳбусларга имзо чектириб олибгина қолмай, уларни сафдошлари олдида бадном этганлар ва авлодлар олдида ҳам бадном этиш йўллари уйлаб топганлар. Кекса тарих шундай разилликларга кўп мартаба гувоҳ бўлган. Шунинг учун ҳам совет жазо органлари чиғириғидан ўтказилиб, қатағон қилинган инсонларга баҳо беришда шошқалоқлик қилмаслик, эҳтиёткорлик ва синчковлик билан иш тутиш мақсадга мувофиқ.

Умид қиламизки, ватани ва халқининг ҳур ва озод кунларга эришишини орзу этган, бу борада мардона курашганларга кўмак берган, уларни қўллаб-қувватлаган чуствлик арбоб Б.Дадабоев тақдири тарихчиларимиз томонидан ўрганишда давом этилади.

Избосканлик қурбонлар ва уларнинг бошқа жойлардаги тақдирдошлари

ВКП(б) Марказий Қўмитаси Сиёсий бюроси томонидан 1937 йил 2 июлда қабул қилинган ва И.В. Сталин тасдиқлаган «Советларга қарши унсурлар тўғрисида»ги директива партиянинг республика, вилоят ва шаҳар ташкилотлари ҳамда НКВДнинг бошқа бўлимлари қатори Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасига, республика Ички ишлар халқ комиссарлигига ҳам зудлик билан етиб келади. Унда ўз вақтида турли вилоятлардан шимолий районларга сургун қилинган, кейинчалик сургун муддати тугаб, ўз юртларига қайтиб келган собиқ «қулоқлар» ва бошқа «жиноятчилар»ни колхоз ва совхозлардаги, транспорт ва саноат корхоналаридаги ҳар қандай советларга қарши унсурлар сифатида ҳисобга олиш, энг ашаддийларини зудлик билан қамоққа олиш, «учликлар» қарори билан отиб ташлаш, унча фаол бўлмаган душман унсурларни эса НКВД кўрсатмаси бўйича белгиланган районларга сур-

гун қилиш вазифаси кўрсатилган эди. Шу билан бирга беш кунлик муддатда Марказқўмга «учлик»лар таркибини, шунингдек, отиладиган ва сургун қилинадиганлар миқдорини тақдим этиш талаб қилинган эди.

1937 йил 3 июлда Н.Ежов имзолаган СССР Ички ишлар халқ комиссарлигининг 266—15545-сонли директиваси жойларга юборилди. Бу ҳужжатда «қулоқ» ва бошқа жиноятчилар икки тоифага бўлиниб, биринчисига отиб юбориладиган ўта хавfli унсурлар, иккинчисига эса камроқ хавfli ва НКВД курсатмаси билан сургун қилинадиганлар кирган ҳамда уларнинг таркиби ва миқдорини тақдим этиш суралган. Айти пайтда 8 июлгача телеграф орқали қулоқлар ва жиноятчилар миқдори шахсан Н.Ежовга етказилиши талаб қилинган эди.

1937 йил 11 июлда ВКП(б) МҚ Сиёсий бюроси йиғилишида «Советларга қарши унсурлар тўғрисида»-ги масала кўрилиб, Ўзбекистон бўйича Икромов, Болтабоев, Загвоздинлардан иборат «учлик» таркиби ва Ўзбекистон бўйича отилиши керак бўлган 1 489 киши, сургун қилиниши керак ҳисобланган 3 952 киши ҳақидаги маълумот тасдиқланади.

30 июлда Н.Ежов СССР Ички ишлар халқ комиссарлигининг «Собиқ қулоқлар, жиноятчилар ва советларга қарши бошқа унсурларни қатағон қилиш бўйича операция тўғрисида»ги 00447-сонли мутлақо махфий буйруғига қўл қўяди. Бу буйруққа мувофиқ 1937 йил 5 августда бутун мамлакатда собиқ «қулоқлар», фаол унсурлар ва жиноятчиларни қатағон қилиш бўйича операция утказиладиган бўлди. Ўзбекистонда машғум иш 10 августдан бошланди. Республика НКВДсининг СССР НКВДсига оғзаки берган маълумоти бўйича Ўзбекистондан собиқ «қулоқлар» ва жиноятчиларнинг 1-тоифасига 750 киши киритилиб, уларнинг отувга ҳукм этилиши, 2-тоифага 4 000 киши киритилиб, уларнинг сургун қилиниши белгилаб қўйилди. Уша буйруқ билан Загвоздин (раис), Икромов, Болтабоев (аъзолари)дан иборат Ўзбекистон «учлиги» Ички ишлар халқ комиссари Н.Ежов томонидан тасдиқланди. Бу «учлик»нинг 10 августдаги йиғилишида 56 киши отувга ҳукм қилинди.

Собиқ «қулоқ»лар ва жиноятчиларни топиб отувга, сургунга ҳукм қилиш операцияси турт ой давомида амалга оширилиши керак эди.

1937 йил 30 сентябрга қадар НКВДнинг 1937 йил 30 июлдаги 00447-сонли буйруғи асосида Ўзбекистондаги собиқ «қулоқлар»дан 2 317 киши, аксилинқилобий унсурлардан 2 469 киши қамоққа олинади, шундан 1-тоифа бўйича 453 нафар собиқ «қулоқ», 234 нафар жиноятчи отиб ташланади, 2-тоифа бўйича 142 нафар собиқ «қулоқ», 100 нафар жиноятчи, 159 нафар аксилинқилобчи Ўзбекистондан бадарға қилинади. 1938 йил 1 январгача 5 924 киши собиқ «қулоқ» сифатида, 1679 киши жиноятчи, 3097 киши эса аксилинқилобий унсурлар сифатида, жами 10 700 киши қамоққа олинади. Шу рўйхатдаги 1 376 нафар собиқ «қулоқ» отилади, 4 548 нафар собиқ «қулоқ» эса НКВД йўли билан бадарға қилинади.

НКВДнинг Избоскан тумани бўлими бошлиғи, давлат хавфсизлиги лейтенанти Насритдиновга Ўзбекистон Ички ишлар халқ комиссари уринбосари Кулиничевдан 1937 йил 11 ноябрда «К» серияли хат келади. Унда шундай дейилган эди: «Менинг шахсан сизга 2 ноябрда берган кўрсатмамга мувофиқ тақдим этган рўйхатингизга қўшимча равишда қуйида номлари келтирилган қулоқларни қамоққа олишга санкция бераман:

1. **Тиллабоев Бултур** — 1892 йили туғилган, қулоқ.
2. **Аҳмадалиев Маҳмудбек** — 1902 йили туғилган, қулоқ.
3. **Расулбеков Самар қори** — 1908 йили туғилган, қулоқ.
4. **Маматкулов Абдуқодир** — 1877 йили туғилган, қулоқ.
5. **Мавлонов Қорабой** — 1892 йили туғилган, қулоқ.
6. **Асронкулов Эргаш** — 1885 йили туғилган, қулоқ.
7. **Ҳўжаев Турғун-Абдулла** — 1906 йили туғилган, қулоқ.
8. **Дўстматов Мулла Тўхтасин** — 1887 йили туғилган, қулоқ.
9. **Ҳўжаев Ҳайдар Чирмаш** — 1901 йили туғилган, қулоқ.
10. **Бобоёров Акбар** — 1882 йили туғилган, қулоқ.
11. **Саидов Мадумар** — 1887 йили туғилган, қулоқ.
12. **Мамасолиҳожиев Қодирали** — 1882 йили туғилган, қулоқ.
13. **Болтабоев Мулла Холиқберди** — 1887 йили туғилган, қулоқ.

14. **Машрабов Домонбута** — 1887 йили туғилган, кулоқ.
15. **Раҳимбердиев Мамат Иброҳим** — 1892 йили туғилган, кулоқ.
16. **Ҳожиев Абдураҳим Ҳайдар** — 1897 йили туғилган, кулоқ.
17. **Тулаков Эгамберди** — 1882 йили туғилган, кулоқ.
18. **Валиев Худойберди** — 1892 йили туғилган, кулоқ.
19. **Мирзажонов Юсуфжон қори** — 1903 йили туғилган, кулоқ.
20. **Ашурматов Маткарим** — 1886 йили туғилган, кулоқ.
21. **Раҳмонов Очилбува** — 1882 йили туғилган, кулоқ.
22. **Отабоев Аҳмадали** — 1887 йили туғилган, кулоқ.
23. **Ҳожибоев Тўйчибой** — 1899 йили туғилган, кулоқ.
24. **Раҳматуллаев Отажон** — 1897 йили туғилган, кулоқ.
25. **Саидхонов Рўзихон** — 1900 йили туғилган, кулоқ.
26. **Боқиев Мулла Бадал** — 1892 йили туғилган, кулоқ.
27. **Худойқулов Мамарасул** — 1882 йили туғилган, кулоқ.
28. **Абдурасулов Мулла Абдуллахон** — 1887 йили туғилган, кулоқ.
29. **Ҳусанов Абай Суфи** — 1885 йили туғилган, руҳоний.
30. **Уркунов Жалол** — 1901 йили туғилган, кулоқнинг угли, собиқ босмачи.

Бу қамоққа олинадиганларнинг барчасига уларнинг советларга қарши фаолияти тўғрисидаги материал батафсил тўпланиши ва шунга мувофиқ терговда исботланиши керак.

Қамоққа олинганларнинг ҳаммасини тергов қилиш шу йилнинг 23 ноябригача тугалланиши керак. Ижро этилгани ҳақида хабар етказинг».

Избоскан тумани ички ишлар бўлими Ички ишлар халқ комиссарлигига туман бўйича собиқ «кулоқлар» ва бошқа жиноятчиларнинг тўлиқ рўйхатини тақдим этган. Уша рўйхатга қўшимча юқорида кўрсатилган 30 кишини қамоққа олиш ва улар ҳақидаги материалларни тўплаш, тергов қилиш, тергов натижаларини юбориш талаб қилинган. Ўз-ўзидан равшан-

ки, уша 1937 йил 2 июлдаги мудҳиш директива бўйича биргина Избоскан туманидан шунча катта миқдорда «собиқ қулоқлар ва жиноятчилар» топилган ва қатағон қилинган.

Табийки, бошқа аксар жабрдийдалар қатори, шу қушимча равишда қатағон қилинган 30 нафар юртдошимизнинг қисмати ҳам бизга маълум эмас.

Яқинда Қозоғистонга қилган илмий сафаримиз чоғида «Адолат» илмий-маърифий жамияти 1996 йили Алматида нашр этган 359 бетли «Книга скорби» («Азалии китап»), яъни «Азали китоб»нинг 1-тўпламини қўлга киритдик. Бу китобда Қозоғистон ҳудудида сиёсий айблар билан қатағон қилиниб, отилиб кетган шахсларнинг Олмаота вилояти бўйича рўйхати берилган. Ана шу рўйхатда 13 нафар ўзбекистонлик қатағон қурбонларининг номлари ҳам бор:

Александров Константин Александрович, 1891 йили Тошкент шаҳрида туғилган, рус. Олмаота шаҳрида яшаган, ҳимоячилар коллегияси аъзоси. НКВДнинг Олмаота бошқармаси «учлиги» томонидан 1937 йил 1 декабрда ҳукм қилинган. Қозоғистон ССР прокурорининг 1989 йил 11 майдаги хулосаси билан реабилитация қилинган;

Асфандиёров Санжар Жафарович, 1899 йили Тошкент шаҳрида туғилган, Олмаота шаҳрида яшаган, қозоқ, СССР Фанлар академияси Қозоғистон филиали раиси ўринбосари. СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси томонидан 1938 йил 25 февралда ҳукм қилинган. СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси хулосаси билан 1958 йил 27 майда реабилитация қилинган;

Багдасаров (Багдасарьянц) Сергей (Саркис) Александрович, 1912 йили Самарқанд шаҳрида туғилган, арманин, машғулоти аниқ эмас. НКВДнинг Олмаота бошқармаси «учлиги» 1937 йил 20 августда ҳукм қилган. Олмаота вилояти прокурори томонидан 1989 йил 17 апрелда реабилитация қилинган;

Гладишев Сергей Ильич, 1912 йили Тошкент шаҳрида туғилган, Олмаотада яшайди, рус, Қозоғистон ССР Давлат банкида кадрлар бўйича инспектор, СССР НКВДси ва Прокуратураси комиссияси 1938 йил 20 февралда ҳукм чиқарган, Туркистон ҳарбий округи Ҳарбий трибунали 1957 йил 21 сентябрда реабилитация қилган;

Қодиров Абдулла Қодирович, 1895 йили Тошкент шаҳрида туғилган, Олмаотада яшайди, ўзбек, Давлат банкининг Олмаота шаҳри ва Олмаота вилояти бўйича филиали бошқарувчиси, СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси 1937 йил 4 октябрда ҳукм қилган. 1958 йил 6 майда СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси реабилитация қилган;

Лазарев Илья Алексеевич, 1889 йили Самарқандда туғилган, рус, «Ўзёқилғисавдо» трести ишчиси, НКВД-нинг Олмаота бошқармаси «учлиги» 1938 йил 20 октябрда ҳукм қилган. 1989 йил 24 апрелда Қозоғистон ССР прокуратураси реабилитация қилган;

Машков Багис Георгиевич, 1895 йили Тошкент шаҳрида туғилган, Олмаота шаҳрида яшайди, рус, гидротехникумда муҳандис. СССР НКВДси махсус бўлими 1938 йил 28 апрелда ҳукм қилган. 1989 йил 24 апрелда Қозоғистон ССР прокуратураси реабилитация қилган;

Ожго Анатолий Францевич, 1890 йили Тошкент шаҳрида туғилган, Олмаота шаҳрида яшайди, рус, «Союзшерсть» трестида ҳисобчи, СССР НКВДси ва прокуратураси комиссияси 1938 йил 11 февралда ҳукм чиқарган. 1898 йил 22 августда Қозоғистон ССР прокурори реабилитация қилган;

Притёв Семён Иванович, 1900 йили Тошкент шаҳрида туғилган, Сари Ўзак темир йўл бекатида яшайди, рус, Царская бекати бошлиғи. СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси 1937 йил 20 октябрда ҳукм қилган. 1957 йил 25 июнда СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси реабилитация қилган;

Распопов Виктор Яковлевич, 1895 йили Фарғона вилояти Наманган туманининг Қорамозор деган жойида туғилган, Олмаота шаҳрида яшайди, рус, Қозоғистон ССР прокурори ўринбосари. 1938 йил 26 февралда СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси ҳукм қилган. 1956 йил 26 августда СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси реабилитация қилган;

Туракулов Назир Тўракулович, 1893 йили Фарғона вилоятида туғилган, Москвада яшайди, қозоқ, СССР Марказий Ижроия Қўмитаси Миллатлар Иттифоқи ҳузуридаги Тил ва ёзувлар институти илмий ходими. СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси 1937 йил 3 ноябрда ҳукм чиқарган. 1958 йил 28 январда СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси реабилитация қилган;

Умархужаев Низомиддин, 1887 йили Ўзбекистонда туғилган, Олмаотада яшайди, ўзбек, мулла. НКВДнинг Олмаота бошқармаси «учлиги» 1937 йил 4 декабрда ҳукм чиқарган. Қозоғистон ССР прокурори хулосаси билан 1989 йил 27 мартда реабилитация қилинган;

Филимонов Трофим Сафонович, 1895 йили Самарқанд шаҳрида туғилган, Олмаота шаҳрида яшайди, рус, йиғувчи. НКВДнинг Олмаота бошқармаси «учлиги» 1937 йил 15 ноябрда ҳукм қилган. 1989 йил 31 мартда Қозоғистон ССР прокурори хулосаси билан реабилитация қилинган.

Булардан ташқари, Қарағанда лагерида ҳалок бўлган маҳбусларнинг ҳам хотира китоби нашр этилган бўлиб, унда куйидаги 5 нафар ўзбек ва 1 нафар тожик ҳақида ҳам маълумот берилган:

Бобониёзов Ражаб, 1896 йили Қорақалпоғистон АССР Кўнғир туманидаги 2-овулда туғилган. 1938 йил 7 февралда Ўзбекистон Ички ишлар халқ комиссарлиги вилоят бошқармаси қошидаги «учлик» томонидан аксилинқилобий гуруҳда иштирок этганлиги учун 10 йил қamoқ жазосига ҳукм қилинган. Жазони Қарағанда лагерида ўтаган. 1943 йил 29 июлда юрак хуружи, пеллагра, упканинг эмфизема бўлишидан вафот этган. Қарағанда лагерининг Долинка посёлкасидаги 2-қабристонда дафн этилган;

Обидов Алиакбархон, 1890 йилда туғилган, ўзбек, 1937 йил 14 сентябрда «учлик» томонидан отувга ҳукм қилинган;

Аҳмедов Фуломҳайдар, 1899 йилда туғилган, тожик, 1937 йил 14 сентябрда «учлик» томонидан отувга ҳукм қилинган;

Эрниёзов Турди, 1909 йилда туғилган, ўзбек, 1937 йил 20 ноябрда «учлик» томонидан отувга ҳукм қилинган;

Рузиев Раҳмат, 1888 йилда туғилган, «учлик» томонидан 1938 йил 20 январда отувга ҳукм қилинган;

Холиқов Солиат (Самат), 1914 йилда туғилган, СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси томонидан 1943 йил 11 февралда отувга ҳукм қилинган.

Келгуси изланишлар натижасида қатағон этилган бошқа юртдошларимизнинг пок номлари ва тақдирлари ҳам аниқланиб боради, деб умид қиламиз.

Маҳбус юртдошлар қисмати

Қатағон қурбонларини ёд этиш қуни муносабати билан 2004 йил 31 августда «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуида утказилган маросимда иштирок этган Юртбошимиз Ислон Каримов уз нутқида «Қатағон қурбони бўлган боболаримизга эҳтиром сифатида мана шу зиёратгоҳда уларнинг жасоратини ифодалаш мақсадида ёдгорлик ўрнатсак, унинг пойига истибдод қурбонига айланган ватандошларимизнинг, жумладан, Сибирь ва бошқа ҳудудларга сургун қилинганларнинг исми-шарифини ёзсак, уйлайманки, ўтганларнинг руҳини янада шод этган бўламиз», деди. Бу, ниҳоятда одилона ва улуғ фикр. Уни бажонидил қўллаб-қувватламоқ зарур. Ахир, Ўзбекистонда ўтган асрнинг 20 — 30-йилларида «қулоқлар» сифатида қўллаб қишлоқ аҳолиси ноҳақдан Украинага, Шимолий Кавказга, Қозоғистонга, Сибирга сургун қилинган бўлиб, улар ҳам қатағон қурбонлари ҳисобланади. Биргина Тошкентда эмас, ҳар бир вилоятда қатағон қурбонлари ҳақида ёдгорликлар ўрнатиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистонда 20—30-йиллардаги сиёсий қатағон кулами бу қадар катта ва даҳшатли бўлганлигини собиқ СССРдаги қўллаб концентрацион ва меҳнат-тузатув лагерларида қамоқ жазосини ўтаб, жабру жафо тортган ўзбек маҳбуслари миқдоридан ҳам билса булади. Уларнинг қисмати янги тарихимиздан ўрин олмоғи лозим.

Кимлар сургун қилинган, кимлар лагерларга юборилган, кимлар отилган, кимлар қамоқхоналарда, меҳнат лагерларида, сургунгоҳларда, уруш жанггоҳларида ўлиб кетган — бугунги ва келажак авлодлар буларнинг ҳаммасини аниқлашлари лозим.

«Катта террор» авжига минган 1937 йил 1 октябрдаги маълумотнинг 1-қисмига кура, СССР Ички ишлар халқ комиссарлиги лагерлари бўйича 20 954 ўзбек маҳбуси бўлган. Уларнинг 2 643 нафари Байкал—Амур лагериди, 1 923 нафари Волга—Москва қурилиши (Дмитров лагери) да, 1 554 нафари Углич—Рибинск қурилиши (Волга лагери) да, 1 673 нафари Оқ денгиз—Болтиқ лагериди, 687 нафари Коми АССРдаги Ухтим лагериди, 543 нафари Молдова АССРдаги Тем лагериди, 2 247 нафари Владивосток лагериди, 643 нафари Новосибирск лагериди, 3 029 нафари Тошкент-

даги Ўрта Осиё лагерида қamoқ жазосини тортган, оғир меҳнат қилган эди.

Мазкур маълумотнинг 2-қисмида эса ўзбеклардан 854 кишининг Қарағанда, 12 кишининг Прорва, 23 кишининг Норильск, 1 199 кишининг Вяземск, 69 кишининг Калуга, 250 кишининг Сталин темир йул бекати, 96 кишининг Жануби-Шарқий Гавана, 47 кишининг Подольск аэродроми, 70 кишининг Самара, 655 кишининг Шимоли-Шарқий лагерларда, жами 3 275 ўзбекнинг бўлганлиги қайд этилган.

1939 йил 1 январга оид маълумотга қараганда, НКВД меҳнат-тузатув лагерларида қamoқ жазосини утаётганлар орасида 23 855 ўзбек бўлган. Бу маҳбуслар аксар ҳолларда жосуслик, террорчилик, диверсия, ватанга хиёнат, троцкийчи-зиновьевчилик, ватан хоини оиласининг аъзоси булишликда айбланганлар. Улар ОГПУ — НКВД органлари, жумладан, НКВД махсус кенгаши, НКВДнинг махсус «учлик»лари, Адлия халқ комиссарликлари томонидан ҳукм қилинган.

1942 йил 1 январиди барча лагерларда азоб чекаётганлар орасида ўзбеклар 26 907 кишини (2 фоиз) ташкил этган бўлсалар-да, Ўрта Осиё бўйича сиёсий қатағонга учраганлар орасида улар биринчи ўринда турганлар ва сиёсий қатағон гирдобига бошқалардан кура купроқ тортилганлар. Республикада сиёсий қатағон ён-атрофдаги қардошларга нисбатан анча оғир ва даҳшатли кечган. Меҳнат-тузатув колониялари ва лагерларида Ўзбекистон ССР бўйича 1959 йил 1 январда 14 479, 1959 йил 1 сентябрда 17 294, 1960 йил 1 январда 10 258 киши қamoқ азобини тортган. Иккинчи жаҳон урушида асир тушиб, бир амаллаб юртига қайтиб келган купгина юртдошларимиз қamoққа олиниб, узоқ жойлардаги концлагерларга олиб бориб ташланган. Уларнинг купчилиги турмаларда ўлиб кетган.

Узоқ Шарқ лагерида қamoқ жазосини утаётган ўзбеклар Норильск, Ворошилов, Тойшет—Братск, Улан-Удэ—Наушки, Известковая—Урал, Усть-Ниман—Комсомольск, Волочаевка—Комсомольск, Биробиджан—Ленинская, Посьет—Брановский темир йул бекатлари орасидаги темир йул қурилишларида меҳнат қилганлар.

Дмитров меҳнат-тузатув лагеридаги маҳбус ўзбеклар механика заводида газогенератор автомашиналар

ва мебель ишлаб чиқаришида, Волга—Москва канали қурилишида меҳнат қилганлар.

Волга лагеридаги ўзбек маҳбусларидан Рибинск ва Углич сув иншоотлари қурилишида, ёғоч тайёрлашда фойдаланилган.

Беломор—Болтиқ лагеридагилар эса Беломор—Болтиқ канали, Сорокпарти, Сегеж ёғоч-қоғоз кимё комбинати қурилишида, ўрмончиликда, қишлоқ хўжалигида ишлаганлар.

Ухтин—Печерск лагеридагилар нефть-газ қидирув ва қазиб олиш, гелий заводи қурилишида, радиё олиш учун сувни қайта ишлаш, Чибыю—Крутой трактини қуришда, ёғоч тайёрлашда иштирок этганлар.

Темниково лагеридагилар ўрмончилик ва мебель ишлаб чиқариш билан машғул бўлганлар.

Узоқ Шарқ лагеридагилар эса 201-сонли Амурни чуқурлаштирув ишларида, қишлоқ хўжалиги, балиқ овлаш, ёғоч тайёрлаш, махсус қурилишлар учун хўжалик органларида ишчи кучи сифатида қатнашганлар.

Сибирь лагеридагилар қишлоқ хўжалигида, тикув фабрикасида, ёғоч тайёрлашда меҳнат қилганлар.

Тошкентдаги **Ўрта Осиё лагеридагилар** (1939 йил 15 апрелда бу лагерда 46 377 маҳбус булган) эса Чирчиқ қурилишида ва пахтачилик совхозларида меҳнат қилишган.

Қарағанда лагеридагилар (бу лагерда ҳам ўзбек маҳбуслари кўп бўлган) қишлоқ хўжалигида, Балхаш қурилишида ишлаганлар.

1935 йил 11 январдаги маълумотда Тошкентдаги Урта Осиё лагерида 26 829 маҳбус бўлиб, уларнинг Текстиль комбинати, Чирчиқ шаҳри, Шоҳруд, Ҳазарбоғ қурилишларида, Чуй трестида, «Пахтаорол» совхозида меҳнат қилганлари қайд этилган.

Узоқ юртларда азоб чеккан, оғир меҳнатдан тинкамасдори қуриб, оғир дардларга чалиниб, ўз юртига, оиласига, қавм-қариндошига зор бўлиб улиб кетганлар орасида андижонликлар ҳам булганларки, қулимизда уларнинг айримларини эслаш имконини берувчи ҳужжатлар мавжуд.

Андижон шаҳридан, аниқроғи Ҳакандан «қулоқ» сифатида Херсон вилояти Голопристань туманига сургун қилинган хўжалик раҳбари **Соҳиб Исоқовга** 1937 йил 9 августда «учлик» қарори билан 10 йил қамоқ

жазоси берилган, уни Қарағанда лагерига олиб бо-ришган. У шу жойда оғир касалликдан вафот қилади.

Асака тумани Бушкон қишлоғидан Каховск туманига сургун қилинган **Сойибжон Иброҳимов**га 1938 йил 3 апрелда НКВД Николаев вилояти бошқармаси «учлиги» қарори билан 10 йил қамоқ жазоси берилиб, у жазони ўташ учун Узоқ Шарқдаги Нагаево бухтасига юборилган.

Асаканинг Ҳурама қишлоғидан сургун қилинган **Хўжамкул Ҳасанов** ҳам 10 йил қамоқ жазосини Воркутадаги лагерда ўтказган. Бу ҳар икки маҳбус қамоқхонадан туриб СССР Ички ишлар халқ комиссарлигига ноҳақ қамалганликларини баён этиб, ариза йўллаганлар. Хўжамкулнинг аризаси охирида мана бундай сўзлар бўлган: *«...Ушбу билан менинг ишимни қайта кўриб чиқиб, қамоқдан озод қилишингизни, ноҳақ жазоланганимни ҳам ҳал қилиб беришингизни сўрайман Ҳасанов»*. Аммо Х.Ҳасановнинг аризаси натижасиз қолиб, ҳар иккала маҳбус ўша лагерда оламдан ўтган.

Улан-Удэ шаҳридаги Амур лагерига андижонлик жадидлардан **Султонмасъуд Холботиров**, унинг укаси таниқли арбоб **Шоҳруҳ Холботиров** эса Рибинск лагерига ҳалок бўлган.

Олим, педогог ва муҳандис **Хусайнхон Ниёзов** 1947 йил 29 апрелда узоқ Магаданда оламдан ўтган.

Ажойиб педагог, андижонлик зиёлилардан 36 ёшли **Боқи Маҳмудий** Узоқ Шарқнинг Шулика турмасида 1939 йил 22 октябрда вафот этган.

Журналист, режиссёр, драматург **Расулжон Раҳимий** ҳам 40 ёшида Узоқ Шарқ лагерига бандаликни бажо келтирган.

Асаканинг Кужғон қишлоғидан Каховск тумани Красний подал посёлкаси 2-пахтачилик совхози 3-булимидан сургун қилинган **Усмонбек Ҳайтматов** (1910 йилда туғилган) 1941 йили меҳнат армиясига олинди. Челябинскда ишлайди. Сунгги тақдири номаълум.

Шаҳрихон тумани Аяқчи қишлоғидан сургун қилинган **Дадажон Мирзарайимов** (1897 йили туғилган) 1941 йили Каховск тумани 2-пахтачилик совхози 1-булимидан меҳнат армиясига олинган, тақдири маълум эмас.

Холдеонбек тумани Найново қишлоғидан **Мирзакарим Абдукаримов** (1887 йили туғилган) Каховск тумани 2-пахтачилик совхозида ишлаётган пайтида 1937

йили НКВД томонидан қатағон қилинган. Унинг оиласи 1946 йили юртига қайтиб келган.

Холдеонбек қишлоғидан Каховск тумани 2-пахтачилик совхозида меҳнат қилаётган **Бурҳон Султонов** 1944 йили қатағон қилиниб, 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилади. Сунгги тақдири маълум эмас. Оила аъзолари 1946 йили юртига қайтиб келган.

1825 йил 14 декабрда Россия подшолигига қарши исён кўтарган декабристлар осилган, қамалган ва Сибирга сургун қилинган эди. Аммо подшо ҳукумати уша пайтда уларнинг оиласи, аҳли-аёли ва фарзандларига озор бермаган. Сибирга сургун қилинган декабристларнинг аёллари уз эрлари орқасидан боришган ва улар халқ хотирасида қаҳрамон аёллар деган ном билан қолганлар. Советлар эса ҳатто ноҳақ қатағон этилган кишиларнинг оиласи, бола-чақаларини ҳам хонавайрон қилди, улар ҳам қамоққа олиниб, она юртидан жудо этилди.

Турма ва лагерларда азоб-уқубат чеккан «халқ душманлари»нинг хотинлари, Чўлпон таъбири билан айтганда, уша мудҳиш даврларнинг қаҳрамонлари бўлишган. Улар ҳам мислсиз азоб тортганлар. Ўзга юртлардаги қамоқхоналарда маҳбусликнинг аччиқ қисматини тотган аёллар оз бўлмаган. Қозоғистонда **Алжир** (Акмолинский лагерь жён изменников Родины) ташкил бўлган. Унда қатағон қилинганларнинг аёллари қамоқ жазосини ўтаганлар. Уларнинг болалари ҳам алоҳида болалар уйларида тарбияланган.

«Халқ душмани» Ғози Юнуснинг хотини бўлгани учун **Хадича Алиева** 1938 йил 5 апрелда 3 йил муддатга меҳнат посёлкасига бадарға қилинган. У таниқли давлат арбоби Мўмин Усмоновнинг турмуш ўртоғи журналист **Собира Холдорова** билан битта лагерда бўлган.

Андижон округ партия ташкилотининг собиқ котиби **Ўринбой Ашуров** қатағон қилиниб, отиб ташланган. Унинг рафиқаси **Кимёхон Ашурова** 5 йилга озодликдан маҳрум қилиниб, Красноярск ўлкасига юборилган. У Енисей дарёси бўйида бир чол билан кампирнинг уйида жон сақлаган. 1942 йили 33 ёшида она юртига қайтиб келган.

1938 йил 4 октябрда отиб юборилган Абдулҳай Тожиёвнинг хотини **Тожиҳон Аҳмедова** Мордва, Карело-

фин автоном республикасидаги лагерларда, 1941 йилдан эса Қарағанда лагерида қамоқ жазосини ўтаган.

Шоир Ботунинг хотини **Валентина Петровна Васильева** 10 йил муддатга озодликдан маҳрум этилиб, Сибирга юборилади. У ердан 1950 йилдагина озод этилган. Миллатчиликда айбланган Восиқ Муҳаммедовнинг рафиқаси **Матлуба Муҳаммедова** ҳам 1938 йил 16 январда қамоққа олинган. У жазо муддатини Сибирнинг «Усольский» лагерида ўтаган.

Файзулла Хўжаевнинг яккаю ягона қизи **Вилоят Хўжаева** 16 ёшидаёқ ҳибсга олиниб, онаси **Малика Хўжаева** билан бирга Қозоғистонга сургун қилинган. У Қозоғистон Республикасининг Усть-Каменогорск шаҳридаги Иртиш ГЭСи қурилишида ишчи, табелчи бўлиб ишлаган. Унинг муштипар онаси Малика Хўжаева 1953 йили сургунда қизи Вилоятнинг тиззасига бош қуйиб ҳаётдан кўз юмган, бечора бувиси **Райхон Хўжаева** эса Тошкент вилоятидаги қамоқхоналарнинг бирида 1938 йили ўлган.

Мустабид тузум дастидан кўплаб юртдошларимиз хорижга бош олиб чиқиб кетишга ҳам мажбур бўлганлар. 1932 йил 5 августига оид бир махфий ҳужжатда Урта Осиёнинг чегара туманларидан Эронга 1 073, Афғонистонга 1 218, Хитойга 40 га яқин хўжалик ўтиб кетгани, 1 867 хўжалик эса чегарада ушлаб қолингани қайд этилган. Биргина Марҳамат туманидан 1930 йилнинг 20 февралидан 24 февралигача бўлган муддатда 37 хўжалик қочиб кетган. Избоскан туманидан 1932—1933 йилларда 37 нафар шахс Қошғарга ўтиб кетган.

Тарих ўз маромида кечишда давом этади. Даврлар кетидан янги даврлар, авлодлар кетидан янги авлодлар келаверади. Аммо бугунги ва келажак авлодлар қатағон даврининг аччиқ тузини тотган, бу дунёдаги ҳаётлари азоб-уқубат ичида ўтган юртдошларимиз хотирасини асло унутмасликлари лозим.

ҚАТАҒОН ДАВРИ ДАҲШАТЛАРИ

Қатағон қиличи

«Учлик» — қатағон авж олган йилларнинг қиличидир. Унинг 1937 йил 23 августда бўлиб ўтган биргина йиғилишида 95 киши ўлимга маҳкум этилган.

Қатағон этилган юртдошларимизнинг архив-жиноий ишларидан бирида 1926 йил 25 март куни Самарқандда «Қизил Ўзбекистон» газетаси таҳририятида бўлиб ўтган суҳбат ҳақида «Машраб» лақабли хуфянинг бундай маълумотномаси сақланган: «Таҳририятнинг бир хонасида Зиёвутдинов, Норбутабеков, Исоқов, Холботиров ўзаро суҳбат қилишди. Адлия халқ комиссарлиги коллегияси аъзоси Тошпўлатбек Норбутабеков бундай дейди:

— Ўрисларнинг ҳозирги сиёсати асрий миллий низо билан боғлиқдир... Бу нафрат, низо узоқ даврлардан бери давом этмоқда... Шу сабабли биз учун бирдан-бир ва энг ишончли умид хорижий давлатдир. Улардан биз ёрдам ҳам кутмоғимиз зарур. Агар худо хоҳласа, улар бизларни бу мустамлакачилар зулмидан халос этадилар. Файзулла Хўжаев ва Хидиралиевлар гафлатда қола олмайдилар — масалани улар кенгроқ кўядилар ва масала ижобий ҳал этилади».

НКВД архивидаги бу ҳужжат мустабид совет тузумида тараққийпарвар зиёлилар қандай назорат остида яшаганларини ва уларнинг сўзларини бузиб талқин этганларини намойиш этувчи кичик бир далолатдир, холос. Ўша даврларда ҳар бир зиёли орқасидан бир эмас, балки бир неча айғоқчилар қўйилган.

20—30-йиллардаги қишлоқ ҳўжалигини жамоалаштириш кампанияси билан боғлиқ қонунбузарликлар ва уларнинг бошларида турган машъум «учлик» кирди-корларига бир назар ташлайлик.

1930 йил 20 февралда Марказдан келган қарорда Ўзбекистонда яшовчи «биринчи тоифали 1 000 фаол қулоқ»ни қамоққа олиш ҳақида топшириқ берилган эди. Бу ҳужжат «Жамоалаштириш ва иқтисодий жиҳатдан орқада қолган миллий районлардаги қулоқларга қарши кураш тўғрисида» деб аталади. Қарорни ижро этиш собиқ СССР тарихида машъум из қолдирган «учлик»ка топширилган. Москва вакиллари аъзо бўлган «учлик» раиси ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги вакили Л.Бельский, ўринбосари В.Каруцкий, аъзоси эса ОГПУ округ қўшинлари қўмондони Бабкевич эди. Мазкур «учлик» чиқарган ҳукм ва қарорлар 180 жилдни ташкил қилган. Улар Москвага юборилган ахборотларида 1930 йил 20 февралдаги қарор муддатидан аввал ва ошиғи

билан бажарилганини, яъни 1 195 кишининг ҳибсга олинганини баён этишган.

«Учлик» фақат 1930 йилнинг 22 февралидан 2 июн-гача бўлган давр ичида 583 кишини отувга ҳукм қилади ва бундан бир неча бор куп кишини концлагерларга уташ шарти билан 3—10 йил муддатли қамоқ жазосига ҳукм этади. Маҳбусларнинг бир қисми қамоқ ва сургун жазосини уташ учун Сибирь, Урал, Шимол ва Қозоғистонга бадарға қилинади.

«Учлик»нинг 1930 йил 22 февралдаги қарори билан Андижон ГПУсининг тақдимига кўра, 11 киши бой ва «қулоқ» бўлгани, ўтмишда «босмачилар»га кўмаклашгани ва уларни яширганлиги учун отувга ҳукм этилади.

Марказнинг топшириғи бажарилганидан сўнг ҳам «қулоқ»ларни террор қилиш тўхтамайди. Каллакесарлик кучайгандан кучайиб боради, қатағон домига купдан-куп ватандошларимиз тортилаверади.

«Учлик»нинг 1930 йил 27 октябрдаги йиғилишида Носирхон тура Камолхонтураев иши кўрилган. Бу машҳур мударрис 1917 йил Февраль инқилобидан Октябрь тўнтаришигача бўлган даврда Наманган шаҳар думасининг аъзоси бўлган. 1917 йил ноябрида Туркистон мухторияти ҳукуматининг вазири лавозимида ишлаган. Истиқлолсеварлиги билан танилган бу зиёли 1925 йили қамалиб, 1928 йилгача сургунда бўлган. 1930 йилга келиб, яна қамоққа олинган ва отувга ҳукм қилинган.

«Учлик» Термиз оператив сектори томонидан тайёрланган «иш» материаллари бўйича 1931 йил 13 октябрдаги йиғилишида 159 кишининг тақдирини «ҳал қилади». 16 октябрда Хива, Урганч, Хазорасп туманлари бўйича «иш»лар кўрилиб, Хивадан 17 киши отувга ҳукм этилади. Улар қаторида Матёқуб Ясовулбоши (55 ёшда, хон амалдорлари оиласидан, 1928 йили қулоқ қилинган), Полвон Қози (Қизилёр қишлоғидан, 1930 йилда колхозга қарши тарғибот олиб борган), Исмоил Ражаб Девон ҳожи Девонов (55 ёшда, Уста Хужакент қишлоғидан), Нақиб ҳожи Фаритдин Нақибов (55 ёшда, Хива шаҳрида яшовчи Асфандиёрхоннинг қайнотаси) бўлганлар. Жонибек Қушбеги Худоёр Қушбегиев, Саъдулла Унни тура Саидабдуллахонов, Салимхужа Хонхужаев, Абдураим Девон Матёқуб Девонов, Бобожон Эшон Улуғжон Эшонов, Отаёр Эшон Улуғ-

жон Эшонов, Умаржон Эшон, Абдулла Эшон Мамажон Эшонов каби таниқли зиёлилар ҳам отувга ҳукм этилганлар. Мустабид ГПУ жаллодлари Урганч туманида яшовчи қарияларни ҳам аямаганлар. 75 ёшли Мулла Қўччай, 69 ёшли Худойберган Юсупмаш, 55 ёшли Ҳайдаров Абдураим, 85 яшар Нурман Воисов, 60 яшар Мулла Рўзмат Худойберганов шулар жумласидан бўлиб, улар ҳам ўлимга ҳукм қилинган.

1937 йилда ҳам «қулоқ» тамғаси билан қўплаб деҳқонлар қатағон қилинган. Бу вақтда энди НКВД деган мудҳиш ташкилотнинг 1937 йил 30 июлидаги 00447-сонли директиваси асосида «иш» курилган.

Қўлимизда Ўзбекистон Республикаси НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 10 августда бўлиб ўтган йиғилишининг 1-сонли баённомаси мавжуд. «Учлик» раиси: ЎзССР Ички ишлар халқ комиссари Загвоздин, аъзолари: Ўзбекистон КП(б) Марказий Қўмитаси котиби Икромов билан ЎзССР Халқ Комиссарлари Кенгаши раиси ўринбосари Тўрабеков. Баённомада бундай сўзлар ёзилган:

«Эшитилди:

ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлигининг 1894 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек, собиқ йирик қулоқ, 1919 йилдаги Осипов аксилинқилобий исёни иштирокчиси, йирик ер эгаси, эксплуататорнинг ўғли **Абдусатторхўжа Абдужабборхўжаев**ни айбловчи 4315-сонли иш.

Қарор қилинди: Абдужабборхўжаев Абдусатторхўжа — отилсин.

Унга шахсан мансуб бўлган мол-мулк мусолара қилинсин».

1937 йил 14 августидagi «учлик» йиғилишида отувга ҳукм қилинган 56 кишидан бири **Абдуқодир Қушбеғиев** эди. У 1882 йилда Тошкент шаҳрида собиқ Қўқон хони Худоёрхон амалдорларидан бирининг оиласида туғилган. Буни қарангки, 1918 йилдан 1925 йилгача ВКП(б) аъзоси бўлган.

Ўша кунги йиғилишда НКВДнинг Андижон сектори томонидан тақдим этилган 2672-сонли «иш» курилади. 65 ёшли, Андижон райони, Маслаҳат қишлоғидан руҳоний **Мулла Тўраҳон Абдуқаюмов** масжидда ибодат қилиш чоғида йиғилганларга қарата совет ҳокимиятига қарши аксилинқилобий нутқ сўзлаб, тўпланган-

ларни Ўзбекистонда «Мусулмонобод» давлатини куриш ҳақида ибодат қилишга даъват қилгани учун отувга ҳукм қилинган.

«Учлик»нинг 1937 йил 17 августдаги йиғилишида **Муҳаммад Шарифбой Худойбердиев — Суфизода** (1867 йили Чуст шаҳрида туғилган, 1919 йилгача муҳожирликда яшаган, 1919 йилдан 1922 йилгача ВКП(б) аъзоси бўлган, ундан ўз ихтиёри билан чиқиб кетган, «Миллий иттиҳод» аксилинқилобий ташкилоти аъзоси, 1933 йилдан нафақада) тақдири ҳал бўлади. Унга муҳожиротдан келгач, «чет эл разведкаси топшириғига кўра, «Миллий истиқлол» аксилинқилобий ташкилотига кирган, фаол аксилинқилобий фаолият олиб борган, босмачиликни қўллаб-қувватлаган, аксилинқилобий гуруҳлар ташкил этишда ташаббус кўрсатган, шахсан ўзи ёзган аксилинқилобий шеърларини тарқатган», деган айб қўйилади. Ана шу тўқима айби учун машҳур шоир Суфизода қатл этилади.

«Учлик»нинг 1937 йил 23 августдаги биргина йиғилишида ҳаммаси бўлиб 95 киши улим жазосига ҳукм қилинади.

Биз ушбу лавҳада мустабид совет тузуми даврида асосиз қатағон этилган кишилар ва уларнинг фожеали тақдирига оид айрим ҳужжатларнигина Сиз, азиз китобхонларнинг ҳукмига ҳавола қилдик. Собиқ совет давлатининг махфий архивларида бу каби аламли, дардли тарихимиздан шоҳидлик берувчи кўплаб ҳужжатлар сақланиб қолган.

Бир шахснинг қисмати

1937 йил 30 июль куни «темир нарком» Н.Ежов НКВДнинг «Собиқ қулоқлар, жиноятчилар ва бошқа советларга қарши унсурларни қатағон қилиш бўйича операция тўғрисида»ги 00447-сонли мутлақо махфий оператив буйруққа имзо чекди. Бу буйруққа мувофиқ 1937 йил 5 августдан бошлаб барча республикалар, улкалар ва вилоятларда собиқ қулоқлар, советларга қарши унсурлар ва бошқа тоифалардаги жиноятчиларни қатағон қилиш операциялари ўтказиладиган бўлди. Ўзбекистонда бу операция 10 августдан бошланиши белгилаб қўйилди. Биринчи категория бўйича 750, иккинчи категория бўйича 4 000, жами 4 750 киши қата-

фонга тортилиши зарур эди. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссари Н.А.Загвоздин раислигида Ўзбекистон Компартияси Марказқумининг биринчи котиби ва бир масъул ходимдан иборат «учлик» тузилди.

Марказ топшириғини ҳар галгидек Ўзбекистонда ҳам шошилинч равишда амалга оширишга киришилди. Қатағон режасини бажариш бўйича ким ўзди пойгаси бошланди. Мудҳиш пойга андижонликлар бошига ҳам кўпдан-кўп фожеаларни солди. Айниқса, зиёлилар чекига оғир мусибатлар тушди. Фақат 2 июлдан 10 октябргача бўлган вақтда зиёлилардан 28 нафари қатағон тифига учради. Ана шу сиёсий террор қурбонларидан бири Зокир Нусратий бўлиб, уни тергов қилиш ва гувоҳларни сўроқлаш жараёни, жазо органларининг қўллаган усуллари, инсон қадр-қиммати, ҳақ-ҳуқуқларини топтагани қаттол тузумнинг ёвузона моҳиятини яққол кўриш имконини беради.

28 ёшли комсомол аъзоси, Бойтўпи қишлоғида яшовчи, Янгиобод қишлоқ совети раиси Саттор Раҳмонов 1937 йил 25 августда Зокир Нусратий «иш»и бўйича сўроқ қилинади:

ТЕРГОВЧИ: Ҳисобчи Зокир Нусратов ва бошқаларнинг гуруҳбозлик фаолияти ҳақида, улар кимлар билан, қандай алоқадалиги ҳақида сизга нималар маълум?

САТТОР РАҲМОНОВ: Зокиржон Нусратовни 1934 йилдан бери биламан. Янгиободга келганидан сўнг у бухгалтер Хуторнийнинг ёрдами билан Каганович номли колхозга ҳисобчи бўлиб жойлашган. Кейинчалик 1936 йилда 2-МТС директори Полтавченко уни АПУга ҳисобчи-бухгалтерлик лавозимига кўтарди. Зокир Нусратов Янгиобод қишлоқ советига ўзининг эски танишларини тортиб, уларни ҳисоб ишларига жойлаштира бошлайди. Унинг бевосита иштирокида Баҳромов Сайфи «Ҳужум» колхозига ҳисобчи бўлиб, Шокиров ҳожи «Эркин» колхозига ҳисобчи этиб жойлаштирилган. Кейингиси билан Нусратов яқиндан алоқала бўлган.

Бу шахслардан ташқари, Нусратий ҳозирги вақтда Қўрғонтепада магазин мудири лавозимида ишлаётган Имоиддин Обиддинов билан яқин алоқала бўлган. Имоиддин Янгиободга келиб туради, унинг укаси Бурҳониддин Обиддинов Каганович номли колхозда кассир котиби бўлиб ишлайди. Янгиободга келганида Имоид-

дин Обиддинов, албатта, Нусратий ҳузурига киради. Нусратий уйида Бурҳониддин Обиддинов, Ҳожи Шокиров ва Имоиддин Обиддиновлар тез-тез тупланишади. Мен Қорақалпоқ қишлоқ совети савдо бўлими бошлиғи Холмирзаевдан Нусратийнинг утмиши ҳақида эшитганман. У шундай деган: «Нусратий Зокиржон утмишда Андижон шаҳрида округ халқ маорифи бўлимида ишлаган, Андижондаги «Миллий иттиҳод» аксилинқилобий ташкилотига аъзо бўлган, бунинг учун қамалган ва судланган. Округ халқ маорифи бўлимида, шунингдек, Баҳромов Сайфи ҳам ишлаган, у ҳам аксилинқилобий ташкилот аъзоси.

Имоиддин Обиддинов ўқитувчи ва «Миллий иттиҳод» аксилинқилобий ташкилотига аъзо бўлган, бунинг учун 1931 йили 5 йилга кесилган. У Янгиободдаги йирик бой оиласидан, Имоиддиннинг қариндоши Салоҳиддин ҳазрат домла 1932 йили Қошғарга қочиб кетган. У жойдан 1935 йили қайтиб келган, СССР чегарасидан яширин ўтгани учун қамоққа олинган, кейинчалик озод қилинган бўлса керак, ҳозир унинг қаердалигини билмайман. Суҳбатлардан бирида Нусратий: «Наҳотки, совет ҳокимияти колхозчиларга гушт солиғи солмасдан яшай олмаса», деган. Советларга қарши бошқа фактларни мен сезмаганман».

Саттор Раҳмонов, бундай қараганда, Зокиржон Нусратийни ҳалокат ёқасига олиб борувчи бирор маълумотни бермаган. Агар терговчи уни исканжа остига олмгани ва дуқ-пўписа қилмаганида у З.Нусратийнинг гушт солиғи туғрисидаги сўзларини ҳам айтмаган бўларди. Аммо унинг шу кўрсатмасининг ўзиёқ Зокиржон Нусратийни қамоққа олиш учун бирдан-бир асос бўлиб хизмат қилди.

Уша йилнинг 5 октябрида республика Ички ишлар халқ комиссарлиги Андижон секторининг 3-булим бошлиғи давлат хавфсизлиги катта лейтенанти Берг Зокир Нусратий ҳақидаги материалларни синчковлик билан кўриб, уни қамоққа олиш, тергов олиб бориш ҳамда мазкур иш билан 8-булим инспекторини таништириш ҳақидаги қарорга имзо чекади. Қарорда Зокир Нусратийнинг 1897 йили Андижонда савдогар оиласида туғилгани, миллати ўзбек, партиясиз, саводли, инқилобгача савдогар, ундан сўнг хизматчи бўлиб ишлагани, утмишда ашаддий миллатчи бўлгани қайд этилган.

Инқилобнинг дастлабки йилларида у «Миллий иттиҳод» аксилинқилобий миллатчилик ташкилотининг фаол аъзоларидан, шу ташкилотнинг филиали, «Турк адами марказият»¹нинг котиби ва «Ҳаваскорони маориф» жамиятининг хазиначиси бўлганлиги қайд қилинган. Шунингдек, унинг «Миллий иттиҳод» ташкилотининг топшириғи билан «босмачи» тўдалари бошлиқлари Парпи кўрбоши ва Маҳкам ҳожи кўрбошилар билан алоқада ва ҳамкорликда бўлгани, 1927 йили аксилинқилобий фаолияти учун жавобгарликка тортилиб, сургун қилингани, жазони ўтаб қайтгач, Андижонга келиб, Янгиобод қишлоқ советидаги Каганович номли колхозга ҳисобчи бўлиб ўрнашиб олгани ҳам айtilган.

Бундан ташқари, қарорда Зокир Нусратийнинг «Миллий иттиҳод» аксилинқилобий-миллатчилик ташкилотининг собиқ аъзолари билан яқин алоқада бўлиб, партия ва ҳукумат амалга ошираётган тадбирларга қарши тарғибот олиб боргани, ўзининг миллатчилик қарашларини баён этгани, совет тузуми сиёсатига қарши иғволар тарқатгани қайд этилган.

Унинг «айб»ларидан яна бири — 1936 йилдаги пахта йиғим-терими чоғида колхозчилар орасида пахта теримига қарши аксилинқилобий тарғибот олиб боргани ЎзССР Жиноят Кодексининг 66-моддаси, 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир қилган, деб баҳоланган. Шу боис Зокир Нусратийнинг эркинликда бўлиши уни тергов ва суддан бекиниб юриши учун имконият яратиши мумкинлиги эътиборга олиниб, уни қамоқда сақлаш зарур, деган хулосага келинган.

1937 йил 7 октябрь куни 8F23-сонли ордер билан Зокир Нусратий НКВД Андижон сектори томонидан ҳибсга олиниб, Андижон турмасига олиб келинади. Шу куни маҳбуслик анкетаси тулғизилади:

Зокир Нусратий 1897 йили Андижон шаҳри, Кенгаш маҳалла, 19-уйда туғилган, ўзбек, касби ва мутахассислиги — Андижон тумани Янгиобод қишлоқ совети Каганович номли колхозда бухгалтер, ижтимоий келиб чиқиши — кустарь, ҳунарманд, инқилобдан сўнг —

¹ «Турк адами марказият» ташкилоти 1917 йилнинг дастлабки ойларида тузилган ва кейинчалик тарқатилиб, унинг заминида «Миллий иттиҳод» ташкилоти майдонга келган (муҳ.).

хизматчи, маълумоти қуйи, ВКП(б)да бўлмаган, ҳарбий ҳисобда турмаган, судланган. 1927 йили Андижон шаҳридаги иккита мадрасани бузгани учун ОГПУ коллегияси томонидан РСФСР Жиноят Кодексининг 58-моддаси билан 3 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Оила таркиби аҳли-аёли Саодат — уй бекаси, отаси Юнусали Нусратов — ногирон, онаси — Иззат биби, ногирон, қизлари: Холида — 16 ёшда, Фарида — 10 ёшда, Нурия — 5 ёшда, ўғиллари — Рашид — 6 ёшда, Козим — 7 ойлик.



Зокир Нусратов.

Тергов бошланиб кетади. Энг аввало, гувоҳ сифатида бир неча киши сўроқ қилинади. Улардан бири В.М. 8 октябрдаги сўроқда мана бу кўрсатмани беради: «Нусратов Зокир 1919 йилдан 1932 йилгача Андижондаги миллатчилик-аксилинқилобий ташкилотнинг фаол аъзоларидан бири эди. Ташкилот топшириғи билан аҳоли ўртасида ёшларни Туркияга ва Эронга ўқишга юборишни тарғиб қилган. Унинг тарғиботи натижасида Аҳмаджон Ҳакимзода ва Файзулла Султоновлар Бокуга ўқишга юборилган. Уларнинг ҳар иккиси ҳам «Миллий иттиҳод» ташкилоти аъзоси. Улар ўқишга шу ташкилот маблағи ҳисобидан юборилган.

Нусратов 1919 йили турк зобитлари Ҳусни афанди, Иброҳим Ҳилми афанди, Абдулла Чауш (сурнайчи) ва Мадёр Бекир (асир) ва қайта тайёрлаш курсларида ўқиётган 40 нафар ўқувчи билан биргаликда босмачиларга фаол ёрдам берган. Улар бир куннинг ўзида Парпи қўрбоши ва Маҳкам ҳожи қўрбошиларнинг «босмачи» тўдаларига ўтиб кетишган, бир неча ой ўтгач, Коновалов отряди тўдани мағлуб қилади. Шундан кейин Зокир Нусратов иштирокчиларнинг қолганлари билан шаҳарга қайтади, турк

зобитлари эса бир қанча уқувчилари билан бирга Афғонистонга ўтиб кетадилар.

Нусратов турк зобитлари билан яқиндан алоқада бўлган. Турк зобитлари «Миллий иттиҳод» ташкилотига асос солганлар»¹.

Бу каби кўрсатмалар қўшни камерада ётган Салоҳ Сайфий, Абдулҳай Аюбов ва бошқа маҳбуслардан ҳам тазйиқ-таъқиб, қийноқлар остида олинади. Сўнгра шу кўргазмалар асосида Зокир Нусратийни тергов қилишга киришилади.

1937 йил 8 октябрда Зокир Нусратий билан ўтказилган тергов баённомасида мана булар акс эттирилган:

Т е р г о в ч и: Сиз қачон советларга қарши «Миллий иттиҳод» ташкилотига аъзо бўлгансиз?

М а ҳ б у с: Мен ҳеч қачон аксилинқилобий «Миллий иттиҳод» ташкилотида бўлмаганман.

Т е р г о в ч и: Буйнингизга олинг, сиз ўша ташкилотнинг аъзосисиз.

М а ҳ б у с: Иккинчи марта жавоб қиламанки, мен ҳеч қачон миллатчилик-аксилинқилобий «Миллий иттиҳод» ташкилотида бўлган эмасман.

Т е р г о в ч и: Андижон шаҳрида «Миллий иттиҳод» ташкилотининг мавжуд бўлганлиги тўғрисида сизга нималар маълум?

М а ҳ б у с: 1932 йили Қўқон шаҳрида нашр қилинган «Фарғона» газетасида мақола босилиб, унда аксилинқилобий «Миллий иттиҳод» ташкилотининг аъзолари ҳақида, ташкилот раиси Ниёзов Ҳасанхон Махсум, Баҳромов Сайфи, Бурҳон Машрабий, Вали Мақсудий ва исм-шарифи хотирамдан кутарилган бир қатор кишилар ҳақида ёзилганини биламан.

Т е р г о в ч и: Инқилобгача ва ундан сўнг нима билан шуғуллангансиз?

М а ҳ б у с: Мен 1916 йилгача 12 йил эски усулдаги мактабда ўқиганман. 1919 йили Андижон шаҳрида Ҳусайн, Садриддин (исм-шарифлари эсимда йўқ) ҳарбий асир, турк зобитлари, Андижон шаҳридан Ҳусайнхон Ниёзов ва бошқалар билан муаллимлик қилганман.

¹ «Миллий иттиҳод» ташкилоти Мунаввар қори Абдурашидхоннов бошчилигидаги узбек зиёлилари томонидан тузилган (муҳ.).



Ҳусайнхон Ниёзий.

1917 йили Керенский ҳукумати даврида 4 ойга яқин муддатда «Ҳаваскорони маориф» жамиятида бўлдим. Бу жамиятнинг ташкилотчиси Андижондаги баобрў эшоннинг ўғли Ниёзов Ҳусайн бўлган¹. Жамиятга кимлар кирганини ҳозир ҳам эслайман. Булар: Бурҳон Машрабий, Шамси Нажмий, Абдулҳай Аюбий, Олимжон Сарқоров, ҳаммаси бўлиб 25—30 киши, ҳаммасининг исм-шарифини ҳозирда эслай олмаяпман. Жамиятнинг мақсади ўзбек аҳолиси учун янгитдан мактаб ва кутубхона очиш эди. Жамият узоқ яшамаган. Мен фақат ташкилий йиғилишлардагина қатнашганман, холос.

Т е р г о в ч и: Сиз Андижондаги турк ҳарбий зобитлари билан қандай алоқада бўлгансиз?

М а ҳ б у с: Турк зобитлари Ҳусайн афанди, Ботир афандиларнинг айтишича, улар Сибирдан Қошғар орқали 1917 йили Андижонга келишган. Уларни мен меҳмонга чақирганман. Суҳбатларда Туркияни мақташарди. Охир-оқибатда қўрбоши Маҳкам ҳожининг «босмачилар» тўдасига ўтиб кетишган.

¹ Усмонхон Эшонхужаев уз ёзишмалари ва шахсий варақасида «Ҳаваскорони маориф» жамиятига узининг раис бўлганини айтган (муал.).

Т е р г о в ч и: Сизга муаллимлик қилган турк зобитлари Ҳусайн ва Садриддинлар ҳозир қаерда?

М а ҳ б у с: Бизни 1919 йили мактабда ўқитган турк зобитлари Ҳусайн ва Садриддинлар, билишимча, 1919 йилнинг охирида Маҳкам ҳожи қурбоши бошлиқ «босмачилар» тўдаси фронтига ўтиб кетганлар, уларнинг кейинги тақдирдан хабарим йўқ.

Т е р г о в ч и: Қачондан қачонгача ва қаерларда ўқитувчилик қилгансиз?

М а ҳ б у с: Мен 1919 йилдан 1925 йилгача Андижон шаҳрида ўқитувчилик қилганман.

Т е р г о в ч и: Андижон шаҳрида яшовчи Ризо ҳожи Шокиров билан танишмисиз?

М а ҳ б у с: Ризо ҳожи Шокировни мен ёшлик йилларимдан бери биламан, у бизга узоқроқ қариндош, ҳозирда Андижон шаҳри Кенгаш маҳалласида яшайди, ишсиз.

Т е р г о в ч и: Сиз 1936 йили Ризо ҳожи Шокировни «Эркин» колхозига ҳисобчи қилиб ишга жойлаштиргангизни тасдиқлайсизми?

М а ҳ б у с: Чиндан ҳам, Ризо ҳожи Шокировни ишга жойлаштирганман. 6 ойга яқин ишлаган.

Т е р г о в ч и: Сиз Абдулла Холмирзаев билан танишмисиз? У сўнги вақтларда Андижон туманидаги қишлоқ матлуботларидан бирида ишлаган.

М а ҳ б у с: Абдулла Холмирзаевни 1925—1926 йиллардан бери биламан. Кейинги вақтда у Қорақалпоқ қишлоқ матлуботида савдо мудири бўлиб хизмат қилган. Аввал ВКП(б)да бўлган, «тозалов»да партиядан учирилган, нима сабабданлигини билмайман. У билан кам учрашиб турганман, ўзаро муносабатларимиз яхши бўлмаган.

Т е р г о в ч и: Сиз Имоиддин Обиддинов ва унинг укаси Бурҳон Обиддинов билан танишмисиз?

М а ҳ б у с: Имоиддин Обиддиновни 1922 йилдан буён биламан. У ўша вақтда ўқитувчилик қиларди. Андижон кутубхонасида ҳам ишларди. Бир ярим ой олдин қамалган, деб эшитдим, унга қадар ўзбек савдо ёки қишлоқ матлуботида савдо (бўлими — муҳ.) мудири бўлиб хизмат қилган. Унинг укаси Бурҳон Обиддиновни 1934 йилдан бери биламан. У Янгибод қишлоқ советидаги Каганович номли колхозда котиб эди.

Т е р г о в ч и: Сунги вақтда Обиддинов Имоиддин сизнинг уйингизда тез-тез бўлиб турган, бошқа жойларда ҳам у билан тез-тез кўришиб тургансиз, шундайми?

М а ҳ б у с: Обиддинов менинг таклифим билан 1937 йили уйимда бир марта бўлган. У билан уч марта учрашганман, суҳбатимизда ҳеч қандай сиёсий характердаги гаплар бўлмаган».

31 октябрда З.Нусратий яна тергов қилинади. Бунда ҳам у ўзига қўйилган айбни тан олмайди. Жумладан, у бундай дейди: «Берилган саволга менинг жавобим шуки, 1917—1918 йилларда «Хаваскорони маориф» жамиятига аъзо бўлганим рост. Аммо бу жамият аксилинқилобий бўлганидан хабарим йўқ, мен у вақтда уни халқ маорифи тизимидаги жамият, деб тушунганман. Қолган аксилинқилобий «Шўрои Исломи», «Иттиҳод ва тараққий», «Миллий иттиҳод» ташкилотларида бўлган эмасман.

Т е р г о в ч и: Сизни қатор аксилинқилобий-миллатчилик ташкилотларида бўлганингизни суроқ қилинганлардан Бурҳон Машрабий, Вали Мақсудий, Салоҳ Сайфий ва Саттор Раҳмоновлар тасдиқлаб берганлар, шу боис тонмасдан жавоб бераверинг.

М а ҳ б у с: Яна такрор айтаманки, мен аксилинқилобий ташкилотда қатнашмаганман, «Хаваскорони маориф» жамиятига аъзо бўлганимни тан оламан, аммо «Шўрои Исломия», «Иттиҳод ва тараққий», «Миллий иттиҳод»ларда ҳеч қачон (аъзо) бўлган эмасман.

Т е р г о в ч и: Терговга маълумки, сиз турк ҳарбий асир зобитларидан Ҳусни афанди, Ҳусни Шоҳид афанди ва Мадёр Бекир билан яқиндан алоқада бўлгансиз,



Салоҳиддин ҳожи Сайфиев.

улар 2 ойга яқин сизнинг уйингизда ижарада туришган, буни тан оласизми?

Маҳбус: Улар билан ўтмишда, 1918 йили алоқам бўлган, менинг уйимга 2—3 марта келишган, ammo ижарада туришмаган. Кейин уларнинг аксилинқилобий кайфиятда бўлиб босмачи тудаларга ўтиб кетганликлари учун улар билан алоқани узганман.

Терговчи: Сиз ўқитган талабалар ва ўқитувчилардан 40 нафари 1919 йили Парпи қурбоши, Маҳкам ҳожи қурбоши бошлиқ босмачилар тудасига қушилиб кетганида ҳам сизнинг қулингиз бор, туғрими?

Маҳбус: Мен Парпи қурбоши ва Маҳкам ҳожи қурбоши томонига ўтиб кетмаганман. Қошғар учун 40 га яқин ўқитувчиларни тайёрлашда турк зобитлари билан биргаликда хизмат қилганим рост.

Терговчи: Аксилинқилобий фаолиятингиз учун 1934—1935 йилларда РСФСР Жиноят Кодексининг 58-моддаси, 10-банди билан қамоқ жазосини ўтаб келганингиздан кейин ҳам «Миллий иттиҳод» аксилинқилобий ташкилоти аъзолари билан ўтмишдаги алоқангизни тиклаганмисиз? Хизмат вазифангиздан фойдаланиб, уларни, жумладан, Ризо ҳожи Шокировни «Эркин» колхозига ҳисобчи қилиб жойлаштиргансиз, ўша йилнинг ўзида аксилинқилобий «Миллий иттиҳод» ташкилоти аъзоси Баҳромов Сайфини «Хужум» артелига ишга жойлаштиргансиз. Сиз у ва аксилинқилобий «Миллий иттиҳод» ташкилоти аъзолари Обидинов ва бошқалар билан яқин алоқада бўлганмисиз?

Маҳбус: «Миллий иттиҳод» миллатчилик-аксилинқилобий ташкилоти аъзолари Шокиров Ризо ҳожи, Баҳромов Сайфи ва Обидинов Имоиддин билан алоқада бўлганимни тан оламан.

Шокировни «Эркин» колхозига ҳисобчи қилиб ишга ўрнаштирганман. Баҳромов Сайфини Андижон тумани Янгиобод қишлоқ советидаги «Хужум» колхозига жойлаштирган эмасман. Мен номлари келтирилган шахслар билан дўстона алоқада бўлганман. Улар билан аксилинқилобий мавзуда гаплашмаганман. Мен Баҳромов Сайфини аввал тарқаб кетган аксилинқилобий-миллатчилик «Миллий иттиҳод» ташкилоти аъзоси бўлганини яхши биламан, Шокиров ва Обидиновлар ҳақида ҳеч нарсани билмайман, Шокиров эса менга қариндош бўлади.

Т е р г о в ч и: «Миллий иттиҳод» миллатчилик-аксилнқилобий ташкилоти аъзоси Бузруков Эшонхон билан қачондан қачонгача гаплашиб юргансиз?

М а ҳ б у с: Бузруков Эшонхон билан 1920 йилдан 1936 йилгача дўстлигимиз бор эди. Унинг «Миллий иттиҳод»га аъзолигини билмаганман ва ҳозир ҳам билмайман.

Т е р г о в ч и: Сўнги йилларда советларга қарши аксилнқилобий фаолият олиб боришдаги айбингизга иқромсиз?

М а ҳ б у с: Аксилнқилобий фаолият олиб борганимни тан олмайман.

Т е р г о в ч и: Терговда сизни сўнги йилларда Андижон тумани Янгиобод қишлоқ советига қарашли Каганович колхози аъзолари орасида аксилнқилобий, советларга қарши тарғибот олиб борганингиз аниқланган. Қайсарлик қилаётганингиз бефойда. Турри кургазма бераверинг.

М а ҳ б у с: Бу, туҳмат.

Т е р г о в ч и: Сизнинг 1935—1937 йиллари колхозда ғалла экмаслик керак, чунки ғалла экиш фойдали эмас, бу ҳақда давлат олдига масала қўйиш керак, деб айтганингиз ҳам маълум.

М а ҳ б у с: Мен буғдой экиш чоғида унга яхшилаб ишлов бериш керак, шундагина яхши ҳосил олиш мумкин, деб айтганман. Аммо колхоз буғдой экмасликка қарор қилган. Шунингдек, ғалла режасини бажариш давлатдан сотиб олинган ғалла ҳисобига амалга ошди, деб ҳам айтмаганман.

Т е р г о в ч и: Сиз 1936 йили Янгиобод қишлоқ совети раиси Раҳмонов Сатторга турк ҳарбий зобитлари билан бирга суратга тушганингиз учун совет ҳокимияти томонидан азобланганман, деб айтгансиз, шуни тасдиқлайсизми?

М а ҳ б у с: Ҳа, тасдиқлайман. Мен унга бунинг учун мени 1927 йили совет ҳокимияти суд қилган ва 3 йил муддатга Вишарский лагерига сургун қилинганман, деб айтганман.

Т е р г о в ч и: 1937 йил феввалида сиз «Каганович» колхози аъзолари орасида қоракўл териси берадиган қўйларни олмаслик керак, чунки чўққалардан тарқанган, деган тарғибот олиб боргансиз. Оқибатда партия ва совет ҳукуматининг колхозчиларни таъминлаш бўйи-

ча тадбирини йўққа чиқаргансиз. Бунда ўзингизни айбдор, деб биласизми?

Маҳбус: Бу нотўғри!

Терговчи: Каганович номли колхозда 1937 йили халқ душмани Файзулла Хўжаев фош этилганидан сўнг сиз уни ҳимоя қилиб чиққансиз, шуни тан оласизми?

Маҳбус: Мен Файзулла Хўжаев тўғрисида ҳеч нима демаганман.

Терговчи: Колхоз идорасида сиз одамларга япон пистолетини кўрсатиб, Япониянинг ҳарбий техникаси ва унинг қудратини мақтаб, шу билан қизил армиянинг заифлиги ҳақида фикр уйғотгансиз. Бунга нима дейсиз?

Маҳбус: Бу ҳам ёлғон!

Терговчи: Давлатга гушт топшириш тўғрисидаги ҳукумат қарорига қарши 1936 йили колхозчилар орасида норозилик тарғиботини олиб борганингиз-чи?

Маҳбус: Бу ҳам қуруқ туҳмат.

Терговчи: Колхоздаги ҳайвонлар озиб кетмоқда, беда заҳиралари талон-торож этилмоқда, баҳорги шудгор қилиш пайсалга солинмоқда, деб миш-миш тарқатгансиз...

Маҳбус: Бу гап ҳам иғво, холос.

Терговчи: 1937 йили ишга келмай, колхознинг 15 меҳнат кунини ўғирлаганингизни тан оласизми?

Маҳбус: Бу масалада ўзимни айбдор, деб ҳисоблайман. Бу 1937 йил февралда руй берган. Мен Тошкентга бориб, 10 кун тургандим. Бу ерда булган кунларимни ноқонуний равишда 15 меҳнат куним ҳисобига ўтказиб қўйганман, кейинчалик бу кунлар учун иш ҳақимдан ушлаб қолинган...».

Ушбу сўроқдан 9 кун ўтгач, З.Нусратийнинг касбдоши, маорифчи, «Миллий иттиҳод»га мансубликда айбланиб ҳибсда ётган маҳбуслардан бири сўроқ қилинади. Ундан қандай йўл ва усуллар билан кўргазма олингани бизга маълум эмас. Тергов баённомасида Б.М.нинг мана бу кўрсатмаси З.Нусратийнинг айблов ишига тикиб қўйилган:

«Зокир Нусратовни мен 1918 йилдан бери биланман, заргар-савдогар оиласидан чиққан. Ўзи ҳам 1917 йилга қадар савдо билан шуғулланган.

1917 йилдан 1923 йилга қадар Нусратов Зокир «Шўрои Исломия»нинг 4 та аксилинқилобий ташки-

лотида бўлган. Уша 1917 йилда «Хаваскорони маориф», 1918—1919 йилларда «Иттиҳод ва тараққий» аксилинқилобий ташкилотларига, 1920 йилда эса аксилинқилобий ташкилот «Миллий иттиҳод»га аъзо бўлган. Бу ташкилотда 1923 йилгача фаолият кўрсатган. Нусратов ўзининг миллатчилик фаолияти туғрисида совет ҳокимияти олдида пушаймонлигини ҳозирга қадар изҳор қилмай келаётир. «Миллий иттиҳод»нинг аъзоси сифатида босмачилар орасида, аҳоли орасида иш олиб бориб, босмачиларга ёрдам бериш, совет ҳокимиятига қарши курашиш бўйича тарғибот ишларида қатнашган. Нусратов 1926 йили дастлаб Андижон шаҳрида вақф булимининг мудури бўлган... Бу вақтда мадрасани бузиш ҳақида шаҳар советининг иккита сохта қарорини тайёрлаган. Бу мадрасалар бузиб ташланган. Шундан кейин аҳоли ўртасида, мана, совет ҳокимияти қандай, ~~у мусулмон динига қарши, мадрасаларни бузмоқда,~~ тез орада масжидларни ҳам бузади, деган миш-мишларни тарқатган. Бундан мақсад аҳолини совет ҳокимиятига қарши қўйиш эди. Бундай ҳаракатлари учун З.Нусратов ОГПУ органлари томонидан қамоққа ҳукм этилган. Шундан кейин мен Нусратов билан ҳеч қачон кўришмаганман ва унинг сўнгги вақтдаги аксилинқилобий фаолияти ҳақида ҳеч нарса билмайман».

Аввалги мақолалардан бизга яхши таниш бўлган Берг 5 ноябрда 28 нафар андижонлик зиёлилар ҳақидаги «айблов хулосаси»ни тайёрлайди. Уни Ички ишлар халқ комиссарлиги Андижон сектори бошлиғи, давлат хавфсизлиги катта лейтенанти Кулиничев тасдиқлайди. Бу мудҳиш ҳужжат шошилинич равишда Тошкентга юборилади. Оқибатда бу «учлик»нинг 1937 йил 17 ноябрдаги йиғилишида мазкур «иш» кўриб чиқилади ва 28 андижонлик зиёлилардан 10 таси отувга, 18 таси 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилади. Ҳукм 23 декабрь куни ижро этилади.

Шу куни отилган ҳамюртларимиз куйидагилардир: **Ҳасанхон Ниёзов, Бурҳон Машрабий, Абдужалил Ҳайдаров, Абдумуталиб Қорамандиев, Домуллажон Фахриддинов, Паттоҳ Азизов, Зокир Нусратий, Салоҳ Сайфий, Самандар Мўминбоев, Маҳмудбек Қозиев.**

«Айблов хулосаси»нинг Зокир Нусратийга тегишли бандида унинг 1927 йили аксилинқилобий фаолияти учун ОГПУ коллегияси томонидан 3 йил қамоққа олин-

гани, Янгиобод қишлоқ совети Каганович номли колхоз ҳисобчиси вазифасида ишлагани, «Шўрои Ислом», «Иттиҳод ва тараққий», «Миллий иттиҳод» аксилинқилобий ташкилотлари аъзоси булгани, кўрбоши Маҳкам ҳожи бошлиқ «босмачилик ҳаракати»да фаол иштирок этгани қайд этилган.

18 киши — **Исоқ қори Каримов, Мадамин Ваҳобов, Маҳмудхон Низомов, Боқи Маҳмудий, Ҳожиакбар Мўминов, Файзулла Султонов, Исмоилжон Олимов, Асқар Қаюмов, Расулжон Султонов, Султонмасъуд Холботиров, Султонмаҳмуд Холботиров, Маҳмудбек Мусин, Аҳмаджон Ҳакимов, Саидхон Шодмонов, Мирсоат Маллабоев, Маҳмудбек Қозиев, Расулжон Раҳимов, Шукур Ҳакимовлар** 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинади. Улар Сибирь, Узоқ Шарқ, Шимолдаги борса келмас жойларга бадарға этилади. Уларнинг кўпчилиги ўша бегона юртларда одам боласи чидаб бўлмайдиган оғир шароитларда ҳалок бўлганлар. Улардан фақат Ҳожиакбар Мўминов, Мадамин Ваҳобовларгина қамоқ жазосини утаб, она юртга бир амаллаб қайтиб келганлар, холос.

Шундай қилиб, андижонлик зиёлилардан, маърифатчилардан яна бири, эндигина 40 ёшга тулиб-тулмаган ўзбек йигити Зокиржон Нусратий 30-йиллардаги советлар сиёсий қатағонининг қурбони булди. Унинг ортида падари бузруквори Юнусали ота, волидаи муҳтарамаси Иззат биби, аҳли аёли Саодатхон, биринчи рафиқаси марҳума Озодахондан қолган қизлари Холида, Фарида, ўғли Рашид, Саодатхондан туғилган 5 ёшли қизи Нурия, 7 ойлик ўғли Козимжонлар қолди. Гудаклик чоғида отадан етим қолган Козимжон ака ҳозирда Андижон Давлат унверситетида доцент, шу олий ўқув юртини битириб, умр буйи мазкур илм даргоҳида ёшларга билим бериб келмоқда. Қизи Нусратхон — халқ маорифи аълочиси.

Козимжон ака отасини эслай олмайди. У ҳақда марҳума оналари айтиб берган хотираларни қалбида муқаддас ёдгорлик сифатида сақлайди. «Дадам, — деб ҳикоя қилади у, — онам билан жуда тотув ҳаёт кечириб, икки фарзандли бўлганлар. Дадам ҳибсга олинганда онам бор-йўғи 20 ёшда эди. Шундан сўнг бошқа турмуш қурмасдан, ҳаётнинг қақшатқич зарбаларига рубарў бўлиб, фарзандлар тарбиясини ўз зиммасига

олиб, уруш йилларида тикувчилик фабрикасида ишлаб, бизни тарбиялаган. Онаизоримнинг айтишларича, дадам қадди-қомати келишган, буғдойранг, озода, дид билан кийиниб юрувчи, узун буйли, бир оз тез гапирувчи одам бўлган экан. Қариндош-уруғлар, маҳалладош қариялар дадамнинг илмли, маданиятли инсон эканлиги, тожик, турк, араб, рус тилларини яхши билганлиги, китоб мутоаласини севганлигини куп бор такрорлашарди.

Дадам доим ёшларни ўқишга даъват этар экан. Дадам адабиётни жуда севган, ўзи ҳам шеър, ғазаллар ёзишни хуш кўрган экан. Раҳматли онам: «Даданг «Етим қизнинг қисмати» деган саҳна асарини ёзган эди. Қамоққа олиш хавфи сезилиб қолганида қўлёмани йўқ қилиб ташлаган», деб айтган эди. Ундан ташқари, дадам уста мусаввир сифатида ҳам танилган экан.

Падари бузрукворимиз халқнинг саводли билимли бўлишига жонбозлик қилган. У 1923—1927 йилларда Андижон шаҳар маориф бўлимини бошқарган, янги мактаб бинолари қурилишида жонбозлик кўрсатган.

Мудҳиш 1936—1938 йилларда дадам ҳақида турли фиску фужур, бўҳтонлар ёғдирилган. Ачинарлиси, дадам барчага меҳрибон, ўз ёрдамини аямаган киши бўлишига қарамай, у билан бирга дўст бўлиб юрган яқинларидан айримлари дадам ҳақида чақув етказиб турган экан.

Бизнинг оилага Давлат хавфсизлик қўмитасидан дадамизнинг 1949 йили қамоқда касаллик туфайли вафот этгани ҳақида маълумотнома келган».

Зокиржон Нусратийнинг оиласи, авлодлари йиллар давомида ўша сохта маълумотномага ишониб келди. Мустабид давлат уларни севимли отадан маҳрум этибгина қолмай, узининг ғайриинсоний жиноятларини яшириш мақсадида унинг тақдири туғрисида ёлғон сузни, сохта ҳужжатни, яна бир бўҳтонномани тарқатган.

Тарих эртами-кечми ҳар бир нарсани ўз жойига қўяди. Ҳақиқат қарор топади.

БАДАРҒА ҚИЛИНГАН ЮРТДОШЛАР

1931 йилнинг август ойида юртимизнинг Бухоро, Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятлари ва Тожикистондан уч минг ҳужалик «қулоқ»қа тортилиб,

ўша йил сентябрида Шимолий Кавказнинг Прикумск (ҳозирги Будённий), Арзгир, Апанасенков туманларига сургун қилинган.

Ўзбек, тожик ва қирғизлардан иборат «қулоқлар» дастлаб эшелонларда Красноводскка келтирилган. Сунгра пароходда Каспий денгизи орқали Боку ва Махачқалъага олиб келинган. Бу жойлардан яна эшелонлар билан Прикумск темир йўл бекатига келтирилган. Ундан араваларда 40—50 км олис даштлардаги қишлоқларга олиб борилган. «Қулоқ»лар келиб ўрнашган жойларидан бири Николо-Александровскда «Советский хлопкороб», «Красный луч», «Заря Востока», «Вперёд», Ворошилов номидаги қишлоқ хўжалик артеллари ташкил этилган. Бу хўжаликларда пахта ва ғалла етиштириш ҳамда чорвачилик билан шуғулланилган. Уларда асосан ўзбек, тожик ва қозоқлардан иборат сургун қилинганлар меҳнат қилганлар.

1932—1933 йилларда бутун мамлакат халқи очарчилик, қаҳатчилик азобини бошидан кечирган. Шу йилларда қарийб 7 миллион киши ҳалок бўлган. Юртдошларимиз бадарға қилинган Николо-Александровскда ҳам кўплаб қурбонлар бўлган. Уша вақтда Л.М.Каганович бошлиқ комиссия Шимолий Кавказга келади ва деҳқонлар, казаклар, сургун қилинганларнинг бор-бурдилари тортиб олинади. Қаршилиқ курсатганлар қамалади, отилади. Бунга чидай олмаган казаклар қўлга қурол олиб, қўзғолон кутаришади. Қўзғолонни бостиришга қизил армия қўшинлари ташланади. Бадарға қилинган кўплаб юртдошларимиз ҳам таъқиб ва тазйиққа учрайдилар. 1937 йилнинг сентябридан бошлаб эса уларга нисбатан қаттиқ чора ва тадбирлар курилла бошлайди.

Биз 2004 йил декабрида Ставрополь ўлкасига қилган илмий сафаримиз чоғида Николо-Александровскка «қулоқ» сифатида сургун қилинган юртдошларимиздан ўн етти кишининг 1932—1937 йиллардаги тақдирига оид янги маълумотларни топишга муваффақ бўлдик. Бу 17 нафар киши қуйидагилардир:

Юсупов Аламрат (Алламурат), 1894 йилда Қумқўрқон тумани, Юқори Қайқас қишлоқ совети Байрабоб қишлоғида туғилган, партиясиз, 1932 йил мартида ҳибсга олинган, «учлик»нинг 1932 йил 27 майдаги қарори билан 3 йил қамоққа ҳукм қилинган.

Шодмонов Тўра, 1900 йили Каттақўрғон тумани, Либлакос қишлоғида туғилган, партиясиз, ишчи, 1933 йил 17 августда қамоққа олинган, 1934 йил 19 февралда 5 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

Чеканов Имом, 1892 йилда туғилган, чаласавод, деҳқон, 1932 йил 5 майда 3 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган.

Умаров Ражаб, 1889 йил Гмур қишлоғида туғилган, чаласавод, партиясиз, ҳар хил ишда ишчи, 1935 йил 14 февралда 5 йил муддатга лагерда қамоқ жазосини уташга ҳукм этилади.

Тангрикулов Худойшукур, 1890 йилда Жарқўрғон тумани, Минор қишлоқ совети Минор қишлоғида туғилган, ўзбек, партиясиз, махсус бадарғачи, 1932 йил 2 мартда ҳибсга олинган, «учлик» 1932 йил 27 майда 5 йил қамоқ жазосига ҳукм қилган.

Самадов Маматқул, 1901 йили Эсонсой қишлоғида туғилган, саводсиз, партиясиз, ғаллакор, 1940 йил 4 июнда 8 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган.

Россия Федерациясининг ФХХ Ставрополь ўлкаси буйича бошқармаси архивидаги маълумотга кўра, Самадов Маматқул Ўзбекистоннинг Юқори Дарғом туманидаги Эсонсой қишлоғидан 1931 йили «қулоқ» сифатида Николо-Александровскка сургун қилинган. Шу ердаги «Советский хлопкороб» колхозида ишлаган. 1940 йил 4 июнда 58—10-модданинг 1-банди буйича қамоққа олинган. Оржоникидзе ўлка суди 1940 йил 12 декабрда уни «колхозчилар ўртасида мунтазам равишда советларга қарши тарғибот олиб боргани учун 8 йил озодликдан, 5 йил сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақида ҳукм чиқарган. 1933 йил 7 апрелда Самадов Маматқул РФ Бош прокурори томонидан реабилитация қилинган. Унинг ўғли Самадов Юсуп ҳозирда Николо-Александровскда, укаси Ҳамдам эса Конибодом шаҳрида яшамоқда.

Одинаев Орзикул, 1897 йилда Китоб тумани, Толбин қишлоқ совети Кўнчи қишлоғида туғилган, партиясиз, 1932 йил 2 мартда ҳибсга олинган, 1932 йил 27 майда 3 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган.

Қаҳҳоров Абусаттор, 1895 йили Ўзбекистон ССР Қорадарё тумани Қиртиқўрғон қишлоқ советида туғилган, партиясиз, ишчи. 1933 йили қамоққа олинган, 1933 йил 16 апрелда 5 йил муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

Қорахонов Эшқўзи, 1878 йили Тожикистон ССР Кутша-Жар тумани Бешқўза қишлоғида туғилган, партиясиз, ишчи. 1932 йил 26 сентябрда қамоққа олинган, 1933 йил январидан отилган.

Зарипов Барот, 1899 йили Самарқанд вилояти Оғалиқ қишлоғида туғилган, саводсиз, партиясиз, «Советский хлопкороб» колхозида бригадир. 1940 йил 3 июнда 8 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган.

ФХХ Ставрополь улқаси бўлими бошқармаси архивидаги маълумотга кўра, Зарипов Барот Николо-Александровскадаги «Советский хлопкороб» колхозида дала бригадири бўлиб ишлаган, 1940 йил 4 июнда РСФСР Жиноят Кодексининг 58—10-модда 1-бандида кўрсатилган жиноятни содир этганликда айбланиб қамоққа олинган. Оржоникидзе улқа суди 1940 йил 12 декабрда «колхозчилар орасида мунтазам равишда советларга қарши ташвиқот олиб боргани» учун 8 йил озодликдан ва 5 йил сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақида ҳукм чиқарган. 1993 йил 7 апрелда Россия Федерацияси Бош прокурори реабилитация қилгани кўрсатилган.

Авезов (Авазов) Напас, ЎзССР Хўжақўрғон қишлоқ советида туғилган, саводсиз, партиясиз, махсус бадарғачи, 1933 йил 28 мартда 5 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган.

Абдуллаев Абдураҳмон Абдуллаевич, 1900 йилда Эски Бухорода туғилган, чаласавод, партиясиз, колхозда вакил. 1937 йил 19 июлда 5 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

Россия Федерацияси ФХХ Ставрополь улқаси бўлими бошқармаси архивидаги маълумотларга қараганда, Абдуллаев Абдураҳмон 1931 йили Николо-Александровска кулоқ сифатида сургун қилинган. Шу жойда омбор мудири, кейин эса 9-қишлоқ хўжалик артелида вакил бўлиб ишлаган.

1937 йил 19 июлда РСФСР Жиноят Кодексининг 58—10-модда 1-банди билан қамоққа олинган. Оржоникидзе улқа суди 1940 йил 26 мартда «миллий адоватни кучайтиришга қаратилган советларга қарши тарғибот олиб борганлик»да (58—10-модда, 1-банд) айб-лаб, уни 5 йил, ўзига юклатилган вазифага совуққонлик билан қарагани учун эса 3 йил қамоқ жазосига ҳукм этади. 1959 йил 4 сентябрда Олий суд президиуми Абдуллаевни реабилитация қилган.

Жиянов Аҳмад, 1894 йилда Янгиқўрғон тумани, Хиляки қишлоғида туғилган, партиясиз, махсус бадарғачи. 1932 йил 2 мартда ҳибсга олинган, 1932 йил 27 майда 3 йил қamoқ жазосига ҳукм қилинган.

Алимандров (Алимардонов) Рамазон, 1889 йили Қумқўрғон тумани, Қумқўрғон қишлоғида туғилган, партиясиз, махсус бадарғачи. 1932 йил 3 мартда ҳибсга олинган, 1932 йил 27 майда 3 йил қamoқ жазосига ҳукм этилган.

Аҳматов Ярош, 1894 йилда Шоват тумани, Оғаёр қишлоғида туғилган, партиясиз, махсус бадарғачи. 1932 йил 3 мартда ҳибсга олинган, 1932 йил 27 майда 3 йил қamoқ жазосига ҳукм этилган.

Николо-Александровскда қатагон қилинганлар орасида 2 нафар эроний миллатига мансуб меҳнат бадарғачиси ҳам бўлган. Булар қуйидагилар:

Бакиров Карим, 1904 йилда Самарқандда туғилган, партиясиз, маълумотли, 5 синфни битирган, ҳар хил ишда ишчи. 1935 йил 14 февралда қamoққа олинган, 5 йил қamoқ жазосига ҳукм этилган.

Бакиров Зокир, 1908 йили Самарқанд шаҳрида туғилган, партиясиз, чаласавод, сотнийда (юзликда) участка бошлиғи, 1935 йил 14 февралда қamoққа олинган, 8 йил қamoқ жазосига ҳукм этилган¹.

Ставрополь ўлкасининг Арзгир, Апанасенков, Воронцово-Александровск, Туркман туманларида яшган ўзбек меҳнат бадарғачиларидан 22 нафарининг қатагон домига тушганлиги аниқланди. Улар қуйидагилардир:

Оқилов Рауф, 1890 йилда Хўжа Гунжли қишлоғида туғилган, 1928 йилгача ВКП(б) аъзоси булган, Прикумск тумани, Нижне-Александровское посёлкасидаги қишлоқда ишчи бўлиб хизмат қилган. 1937 йил 6 августда ҳибсга олинган, 1937 йил августидан отилган.

ФХХ Ставрополь ўлкаси бўлими бошқармасининг 2004 йил 16 декабрда бизга берган маълумотномасига кўра, Оқилов Рауф 1890 йилда Самарқанд тумани Хўжа Гунжли қишлоғида туғилган, ўзбек, саводсиз. 1928 йили «қулоқлар» билан алоқа қилганлиги учун ВКП(б) аъзолигидан чиқарилгани, 1931 йили «қулоқ» сифатида Ши-

¹ Книга памяти жертв политической репрессии Ставропольского края. Ставрополь, 2001, том 4, стр. 190—191.

молий Кавказ ўлкаси Арзгир тумани Николо-Александровск меҳнат посёлкасига сургун қилинган, бу ердаги 9-қишлоқ хўжалиги артелида ишлаган. Маълумотномада келтирилишича, Оқилов Рауф РСФСР Жиноят Кодексининг 58—10-моддаси билан жиноят қилганликда айбланиб, 1937 йил 6 августда қамоққа олинган, 1937 йил 10 августда СССР Ички ишлар халқ комиссарлигининг Оржоникидзе ўлкаси бўйича бошқармаси қошидаги «учлик» қарори билан «фаол аксил-инқилобий иш олиб боргани ва ўзбеклар, тожиклар ҳамда руслар уртасига миллий адоват солгани» учун отувга ҳукм этилган. Ҳукм 1937 йил 15 августда Пятигорск шаҳрида ижро этилган. 1989 йил 5 июлда реабилитация қилинган.

Бозоров (Бобоев) Салим, 1887 йилда Жинатор Қоракўл қишлоғида туғилган, чаласавод, партиясиз, Покровский хуторида яшайди. 1932 йил 12 мартда 3 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган.

Жалилов Мажид, 1879 йилда Бухоро шаҳрида туғилган, саводсиз, партиясиз, Ставрополь ўлкаси Туркман райони Шарахалсун махсус посёлкасида меҳнат бадарғачиси. 1932 йил 18 мартда ҳибсга олинади, 1932 йил мартда айбсиз деб топилади.

Ҳимматов Жўра, 1904 йилда Туркменистон ССР Хўжайли қишлоғида туғилган, ўзбек, партиясиз, Ставрополь ўлкаси Апанасенков тумани Малая Жалга махсус посёлкасида меҳнат бадарғачиси. 1930 йил 31 мартда ҳибсга олинган, 1932 йил 14 июлда 3 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган, 1989 йили реабилитация қилинган.

Зиядуллаев Толла, 1888 йилда Жарқурғон тумани Кумқурғон қишлоқ советида туғилган, партиясиз, руҳоний, Прикумск тумани Ново-Александровск қишлоғида яшайди. 1932 йил 5 декабрда отилган.

Имомназаров Худойназар, 1892 йилда Ўзбекистон ССР Янгибозор тумани Қушва қишлоқ советида туғилган, партиясиз, Ставрополь ўлкасига сургун қилинганлардан. 1933 йил 22 мартда 5 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган.

Эраҳмад Худойберди ўғли, 1898 йилда Қарлоқ ўлкаси Апанасенков тумани Малая Жалга махсус посёлкасида меҳнат бадарғачиси. 1932 йил 31 мартда ҳибсга олинган, 1932 йил 14 июлда 3 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган, 1989 йили реабилитация қилинган.

Исмоилов Мирза Сафо, 1882 йилда Деновда туғилган, чаласавод, партиясиз, Хлебороб хуторида деҳқон, 1932 йил 4 октябрда 3 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган, 1990 йили реабилитация қилинган.

Қаюмов Панжа, 1897 йили Куйдим қишлоғида туғилган, чаласавод, партиясиз, Ставрополь ўлкаси Советский тумани Примерний хуторида меҳнат бадарғачиси, 1932 йил 2 мартда ҳибсга олинган, 1932 йил 1 июнда озод қилинган.

Туғонов Маҳмудали, 1897 йили Туркменистон ССР Кардит тумани Бозортепа овулида туғилган, ўзбек, партиясиз, Апанасенков тумани Малая Жалга махсус посёлкасида ишчи. 1933 йил 10 октябрда ҳибсга олинган, 1934 йил 19 февралда 5 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган.

Мирзаев Раҳмат, 1900 йилда Қорақул тумани Сирбозор қишлоғида туғилган, чаласавод, партиясиз, Советский тумани, Примерний хуторида меҳнат бадарғачиси. 1932 йил 2 мартда ҳибсга олинган, 1932 йил 1 июнда озод қилинган.

Муродуллаев Раббимқул, 1909 йилда Каттакўрғонда туғилган, партиясиз, Ново-Александровск посёлкасида ишчи. 1933 йил 24 мартда 5 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган.

Мусаев Сулаймон, 1870 йили Бухоро шаҳрида туғилган, чаласавод, партиясиз, Ставрополь ўлкаси Туркман тумани Шарахалсун қишлоғида яшайди. 1932 йил 17 мартда 2 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган.

Нарзиев Зайдулла (Сайдулла, Зиёдулла), 1880 йилда Арафон қишлоғида туғилган, чаласавод, партиясиз, Ставрополь ўлкаси Туркман тумани Шарахалсун махсус посёлкасида яшайди. 1932 йил 19 мартда 2 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

Фармонов Салим, 1900 йилда Новзендак қишлоғида туғилган, партиясиз, ишчи, Воронцово-Александровск туманида меҳнат бадарғачиси. 1932 йил 12 мартда 5 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган.

Раҳматуллаев Маҳмуд, 1906 йилда Бухоро шаҳрида туғилган, олий маълумотли, партиясиз, педагог, Арзгир тумани Ново-Романовка қишлоғида яшайди. 1937 йил 4 октябрда ҳибсга олинган, 2 йилу 6 ой терговда бўлган.

Россия Федерацияси ФХХнинг Ставрополь ўлкаси

бўйича бошқармаси маълумотларига қараганда, Раҳматуллаев Эски Бухорода 1902 (1906) йилда туғилган, ўзбек, мулла фарзанди, олий маълумотли, касби педагог, 1926 йилдан 1935 йилгача ВКП(б) аъзоси, кейин партиядан ўчирилган, қамоққа олингунига қадар Арзгир тумани Ново-Романовка қишлоғида тулиқсиз ўрта мактабда ўқув бўлими мудирини бўлиб хизмат қилган. 1937 йил 4 октябрда РСФСР Жиноят Кодексининг 58—10-моддаси, 1-бандида кўрсатилган жинояти учун айбланиб қамоққа олинган. Оржоникидзе ўлка суди 1938 йил 2 январда «ўқувчилар орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганлиги учун» 10 йил озодликдан, 5 йил сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақида ҳукм қилган. 1938 йил 15 сентябрда НКВДнинг Волга лагерига (Ярослав темир йўлида, Рибинск темир йўл бекатида) этап қилинган, 1940 йили НКВДнинг Шимоли-Шарқий лагери (Хабаровск ўлкаси, Магадан шаҳри) га кўчирилган. Сўнги тақдири номаълум. 1990 йил 4 апрелда РСФСР Олий судининг жиноий ишлар бўйича суд коллегияси реабилитация қилган.

Саидов Сайфулла, 1909 йили Қорақўл тумани Сирбозор қишлоғида туғилган, саводли, партиясиз, Ставрополь ўлкаси Советский тумани, Примерний хуторида яшайди. 1932 йил 1 июнда ҳибсга олинган.

Тўхтамишев Барон (Баҳром), 1901 йилда Акан қишлоғида туғилган, чаласавод, партиясиз, Ставрополь ўлкаси Шарахалсун қишлоғида яшайди. 1932 йил 17 мартда ҳибсга олинган, 3 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

Ҳайдаров Эргаш, 1897 йилда Ямур қишлоғида туғилган, чаласавод, партиясиз, Ставрополь ўлкаси Туркман тумани Шарахалсун қишлоғида яшайди. 1932 йил 17 мартда 3 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

Хайруллаев Мулла Чори, 1900 йилда Қорақўл тумани Бадлар қишлоғида туғилган, чаласавод, партиясиз. Ставрополь ўлкаси Советский тумани Примерний хуторида яшайди. 1932 йил 2 мартда ҳибсга олинган, кўп ўтмай, озод қилинган.

Чемраев (Ҳамроев) Кўчқор, 1895 йили Бухоро шаҳрида туғилган, саводсиз, партиясиз. Ставрополь ўлкаси Туркман тумани Шарахалсун меҳнат посёлкасида ишчи. 1932 йил 17 мартда ҳибсга олинган, кўп ўтмай, тергов иши тўхтатилган.

Чулиев Хусайн, 1904 йилда Қоракўл тумани Куйдим қишлоғида туғилган, чаласавод, партиясиз. Ставрополь ўлкаси Советский тумани Примерний хуторида яшайди. 1932 йил 2 мартда ҳибсга олинган, 1932 йил 1 июнда озод қилинган.

Россия Федерацияси ҳудудидаги республика, ўлка ва вилоятларда қатағон қурбонларини номма-ном аниқлаш иши яхши йўлга қўйилган. Бу масала юзасидан кўплаб хотира китоблари нашр қилинган. Уларда ўзбекистонликлар ҳам борлиги аниқланмоқда. Ўтган асрнинг 30—50-йилларида қатағон қилинган қуйидаги 52 нафар ўзбеклар ҳақидаги маълумотни ана шу манбалар асосида китобхонлар эътиборига ҳавола этамиз:

Абдуллаев Солижон, 1931 йилда Қўқонда туғилган, ўзбек, партиясиз. 1950 йил 14 ноябрда Самарада ҳибсга олинган, 1951 йил 21 февралда лагерь суди РСФСР Жиноят Кодексининг 58—14-моддаси билан 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, 1991 йил 18 октябрда реабилитация қилинган.

Абдуллаев Жўра, 1905 йилда Ўзбекистонда туғилган, ўзбек, партиясиз. 1938 йил 1 июлда ҳибсга олинган, НКВД Куйбишев вилояти бошқармаси РСФСР Жиноят Кодексининг 58—7, 58—10 ва 58—11-моддалари бўйича ҳукм қилган.

Алимов Оталик, Фарғона вилояти Молотов тумани Учқўрғон қишлоғида 1921 йилда туғилган, ўзбек, 4 синфни ва 3 ойлик агротехника курсини тугатган, сапёрлар ротасида қизил аскар. Омскда 1942 йил 25 октябрда ҳибсга олинган. Ўқчи бригадаси 151-бўлим ҳарбий трибунали РСФСР Жиноят Кодексининг 19-моддаси, 58—1 «б», 58—10 2-банди моддалари билан айблаб, олий жазога ҳукм этган. 1942 йил 5 декабрда ҳукм ижро этилган, 1997 йил 9 июлда реабилитация қилинган.

Алманиязов Мадийр қози, 1859 йилда Қорақалпоқ автоном вилояти Кўнғирот тумани 1-овулда туғилган, ўзбек. 1930 йил 20 мартда ҳибсга олинган, ОГПУнинг Қорақалпоқ АССРдаги ваколатли вакиллиги қошидаги «учлик» РСФСР ЖКнинг 58—10-моддаси бўйича 3 йилга сургун қилган, 1989 йил октябрида реабилитация қилинган.

Ортиқов Исмоил, 1896 йили Фарғона вилояти Наманган шаҳрида туғилган, Омскда ОСМЧ-2 да қора

ишчи бўлиб ишлаган. 1942 йил 12 августда ҳибсга олинган, Омск вилояти махсус ишлар бўлими бўйича прокурори РСФСР ЖКнинг 58—14-моддаси бўйича айблаган, реабилитация қилинган.

Аҳмадохунов Алиохун, 1907 йилда Ўзбекистон ССРда туғилган, ўзбек, партиясиз, машғулоти аниқ эмас. 1938 йил 29 июлда Куйбишевда ҳибсга олинган, НКВД Куйбишев вилояти бўйича бошқарма ҳузуридаги «учлик» 1939 йил 13 январда РСФСР ЖКнинг 58—6-моддаси билан ҳукм қилган.

Аҳмедов Шокиржон, 1917 йилда Андижон вилояти Марҳамат тумани Рус қишлоғида туғилган, ўзбек, Горький шаҳридаги ички ишлар бўлимида қоровул бўлиб ишлаган. РСФСР ЖКнинг 58—1-моддаси билан 2 йилу 5 ойга ҳукм қилинган.

Аҳмедов Фозил, 1919 йилда Андижон вилояти Сталин (ҳозирда Шаҳрихон) тумани Қозиқўрғон қишлоғида туғилган, ўзбек. 1947 йил 22 мартда ҳибсга олинган, 1947 йил 28 мартда Усть-Вимск меҳнат-тузатув лагеридаги махсус лагерь суди РСФСР ЖКнинг 58—14-моддаси билан 5 йилга озодликдан маҳрум қилган.

Ашурбоев Ибодулла Рузметович, 1894 йилда Ўзбекистонда туғилган, ўзбек. Селимжин туманидаги Норск посёлкасидаги колонияда печка ёқувчи. НКВДнинг Узоқ Шарқ улкаси бўйича бошқарма ҳузуридаги «учлик» 1937 йил 31 декабрда отувга ҳукм этган.

Ашуров Оқил, 1910 йилда Самарқандда туғилган. 1935 йил 15 сентябрда Самарқандда ҳибсга олинган. НКВДнинг Магадан вилояти бўйича бошқармаси ҳузуридаги «учлик» 1937 йил 15 сентябрда отувга ҳукм қилган, ҳукм 1937 йил 29 октябрда ижро этилган, 1989 йил августда реабилитация қилинган.

Бажанов (Бойжонов) Йўлдош, 1915 йилда Ўзбекистонда туғилган, ўзбек, партиясиз. НКВДнинг Куйбишев вилояти бўйича бошқармаси ҳузуридаги «учлик» 1937 йил 23 октябрда РСФСР ЖКнинг 58—10-моддаси билан 10 йил муддатга концлагерга ҳукм этган.

Бакимбаев Сакен, 1880 йилда Бухорода туғилган, ўзбек, маълумоти бошланғич. Қизил Ўрда вилояти Теренозек тумани Теренозек посёлкасида яшайди. 1930 йил 9 сентябрда қамоққа олинган, ОГПУнинг Қозогистондаги ваколатли вакилиги ҳузуридаги «учлик»

1930 йил 30 октябрда РСФСР ЖКнинг 58—7-моддаси билан 3 йил концлагерга ҳукм қилган.

Баратов Жўра, 1919 йилда Бухоро вилояти Жарқурғон тумани Қоракурсоқ қишлоғида туғилган, ўзбек. 1939 йилдан 1944 йилгача совет армиясида хизмат қилган. 49-армия ҳарбий трибунали РСФСР ЖКнинг 58—1-моддасининг «б» банди билан 10 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, 1955 йил 23 апрелда Ёқутистон АССР Министрлар Совети ҳузурдаги Давлат хавфсизлик комитети (ДХК) реабилитация қилган.

Баҳромов Иброҳим, 1918 йилда Самарқанд вилоятида туғилган, ўзбек, Рубковск шаҳридаги ОСМЧ-15 қурилиш колониясида ер қазувчи бўлиб ишлаган. 1943 йил 31 майда ҳибсга олинган, Олтой ўлкаси суди 1944 йил 27 февралда 58—10-модда бўйича 6 йил қамоқ жазосига ҳукм қилган, СССР Олий суди 1946 йил 16 ноябрда реабилитация қилган.

Бобокалонов Саид Комилович, 1920 йилда Самарқанд вилояти Хатирчи туманида туғилган, ўзбек, маълумоти ўрта. 1945 йил 27 декабрда ҳибсга олинган, Степь ҳудудий орган ҳарбий трибунали 1946 йил 15 майда РСФСР ЖКнинг 58—16-моддаси билан ҳукм қилган.

Давронов Шоим Карвонович, 1917 йилда Бухоро вилояти Қизилтепа тумани Зарметон қишлоғида туғилган, ўзбек, миномёт-инженер батальони қирувчи бригадаси 19-булимида қизил аскар, Краснодар ўлкаси Дундулов темир йўл бекати. Шимолий Кавказ ҳарбий округи ҳарбий трибунали 1942 йил 29 июлда РСФСР ЖКнинг 58—10-моддасининг 2-қисми билан 8 йил озодликдан маҳрум қилишга қарор қилган, 1996 йили реабилитация қилинган.

Жалилов Рустам Ботирбекович, 1887 йилда Самарқанд шаҳрида туғилган, ўзбек, Узоқ Шарқ ўлкаси Николаево-Амурск шаҳридаги савдо ташкилотида директор ўринбосари бўлиб хизмат қилган. 1937 йил 26 августда НКВДнинг Нижно-Амурск бошқармаси ҳибсга олган, РСФСР ЖКнинг 58—7, 58—8, 58—11-моддалари билан ҳукм чиқарган, 1939 йил 29 майда реабилитация қилинган.

Журамбоев (Жўрабоев) Турамбой (Турабой), 1911 йилда Фарғона вилояти Қўқон шаҳрида туғилган, ўзбек, 31-заҳирадаги ўқчи полкда қизил аскар. РСФСР

ЖКнинг 58-моддаси билан Татаристонда ҳукм қилинган.

Девонов Акимбай (Абдулла), 1880 йилда Қорақалпоқ автоном вилоятида туғилган, ўзбек, маълумоти бошланғич. Тўртқул, Хутариқ қишлоғидан. 1930 йил 18 августда ОГПУ ваколатли «учлиги» РСФСР ЖКнинг 58—10-моддаси билан 5 йилга концлагерга ҳукм этган.

Зиёев Неъмат, 1929 йилда Қўқон шаҳрида туғилган, ўзбек, партиясиз, 1950 йил 14 ноябрда ҳибсга олинган, 1951 йил 21 февралда лагерь суди 58—14-моддаси билан 10 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган. Самара вилоятида 1991 йил 18 октябрда реабилитация қилинган.

Эгамкулов Мамарасул, 1924 йилда Самарқанд вилояти Фаллаорол тумани Угат қишлоғида туғилган, ўзбек. 1945 йил 31 декабрда Пермь шаҳрида ҳибсга олинган. 1946 йил 23 февралда террорчиликда айбланиб, 8 йил озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган.

Икромов Ургут, 1918 йилда Тошкентда туғилган, ўзбек, партиясиз, қишлоқ хужалик институтида ўқиган. 1940 йил 22 ноябрда ҳибсга олинган, 1941 йил 30 апрелда Куйбишев вилоят суди РСФСР ЖКнинг 58—10-моддаси бўйича 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, 1965 йил июнида РСФСР Олий суди реабилитация қилган.

Эргашев Дониш, 1921 йилда Ўзбекистонда туғилган, ўзбек, партиясиз, Куйбишевда 1942 йил 30 декабрда ҳибсга олинган, Куйбишев вилояти суди 1943 йил 25 февралда 58—14-модда бўйича 5 йил қамоққа ҳукм этган. 1991 йил 18 октябрда реабилитация қилинган.

Исмаев (Исматов) Асан (Ҳасан), 1909 йилда Ўзбекистонда, Киров қишлоғида туғилган, ўзбек, тўлиқсиз ўрта мактаб ўқитувчиси. 58-модда бўйича ҳукм этилган, Татаристон АССРда, қамоқхонада 1944 йил 5 январда вафот қилган.

Эшонхўжаев Усмонхон, 1899 йилда Ўзбекистон ССР Андижон шаҳрида туғилган, ўзбек, 1920 йилда ВКП(б) аъзоси, Қозон темир йули сиёсий бўлими партия курслари мудири. 1937 йил 15 августда Қозонда ҳибсга олинган. СССР Олий суди ҳарбий коллегиясининг сайёр ҳайъати 1938 йил 4 октябрда РСФСР ЖКнинг 58, 63,

64, 67-моддалари буйича («советларга қарши, миллатчилик қуролли-террорчи ташкилот иштирокчиси») отувга ҳукм қилган. Ҳукм 1938 йил 4 октябрда Тошкентда ижро этилган. 1957 йил 1 августда СССР Олий суди реабилитация қилган.

Эшмуротов Суюн, 1912 йилда Самарқанд вилоятида туғилган, ўзбек, Рубковск шаҳридаги ОСМЧда бригадир. 1943 йил 7 майда ҳибсга олинган, 1943 йил 12 октябрда Олтой улка суди РСФСР ЖКнинг 58—10-моддасининг 2-қисми буйича 2,5 йил қамоқ жазосига ва 5 йил сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақида ҳукм қилган. 1946 йил 16 ноябрда СССР Олий суди реабилитация қилган.

Карамкулов (Каримкулов) Жумабой, 1907 йили Ўзбекистонда туғилган, ўзбек, партиясиз. 1937 йил 12 октябрда ҳибсга олинган, НКВДнинг Куйбишев вилояти буйича бошқарма ҳузуридаги «учлик» РСФСР ЖКнинг 58—10, 58—11 ва 58—14-моддалари буйича 10 йил концлагерда ўташ шarti билан қамоқ жазосига ҳукм қилган, 1989 йил июлида Куйбишев вилояти прокурори реабилитация қилган.

Қосимов Ҳожиакбар, 1904 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек, маълумоти бошланғич, дуппидуз, 1941 йил 10 июлда Тошкентда ҳибсга олинган, 1941 йил 21 августда Олма-ота вилояти суди РСФСР ЖКнинг 58—10-моддаси буйича 10 йил меҳнат-тузатув лагерида қамоқ жазосини ўташга ҳукм қилган.

Қиличов Қурбон, 1903 йилда Арабхонада туғилган. 1933 йили Арабхонада ҳибсга олинган, НКВДнинг ДС буйича бошқармаси ҳузуридаги «учлик» 1938 йил 10 апрелда аксилинқилобий, троцкийчилик фаолияти учун отувга ҳукм қилган, 1989 йил июлида реабилитация қилинган.

Қушатов Тохан (Тугон), 1898 йилда Бўстонлик тумани Хондайлик қишлоғида туғилган, ўзбек. 1930 йил 12 февралда ҳибсга олинган, ОГПУнинг Қозоғистон АССРдаги ваколатли вакиллиги ҳузуридаги «учлик» 1930 йил 9 апрелда РСФСР ЖКнинг 58—10-моддаси буйича 3 йилга концлагерга ҳукм қилган.

Маъдиев Ҳайдали (Ҳайдарали), 1917 йилда Бухоро вилояти Шофиркон тумани Шофиркон қишлоғида туғилган, ўзбек, маълумоти бошланғич. 1944 йил 14 ноябрда ҳибсга олинган, 37-армия ҳарбий трибунали 1944

йил 22 декабрда РСФСР ЖКнинг 58—10-моддаси бўйича 10 йилга концлагерга ҳукм қилган, 1978 йил апрелида Москва ҳарбий округи ҳарбий трибунали реабилитация қилган.

Мақсудов Шоёқуб, 1900 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек, Коми АССР, Визинга қишлоғига сургун қилинган. 1930 йил 22 декабрда ҳибсга олинган. ОГПУнинг Шимолий улка бўйича ваколатли вакиллиги ҳузурдаги «учлик» РСФСР ЖКнинг 58—10-моддаси бўйича 5 йил қамоқ жазосига ҳукм қилган.

Мамурадзе Ҳайдар, 1916 йилда Тошкентда туғилган, ўзбек. 1934 йили сургун қилинган, НКВДнинг ДС бўйича бошқармаси ҳузурдаги «учлик» 1938 йил 3 февралда отувга ҳукм қилган, 1938 йил 7 февралда отилган.

Миржалилов Маҳмуд, 1921 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек. 1942 йил 19 июнда ҳибсга олинган, Коми АССР Олий суди РСФСР ЖКнинг 58—14-моддаси бўйича 10 йил озодликдан, 2 йил ҳуқуқлардан маҳрум қилиш ҳақида ҳукм қилган, қамоқ жазосини Усть-Вимск лагеридан ўтаган. 1942 йил 25 декабрда қайтадан ҳибсга олинган, НКВДнинг Усть-Вимск лагери оператив бўлими 1942 йил 31 декабрда РСФСР ЖКнинг 58—14-моддаси бўйича айб қўйган, судланмаган, тергов жараёнида вафот этган.

Мирзараҳимов Жалолиддин, 1902 йилда Ўзбекистонда туғилган, ўзбек, партиясиз, 1941 йил 29 октябрда ҳибсга олинган. Куйбишев вилояти суди 1941 йил 12 ноябрда РСФСР ЖКнинг 58—14-моддаси бўйича отувга ҳукм этган, ҳукм Куйбишевда 1941 йил 14 декабрда ижро этилган. 1991 йил 18 октябрда реабилитация қилинган.

Мирсоатов (Мўминбоев) Нуриддин, 1888 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек. 1938 йил 8 июлда Павлодар гушт комбинатида сотувчи бўлиб ишлаётганида ҳибсга олинган. НКВДнинг Павлодар вилояти бўйича «учлик» 1938 йил 29 сентябрда отувга ҳукм этган. 1989 йил апрелида Урта Осиё ҳарбий округи прокуратураси хулосаси билан реабилитация қилинган.

Мирзабеков Иномбой, 1913 йилда Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани Қушон қишлоғида туғилган, ўзбек, маълумоти бошланғич, колхозчи. Акмолинск вилояти Шортандин тумани 35-меҳнат посёлкасида яша-

ган. НКВДнинг Қарағанда темир йули транспорт бўлими 1942 йил 10 февралда ҳибсга олган. 1942 йил 22 июнда Акмолинск вилоят суди РСФСР ЖКнинг 58—10-моддаси бўйича 10 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган. Қозоғистон ССР Олий суди 1990 йил 27 июнда реабилитация қилган.

Муҳаммаджонов Ёқубжон Муҳаммаджонович, 1887 йилда Андижон шаҳрида туғилган, ўзбек, саводсиз, партиясиз, деҳқон. 1931 йил 13 январда ҳибсга олинган, 1931 йил 26 январда Бошқирдистонда...

Нажимов Абдусалом, 1918 йилда Фарғона вилояти Алтарда туғилган, ўзбек, саводсиз, қизил аскар. 1943 йил 27 январда ҳибсга олинган, НКВД ҳарбий трибунаи 1943 йил 10 мартда РСФСР ЖКнинг 58—16-моддаси бўйича 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган. Қозоғистон...

Назаров Зокир. 1918 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек, қизил аскар. 1942 йил 6 августда Мариелда 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган.

Пўлатов Ҳайдар, 1906 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек, 1935 йили ҳибсга олинган. НКВДнинг ДС бўйича Магадан бошқармаси ҳузуридаги «учлик» 1938 йил 9 майда «аксилинқилобий кўзғолончилик ташкилотида бўлганлиги» учун отувга ҳукм этган, 1938 йил 14 июнда отилган. 1989 йил июнида реабилитация қилинган.

Саримсоқов Иброҳим Холижонович, 1906 йилда туғилган, ўзбек, 19-тоғли отлик дивизия кутубхонаси бошлиғи, Самарқанд шаҳрида. 1938 йил 17 мартда НКВД давлат хавфсизлиги оператив бўлими ҳибсга олган, 1938 йил 2 августда Ўрта Осиё ҳарбий округи ҳарбий трибунаи 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этган. 1966 йил 4 августда Олий суд ҳарбий ҳайъати реабилитация қилган.

Сувонов Дархон, 1911 йилда Ўзбекистонда туғилган, ўзбек. 1935 йил 7 апрелда ҳибсга олинган, НКВДнинг ДС бўйича бошқармаси ҳузуридаги «учлик» 1938 йил 7 апрелда отувга ҳукм қилган, 1938 йил 14 апрелда отилган. 1989 йил майида реабилитация қилинган. Магадан вилояти...

Сўфиев Абдулауф Ашимович, 1884 йилда туғилган, ўзбек, Омскдаги матлубот союзида чиқиндиларни тупловчи. 1937 йил 30 июлда ҳибсга олинган, НКВД-

нинг Омск вилояти бўйича бошқармаси ҳузуридаги «учлик» РСФСР ЖКнинг 58—2—6—8—9—11-моддалари бўйича отувга ҳукм қилган, 1937 йил 29 октябрда отилган. 1957 йил 26 февралда Сибирь ҳарбий округи ҳарбий трибунали реабилитация қилган.

Суюнов Парда, 1903 йили Ўзбекистонда туғилган, ўзбек. 1934 йили ҳибсга олинган, НКВДнинг ДС бўйича бошқармаси ҳузуридаги «учлик» 1938 йил 5 майда «аксилнқилобий, зараркунандалик гуруҳида иштирок этгани» учун отувга ҳукм этган. 1938 йил 3 июнда реабилитация қилинган. Магадан вилояти...

Тураев Ҳамроқул, 1916 йилда Ўзбекистон ССР Вобкент тумани «Яванидер» колхозида туғилган, ўзбек, маълумоти бошланғич, этикдўз. Акмолинск вилояти Есил тумани Кийма қишлоғида яшаган. 1952 йил 30 майда Давлат хавфсизлик қўмитасининг Акмолинск вилояти бўйича бошқармаси томонидан қамоққа олинган. СССР Давлат хавфсизлик қўмитаси 1952 йил 19 июлда РСФСР ЖКнинг 58—8, 64-моддалари бўйича сургун қилган. 1998 йил 18 июлда Бош прокурор реабилитация қилган.

Убайдуллаев Шимен, 1908 йилда туғилган, ўзбек. 1933 йилда сургун қилинган. НКВДнинг ДС бўйича бошқармаси ҳузуридаги «учлик» 1938 йил 5 майда «аксилнқилобий-қўзғолончи ташкилотда иштирок этгани» учун отувга ҳукм қилган. 1938 йил 5 июнда реабилитация қилинган. Магадан вилояти...

Умаров Абдувой, 1907 йилда Тошкентда туғилган, ўзбек. Узоқ Шарқ темир йўли Эльбан бекатидаги 637-заводнинг 6-цеҳи ишчиси. НКВДнинг Комсомольск шаҳар бўлими томонидан 1945 йил 2 мартда ҳибсга олинган. Давлат хавфсизлик комитети Хабаровск улқаси бўйича бошқармаси тергов бўлими РСФСР ЖКнинг 58—10-моддаси бўйича ҳукм қилган, реабилитация қилинган.

Умурхонов Солиҳон, 1908 йилда Ўзбекистонда туғилган, ўзбек, партиясиз. 1937 йил 12 октябрда ҳибсга олинган, НКВДнинг Куйбишев вилояти бўйича бошқармаси РСФСР ЖКнинг 58—10, 58—11 ва 58—14-моддалари бўйича 10 йил концлагерга ҳукм қилган. 1989 йил июлида Куйбишев вилояти прокуратураси реабилитация қилган.

Ҳайдаров Норқул, 1899 йилда туғилган, ўзбек, 1936

йилда ҳибсга олинган. НКВДнинг ДС бўйича бошқармаси ҳузуридаги «учлик» 1938 йил 7 мартда «аксилинқилобий қўзғолончи ташкилотда иштироки» учун отувга ҳукм этган. 1938 йил 7 майда отилган. Магадан вилояти...

Холматов Фани, 1917 йилда Ўзбекистон ССР Наманган тумани Тошбулоқ қишлоғида туғилган, ўзбек. НКВДнинг Шимолий темир йўл лагери маҳбуси, 1941 йил 7 ноябрда ҳибсга олинган. Шимол — Печора магистрал темир йўли бошқармаси ҳузуридаги СССР НКВД қўшинлари ҳарбий трибунали 1942 йил 10 ноябрда РСФСР ЖКнинг 58—14-моддаси бўйича 10 йил озодликдан ва 3 йилга ҳуқуқлардан маҳрум қилишга ҳукм қилган.

Ҳосил Восил, 1905 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек, Тошкентдан 1930 йили сургун қилинган. НКВДнинг ДС бўйича бошқармаси ҳузуридаги «учлик» 1938 йил 31 мартда «аксилинқилобий, троцкийчи фаолияти» учун отувга ҳукм қилган. 1938 йил 13 апрелда ҳукм ижро этилган. 1963 йил 7 январда реабилитация қилинган.

Биз юқорида совет мустамлакачилиги даврида аввал юртидан бадарға қилинган, кейин уша бегона юртларда ҳам қайтадан қатағонга дучор этилган, айбсиз отилган, узоқ улкалардаги концлагерлар, меҳнат-тузатув лагерларида вафот этган жабрдийдалардан бор-йўғи 89 нафари ҳақида қисқача маълумотлар келтирдик. холос. Аслида уларнинг сони минглаб, ўн минглаб, юз минглабдир. Улар ҳақида бор ҳақиқатни айтиш, тарихимизнинг ана шу қора саҳифалари билан ҳозирги авлодларни таништириб бориш бугунги озод юрт фуқароларининг инсоний бурчидир.

2004 йилда Санкт-Петербургда нашрдан чиққан «Книга памяти жертв политических репрессий в СССР. Аннотированный указатель» китобида қайд этилишича, Россия, Украина, Қозоғистон, Белоруссия ва бошқа республикаларнинг ҳудудий бирликлари бўйича сиёсий қатағон қурбонлари ҳақида хотира китоблари нашр қилинган. «Мемориаль» халқаро тарихий-маърифий жамияти, Россия Президенти ҳузуридаги Сиёсий қатағон қурбонларини реабилитация қилиш бўйича комиссия, А.Д.Сахаров номидаги музей ва жамоатчилик маркази, «Открытая Россия» минтақавий жамоат ташкилоти

ҳамкорлигида «Жертвы политического террора в СССР» («СССРдаги сиёсий террор қурбонлари») номли 2 қисмдан иборат компакт-диск ҳам чиқарилган. Унда ўзбекистонлик қатағон қурбонларидан айримларининг номлари келтирилган.

Ҳолбуки, фақат 1937—1938 йилларнинг ўзидагина Ички ишлар халқ комиссарлигининг «учлик»лари томонидан 41 мингдан кўпроқ киши қамалган. Шулардан 37 мингдан кўпроғи судланган, 6 минг 920 киши отиб ташланган. 1939—1953 йилларда эса 61 минг 799 киши қамалган. Шулардан 56 минг 112 киши турли муддатларга озодликдан маҳрум этилган, 7,1 минг киши эса отувга ҳукм қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 22 июлдаги «Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш туғрисида»ги қарорида мустамлакачилик даврида қатағон қилинган фидойи ватандошларимизни номманом аниқлаш, шаҳид бўлган юртдошларимиз номини абадий сақлаш ва келгуси авлодларга етказиш мақсадида кўп жилдли «Қатағон қурбонлари» хотира китобини яратиш вазифа қилиб қўйилган эди. Бироқ бундай зарур вазифалар жамоатчилигимиз эътиборидан ҳанузгача четда қолаётир.

Шу уринда яна таъкидлаш жоизки, Россия Федерацияси, Украина, Грузия каби республикаларда собиқ Иттифоқ даврида мутлақо махфий ҳисобланган ҳужжат ва материаллардан махфийлик тамғаси олиб ташланиб, қатағон билан боғлиқ ҳужжатлар аллақачон тегишли давлат архивларига берилган. Масалан, Украина давлат хавфсизлиги архивидаги қатағон билан боғлиқ материаллар вилоят давлат архивларига берилган. Натижада бу республикада қатағон қурбонларини ҳар бир вилоят бўйича номманом аниқлаш ва хотира китобларида қайд этиш яхши самара бермоқда. Биз ҳам шундай имкониятдан фойдаланиб, 30 — 40-йилларда Херсон вилоятида қатағон қилинган ўзбеклардан 200 га яқин собиқ «қулоқ»ларнинг номларини аниқлашга муваффақ бўлдик. Ставрополда нашр этилган 12 жилдлиқ «Памяти жертв политической репрессии в Ставропольском крае» («Ставрополь ўлкасидаги сиёсий қатағон қурбонлари») китобида Шимолий Кавказга сургун қилинган юртдошларимиз номларини ўқидик. Россия

Федерациясида, Украина, Қозоғистонда чоп этилган хотира китобларида ҳам уша юртларда қатағон қилинган ўзбекистонликларнинг номма-ном келтирилганини кўрдик.

Бундай мисолларни айтишдан мақсад шуки, бизда ҳам совет мустамлакачилиги даврида сиёсий қатағонга учраб, айбсиз ҳолда ноҳақ азоб-уқубат чеккан ва қатл этилган жабрдийда юртдошларимиз ҳақида хотира китобларини яратиш вақти аллақачон келди. Шу боис мутасадди муассасалар, жамиятлар, тарихчи олимлар, қолаверса, ҳар бир зиёли бу хайрли ишга ўз ҳиссасини қўшиши зарурдир.

БУТОВОДА ДАФН ЭТИЛГАН ЮРТДОШЛАР

Сиёсий маҳбуслар отилган ва дафн этилган жойлар ~~Москва вилоятидаги Ваганково, Дон қабристонлари, Бутово ва Коммунарка қишлоқларида~~ бўлган. Қатағон даҳшатлари авж олган 1937 йил 8 августдан 1938 йил 19 октябргача бўлган вақтда Москвада отилган 20 675 киши Бутово ва Коммунарка қишлоқларига кумилган.

«Мерос» халқаро илмий-амалий экспедиция қатнашчилари Россия Федерациясига илмий сафар билан борганимизда Федерал Хавфсизлик Хизмати Марказий архиви, унинг Москва вилояти бошқармаси архиви, Марказий Давлат архиви, шунингдек, «ГУЛАГдаги ижод ва турмуш» музейида бўлиб, тегишли ҳужжат ва материаллар билан яқиндан танишдик. Шу сафар вақтида Ваганково ва Бутово қатлгоҳларида отилиб, уша жойларга кўмиб юборилган ўзбеклардан қуйидагиларни аниқлаш имкониятига эришдик:

Агдаров Исоқ Иброҳимович, 1886 йили Бухоро шаҳрида туғилган, ўзбек, партиясиз, маълумоти ўрта, Ўзбекистон ССР саноат кооперацияси вакили, Москва шаҳри Цветной Бульварь, 16Ғ31-уйда яшаган. 1932 йил 1 декабрда ҳибсга олинган, отилган, 1970 йил 14 майда реабилитация қилинган.

Абдурашитов Мунаввар қори, 1878 йили Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек, партиясиз, маълумоти олий, адабиётчи, Тошкент шаҳрининг Шайхонтахур даҳаси Дархон маҳалласи 17-уйда яшаган. 1929 йил 6 ноябрда қамоққа олинган, 1931 йили отилган.

Шираҳмедов Нажмиддин, 1900 йили Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек, маълумоти куйи, машғулоти аниқ эмас, Тошкент шахрининг Бешёғоч даҳаси Машраб маҳалласида яшаган. 1929 йил 11 ноябрда ҳибсга олинган.

Тиллахонов Салимхон, 1890 йили Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек, партиясиз, маълумоти — тугалланмаган олий, «Плодовин-союз» инструктори, Тошкентнинг Девонбоши маҳалласида яшаган, 1929 йил 6 ноябрда қамоққа олинган.

Мақсудов Тангрикул ҳожи, 1900 йили Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек, партиясиз, маълумоти ўрта, раб-факка ўқишга кирувчилар учун курс мудири, Тошкент шаҳрида яшаган. 1929 йил 6 ноябрда қамоққа олинган. Абдурашитов М., Шираҳмедов Н., Тиллахонов С., Мақсудов Т. ОГПУ коллегияси томонидан 1931 йил 25 апрелда отувга ҳукм этилган.

Бурнашев Ханиф Ҳасанович, 1900 йили Наманган шаҳрида туғилган, татар, ВКП(б) аъзоси, маълумоти — тугалланмаган олий, СССР Деҳқончилик халқ комиссарлигининг режа-молия бўлими бошлиғи, Москва шаҳрининг Серафимович кўчаси 2-уй (Ҳукумат уйида) 320-хонадонда яшаган. 1937 йил 25 июнда қамоққа олинган. СССР Олий Суди Ҳарбий коллегияси томонидан 1937 йил 2 ноябрда аксилинқилобий террорчилик ташкило-тида иштирок этганликда айбланиб, отувга ҳукм қилинган. 1938 йил 22 мартда отилган. 1956 йил 18 августда СССР Олий Суди Ҳарбий коллегияси томонидан реабилитация қилинган. (Хотира китобида сурати берилган.)

Қаҳҳоров Абдураззоқ Қаҳҳорович, 1895 йили Қўқон шаҳрида туғилган, ўзбек, партиясиз, маълумоти — тугалланмаган олий, сув оқими қурилиши трестида элек-трик, Москвада Страстний бульвар, 10-уй 23-хонадонда яшаган. 1938 йил 13 февралда қамоққа олинган. СССР Олий Суди Ҳарбий коллегияси 1938 йил 8 апрелда жосусликда айблаб, отувга ҳукм этган ва ўша куни отилган.

Икромов Акмал Икромович, 1898 йили Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек, руҳоний оиласидан, маълумоти ўрта, Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг биринчи котиби, Тошкент шаҳар, Гоголь кўчаси 71-уйда яшаган. 1937 йил 20 сентябрда қамоққа олинган, СССР Олий Суди Ҳарбий коллегияси 1938 йил 13 мартда аксилинқилобий тер-

рорчилик ташкилотида иштирок этган, деган айб билан отувга ҳукм этган, 1938 йил 15 мартда отилган.

Хўжаев Файзулла Убайдуллаевич, 1896 йили Эски Бухоро шаҳрида туғилган, узбек, савдогар оиласидан, ВКП(б) аъзоси (собиқ Ёш бухороликлар социалист-инқилобчилар партиясининг собиқ аъзоси), маълумоти куйи, Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Кенгаши раиси, Тошкент шаҳри, Лермонтов кучаси, 9-уйда яшаган. 1937 йил 9 июлда қamoққа олинган. СССР Олий Суди Ҳарбий коллегияси 1938 йил 13 мартда аксилинқилобий террорчилик ташкилотида иштирок этганликда айблаб, отувга ҳукм этган. 1938 йил 15 мартда отилган.

Бу тўртгала ватандошларимизнинг хоки Москвадаги «Бутово полигони» қатлгоҳида ётибди.

1931 йил 15 июнда ВКП(б) Марказий Қумитаси **Волга ва Москва дареларининг кўшилишини таъминловчи канал қуриш туғрисида қарор қабул қилади.** Қурилажак канал зарур миқдордаги сувнинг пойтахтга келишини таъминлаши керак эди. Бинобарин, бу улкан қурилишга минглаб ишчилар ва турли соҳа мутахассислари жалб этилиши лозим эди.

Шу вақтда собиқ совет мамлакатида жамоалаштириш, «қулоқлаштириш» ва сургун қилиш сиёсий кампанияси авж олган эди. ОГПУнинг 1932 йил 14 сентябрдаги буйруғи билан канал қурилиши бошқарилаётган пойтахт бусағасидаги Дмитров шаҳрида Дмитров меҳнат-тузатув лагери барпо этилади. Тез орада бу лагерга Оқ денгиз Болтиқ, Балахнин лагерларидан, Урта Осиё меҳнат-тузатув лагеридан ва бошқа лагерлардан юз минглаб маҳбуслар келтирилади.

Мамлакатдаги лагерларнинг энг каттаси Дмитлаг эди. Бу ерда 1933 йили бир миллион икки юз минг киши жамланган. Москва—Волга каналининг узунлиги 128 километр булган. Каналдан ташқари, 11 шлюз, 7 туғон ва гидростанциялар қурилган. Вербиллоқдан Волгага, Катта Волгадан Дмитров шаҳригача темир йули қурилган. Оғир жисмоний меҳнатдан, очликдан кўплаб маҳбуслар улиб кетганлар. Қочиб кетганлар ҳам кўп булган, ушлаб олинганларга янги муддат ёки отув жазоси берилган.

Ниҳоят, 1937 йили юз минглаб одамларнинг жони эвазига қурилган Москва—Волга канали — «Иккинчи

беш йилликнинг буюк қурилиши» ишга тушади. Уша йилнинг 8 августидан бошлаб Москва ёнидаги Бутово ва Коммунарка «махсус объектлар»ида оммавий отувлар бошланади.

1937 йил 1 октябрда, яъни канал қурилиши тугаллангандан сунг Дмитлагда 1 923 нафар ўзбек бўлган. Демак, унгача ўзбеклар сони кўп бўлган, бир қисми очликдан, оғир меҳнат ва касалликдан ўлиб кетган. Маҳбуслардан ташқари, Москва—Волга канали қурилишига ўз ихтиёри билан ўзбекларнинг катта гуруҳи ҳам келган. Аммо уларнинг қисмати, тақдирининг қандай кечганлиги маълум эмас.

Дмитлагдагилардан 20 761 киши 1937—1938 йилларда отилиб, Бутово полигонига кўмилган. Улардан 51 нафари ўзбекистонлик бўлгани, уларнинг қисқача таржимаи ҳоли, айблов ишлари, Дмитлагда қамоқ жазосини утагани, шу жойда қайта қамоққа олиниб, отилгани каби ҳужжатлар Россия Федерацияси Давлат архивида, Федерал Хавфсизлик хизмати Марказий архиви ва унинг Москва бўлимида сақланмоқда.

Қуйида Дмитров лагерида отилган 51 нафар ўзбек маҳбуслари ҳақида қисқача маълумотлар келтирамыз:

Абдуқодиров Султон, 1896 йили Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек, ўрта ҳол деҳқон оиласидан, партиясиз,



Султон Абдуқодиров (1896—1938).

саводсиз, ёлланма этикдуз, Тошкент шаҳри Октябрь тумани Октябрь кучаси 2-уйда яшаган. 1936 йили ЎзССР НКВД «учлиги» томонидан 5 йил қамоқ жазоси берилган, жазони утамай, қочиб кетган. Москва вилоят суди унга қушимча 6 ой қамоқ жазосини берган. Жазони Дмитров меҳнат-тузатув лагери (Дмитлаг) ёғоч тайёрлов участкасида умумий ишларда ўтказган, 1938 йил 20 мартда Дмитлагда қамоққа олинган. Абдуқодиров Султон устидан тайёрланган тергов материалларида маҳбуслар орасида мана бундай сузларни айтгани кайд этилган: «Совет ҳокимияти одамларни азобламоқда, бизларнинг қонимизни ичмоқда, қишлоқда колхоз ҳаёти жорий этилганидан бери ҳалокат юз бермоқда, колхозчилар азоб-уқубатда қолди, туну кун меҳнат қилишмоқда, аммо наф йўқ, бошқалар ҳам азоб чекмоқда. Купларни ҳеч асоссиз отишмоқда. Арқон билан ҳаммани осиб ўлдириб бўлмайдди, одамлар яна қолаверадди».

Абдуқодиров Султонга Дмитлагдаги алоҳида ёғоч тайёрлов участкасида жазони уташ чоғида маҳбуслар орасида колхоз тузумидан норозилигини билдирган, отилиб кетган «халқ душманлари»га ҳамдардлик билдирган, лагерь туғрисида иғво миш-мишлар тарқатган, деган айблар ҳам қўйилган. 1938 йил 20 майда СССР НКВД Москва вилояти Ички ишлар бошқармаси ҳузуридаги «учлик» аксилинқилобий тарғиботи учун олий жазо — отувга ҳукм қилган, ҳукм 1938 йил 27 майда ижро этилган.

Абдуқодиров Султон лагердалигида маҳбуслар орасида совет ҳокимиятини бадном этишга қаратилган тарғибот ишлари олиб борганликда айбланиб, жиноий жавобгарликка тортилган. Унинг жиноий ишида оиласи ҳақида ҳам маълумот берилган: хотини Салоҳон (Сабоҳон) Шарипова, 32 ёшда, артист, ўғли Исмоилжон, 15 ёшда, қизи Робина, 13 ёшда, ўғиллари Зокиржон, 11 ёшда, Акбаржон, 9 ёшда. Хотини ва болалари Қўқон шаҳри 2-туман, Зарковат маҳалласида яшаган.

1989 йил 19 июнда Абдуқодиров Султон реабилитация қилинган¹.

Абдуллаев Болбек, 1896 йилда Ўзбекистон ССР Орол тумани, Ленин қишлоқ совети Явош қишлоғида туғилган, ўзбек, партиясиз, ижтимоий келиб чиқиши

¹ ГАРФ, 10035-фонд, П-73743-иш, 13—21-варақлар.



Болбек Абдуллаев (1896—1938).

қулоқ, собиқ мулла, уйланган, 3 ёшдан 15 ёшгача бўлган уч фарзанди бор. У 2 марта судланган, 1932 йили ЎзССР ЖКнинг 140-моддаси билан 1 йилу 6 ойга, 1934 йили ЖКнинг 109—146-моддалари билан 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган.

Жазони Дмитров лагерида утаган. У «аксилинқилобий тарғиботи» учун РСФСР ЖКнинг 58—10-моддаси билан 1938 йил 9 февралда НКВД органлари томонидан ҳибсга олинади. Уни айблашда узининг юртдоши, еиёеий маҳбуедеши Рустам Ибодуллаев гувоҳлик курсатмасини беради. Унинг ёши 48 да бўлиб, Самарқанд шахридан, ўзбек, лагерда ёрдамчи ишчи, инқилобга қадар деҳқон оиласидан, камбағал, батрак. Хотини Адолат, қизлари Сабохон 5 ёшда, Ҳамрохон, 3 ёшда, угли Мусаллам 6 ёшда, чаласавод, 1934 йилдан 1935 йилгача ВКП(б) аъзоси бўлган.

Рустам Ибодуллаевнинг Абдуллаев Болбек ҳақида берган кўрсатмаси тергов материалларида бундай акс эттирилган: «Абдуллаев Болбек гидротехник лабораторияда ишлаган вақтида маҳбуслар орасида қуйидагиларни айтган: «Колхоз одамларни қашшоқ ҳолга олиб келди, уларда ҳеч қандай яхши нарса йўқ, мен жинни эканман, қамалишимдан олдин колхозга кирибман. Қамоқдан бушаганимдан сунг мени колхозга арқон би-

лан ҳам тортиб киргизиша олмайди. Совет ҳокимияти даврида яшаш авалгига қараганда жуда ёмон кечмоқда, деҳқонларни бекорга ва оч ҳолда ишлашга мажбур этмоқдалар, барча «айбдор»ларни лагерларга ҳайдаб олиб кетдилар ва у ерларда оч қолганларни зўрлаб ишлатмоқдалар. Сталин барчани қийнаб юборди». Шунда ўртоқ Сталин шаънига булмағур гапларни айтди. «Совет ҳокимияти тез орада ҳалокатга учрайди, Германия СССРга қарши уруш очади ва биз уни қувватлашга тайёрмиз», деди».

СССР НКВДси Москва вилояти буйича бошқармаси судлов «учлиги»нинг 1938 йил 19 февралдаги ҳукми билан Абдуллаев Болбек олий жазо — отувга ҳукм қилинади, ҳукм 21 февраль куни ижро этилади.

Болбек Абдуллаев 1989 йил 19 июнда реабилитация қилинади¹.

Абдуллаев Файзи, 1899 йили Шаҳрисабз тумани Чоримор қишлоғида туғилган, узбек, деҳқон, қулоқ оиласидан, партиясиз, чаласавод, Файзулла Хўжаев номидаги колхоз раиси. 1935 йили 8 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазони Дмитлагда, Волга



Файзи Абдуллаев (1899—1938).

¹ Уша манба, 12—25-варақлар.

участкасида умумий ишларда меҳнат қилиб ўтаган, 1938 йил 22 мартда шу ерда қамоққа олинган. Маҳбуслар орасида аксилинқилобий фаолият олиб борганликда, «халқ душманлари»ни мақтаганликда айбланиб, олий жазо — отувга ҳукм этилган, ҳукм 1938 йил 20 июнда ижро этилган.

Абдураззоқхўжаев Сайдуллахўжа, 1889 йили Полган (Поп) тумани Оқтепа қишлоғида туғилган, тожик, кулоқ, савдогар оиласидан, партиясиз, якка хўжа, деҳқончилик қилган. Поп тумани Оқтепа қишлоғида яшаган. 1937 йили 10 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган, жазони Дмитлагда, Химки тумани Сходненск участкасида ер қазиш билан, аравакашлик қилиб ўтаган. 1937 йил 3 ноябрда Дмитлагда қамоққа олинган. Советларга қарши тарғибот олиб борганликда айбланиб, отувга ҳукм этилган, ҳукм 1937 йил 2 декабрда ижро этилган.

Амиров Бектемир, 1914 йили Пораган (Фароғон) қишлоғида туғилган, ўзбек, ўртаҳол деҳқон оиласидан, партиясиз, чаласавод, машғулоти аниқ эмас, 1933 йили 8 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган, жазони Дмитлагда, Химки тумани Никольск участка-



Сайдуллахўжа Абдураззоқхўжаев (1889—1937).

сида умумий ишда ўтаган, 1938 йил 27 январда Дмитлагда қайта ҳибсга олинган. Аксилинқилобий фаолиятда айбланиб, отувга ҳукм этилган, ҳукм 1938 йил 5 февралда ижро этилган.

Ашуrow Раим, 1902 йили Қорадарё тумани Мундичи қишлоғида туғилган, ўзбек, деҳқон, қулоқ оиласидан, 1927 йилдан Ўз КП(б) аъзоси, чаласавод. «Охунбобоев» колхози раиси, Қорадарё тумани Қорадарё қишлоғида яшаган. Унинг отаси 70 ёшда, онаси Турабобоева Ўғилхон 60 ёшда, акаси Эгамберди 45 ёшда, укаси Қодир 25 ёшда, синглиси Мукаррам 23 ёшда, хотини Ҳабибахон 30 ёшда, ўғли Олим 12 ёшда бўлгани махбуслик анкетасида қайд қилинган. 1932 йили 10 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган, жазони Дмитлагда, Волга тумани 2-участкасидаги вақтинча меҳнатга лаяқатсизлар командасида ўтаган. 1937 йил 15 ноябрда Дмитягва қамонга олинган, советларга қарши тарғиботда айбланиб, отувга ҳукм этилган.

Бобожонов Жуманазар, 1903 йили Хонқа тумани Саучен қишлоғида туғилган, ўзбек, деҳқон, қулоқ оиласидан, партиясиз, мустақил мутолаа йўли билан савод



Раим Ашуrow (1902—1937).



Зиёд Ботиров (1905—1938).

чиқарган, Саучен қишлоғида яшаган. 1932 йил 10 йили меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган, Дмитлагдаги «Техника» шаҳарчасида дневальник бўлиб ишлаган, 1938 йил 31 мартда Дмитлагда қамоққа олинган, аксилинқилобий тарғиботда айбланиб, отувга ҳукм этилган.

Ботиров Зиёд, 1905 йили Оқдарё тумани Таряк қишлоғида туғилган, ўзбек, қулоқ, савдогар оиласидан, партиясиз, саводсиз, Таряк қишлоғида яшаган. 1935 йили 6 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган, жазони Дмитлагдаги «Техника» участкасида умумий ишларда утаган, 1938 йил 9 апрелда қамоққа олинган, аксилинқилобий фаолиятда айбланиб отувга ҳукм этилган, ҳукм 1938 йил 20 июнда ижро этилган.

Бердиев Мулла Харун, 1893 йили Ургут тумани Гиждувон қишлоғида туғилган, ўзбек, деҳқон, қулоқ оиласидан, партиясиз, маълумоти қуйи, Гиждувон қишлоқ совети Калинин номли колхоз аъзоси, Гиждувон қишлоғида яшаган, 1931 йили 10 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган, жазони Дмитлагда утаган, шу ердаги «Омутия» участкасида умумий ишларда ишлаган. 1938 йил 28 февралда қамоққа олинган. Тергов



Мулла Харун Бердиев (1893—1938).

баённомасида унинг оила таркиби берилган: хотини Улуғ Бердиева 31 ёшда, ўғли Язвонқул 16 ёшда, қизи Руқиз 13 ёшда, қизи Тути 11 ёшда бўлган. Аксилинқилобий тарғиботда айбланиб, отувга ҳукм этилган, ҳукм 1938 йил 10 мартда ижро этилган.

Воҳидов Ваҳобжон, 1897 йил Балиқчи тумани Чинобод қишлоғида туғилган, ўзбек, деҳқон, кулоқ оиласидан, партиясиз, чаласавод, деҳқончилик билан шуғулланган, Балиқчи тумани Чинобод қишлоғида яшаган. 1932 йили колхоз ерини давлатдан яширгани учун 1 йил озодликдан маҳрум этилган. 1934 йили эса колхоздаги кўпоровчилик иши учун 8 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазони Дмитлагда, механика заводи участкасида умумий ишларда ўтаган. В.Воҳидовнинг маҳбуслар орасида: «Совет Иттифоқида яшаб бўлмапти, одамлар очликдан улишяпти, эркинликка чиқишим биланоқ Афғонистонга ўтиб кетаман, ўша жойдагина эркин яшашим мумкин», деган сўзлари айблов хулосасида келтирилган. 1938 йил 30 январда қамоққа олинган, аксилинқилобий-троцкийчилик руҳида тарғибот олиб борганликда айбланиб, отувга ҳукм қилинган, ҳукм 1938 йил 5 февралда ижро



Ваҳобжон Воҳидов (1897—1938).

этилган. Хотини ва 3 нафар фарзанди бўлган, улар деҳқончилик қилиб ҳаёт кечирган.

Миржалилов Маматқул, 1910 йили Фарғона вилояти Қуқон шаҳрида туғилган, ўзбек, деҳқон, қулоқ оиласидан, чаласавод, ўз хўжалигида ишлаган, Қуқон шаҳ-



Маматқул Миржалилов (1910—1937).

рида яшаган, 1935 йили 10 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган, Дмитлагда Химки тумани Сходненск участкасида ер қазувчи, аравакаш булиб ишлаган, 1937 йил 3 ноябрда Дмитлагда қамоққа олинган, советларга қарши тарғибот олиб борганликда айбланиб, отувга ҳукм қилинган, ҳукм 1937 йил 2 декабрда ижро этилган.

Сулаймонов Шайди, 1904 йили Ворошилов (ҳозирги Қўрғонтепа — *муаллиф*) тумани Абдуллабий қишлоғида туғилган, Абдуллабий қишлоғида яшаган, 1934 йили 6 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган, Дмитлагдаги «Техника» участкасида умумий ишларда меҳнат қилган, 1938 йил 4 апрелда ҳибсга олинган, маҳбуслар орасида советларга қарши тарғибот олиб борганлик, совет ҳукуматини дискредитация қилганлик ва «халқ душманлари»ни мақтаганликда айбланиб, отувга ҳукм қилинган, ҳукм 1938 йил 23 июнда ижро этилган. Унинг oilасида хотини 25 ёшли Чинорхон, 12 ёшли ўғли Эргаш булганлар. Улар ҳозирги Андижон вилояти Қўрғонтепа тумани, Абдуллабий қишлоғида яшаганлар.

Султонов Ваҳоб, 1905 йили Сирдарё вилояти Юқори Чирчиқ тумани Тўйтепа қишлоғида туғилган, қозоқ, собиқ ВКП(б) аъзоси, маълумоти ўрта, 1936 йили қамоққа олинган, жазони Дмитлагда ўтаган, 1937 йил 21 ноябрда қамоққа олинган, аксилинқилобий ташвиқотда айбланиб, отувга ҳукм қилинган, ҳукм 1937 йил 3 декабрда ижро этилган.

Ҳожибердиев (Ҳужамбердиев) Эгамберди, 1896 йили ЎзССР Қува тумани Извошбоши қишлоғида туғилган, ўзбек, ижтимоий келиб чиқиши қулоқ, маълумоти қуйи, савдогар. 1930 йилдан 1932 йилгача колхозда гушт билан чайқовчилик (қассоблик — *муаллиф*) қилган, сайлов ҳуқуқидан маҳрум, этилган. 1932 йили Шурин қишлоғида яшаган, ўша йили ЎзССР ЖКнинг 175-моддаси — чайқовчилик қилгани учун 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган, жазони Дмитров лагерида ўтаган. Шунда Ҳожибердиев Эгамберди «маҳбуслар орасида совет ҳокимиятини дискредитация қилишга қаратилган советларга қарши, аксилинқилобий тарғибот олиб борганлик»да айбланиб, 1938 йил 1 апрелда қамоққа олинган, Москва вилояти Ички ишлар бошқармаси ҳузуридаги «учлик»нинг 1938 йил 5 июндаги

қарори билан отувга ҳукм этилган, ҳукм 1938 йил 20 июлда ижро этилган. Унинг жиноий ишида оиласи таркиби берилган: аҳли аёли Адолат, 30 ёшда, қизи Ҳамрохон, 13 ёшда.

Ҳожибердиев Эгамберди Москва вилояти Прокуратураси томонидан 1989 йил 19 июнда реабилитация қилинган¹.

Аймуҳамедов Махар, 1882 йили Тошкент тумани Дурмон қишлоғида туғилган, қozoқ, партиясиз, савдогар оиласидан, чаласавод, 1932 йили қamoққа олинган, жазони Дмитлагда ўтказган, 1938 йил 17 январда ҳибсга олинган, 1938 йил 26 январда аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланиб, отувга ҳукм қилинган, ҳукм 1938 йил 31 январда ижро этилган.

Бозоров Турсун, 1899 йили Ўзбекистон ССР, Башкан тумани Губдум қишлоғида туғилган, ўзбек, оилали, икки фарзанди бор, қизи 7 ёшда, ўғли 1 ёшда, ижтимоий келиб чиқиши деҳқон, 1928 йилдан 1935 йилгача қуроли тўдада, босмачиликда бўлган, 2 марта судланган. 1928 йили бандитлиги учун РСФСР ЖКнинг 59—3-моддаси билан 3 йилга ҳукм этилган. 1931—1934 йиллари босмачилар тўдасида бўлган, бос-



Турсун Бозоров (1899—1938).

¹ Ўша манба, П-73838-иш, 3—16-варақлар.

мачилик тугатилганидан сунг, 1935 йилга қадар Ҳамдам қурбошининг қуролли тудасида булган. Бунинг учун 7 йилга қамоқ жазосига ҳукм этилган. Жазони НКВДнинг Дмитров лагерида ўтаган.

Бозоров Турсун Дмитров лагерида булганида Дмитров тумани Омутня участкасида ишлаган. Шунда у «маҳбуслар орасида советларга қарши, аксилинқилобий тарғибот олиб борган ва совет ҳукумати аъзоларига қарши террорчилик кайфиятини тарқатган»ликда айбланиб, Москва вилояти Ички ишлар бошқармаси ҳузуридаги «учлик»нинг 1938 йил 25 февралдаги қарори билан отувга ҳукм этилган, ҳукм 1938 йил 28 февралда ижро этилган.

Бозоров Турсун Москва вилояти прокуратураси томонидан 1992 йил 5 мартда реабилитация қилинган¹.

Давлатов Курбон, 1908 йили ЎзССР Данғара тумани Булон қишлоғида туғилган. ўзбек. оилали (хотини Афғонистонда яшайди), ижтимоий келиб чиқиши кулоқ, бойнинг ўғли, машғулоти аниқ эмас.

Давлатов Курбон 1933 йили ЎзССР ЖКнинг 59—3-моддаси бўйича босмачилар тудасида иштирок этганлик ва Афғонистон чегарасидан ўтиб, қайтиб турган-



Курбон Давлатов (1908—1938).

¹ Ўша манба, П-73743-иш, 12—20-варақлар.

ликда айбланиб, 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган. Жазони Дмитров лагерида утаган. Шунда у «маҳбуслар орасида советларга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганлик ва террорчилик характеридаги кайфиятини билдирганлик»да айбланиб, 1938 йил 15 январда қамоққа олинган. НКВДнинг Москва вилояти бўйича бошқармасининг судлов «учлиги» 1938 йил 26 январда Давлатов Курбонни отувга ҳукм қилади, ҳукм 31 январда ижро этилади.

У 1989 йил 27 июнда Москва вилояти прокуратураси томонидан реабилитация қилинади¹.

Дусматов Абдусамат, 1904 йили ЎзССРнинг Қоратепа қишлоғида туғилган, ўзбек, савдогар, партиясиз, саводсиз, аксилинқилобий босмачилар тўдасининг фаол қатнашчиси бўлган, оилавий аҳволи—якка узи. 1934 йили 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган, ЎзССР ЖКнинг 78-моддаси 1-банди, РСФСР ЖКнинг 59—3-моддаси билан айбланган. Қамоқ жазосини Дмитров лагерида утказиб, маҳбуслар орасида «фаол аксилинқилобий фаолият кўрсатган, партия ва совет ҳокимияти раҳбарларига қарши чиқишлар қилган». У 1938 йил 14 январда ҳибсга олинган. Москва вилояти Ички иш-



Абдусамат Дусматов (1904—1938).

¹ Уша манба, П-73265-иш, 11—21-варақлар.

лар бошқармаси ҳузуридаги «учлик»нинг 1938 йил 26 январдаги қарори билан РСФСР ЖКнинг 58—10-моддаси билан олий жазо—отувга ҳукм қилинган, ҳукм 1938 йил 31 январда ижро этилган.

1989 йил 19 июнда Москва вилояти прокуратураси томонидан реабилитация этилган¹.

Дониёров Маҳмуд, 1904 йили Денов тумани Ҳасан-капа қишлоғида туғилган, ўзбек, ўзига туқ деҳқон оиласидан, партиясиз, саводсиз, «Дендар чура» колхози аъзоси, туғилган жойида яшаган. Унинг онаси Майрамхон 65 ёшда, укалари—Раҳмат 26 ёшда, Мирзиёд 20 ёшда бўлган. 1934 йили 8 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган, жазони Дмитлагда ўтаган, 1938 йил 9 апрелда ҳибсга олинган, маҳбуслар орасидаги аксилинқилобий тарғиботда айбланиб, отувга ҳукм қилинган, ҳукм 1938 йил 23 июнда ижро этилган.



Маҳмуд Дониёров (1904—1938).

Жумаев Ҳамдам, 1915 йили ЎзССР Косон тумани Майманак қишлоғида туғилган, ўзбек, ижтимоий келиб чиқиши — қулоқ, 1933 йили қулоққа тортилган, чаласавод, партиясиз, уйланмаган, 6 ёшли укаси Ик-

¹ Уша манба, П-73320-иш, 5—16-варақлар.



Ҳамдам Жумаев (1915—1938).

ром бўлган. 1934 йили ЎзССР ЖКнинг 109, 110-моддалари билан 8 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган. Жазони Дмитров лагерига утаган. Лагердаги «махбуслар орасида советларга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб бориб, совет ҳокимиятини обрусизлантиришга ҳаракат қилганлик»да айбланиб, 1938 йил 17 мартда қамоққа олинади. Москва вилояти Ички ишлар бошқармаси «учлиги»нинг 1938 йил 20 майдаги қарори билан отувга ҳукм этилади, ҳукм 27 май куни ижро этилади.

1989 йил 16 июнда Москва вилояти прокуратураси томонидан реабилитация қилинган¹.

Исаев Ражаб, 1900 йили Хоразм округи Саҳкиён қишлоғида деҳқон оиласида туғилган, ўзбек, партиясиз, маълумоти куйи, колхозчи, ўша қишлоқда яшаган. 1936 йили 10 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган, қамоқ жазосини Дмитлагда ўтаган, 1938 йил 1 февралда ҳибсга олинган, советларга қарши тарғибот олиб борганликда айбланиб, отувга ҳукм қилинган, ҳукм 1938 йил 17 февралда ижро этилган.

Исматов Файзи, 1912 йили Бухоро тумани Харғуш қишлоғида деҳқон оиласида туғилган, ўзбек, қулоқ,

¹ Ўша манба, П-73915-иш, 9—17-варақлар.

қулоққа тортилган, партиясиз, маълумоти қуйи, Каримов номидаги колхозда ишлаган. Харгуш қишлоғида яшаган. 1934 йили 8 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган, қамоқ жазосини Дмитлагда ўтаган. Маҳбуслар орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланиб, отувга ҳукм этилган. Ҳукм 1938 йил 23 июнда ижро қилинган.

Эшбоев Маъмур, 1910 йили Булунғур тумани Қорақурсан қишлоғида туғилган, ўзбек, деҳқон оиласидан, партиясиз, маълумоти қуйи, ўз хужалигида ишлаган. 1931 йили 10 йил муддатга қамоқ жазосига ҳукм этилган, жазони Дмитлагда ўтаган, 1938 йил 17 январда ҳибсга олинган. Аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланиб, отувга ҳукм этилган, ҳукм 1938 йил 31 январда ижро этилган.

Каримов Қурёз, 1908 йили Янги Урганч шаҳри Хонқа туманида туғилган, ўзбек, қулоқлар оиласидан, партиясиз, чаласавод, колхоздаги умумий ишларда машғул бўлган. Хотини Курбонова Ҳайит 26 ёшда бўлган. Хонқа тумани Қуниз қишлоқ советида яшаган. 1930 йили қулоққа тортилган ва сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилган. 1934 йили ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакиллиги «учлиги» томонидан босмачилар тудасида иштирок этгани учун РСФСР ва



Қурёз Каримов (1908—1938).

ЎзССР ЖКларининг 58 ва 59—3-моддалари билан 5 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган. Жазони Дмитров лагерининг Волга участкасидаги умумий ишларда ўтказган. Аввалдан совет ҳокимиятига қарши кайфиятда бўлган Қ.Каримов «маҳбуслар орасида советларга қарши тарғибот олиб боргани учун» жиноий жавобгарликка тортилган, 1938 йил 10 февралда қамоққа олинган ва 1938 йил 18 февралда НКВДнинг Москва вилояти бўйича бошқармаси ҳузуридаги «учлик» қарори билан отувга ҳукм этилган, ҳукм 1938 йил 26 февралда ижро этилган. 1989 йил 16 июнда Москва вилояти прокуратураси томонидан реабилитация қилинган¹.

Матёкубов Самандар, 1901 йили ЎзССР Хонқа тумани Кулон-Қорабоғ қишлоғида туғилган, ўзбек, кулок, сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинган, икки марта судланган, биринчи марта 1933 йили давлат топшириғини бажармагани учун 3 йилга, иккинчи марта 1934 йили колхозга қарашли ҳайвонни ўғирлагани учун 8 йилга қамоқ жазосига ҳукм этилган. Жазони Дмитров лагерига ўтаган Матёкубов Самандар «маҳбуслар орасида совет ҳокимиятига қарши аксил-



Самандар Матёкубов (1901—1938).

¹ Уша манба, П-73612-иш, 2—20-варақлар.

инқилобий тарғибот олиб борганлик»да айбланиб, 1938 йил 4 февралда қамоққа олинади. У яна 1938 йил 11 февралда РСФСР ЖКнинг 58—10-моддаси 1-банди билан Москва вилояти Ички ишлар бошқармаси ҳузуридаги «учлик»нинг қарори билан отувга ҳукм этилган, ҳукм 1938 йил 17 февралда ижро этилган. Унинг жиноий ишлари материалларида оила аъзолари таркиби келтирилган: хотини Зиёда, 35 ёшда, қизлари Робия, 8 ёшда, Сона, 6 ёшда, ўғиллари Абдурахим, 13 ёшда, Қурбонбой, 11 ёшда. Матёкубов Самандар ҳибсга олинган вақтда оиласи Хонқа тумани Қулон-Қорабоғ қишлоғида яшаган.

Москва вилояти прокуратураси 1989 йил 9 июнда Матёкубов Самандарни реабилитация қилган¹.

Эргашев Ҳожибек, 1912 йил Зомин тумани Ўрол қишлоғида бой оиласида туғилган, узбек, партиясиз, чаласавод, ўз ҳужалиғида деҳқончилик қилган, туғилган жойида яшаган, 1934 йили 8 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган, жазони Дмитлагда ўтаган, 1938 йил 5 июнда ҳибсга олинган, аксилинқилобий тарғибот ва ташвиқот олиб борганликда айбланиб, 1938 йил 5 июнда отувга ҳукм этилган, ҳукм 1938 йил 23 июнда



Ҳожибек Эргашев (1912—1938).

¹ Ўша манба, П-73310-иш, 7—14-варақлар.

ижро этилган. Хотини Турсунова Бувайшанинг 19 ёшда, қизи Албушнинг 5 ёшда, ўғли Алимбекнинг 7 ёшда бўлгани қайд этилган.

Исомиддинов Бурҳон, 1910 йили Фарғона тумани Илма қишлоғида туғилган, кулоқ, ҳуқуқдан маҳрум қилинганнинг ўғли, тожик, партиясиз, саводсиз, машғулотни аниқ эмас, туғилган жойида яшаб турган. 1934 йили 8 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган, жазони Дмитлагда ўтаган. 1938 йил 9 апрелда ҳибсга олинган. Маҳбуслар орасида троцкийчилик-фашистлик руҳида тарғибот олиб борганликда айбланиб, отувга ҳукм этилган, ҳукм 1938 йил 23 июнда ижро этилган.

Исомов Оташ, 1908 йили Хужаобод тумани Найман қишлоғида йирик кулоқ оиласида туғилган, ўзбек, партиясиз, саводсиз, уз хужалиғида меҳнат қилган, туғилган жойида яшаган. Отаси 1929 йили сургун қилинган, қаердалигини билмайди. 1934 йили меҳнат-тузатув лагерига 8 йилга ҳукм этилган, маҳбусликни Дмитлагда ўтаган, 1938 йил 10 апрелда қамоққа олинган, троцкийчилар — Риков, Бухарин, Ягода, миллатчи Хужаев ва бошқаларни ҳимоя қилганликда айбланиб, отувга ҳукм этилган, ҳукм 1938 йил 20 июнда ижро этилган.



Оташ Исомов (1908—1938).



Авазмат Исмоилов (1894—1937).

Исмоилов Авазмат, 1894 йили Хонқа тумани Катта-жармиз қишлоғида ўртаҳол деҳқон оиласида туғилган, ўзбек, партиясиз, маълумоти қуйи, 1927 йили ўз қишлоғида имомлик қилган, «қўпоровчилик мақсади»да колхозда ишлаган. 1935 йили 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазони Дмитлагда утаган. 1937 йил 7 октябрда ҳибсга олинган, маҳбуслар орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланиб, отувга ҳукм этилган, ҳукм 1937 йил 16 ноябрда ижро этилган. Унинг Бекахон исми 30 ёшли хотини, Қурбоной исми 7 ёшли қизи ва 3 ёшли Ма-шариф исми ўғли бўлган.

Қобилов Турғунбой, 1885 йили Андижон вилояти Избоскан тумани Қўқон қишлоғида деҳқон оиласида туғилган, ўзбек, партиясиз, маълумоти ўрта (миллий маълумотли), мулла, туғилган жойида яшаган. 1934 йили 5 йил муддат билан меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган, жазони Дмитлагда утаган. 1938 йил 22 январда қамоққа олинган. Подшо давридаги ҳаётни мақтаб советларга қарши тарғибот олиб борганликда айбланиб, отувга ҳукм этилган, ҳукм 1938 йил 31 январда ижро этилган.

Қораев Саидали, 1912 йили Термиз тумани Мазур-обод қишлоғида деҳқон, қулоқ оиласида туғилган,



Саидали Қораев (1912—1938).

Ўзбек, партиясиз, саводсиз, якка хўжа, туғилган жойида яшаган. 1931 йили қулоқ қилинган, Афғонистонга қочиб ўтиб кетган, у ерда қочиб кетган қулоқнинг қизига уйланган. 1935 йили яна СССРга қайтиб ўтганида ушланган. 1935 йили 5 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган, жазони Дмитлагда ўтаган, 1938 йил 10 апрелда ҳибсга олинган. Мавжуд тузумга қарши тарғибот олиб борганликда, шунингдек, Афғонистондаги ҳаётни мақтаганликда айбланиб, отувга ҳукм этилган, ҳукм 1938 йил 23 июнда ижро этилган. Унинг оиласида 9 жон бўлган, отаси Қораев Бобоҳон, онаси Хадича, укалари Шукур, Хужажаҳон, синглиси Шалола, 2 та хотини бўлган, бир ўғли, бир қизи бўлган.

Мавлонов Юнусхўжа, 1910 йили Тошкент шаҳрида туғилган, деҳқон оиласидан, ўзбек, партиясиз, чаласавод, машғулотни аниқ эмас, туғилган жойида яшаган. 1934 йили 10 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган. Жазони Дмитлагда ўтаган. 1937 йил 20 сентябрда ҳибсга олинган, аксилинқилобий кайфиятда ҳамда партия ва ҳукумат раҳбарларига нисбатан террорчилик ҳаракатлари ҳақида сўзлаганликда айбланиб, отувга ҳукм қилинган, ҳукм 1937 йил 16 ноябрда ижро қилин-



Юнусхўжа Мавлонов (1910—1937).

ган. 60 ёшли отаси Турсунхўжа Тошкент шаҳри Қўрғон кўчасида яшаган.

Мадаминов Мавлон, 1911 йили Фарғона тумани Лаган қишлоғида туғилган, тожик, йирик бой қулоқнинг



Мавлон Мадаминов (1911—1938).

уғли, партиясиз, маълумоти ўрта, Лаган қишлоқ советида ҳисобчи бўлган, туғилган жойида яшаган. 1933 йили қулоққа тортилиб, 10 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазони Дмитлагда ўтаган, 1938 йил 26 мартда қамоққа олинган, 1938 йил 5 июнда маҳбуслар орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланиб, отувга ҳукм этилган, ҳукм 1938 йил 27 июнда ижро этилган. Анкетада 49 ёшли онаси, 21 ёшли хотини борлиги қайд қилинган.



Уруф Маманазаров
(1898—1937).

Маманазаров Уруф, 1898 йили Фориш тумани Устухон қишлоғида туғилган, ўзбек, қулоқ, қулоқ оиласидан, партиясиз, маълумоти қуйи, «Бедняк» колхозида қора ишчи бўлиб ишлаган. 1935 йили 5 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазони Дмитлагда ўтаган. 1937 йил 23 сентябрда қамоққа олинган. 1937 йил 23 сентябрда советларга қарши тарғибот (айниқса, миллатлар орасида) олиб борганлик ва баракда намоз ўқишни ташкил қилганликда айбланиб, отувга ҳукм қилинган, ҳукм

1937 йил 26 сентябрда ижро этилган.

Маматов Йўлдош, 1913 йили Беҳбудий тумани Қамаша қишлоғида туғилган, ўзбек, деҳқон, қулоқ оиласидан, партиясиз, чаласавод, ўз ҳужалигида банд бўлган, туғилган жойида яшаган. 1934 йили 10 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган, жазони Дмитлагда ўтаган, 1938 йил 21 февралда қамоққа олинган, партия сиёсатини обрўсизлантириш ва аксилинқилобий ташвиқот олиб боришда, ҳукумат аъзоларидан ўч олиш ҳақидаги зарарли гапларни айтишда айбланган. Терговда Йўлдош Маматов отасининг қулоқ бўлгани, йирик қулоқ ҳужалигига эгаллиги, 1931 йили қулоққа тортилгани, фуқаролик ҳуқуқидан маҳрум этилгани, ўзи эса босмачиликда бўлганини эътироф этган. Бироқ лагердалигида қўйилган айбни буйнига олмаган. У отувга



Йулдош Маматов (1913—1938).

ҳукм қилинган, ҳукм 1938 йил 8 мартда ижро этилган. Унинг оиласида 72 ёшли онаси Йулдошева Вилоят, 32 ёшли хотини Норманна, 10 ёшли ўғли Неъмат, 5 ёшли ўғли Марат бўлган.

Марасулов Абдурасул, 1902 йили Фарғона вилояти Молотов тумани Сарқўрғон қишлоғида туғилган, ўзбек, қулоқ оиласидан, саводсиз, партиясиз, ўз ҳўжалигида деҳқончилик қилган, туғилган жойида яшаган. 21 ёшли хотини Кунбиби колхозда ишлаган. 1932 йили 10 йил-



Абдурасул Марасулов (1902—1938).

га меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган, жазони Дмитлагда ўтаган. 1938 йил 8 мартда Дмитлагда қамоққа олинган, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланиб, отувга ҳукм қилинган, ҳукм 1938 йил 8 декабрда ижро этилган.

Отажонов Собир, 1912 йили Гурлан тумани Ишимжиран (Ўзбекистон) қишлоғида туғилган, ўзбек, кулоқ, партиясиз, оилали, маълумоти қуйи. 1932 йил 7 августда 10 йил қамоқ жазоси берилган. Жазосини Дмитлагда ўтаган, 1938 йил 16 мартда қамоққа олинган, 1938 йил 20 майда аксилинқилобий тарғиботда айбланиб, отувга ҳукм этилган, ҳукм 1938 йил 27 майда ижро этилган. Унинг Розия исмли 28 ёшли хотини ва Ойимча исмли 6 ёшли қизи бўлган.



Собир Отажонов (1912—1938).

Холматов Темирқул, 1907 йили Жулға (Афғонистон) қишлоғида туғилган, ўзбек, камбағал деҳқон оиласидан, саводсиз, партиясиз, қишлоқ хўжалигида, пахтачиликда ишлаган, 1933 йили 10 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган, жазони Дмитлагда ўтаган, 1938 йил 16 январда қамоққа олинган. Партия доҳийсига нисбатан душманлик фикрида бўлганликда, стахановчилик ҳаракатига бўхтон қилганликда айбланиб, отувга ҳукм қилинган. Ҳукм 1938 йил 5 февралда ижро этилган. Унинг оиласи 80 ёшли отаси Худойназар, 18



Темиркул Холматов (1907—1938).

ёшли укаси Рустам, 33 ёшли хотини Аноркуотдан иборат булган. Улар Афғонистонда яшашган.

Ниёзов Остон, 1891 йили Ўзбекистоннинг Қорақўл тумани Кул-Човдўр овулида деҳқон-қулоқ оиласида туғилган, ўзбек, партиясиз, маълумотсиз, қулоққа тор-



Остон Ниёзов (1891—1938).

тилган. 1935 йили 5 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган, жазони Дмитлагда ўтаган, 1938 йил 27 мартда қамоққа олинган. 1938 йил 5 июнда аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланиб, отувга ҳукм қилинган. Ҳукм 1938 йил 23 июнда ижро этилган. 37 ёшли хотини Очилова Д., 11 ёшли Ниёзов Д. ўғли, 4 ёшли қизи қолган.

Ҳўжақулов Араббой, 1899 йили Косон тумани Аюнжангил қишлоғида туғилган, ўзбек, қулоқ оиласидан, партиясиз, саводсиз, машғулоти ва турар жойи ҳам аниқ эмас, 1932 йили қулоқ қилинган, сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинган. 1934 йили Афғонистон чегарасини бузиб, СССРга қайтиб ўтгани учун 9 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган. Жазони 1934 йил 19 сентябрдан Дмитлагда ўта бошлаган, 1938 йил 18 февралда қамоққа олинган, 25 февралда советларга қарши ташвиқотда, совет ҳукуматига тўхмат қилганликда айбланиб, отувга ҳукм қилинган. Ҳукм 1938 йил 28 февралда ижро этилган. Унинг 9 ёшли Эрнийёз ўғли етим бўлиб қолган.

Холбеков Саттор (Абдусаттор), 1897 йили ЎзССР Зеленский (ҳозирги Асака) тумани Қурама қишлоғида туғилган, ўзбек, қулоқ, ёлланма кучга эга бўлган, уйланган, чаласавод. 1933 йили ЎзССР ЖКнинг 111-моддаси билан 1 йилга қамоққа ҳукм этилган, 1934 йили



Саттор Холбеков (1897—1937).

эса ЎзССР ЖКнинг 140-моддаси билан босмачилар тудасида фаол иштирок этгани учун 8 йил қамоқ жазоси берилган. Жазони Дмитров лагерида утаган. Унинг оиласида хотини Саломатхон Холбекова, 35 ёшда, қизи Ўлмасхон, 8 ёшда, ўғли Абдуғаффор, 6 ёшда, ўғли Нишонбой, 1 ёшда бўлганлар. Уларнинг барчаси Зеленский тумани Қурама қишлоғида яшашган.

Холбеков Саттор «махбуслар орасида советларга қарши тарғибот олиб борган, совет ҳокимиятини дискредитация қилувчи, ифвогарона миш-мишлар тарқатган, совет тузумини қоралаб, халқ душманларини мақтаган», деган айб билан 1938 йил 12 мартда қамоққа олинган. Москва вилояти Ички ишлар бошқармаси ҳузуридаги «учлик»нинг 1938 йил 19 мартдаги қарори билан РСФСР ЖКнинг 58—10-моддаси асосида отувга ҳукм қилинган, ҳукм 25 март куни ижро этилган.

Холбеков Саттор (Абдусаттор) 1989 йил 19 июнда Москва вилояти прокуратураси томонидан реабилитация қилинган¹.

Хужанов Хушназар, 1891 йили Ўзбекистоннинг Оқдарё тумани Канэ-Қарақиз қишлоғида деҳқон-қулоқ



Хушназар Хужанов (1891—1938).

¹ Уша манба, П-73649-иш, 9—16-варақлар.

оиласида туғилган, ўзбек, партиясиз, чаласавод, Комсомол номли колхозда кетмончи бўлиб ишлаган. 30 ёшли хотини Каник ва 5 фарзанди бўлган. Самарқанд шаҳрида яшаган. 1935 йили 10 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазони Дмитлагда ўтаган. 29 январда ҳибсга олинган. 1938 йил 2 февралда маҳбуслар орасида муттасил равишда аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланиб, отувга ҳукм қилинган, ҳукм 1938 йил 5 февралда ижро этилган.

Мингбоев Тўқли, 1901 йили Митан тумани Қорақалпоқ қишлоғида туғилган, ўзбек, деҳқон-қулоқ оиласидан, партиясиз, маълумоти куйи. 1934 йили 5 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган. Жазони Дмитлагда ўтаган, 1937 йил 12 ноябрда ҳибсга олинган. 1937 йил 29 ноябрда муттасил равишда советларга қарши тарғибот олиб борганликда айбланиб, отувга ҳукм этилган. Ҳукм 1937 йил 2 декабрда ижро этилган. Унинг 30 ёшли хотини Қамбарнисо бева қолган, у заводда ишлаб, Горчаково темир йул бекатида яшаган.



Тўқли Мингбоев (1901—1937).

Султонов Тўракул, 1899 йили Марғилон тумани Болтақул қишлоғида туғилган, ўзбек, ишчи оиласидан,



Турақул Султонов (1899—1937).

партиясиз, саводсиз, машғулоти аниқ эмас. 1936 йили 5 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган, жазони Дмитлагда ўтаган, 1937 йил 26 сентябрда ҳибсга олинган. 1937 йил 15 ноябрда совет жазо органларини дискредитация қилишга қаратилган аксилинқилобий ташвиқот олиб борганликда, лагерь раҳбариятига қарши террорчилик актини тарғибот қилганликда айбланиб, отувга ҳукм қилинган. Ҳукм 1937 йил 16 ноябрда ижро этилган.

Ҳайдаров Дусмат, 1890 йили Ўзбекистоннинг Қарлик тумани Хўжа Қоровул қишлоғида туғилган, ўзбек, қулоқ ўғли, саводсиз, партиясиз. Унинг оиласида 47 ёшли хотини Малоҳат, 20 ёшли ўғли Худойқул, 15 ёшли ўғли Сувонқул, 10 ёшли ўғли Майрам, 13 ёшли ўғли Чори, 13 ёшли қизи Бека бўлганлар. 1933 йили 8 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган, жазони Дмитлагда ўтаган. 1938 йил 19 февралда аксилинқилобий ташвиқот олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда, Сталин конституциясини аксилинқилобий руҳда шарҳлаганликда айбланиб, отувга ҳукм қилинган. Ҳукм 1938 йил 21 февралда ижро этилган.



Абдулла Ҳақимов (1911—1937).

Ҳақимов Абдулла, 1911 йили Чустда туғилган, ўзбек, деҳқон, партиясиз, саводсиз, машғулоти аниқ эмас. 1932 йили қатъий натура солигини туламагани учун 3 йил озодликдан маҳрум қилинган ва 5 йилга сургун қилинган, аммо қочиб, яшириниб юрган. 1934 йили 10 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган. Жазони Дмитлагда утаган, 1937 йил 17 сентябрда қамоққа олинган. Москва—Волга канали қурилишини барбод этишга қаратилган советларга қарши аксилинқилобий ташвиқот олиб борганликда, ҳукумат аъзолари ва партия раҳбарларини дискредитация қилганликда айбланиб, отувга ҳукм қилинган. Ҳукм 1937 йил 16 ноябрда ижро этилган. Анкетада қариндошим йуқ, деб ёзилган.

Ҳалимов Тожи, 1888 йили Паст-Дарғом тумани Жумабозор қишлоғида туғилган, ўзбек, деҳқон, савдогар, партиясиз, чаласавод, қишлоқ совети раиси. 1932 йили 10 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазони Дмитлагда утаган. 1937 йил 29 ноябрда қамоққа олинган. 1937 йил 3 декабрда аксилинқилобий ташвиқот олиб борганликда, Бухоро амирида пулемётчи бўлганликда ва Ёш бухороликлар



Тожи Ҳалимов (1888—1937).

отрядига ҳужум қилганликда айбланиб, отувга ҳукм қилинган. Ҳукм 1937 йил 8 декабрда ижро этилган. Унинг оиласида 34 ёшли хотини Саодат Алимова, 11 ёшли ўғли Азонқул, 7 ёшли қизи Хосият, 65 ёшли онаси Меҳри бўлган.

Тўраев Эргаштўра ўғли, 1900 йили Шеробод тумани Талли-Маржон (Ўзбекистон) қишлоғида туғилган, ўзбек, ўртаҳол деҳқон, партиясиз, саводсиз. 1936 йили 5 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазони Дмитлагда ўтаган. 1938 йил 22 февралда ҳибсга олинган. 1938 йил 13 мартда маҳбуслар орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланиб, отувга ҳукм қилинган. Ҳукм 1938 йил 16 мартда ижро этилган.

Ҳамроалиев Исмат, 1908 йили Олтиариқ тумани Водил қишлоғида туғилган, ўзбек, деҳқон-қулоқ оиласидан, партиясиз, чаласавод. 1935 йили 6 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган. Жазони Дмитлагда ўтаган, 1938 йил 27 мартда ҳибсга олинган. Терговни Москалев олиб борган, маҳбус ўзига юклатилган айбларнинг биронтасини ҳам тан олмаган. Тергов баённомасида маҳбус имзо ўрнида бош бар-



Исмат Ҳамроалиев (1908—1938).

моғини босган. 1938 йил 5 июнда муттасил аксил-инқилобий ташвиқот ва советларга қарши бўҳтон ва тарғибот олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланиб, отувга ҳукм этилган. Ҳукм 1938 йил 23 июнда ижро этилган. 32 ёшли хотини, 1 ёшли ўғли қолган.

Чориев Янгибой, 1910 йили Қоракўл тумани Чечан қишлоғида туғилган, ўзбек, деҳқон оиласидан, партиясиз, маълумоти қуйи. 1933 йили 10 йилга меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган. Жазони Дмитлагда ўтаган. 1938 йил 6 апрелда қамоққа олинган, 1938 йил 5 июнда совет ҳокимиятини дискредитация қилишга қаратилган советларга қарши аксил-инқилобий ташвиқот олиб борганликда, мамлакат раҳбарияти шаънига бўҳтон қилганликда айбланиб, отувга ҳукм қилинган. Ҳукм 1938 йил 27 июнда ижро этилган.

Шамсиев Миркомил, 1901 йили Хужаобод тумани Карнайчи қишлоғида туғилган, ўзбек, деҳқон, кулоқ оиласидан, партиясиз, саводсиз, якка хўжалик бўлиб меҳнат қилган. 1934 йили 8 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазони Дмитлагда ўтаган. 1938 йил 28 мартда совет тузумини дискредитация қилишга



Миркомил Шамсиев (1901—1938).

қаратилган аксилинқилобий ташвиқот қилганликда, колхоздаги очарчилик ҳақида ёлғон гаплар тарқатганликда айбланиб, қамоққа олинган, 5 июнда олий жазо — отувга ҳукм қилинган. Ҳукм 1938 йил 23 июнда ижро этилган. Оиласи хотини (27 ёшда), ўғли Алиаҳмад (12 ёшда), ўғли Ҳошимжон (10 ёшда), қизи Ҳуринисо (6 ёшда) бўлган.

Биз юқорида фақат Дмитров лагериди маҳбуслик муддатини ўтказаётиб, такроран қатағон қилинган ва отилиб кетган 51 нафар юртдошларимиз ҳақида қисқача маълумотлар келтирдик, холос. Ваҳоланки, қайд қилинганидек, ўзбек сиёсий маҳбуслари собиқ Иттифоқнинг барча қамоқхона ва лагерларида азоб-уқубатли ҳаёт кечирганлар. Ўша лагерлардаги ватандошларимизнинг ҳам маълум қисми 1937—1938 йилларда яна такроран қатағон қилинган, отиб юборилган. Улар бирор айбсиз бегона юртларда тупроққа қоришиб ётибдилар.

Қатағон даври тарихини ўргана бошлаган ва шу давр жабрдийдаларининг фожеали тақдири билан яшган кишиларда ғаройиб бир ҳолат бўлади. Улар бир мақола, ҳатто бир китобни ёзиш билангина кифояла-

ниб қолмай, қатағон «денгизига» чуқтириб юборилган ватандошларининг жилла булмаса номларини юзага чиқаришга астойдил бел боғлаб, архивма-архив, шаҳарма-шаҳар, мамлакатма-мамлакат қидирув ишларини олиб борадилар. Улар бу ишнинг кўпчилик учун мутлақо керак эмаслигини яхши биладилар. Аммо совет мустамлакачилиги йилларида бегуноҳдан-бегуноҳ минг хил азоб-уқубатларга дучор қилинган ва итдек ўлдириб юборилган кишилар номини агар биз юзага чиқармасак, ким чиқаради? Авлодлар аждодлар олдидаги фарзандлик бурчларини бажаришлари керак эмасми?..

Биз аждодлар олдидаги ана шу муқаддас бурчимизни ҳис этиб, имконимиз борича қидириш ишларини, нашр ишларини олиб бормоқдамиз.

2005 йил сентябрида Москвага қилган илмий сафаримизда Москва вилояти Ички ишлар бошқармаси архивида бўлдик. Архивнинг махсус фондлар бўлими бошлиғи Лариса Вениаминовна Усачёва бизга яқиндан кўмак кўрсатди, Москвада қатағон қилинган юртдошларимиздан бир қанчасининг шахсий ишларидаги кўплаб ҳужжатлардан нусха кўчиришга имкон яратди. Ана шу материаллар асосида биз қатағон тифидан ҳалок бўлган юртдошларимизнинг яна айримлари ҳақида маълумот беришни лозим топдик:

Дилев Ҳазратқул, 1903 йили ЎзССР Беҳбудий тумани Файзиобод қишлоғида туғилган, ўзбек, саводсиз, партиясиз, ижтимоий келиб чиқиши қулоқ, 1919 йили хўжалиги қулоқ хўжалиги сифатида тугатилган, 1 уйи, 1 та моли, 1 та оти ва 1 та эшаги бўлган. Ҳазратқул отаси билан бирга газмол савдоси билан шуғулланган. 1934 йили мол-мулки мусодара этилиб, 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган, 22 ёшлик хотини, 5 ёшлик Тўхтаҳон исмли қизи бўлган. Қамоқ жазосини Дмитлагда «Техника» участкасида тракторчи бўлиб ишлаш билан ўтказган. 1938 йил 28 мартда ҳибсга олинган. Унга совет ҳокимиятига аввалидан душманлик кайфиятида бўлган, шу боис маҳбуслар орасида совет тузумини бадном қилувчи ифвогарона бўхтонлар қилиб, советларга қарши тарғибот олиб борган, халқ душманлари Бухарин, Ягода ва бошқаларни мақтаб, совет ҳокимиятини дискредитация қилган, деган айб қўйилган. Терговда гувоҳлик берган маҳбус Йўлдошев Асқар



Ҳазратқул Дилев (1903—1938).

бундай курсатма берган: «Маҳбус Дилев тез-тез совет ҳокимиятига қарши фикр билдириб, маҳбусларни қайраш билан шуғулланган, март ойида иш вақтида Дилев бундай деган: «Совет ҳокимияти ҳеч кимга яшаш учун имкон бермаяпти, халқни хонавайрон қилмоқда, мен бой хўжаликка эга эдим, ҳаммасини тортиб олди, мана энди лагерда менинг устимдан зулм утказмоқда». 27 март куни ишлаб чиқаришда ўз атрофига маҳбусларни тўплаб олиб, Дилев бундай деди: «Ахмоқликдан иборат стахановчилик ойлиги ниқоби ортида совет ҳокимияти одамларга азоб бермоқда». Шу йилнинг март ойи бошларида тахминан 3 мартда маҳбуслар барагида Дилев бундай деган: «Халққа азоб беришмоқда, одамлар қандай чидаяпти, ҳамма тупланиб, ҳукуматни тарқатиб юбориши керак. Эшитяпсиз-ку, ҳозирда Бухарин ва бошқаларни суд қилишмоқда, ваҳоланки, улар яхши ҳаётни қуришга ҳаракат қилаётган эдилар».

Ушбу айблов хулосасини оператив ишлар ходими Власов ва 3-бўлим бошлиғи Данильян «учлик»ка тақдим этган. «Учлик» эса 1938 йил 5 июнда Дилев Ҳазратқулни отувга ҳукм қилади, ҳукм 1938 йил 23 июнда ижро этилади. У 1990 йил 5 февралда реабилитация қилинади.



Ғозибой Дусанов (1898—1938).

Дусанов Ғозибой, 1898 йили ЎзССР Ўрта Чирчиқ тумани Кумқишлоқда туғилган, ўзбек, ижтимоий келиб чиқиши кулоқ, партиясиз, саводсиз, уз қишлоғида колхозчи, 1929 йилгача уйи, 1 та оти, 1 та моли бўлган, хўжалигида ёлланма меҳнатдан фойдаланган. 1932 йили кулоққа тортилган, 1933 йили 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган. Оиласида 70 ёшли онаси Зайнаб Каримкулова, 28 ёшли хотини Шодмон Ҳусанова бўлиб, улар колхозда ишлашган, 10 ёшли қизи Тошбиби ўқиётган эди. Қамоқ жазосини Дмитлагда ўтаган. Маҳбус Дусанов Ғозибой совет ҳокимиятига қарши душманлик кайфиятида бўлиб, маҳбуслар орасида совет ҳукумати дискредитация қилишга қаратилган советларга қарши тарғиботни олиб борганликда, колхозлар қурилишини ёмонлаб, подшолик даврини мақтаганликда айбланиб, 1938 йил 7 мартда ҳибсга олинган.

3-булим «Техника» участкаси бўйича оператив вакил Власов 1938 йил 7 мартда Дусанов Ғозибойни тергов қилади. Терговда у ўзига қўйилган айбларни рад этади. Дусанов Ғозибойни айбдор қилиш учун маҳбуслардан Саидзода Саидоға ва Алиев Дадашлардан гувоҳ сифатида фойдаланилади.

Саидзода Саидоғанинг курсатмасида қайд этилишича, Дусанов маҳбуслар орасида совет ҳукумати тад-

бирларига норозилик билдириб, бундай деган: «Совет ҳокимияти бизларга зулм бермоқда, зўравонлик билан меҳнат қилдирмоқда, озгина бўлса-да, дам олишга имкон бермаяпти. Стахановчилик ойликлари ва декадалари билан бизларни азобляпти. Бизларнинггина эмас, озодликда юрган халқнинг ҳам тинч ҳаёт кечиришига имкон бермаяпти».

Маҳбус Алиев Дадаш кўрсатмасида 1938 йил 5 мартда маҳбус Дусановнинг баракда мана бундай дегани қайд этилган: «Совет ҳокимияти одамларни колхозларга зўрлик билан ҳайдаб кетмоқда, эркин ҳаёт кечиришга имкон бермаяпти, шу ҳам ҳаётми, бизни талаб, бизнинг молу мулкимиз ҳисобидан ўз колхозларини қурмоқдалар, буни мен ҳеч ҳам кечира олмайман, подшолик даврида кексалар суд қилинармиди? Мана энди совет ҳокимияти 45 ёшга кирган мени ҳам суд қилмоқда».

Бу гувоҳларнинг фикрларини яна бир маҳбус—Назаров Нарзи ҳам тасдиқлайди. Натижада терговчи Власов айблов хулосасини тайёрлаб, «учлик»ка тақдим этади.

Москва вилояти Ички ишлар бошқармаси ҳузуридаги «учлик» 1938 йил 3 мартда Дусанов Ғозибойни олий жазо—отувга ҳукм этади. Ҳукм 1938 йил 16 мартда ижро этилади. 1990 йил 23 мартда Дусанов Ғозибой реабилитация қилинади.

Отажонов Бобо, 1907 йили Янги Урганчда туғилган, Туркменистон ССР Тошовуз шаҳри Болотная куча-



Бобо Отажонов (1907—1937).

си, 22-уйда яшаган, ижтимоий келиб чиқиши кулоқ, миллати ўзбек, партиясиз, қуйи маълумотли, оилали, 1932 йил 23 июлда 7 йилга қамоқ жазосига ҳукм этилган. Унинг акаси Отажонов Мадрасул (34 ёшда), укаси Отажонов Эшнӣез (28 ёшда) ҳам Урта Осиё лагерида қамокда эдилар. Отасининг 1 та уйи, ёғ чиқарадиган жувози, 1 моли, 9 та ҳўкизи булгани учун кулоқ қилинган. Оила таркиби деган саволга маҳбус Отажонов Бобо «ёлғиз ўзим», деб жавоб қилган.

1937 йил 26 сентябрда уни терговчи Карпов қуйидагича тергов қилади:

С а в о л: Сиз меҳнат қилаётган участкадаги маҳбуслардан Нурматов, Исроилов, Кошқумбаев, Нурмонов ва Қаҳҳоровларни биласизми, қачондан бери уларни биласиз ва сизнинг улар билан муносабатингиз қандай?

Ж а в о б: Мен бирга булган бу шахсларни 1937 йилдан бери биламан. Бирга битта бригадада ишлаганмиз, орамизда ҳеч қандай жанжал булмаган, Нурмонов билан норма бажарилиши бўйича тортишувлар бўлиб ўтган.

С а в о л: Ота-оналарингиз инқилобга қадар нима билан шуғулланган, қандай ҳўжаликка эга булган, қандай ёлланма меҳнатдан фойдаланган?

Ж а в о б: 1922 йилгача отамнинг ёғ ишлаб чиқарадиган ва пахта заводи булган, бироқ қанча ишлаганини эслай олмайман, қанча ҳайвони булганини ҳам билмайман. Бу вақтда мен отамнинг қарамоғида булганман. 1923 йилда отам вафот этгандан сўнг мен катта акам билан мерос қолган ҳўжаликни юритиб турганмиз. Акам 1927 йилгача чайқовчилик қилган, мен унга ёрдам бериб турганман. 1930 йили иковимиз бирга кулоққа тортилдик, сайлов ҳўкуқидан, овоз бериш ҳўкуқидан маҳрум этилдик. 1930 йилдан 1933 йилгача мен Туркменистон ССР ҳудудида яшириниб юрдим, бу ерда ҳам акам билан чайқовчилик қилдик ва 1933 йили қамокқа олиндим. Жазони Дмитлагда ўтаб, лагернинг Химки тумани Сходная участкасида ишлаганман.

С а в о л: Гувоҳлардан Исроилов, Нурмонов, Кошқумбаев, Урмонов, Қаҳҳоровларнинг кўрсатмаларида сиз 1937 йил 16 сентябрда идорадаги буюмларни олиб келиш вақтида Ворошиловнинг портретини атайин тушириб қолдириб, уни йиртиб, ёқиб юборганлигингизни тасдиқлайсизми?

Ж а в о б: Буюмларни мен олиб келганман, ammo Ворошилов портретини йиртиб, ёқиб юбормаганман.

С а в о л: Сиз маҳбуслар орасида советларга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб бориб, уларни сизлар жиннисизлар, бу ерда ишляяпсизлар, туну кун ишлаганингиз билан ҳукумат сиздан миннатдор булмайди. деб айтганмисиз?

Ж а в о б: Мен бундай гапларни ҳеч қачон ва ҳеч қаерда айтган эмасман.

С а в о л: 1937 йил 18 сентябрда сиз тўрт ойлик тойчоқни уриб, калтаклаб, уни улимга маҳкум этиб, совет ҳокимиятига отлар керак эмас, яқин орада совет ҳукумати қулайди, деб айтгансиз. Бундан ташқари, мен совет ҳокимияти ва Сталинни ёмон кўраман, улар ҳокимиятни қулга олиб, одамларни қийнашмоқда, озодликка чиққач, имкон бор жойда коммунист ва комсомолларни улдираман, дегансиз. Сиз ўзингизни айбдор, деб ҳисоблайсизми, сизга 58—10-модданинг 1-банди билан айб қўйилганини биласизми?

Ж а в о б: Бундай гапларни мен айтган эмасман ва тойчоқни калтакламаганман, менга қўйилаётган айбларни тан олмайман. Бошқа бирор бир нарса қўшимча қила олмайман.

Тергов таржимон маҳбус Султонов иштирокида олиб борилган.

Ана шу тергов асосида айблов хулосаси тайёрланади. Унда Отажонов Бобонинг таржимаи ҳоли, ўтмиши қисқача қайд қилинади. У Дмитров лагерининг Химки туманида қамоқ муддатини ўтаётган эди. Совет ҳокимиятига қарши аввалдан душман кайфиятда булгани учун у лагердаги маҳбуслар орасида совет ҳокимиятининг меҳнат-тузатув сиёсатини дискредитация қилишга қаратилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланади.

Москва вилояти Ички ишлар бошқармаси ҳузуридаги «учлик»нинг 1937 йил 15 ноябрдаги қарори билан отувга ҳукм этилган. Ҳукм 1937 йил 16 ноябрда ижро этилган. 1990 йили 26 январда реабилитация қилинган.

Раҳматов Қилич, 1907 йили Бухоро шаҳрида туғилган, саводли, миллати ўзбек, ижтимоий келиб чиқиши деҳқон, 1936 йили 13 майда бандитликда айбланиб, 5 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган. Жазони Дмит-



Қилич Раҳматов (1907—1937).

лагда утаган. 1937 йил 18 сентябрда қамоққа олинган. У Химки туманидаги лагерда бўлган вақтида совет ҳокимиятига, ҳукумат аъзоларига қарши тарғибот олиб борганликда, «халқ душмани» Тухачевскийни мақтаганликда айбланган. «Чеснок» лақабли айғоқчининг 1937 йил 16 сентябрда берган хуфяномасида маҳбус Раҳматов Қиличнинг лагердагилар орасида «каналда ишлашдан бош тортиш керак, бизга канал керак эмас, канал кимга керак бўлса, узи қазиб олсин», деб айтгани, бундан ташқари, у «мана, Сталин сиёсати бутун деҳқонларни қашшоқликка олиб келди, ҳаммани зўрлик билан колхозга ҳайдаб киритди, колхоздагилар эса очликдан ўлмоқда», деб айтгани қайд этилган.

Хуфя берган маълумотда Қилич Раҳматовнинг «Совет ҳокимияти кўплаб таниқли ходимларни, Тухачевскийдек халққа яхшилик келтираётганларни отиб юборди, агарда буларнинг сиёсати амалга оширилганда, халқ учун яхши буларди», деб айтгани ҳам қайд қилинган. Ана шу курсатмалар асосида Раҳматов Қилич ҳақида 3-булим вакили Кох айблов хулосасини тайёрлайди, уни Дмитров лагери Химки тумани 3-булим бошлиғи Данильян тасдиқлайди. 1937 йил 21 сентябрда бу айб-

лов хулоса Москва вилояти Ички ишлар бошқармаси ҳузуридаги «учлик»ка тақдим қилинади. «Учлик» 1937 йил 14 ноябрда совет ҳокимияти олиб бораётган сиёсий-иқтисодий тадбирларига қарши қаратилган советларга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганлиги ва Тухачевскийни мақтагани учун отувга ҳукм қилади. Ҳукм 1937 йил 16 ноябрда ижро этилади, 1990 йил 26 январда реабилитация қилинади.

Саидов Жура, 1899 йили Самарқанд вилояти Нарпай тумани Қарноқ қишлоғида туғилган, миллати ўзбек, ижтимоий келиб чиқиши қулоқ, савдогар, партиясиз, қуйи маълумотли, оилали, хотини Бари 30 ёшда, колхозда ишлайди, қизи Бибиҳон 9 ёшда, ўгли Фахриддин 7 ёшда, ўгли Насриддин 6 ёшда.

Саидов Жура 1 от, 1 мол, 1 қўй, 1 гектар мевазор боғ, гурунч сотиладиган дўконига эга бўлган. Икки марта судланган, биринчи бор 1927 йили 3 йил қамоққа ҳукм қилинган, қамоқдан қочган, иккинчи марта ЎзССР ЖКнинг 109-моддаси билан айбланиб, 1934 йили отувга ҳукм қилинган, кейин Бутуниттифоқ Марказий Ижроия Қўмитасининг қарори билан улим жазоси 10 йил қамоқ жазосига ўзгартирилган. Жазони



Жура Саидов (1899—1938).

Дмитлагда ўтаган. Махбус Саидов Жура 1938 йил 22 февралда лагерда қамоққа олинади. Бунга сабаб қилиб унинг махбуслар орасида мунтазам равишда партия раҳбарлари, ҳукумат аъзоларига бўхтон қилувчи, халқ душманларини мадҳ этувчи аксилинқилобий тарғибот олиб бориши курсатилган. Масалан, унинг махбуслар орасида: «Мен барча коммунистларни осиб улдираддим, чунки улар еримизни, барча мол-мулкларимизни тортиб олишди, эндиликда эса бизларни кун кўриб яшашимизга мутлақо имкон беришмаяпти, эркинликда ҳам, лагерда ҳам бизларга зугум ўтказишмоқда. Коммунистларнинг ўзлари эса аввалги помещиклардек яшашмоқдалар. Ҳозирги вақтда колхозларда яшаш жуда ҳам оғир, куп меҳнат қилинади, оз таъминланади. Чунки колхозчилар маҳсулотни биринчи навбатда давлатга топширишади, ўзлари эса ҳеч вақога эга бўлмай, оч ҳолда кун ўтказишмоқда. Колхозчилар туқ яшашмоқда, деган сўз қоғоздагина, холос, амалда улар ниҳоятда оғир ҳаёт кечиришмоқда», деб айтгани айблов хулосада терговчи Москалёв томонидан келтирилган. Шу айблов хулосада унинг мана бу айтганлари ҳам қайд этилган: «Сессия депутатлари Сталин ва Ежов шаънига қарсак чалишади. Ваҳоланки, улар мамлакатда террор олиб боришмоқда, яхши одамларни, Тухачевский каби қизил армия раҳбарларини ва бошқаларни отиб юбормоқдалар. Ахир бу инсонларнинг ишчилар синфи олдидаги хизматлари катта эди, улар ҳеч қачон халқ душманлари бўлишмаган, улар мамлакатда тинчлик ўрнатмоқчи бўлган эдилар. Шу боис улардан қурқиб отиб юбордилар».

Саидов Жура совет ҳокимиятига қарши мағлубиятчилик кайфиятини ифодалаб, «Тез орада уруш бўлади, уруш бу ҳукуматни қулатмаслиги мумкин, аммо барибир бу ҳукумат охир-оқибатда ҳалокатга учраб, тугайди, бундай бўлмас экан, яшаб ҳам бўлмайди» дегани ҳам айблов хулосасида курсатилган.

Махбус Саидов Журанинг иши Москва вилояти Ички ишлар бошқармаси ҳузуридаги «учлик»ка кўриб чиқиш учун топширилади. «Учлик» 1938 йил 2 мартда системали равишда аксилинқилобий тарғибот олиб бориб, «халқ душман»ларини мақтагани, партия ва ҳукумат раҳбарларига бўхтон қилгани, Олий Советга бўлган сайловларни аксилинқилобий руҳда талқин қилгани

учун отувга ҳукм этади, ҳукм 8 мартда ижро этилади, 1990 йил 10 февралда реабилитация қилинади.

Каримов Уринбой, 1903 йили Самарқанд вилояти Юқори Дарғам тумани Робот қишлоғида туғилган, ўзбек, партиясиз, деҳқон. 1933 йили СССР ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакилликдаги «учлик» томонидан Самарқанддаги босмачилик ҳаракатида иштирок этгани учун 8 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Қамоқ жазосини Дмитров лагерига ўтаган. 1937 йил 7 июнда Каримов Уринбой қамоққа олинган. У Дмитров лагерига аксилинқилобий, террорчи, қуролли ташкилотга аъзо бўлганликда айбланган. СССР Ички ишлар халқ комиссарлиги, СССР прокурори ва СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси комиссияси томонидан Дмитров лагерига аксилинқилобий, террорчи ташкилотда иштирок этганликда айбланиб, 1937 йил 16 июнда отувга ҳукм қилинади. 1957 йил 6 мартда реабилитация қилинади.



Ўринбой Каримов (1903—1937).

Қодиров Иброҳим, 1913 йили Фарғона вилояти Ёрмазор қишлоқ советида туғилган, миллати ўзбек, ижтимоий келиб чиқиши деҳқон, колхозчи, онаси Тутиниса Ортиқбоева Сталин номли колхозда колхозчи,



Иброҳим Қодиров (1913—1938).

тоғаси Аҳмаджон Ҳамдамов Фарғона шаҳридаги ипак фабрикасида ошпаз бўлиб ишлайди, холаси Робияхон Ёрмзорда яшайди. Иброҳим Қодиров 1931 йилга қадар Фарғона шаҳридаги мактаб-интернатда, 1932—1934 йилларда педтехникумда ўқиган. Техникумни битиргач, машина-трактор станциясида ва айнаи вақтда Фарғона милициясида ишлаган. 1935 йили 5 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган ва жазони Шохимардондаги меҳнат-тузатув лагерига ўтаган. Бу лагерда 1936 йилгача ишлаган, кейин лагердан қочиб, Тошкентга келган. Тошкентдан Москва шаҳрига борган, у ердан Раменское шаҳрига бориб, ўзбеклардан таниши билан Текстиль комбинатида 1 ой ишлайди, 1936 йилнинг август ойида Чеботарова Антонина Васильевнага уйланади ва Москвадаги Ярославский бозорига ҳужжатсиз рўмол сотаётганида қўлга олинади. Таганка турмасида 2 ҳафта ҳибсда бўлади, шундан кейин Москвадан чиқиб кетиш таклиф қилинади. 1937 йил 21 октябрдан Таганка турмасида бўлади. 1938 йил 26 февралда «учлик» томонидан отувга ҳукм этилади.

Тўшев Ваҳоб, 1902 йили ЎзССР Кармана тумани Ойранжи қишлоғида туғилган, 1933 йилда қулоққа тор-



Ваҳоб Туиев (1902—1937).

тилган, чаласавод, суққабош, 2 марта судланган, биринчи марта 1933 йилда натура топшириқни бажармагани учун 3 йил қамоққа ва 5 йил сургунга ҳукм қилинган, жазо муддатини ўтамай, яшириниб юрган. Ундан сунг Кармана туманига келиб, Сталин номли колхозга омборчи бўлиб жойлашиб, колхоздаги хизмати даврида зараркунандалик ишларини олиб борган, колхозга тегишли 2 566 сум пулни ўзлаштиргани учун 1935 йил 22 мартда халқ суди томонидан 5 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган.

1936—1937 йилларда Туиев В. Дмитров лагерининг Сходненск участкасидалигида лагердаги маҳбуслар орасида ва ишлаб чиқаришда советларга қарши, аксилинқилобий тарғибот олиб борган, канал қурилиши ишларини барбод қилишга, партия раҳбарлари ва ҳукумат аъзоларини обрусизлантиришга қаратилган ташвиқот олиб борган.

«Узов» номли агентнинг 1937 йил 16 сентябрдаги хуфяномасида бундай сузлар ёзилган: «Туиев Ваҳоб ижтимоий келиб чиқиши кулоқ, лагерь маҳбуслари орасида советларга қарши, аксилинқилобий ташвиқот олиб борган. Туиев Ваҳоб 1937 йил 7 сентябрда: «Совет

ҳокимияти одамларни таламоқда, канал қурилишида ишламаслик керак, чунки канал қурилиши тугагач, бизларни бошқа жойга юборишади. Совет ҳокимияти фақат ёлғонга асосланиб ҳаёт кечирмоқда», деб айтган. Мазкур тарғиботни унинг маслақдоши Абдулла Ҳакимов қувватлаб, совет ҳокимияти барча колхозчиларни сиқиб бормоқда, улар колхозларда ҳалок бўлишмоқда, деган».

В.Туиевнинг маҳбуслик анкетасида қулоққа тортилишидан олдин 2 та уйи, 14 десятина ери, ёғ чиқарадиган корхонаси, ёлланма меҳнат қилувчиси, 29 та моли, 24 та ҳукизи, оти, 1 десятина мевазор боғи борлиги курсатилган. Оила таркиби графасига «қариндошлари йўқ», деб ёзилган.

Туиев Ваҳоб 1937 йил 18 сентябрда қамоққа олинган. Унга қўйилган айб жазо муддатини ўтаётиб аввалдан совет ҳокимиятига қарши душман кайфиятида бўлган собиқ бандит Абдулла Ҳакимов билан алоқада бўлиб, совет ҳокимиятининг сиёсий-иқтисодий тадбирларини қўпоришга, ҳукумат аъзолари, партия раҳбарларини дискредитация қилишга қаратилган советларга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганлигидир. Туиев Ваҳоб ўзига қўйилган барча айбларни тан олмаган. Терговда маҳбус Султонов тилмочлик қилган. «Учлик» РСФСР ЖКнинг 58—10-моддасига асосланган ҳолда уни отувга ҳукм этади, ҳукм ижро этилади. 1989 йил 29 июнда у реабилитация қилинади.

Аҳмедов Мирза, 1909 йили Сирдарё вилояти Олмос қишлоғида туғилган, миллати ўзбек, ижтимоий келиб чиқиши деҳқон, партиясиз, чаласавод, Дмитров меҳнат-тузатув лагерида ер қазииш ишларида қамоқ жазосини ўтаган. 1937 йил 16 июнда Аҳмедов Мирза лагерда ҳибсга олинади. 1937 йил 7 июлда СССР НКВД, СССР прокурори ва СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси комиссияси Аҳмедов Мирзани лагерда аксилинқилобий ташкилотда иштирок этганликда айблаб, отувга ҳукм қилади. 1937 йил 7 июлда ҳукм ижро этилади. 1957 йил 6 мартда СССР Олий суди томонидан реабилитация қилинади.

Дмитров лагеридаги ўзбек маҳбусларидан бир қанчасининг хоки Москвадаги Донской қабристонини (Донской крематорий) дадир. 2003 йили Москвада нашр

этилган «Расстрельные списки» («Отилганлар руйхати») китобида 1935—1953 йилларда Москва буйича 5 065 гуноҳсиз, айбсиз отилганлар руйхати ва улар ҳақидаги қисқача маълумотлар келтирилган. Улар орасида қуйидаги ўзбеклар ҳам булган:

Ҳасанбоев Аваз, 1905 йили Уш уезди Оққургон қишлоғида туғилган, миллати турк, деҳқон оиласидан, партиясиз, чаласавод, ОГПУнинг Озарбайжон ССР буйича Доимий вакиллиги ҳузуридаги «учлик»нинг 1933 йил майдаги қарори билан босмачиликни қўллаб-қувватлаганликда айбланиб, меҳнат-тузатув лагерида 10 йил қамоқ жазосини ўташга ҳукм қилинган. Жазони НКВДнинг Дмитров лагерида ўтаган. 1937 йил 16 июнда Ҳасанбоев Аваз лагерда қамоққа олинади ва СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси комиссияси томонидан лагерда аксилинқилобий террорчилик ташкилотидан иштирок этганликда айбланиб, отувга ҳукм қилинади. Ҳукм 1937 йил 17 июнда ижро этилади. Ҳасанбоев Аваз 1957 йил 6 мартда реабилитация қилинади.

Қодирқул ўғли Оқназар, 1913 йили Закаспий вилояти Янгиариқ қишлоғида туғилган, миллати ўзбек, деҳқон оиласидан, партиясиз, чаласавод, Қорлуқ тумани Уруғ хўжалик таъминотида агент бўлиб ишлаган, қамоққа олинди, Дмитров лагерида ер қазувчилар бригадири бўлиб ишлаган. У 1937 йил 15 июнда лагерда қамоққа олинган. У ҳам юқоридаги комиссия томонидан 7 июлда отувга ҳукм қилинган. 1937 йил 7 июлда ҳукм ижро этилган. 1957 йил 6 мартда реабилитация қилинган.

Муродов Матлаб, 1904 йили Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек, ўзига тўқ деҳқон оиласидан, 1937 йили ВКП(б) аъзолигидан чиқарилган, маълумоти бошланғич, СССР Урмончилик саноати халқ комиссарлигида таъминот бўлими бошлиғи бўлиб хизмат қилган, Москвада яшаган, 2-Извозная кучаси, 30-уй, 9-корпус, 16-хонада яшаган. 1937 йил 12 августда қамоққа олинган. СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси 1937 йил 25 ноябрда уни япон разведкасига дахлдорликда ва қўпоровчиликда айблаб, отувга ҳукм қилган. 1937 йил 26 ноябрда ҳукм ижро этилган. СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси 1957 йил 23 мартда уни оқлаган.

Шераҳмедов Исмоил, 1905-йили Тошкентда туғилган, ўзбек, қулоқ, партиясиз, маълумоти бошланғич. 1929 йили аксилинқилобий жиноятни тайёрлашда айбланиб, 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган. Жазони НКВДнинг Беломор—Болтиқ меҳнат-тузатув лагерида ўтаган. 1933 йили муддатидан олдин озод қилинган. Дмитров лагерида миллатлар иши бўйича инструктор бўлиб ишлаган, Дмитровка посёлкаси 6-корпус, 27-хонадонда яшаган. 1937 йил 18 майда такроран қамоққа олинган. Юқорида қайд этилган комиссия томонидан лагердаги аксилинқилобий террорчилик ташкилотида иштирок этганликда айбланиб, 1937 йил 5 июнда отувга ҳукм этилган. Ҳукм 1937 йил 6 июнда ижро этилган. СССР Олий суди 1957 йил 6 мартда уни реабилитация қилган.

Қизил салтанатнинг турли комиссиялари ва «учлик»лари томонидан ноҳақ айбланиб, жисмонан йуқ қилинган бу каби миллатдошларимиз хоки собиқ Иттифоқнинг барча махфий, киши билмас қабристонларида, абадий сукут қўнида ётибди. Жабр-зулм ва мислсиз адолатсизлик қурбонлари бўлган бу ва бошқа юртдошларимизнинг охиратлари обод бўлсин.

ҚОЗОҒИСТОН СУРГУНИДАГИ ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАРНИНГ ҚАТАҒОН ҚИЛИНИШИ

Ўзбекистонда мажбуран зўравонлик билан ўтказилган коллективлаштириш ва қулоққа тортиш кампаниyasi авж олган 20-йиллар охири — 30-йиллар бошида кўплаб деҳқонлар, ҳунарманд-қосиблар, руҳоният вакиллари сиёсий қатағон қилинган эди. Советларнинг қишлоқ аҳолисига, деҳқонлар оmmasига қарши олиб борган қатағон сиёсати, тўғрироғи, уруши минглаб ўзбек деҳқонларини хонавайрон қилди, мол-мулкни мусодара қилди, уй-жойидан, от-уловидан, бутун борлиғидан жудо этди. Ҳозиргача махфий тамғалар билан сир сақланиб келинган архив ҳужжатлари бунга шохилдир. «Мерос» халқаро илмий-амалий хайрия жамғармаси ўзининг навбатдаги илмий сафарини Қозоғистон ва унинг Туркистон, Алмати, Астана ва Кокчетов шаҳарларида ўтказиб, бир қанча архивлар ва улардаги ҳужжатлар билан танишишга эришди. Экспедиция чоғида тупланган ҳужжатларнинг бир қисми Қозоғистон ҳудудида 1929—1952 йилларда қатағон қилинган

Ўзбекистонликларнинг фожеали тақдири ҳақида ҳикоя қилади. Бу ҳужжатларда 1929—1933 йилларда ер-сув ислохотини ўтказиш, коллективлаштиришни амалга ошириш, қулоққа тортишни ўтказиш даврида қатағон қилинганлар, сиёсий қатағоннинг энг юқори чўққисига чиққан 1937—1938 йиллардаги катта террор даврида ва ниҳоят 1940—1952 йиллардаги қатағонликлардан жабрланган, отилиб кетган ўзбекистонликлар қисмати ўз ифодасини топган. Биз куйида ана шу қаттол, мустабид советлар тузуми қурбонларидан 104 нафари тўғрисида қисқача маълумотларни келтирмоқдамиз.

1929—1933 йиллар

1. **Ақромов Ширин**, 1867 йили Бухоро шаҳрида туғилган, маълумоти бошланғич. 1926 йил 16 сентябрда ОГПУнинг Урал округи бўлими қамоққа олган. 1927 йил 15 апрелда Урал губерния суди томонидан РСФСР Жиноят Кодексининг 58—4-моддаси бўйича 5 йил муддат билан концлагерга ҳукм қилган. Ғарбий Қозоғистон прокуратураси 1999 йил 23 ноябрда реабилитация қилган.

2. **Исмоилов Файзулла**, 1872 йили туғилган, маълумоти бошланғич. Қамоққа олинганга қадар Қорақалпоғистон АССРда яшаган. 1927 йил 10 июлда ОГПУнинг Қорақалпоқ вилоят бўлими махсус йиғилишида 1928 йили 31 мартда РСФСР Жиноят Кодексининг 58—10-моддаси бўйича 3 йилга сургун қилишга ҳукм этилган. Алмати шаҳар прокуратураси 1999 йил 26 августда реабилитация қилган.

3. **Абдуқодиров Тожимурод**, 1868 йили Қорақалпоқ вилояти Яноқалин тумани 1-овулда туғилган, маълумоти бошланғич. 1927 йил 10 июлда ОГПУнинг Қорақалпоғистон вилояти бўлими қамоққа олган. ОГПУ коллегияси ҳузуридаги махсус йиғилиши 1928 йил 31 мартда РСФСР Жиноят Кодексининг 58—10-моддаси бўйича 3 йилга сургун қилишга ҳукм қилган. 1999 йил 26 августда Алмати шаҳри прокуратураси реабилитация қилган.

4. **Абулқосимов Осимжон**, 1854 йилда туғилган, ўзбекистонлик, маълумоти бошланғич. Қамоққа олинганга қадар Жамбул вилояти Авлиёота шаҳрида яшаган. 1929 йил 4 декабрда ОГПУнинг Сирдарё округи бўлими томонидан қамоққа олинган. ОГПУ доимий вакиллиги

ҳузуридаги учлик 1930 йил 20 майда РСФСР Жиноят Кодексининг 58—10, 58—12-моддалари бўйича 3 йилга сургун қилишга ҳукм этган. Жамбул вилоят прокуратураси 1989 йил 17 майда реабилитация қилган.

5. **Матмуродов Жондуст**, 1907 йили Қорақалпоғистон вилояти Қипчоқ тумани 7-овулда туғилган, маълумоти бошланғич. Қамоққа олингунга қадар туғилган жойида яшаган. ОГПУнинг Қозоғистон ССРдаги доимий вакиллиги 1929 йил 21 декабрда қамоққа олган. ОГПУнинг доимий вакиллиги ҳузуридаги учлик РСФСР Жиноят Кодексининг 58—8-моддаси бўйича 1929 йил 21 декабрда олий жазо — отувга ҳукм қилган. Қозоғистон республикаси Бош прокуратураси 1997 йил 9 сентябрда реабилитация қилган.

6. **Муҳаммадисаев Муҳаммад Аюб Домулло**, 1865 йили Ўзбекистон ССР Марғулоқ қишлоғида туғилган, маълумоти бошланғич. Қамоққа олингунга қадар Жанубий Қозоғистон вилояти Келес тумани Тошқулоқ колхозида яшаган. 1929 йил 15 декабрда ОГПУнинг Сирдарё бўйича махсус бўлими қамоққа олган. 1930 йил 5 апрелда ОГПУнинг Қозоғистондаги доимий вакиллиги ҳузуридаги учлик РСФСР Жиноят Кодексининг 58—7, 58—8, 58—10-моддалари бўйича 5 йил концлагерда қамоқ жазосини уташга ҳукм қилган. Чимкент вилоят прокуратураси 1989 йил 7 майда реабилитация қилган.

7. **Мирусмонов Мирумар**, 1861 йили Тошкент шаҳрида туғилган, маълумоти бошланғич. Қамоққа олингунга қадар Авлиёота шаҳрида яшаган. ОГПУнинг Сирдарё округи бўлими 1929 йил 4 декабрда қамоққа олган. ОГПУнинг Қозоғистондаги доимий вакиллиги ҳузуридаги учлик 1930 йилда 20 майда РСФСР Жиноят Кодексининг 58—10, 58—12-моддалари бўйича 3 йил сургунга ҳукм қилган. Жамбул вилоят прокуратураси 1989 йил 17 майда реабилитация қилган.

8. **Салимбоев Пулат**, 1873 йили Тошкент шаҳрида туғилган, маълумоти бошланғич. Қамоққа олингунга қадар Авлиёота шаҳрида яшаган. 1929 йил 4 декабрда ОГПУнинг Сирдарё округи бўлими томонидан қамоққа олинган. 1930 йил 20 майда ОГПУнинг Қозоғистондаги доимий вакиллиги ҳузуридаги учлик РСФСР Жиноят Кодексининг 58—10, 58—12-моддалари бўйича 3 йилга сургунга ҳукм қилган. 1989 йил 17 майда Жамбул вилоят прокуратураси реабилитация қилган.

9. **Гадойбоев Мақсуд**, 1877 йили Тошкент шаҳрида туғилган, саводсиз. Қамоққа олингунга қадар Авлиёота шаҳрида яшаган. 1930 йил 8 мартда ОГПУнинг Авлиёота бўлими томонидан қамоққа олинган. 1930 йил 15 мартда ОГПУ учлиги йиғилишида РСФСР Жиноят Кодексининг 58—10-моддаси бўйича 3 йил муддат билан сургун қилишга ҳукм этилган. 1989 йил 25 октябрда Жамбул вилояти прокуратураси реабилитация қилган.

10. **Қўшмонов Худойберган** (хужжатда Кадыберган), 1878 йили Қорақалпоғистон АССР Қипчоқ тумани, 2-овулда туғилган. Қамоққа олингунга қадар туғилган жойида яшаган. 1930 йил 24 мартда ОГПУнинг Қорақалпоқ туман бўлими қамоққа олган. ОГПУнинг Қозоғистон ССРдаги доимий вакиллиги ҳузуридаги учлик 1930 йил 18 августда РСФСР Жиноят Кодексининг 58—10-моддаси бўйича 5 йил концлагерда қамоқ жазосини ўташга ҳукм қилган. Қозоғистон ССР прокуратураси 1989 йил 31 октябрда реабилитация қилган.

11. **Мавлонқулов Қобилжон**, 1868 йили Фарғона вилояти Эски Марғилонда туғилган, маълумоти бошланғич. Қамоққа олингунга қадар Олмаота шаҳрида яшаган. ОГПУнинг Қозоғистондаги доимий вакиллиги 1930 йил 30 апрелда қамоққа олган. ОГПУнинг Қозоғистондаги доимий вакиллиги учлиги 1930 йил 10 июлда РСФСР Жиноят Кодексининг 58—10-моддаси бўйича 5 йил муддат билан концлагерда қамоқ жазосини ўташга ҳукм қилган. Қозоғистон ССР прокуратураси 1989 йил 31 мартда реабилитация қилган.

12. **Матқурбонов Саид**, 1872 йили Қорақалпоқ вилояти Қипчоқ тумани 3-овулда туғилган, маълумоти бошланғич. ОГПУнинг Қорақалпоғистондаги доимий вакиллиги 1930 йил 8 апрелда қамоққа олган. ОГПУнинг Қорақалпоғистон АССРдаги доимий вакиллиги ҳузуридаги учлик 1930 йил 18 августда РСФСР Жиноят Кодексининг 58—10, 59—3-моддалари бўйича 3 йил қамоқ жазосига ҳукм қилган. 1999 йил 23 ноябрда Алматы вилояти прокуратураси реабилитация қилган.

13. **Муҳаммаджонов Мамажон**, 1910 йили Тошкент шаҳрида туғилган, маълумоти бошланғич. Қамоққа олингунга қадар туғилган жойида яшаган. ОГПУ доимий вакиллиги 1930 йил 10 августда қамоққа олган. ОГПУнинг Қозоғистондаги доимий вакиллиги ҳузуридаги учлик 1930 йил 21 ноябрда РСФСР Жиноят Кодексининг 58—7-моддаси бўйича 3 йил сургунга ҳукм

қилган. Қозоғистон республикаси Бош прокуратураси 1989 йил 19 сентябрда реабилитация қилган.

14. **Ўрозбоев Исчан**, 1888 йили Қорақалпоғистон АССР Қипчоқ тумани 2-овулда туғилган. Қамоққа олингунга қадар туғилган жойида яшаган. ОГПУнинг Қорақалпоғистон вилоят бўлими 1930 йил 24 мартда қамоққа олган. ОГПУнинг Қозоғистон АССРдаги доимий вакиллиги ҳузуридаги учлик 1930 йил 18 августда РСФСР Жиноят Кодексининг 58—10-моддаси бўйича 3 йил концлагерда қамоқ жазосини ўташга ҳукм қилган. Қозоғистон ССР прокуратураси 1989 йил 31 октябрда реабилитация қилган.

15. **Ўринбоев Мадраим**, 1886 йили Қорақалпоғистон АССР Қорақалпоқ тумани 1-овулда туғилган. Қамоққа олингунга қадар туғилган жойида яшаган. ОГПУнинг Қорақалпоғистон бўйича доимий вакиллиги учлиги 1930 йил 18 августда РСФСР Жиноят Кодексининг 58—10-моддаси бўйича 3 йил қамоқ жазосига ҳукм қилган. Қозоғистон ССР Бош прокуратураси 1989 йил 31 октябрда реабилитация қилган.

16. **Ўтаев Жуман**, 1885 йили туғилган. Қорақалпоғистон АССР Қўнғирот тумани, Қўнғирот қишлоғида туғилган, саводсиз. Қамоққа олингунга қадар туғилган жойида яшаган. ОГПУнинг вилоят бўлими 1930 йил 20 мартда қамоққа олган. ОГПУнинг доимий вакиллиги ҳузуридаги учлик 1930 йил 18 августда РСФСР Жиноят Кодексининг 58—10-моддаси бўйича 5 йил қамоқ жазосига ҳукм қилган. Қозоғистон ССР прокуратураси 1989 йил 31 октябрда реабилитация қилган.

17. **Ҳожиев Тошмуҳаммад**, 1868 йили Андижон шаҳрида туғилган, маълумоти бошланғич. Қамоққа олингунга қадар Актюбинск вилояти Челкар қишлоғида яшаган. 1930 йил 26 августда ОГПУнинг Актюбинск вилояти бўйича махсус бўлими қамоққа олган. ОГПУнинг Қозоғистондаги доимий вакиллиги ҳузуридаги учлик РСФСР Жиноят Кодексининг 58—7-моддаси бўйича 3 йил сургунга ҳукм қилган. Қозоғистон ССР прокуратураси 1989 йил 31 августда реабилитация қилган.

18. **Юсупов Қурбон**, 1861 йили Қорақалпоғистон вилояти Қўнғирот тумани 10-овулда туғилган, саводсиз. Қамоққа олингунга қадар туғилган жойида яшаган. ОГПУнинг Қорақалпоғистон вилоятидаги доимий вакиллиги 1930 йил 27 мартда қамоққа олган. 1930 йил

18 августда ОГПУнинг Қозоғистондаги доимий вакил-лиги ҳузуридаги учлик РСФСР Жиноят Кодексининг 58—10-моддаси бўйича 3 йил сургун қилишга ҳукм этган. Қозоғистон ССР прокуратураси 1989 йил 30 сентябрда реабилитация қилган.

19. **Мусаев Ерген (Эргаш, Эркин бўлиши мумкин — Р.Ш.)**, 1900 йили Тошкент туманида туғилган, саводсиз. Қамоққа олингунга қадар Жанубий Қозоғистон вилояти Сайрам тумани Қорабулоқ қишлоғида яшаган. ОГПУнинг Сирдарё вилоятидаги доимий вакиллиги махсус бўлими 1930 йил 19 мартда қамоққа олган. ОГПУнинг Қозоғистондаги доимий вакиллиги ҳузуридаги учлик 1930 йил 9 апрелда РСФСР Жиноят Кодексининг 58—2-моддаси бўйича олий жазо — отувга ҳукм қилган. Жанубий Қозоғистон вилоят суди 1958 йил 9 октябрда реабилитация қилган.

20. **Нурхужаев Йўлдош**, 1895 йили Ўзбекистон ССР Қўқон районида туғилган, маълумоти бошланғич. Қамоққа олингунга қадар Жанубий Қозоғистон вилояти Туркистон районида, Туркистон шаҳрида яшаган. ОГПУнинг Сирдарё вилояти бўйича махсус бўлими 1930 йил 21 мартда қамоққа олган. ОГПУнинг Қозоғистондаги доимий вакиллиги ҳузуридаги учлик РСФСР Жиноят Кодексининг 58—2-моддаси бўйича 5 йил қамоқ жазосини ўташга ҳукм қилган. Жанубий Қозоғистон вилоят суди 1958 йил 9 октябрда реабилитация қилган.

21. **Ҳожимуҳаммедов Деҳқонбой**, 1881 йили Ўзбекистоннинг Қўқон туманида туғилган. Қамоққа олингунга қадар Чимкентда яшаган. 1930 йил 19 мартда ОГПУнинг Сирдарёдаги доимий вакиллиги ҳузуридаги учлик 1930 йил 9 апрелда РСФСР Жиноят Кодексининг 58—2-моддаси бўйича олий жазо — отувга ҳукм қилган. Жанубий Қозоғистон вилоят суди 1958 йил 9 октябрда реабилитация қилган.

22. **Айтинбетов Сафар**, 1862 йили Қорақалпоқ автоном вилояти Кегейли тумани 9-овулда туғилган, саводсиз. Қамоққа олингунга қадар туғилган жойида яшаган. ОГПУ Қорақалпоқ вилоятидаги доимий вакиллиги 1930 йил 25 мартда қамоққа олган. ОГПУнинг Қорақалпоғистон АССРдаги доимий вакиллиги ҳузуридаги учлик 1930 йил 18 августда РСФСР Жиноят Кодексининг 58—10-моддаси бўйича 3 йил муддатга сургун қилишга ҳукм қилган. 1999 йил 13 июлда Алмати шаҳри прокуратураси реабилитация қилган.

23. **Алниёзов Мадёрказ**, 1859 йил Қорақалпоқ автоном вилояти Қўнғирот тумани 1-сон овулда туғилган, саводсиз. Қамоққа олингунга қадар туғилган жойида яшаган. 1930 йил 20 мартда ОГПУнинг Қорақалпоқ бўлими қамоққа олган. ОГПУнинг Қорақалпоғистон АССРдаги доимий вакиллиги ҳузуридаги учлик 1930 йил 18 августда РСФСР Жиноят Кодексининг 58—10-моддаси бўйича 3 йил сургунга ҳукм қилган. Қозоғистон ССР прокуратураси 1989 йил 31 мартда реабилитация қилган.

24. **Бобожонов Кўчқор Маҳсум**, 1861 йили Қорақалпоқ вилоятида туғилган, маълумоти бошланғич. 1930 йил апрелида ОГПУ махсус бўлими қамоққа олган. ОГПУнинг Қорақалпоғистон АССРдаги доимий вакиллиги ҳузуридаги учлик 1930 йил 18 августда РСФСР Жиноят Кодексининг 58—10-моддаси бўйича 3 йил муддат билан концлагерга ҳукм қилган. 1999 йил 30 ноябрда Олмаота вилояти прокуратураси реабилитация қилган.

25. **Боқинбоев Саксон**, 1880 йили Бухоро вилоятида туғилган, маълумоти бошланғич. Қамоққа олингунга қадар Қизил Ўрда вилояти Терен-Озиқ посёлкасида яшаган. 1930 йил 9 сентябрда ОГПУнинг Қизил Ўрдадаги доимий вакиллиги махсус бўлими қамоққа олган. ОГПУнинг Қозоғистондаги доимий вакиллиги ҳузуридаги учлик 1930 йил 30 октябрда РСФСР Жиноят Кодексининг 58—7-моддаси бўйича 3 йил муддатга концлагерга ҳукм қилган. 1999 йил 24 ноябрда Олмаота вилояти прокуратураси реабилитация қилган.

26. **Бекматов Гулман**, 1885 йили Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани Қўшқўрғон қишлоғида туғилган, маълумоти бошланғич. Қамоққа олингунга қадар туғилган жойида яшаган. 1930 йил 25 сентябрда ОГПУнинг Қозоғистондаги доимий вакиллиги ҳузуридаги учлик РСФСР Жиноят Кодексининг 58—8, 58—10-моддалари бўйича 5 йилга концлагерга ҳукм қилган. Қозоғистон ССР прокуратураси 1989 йил 7 августда реабилитация қилган.

27. **Бекжонов Ғойиб**, 1899 йили Қорақалпоқ вилояти Хўжайли тумани 3-овулда туғилган, маълумоти бошланғич. Қамоққа олингунга қадар Хўжайли шаҳрида яшаган. 1930 йил 20 мартда ОГПУнинг Қорақалпоқ вилояти бўлими қамоққа олган. ОГПУнинг Қозоғистондаги доимий вакиллиги ҳузуридаги учлик 1930 йил

2 сентябрда РСФСР Жиноят Кодексининг 58—10-моддаси бўйича 3 йил муддат билан концлагерга ҳукм қилган. Қозоғистон ССР прокуратураси 1989 йил 31 августда реабилитация қилган.

28. **Ғиёсбоев Пулат**, 1884 йили Фарғона вилояти Наманган шаҳрида туғилган, маълумоти бошланғич. Қамоққа олингунга қадар Олмаота шаҳрида яшаган. ОГПУнинг Қозоғистондаги доимий вакиллиги 1930 йил 30 апрелда қамоққа олган. 1930 йил 10 июлда ОГПУ доимий вакиллиги учлиги томонидан РСФСР Жиноят Кодексининг 58—10-моддаси бўйича 5 йил муддатга концлагерга ҳукм қилган. Қозоғистон ССР прокуратураси 1990 йил 9 августда реабилитация қилган.

29. **Ёдгоров Мустафо**, 1860 йили Қорақалпоқ округи Қунғирот тумани 2-овулда туғилган, маълумоти диний. Қамоққа олингунга қадар туғилган жойида яшаган, мулла-эшон. ОГПУнинг Қозоғистон ССРдаги доимий вакиллиги ҳузуридаги учлик 1930 йил 30 августда РСФСР Жиноят Кодексининг 58—10-моддаси бўйича 3 йиллик сургунга ҳукм қилган. Қозоғистон ССР прокуратураси 1989 йил 31 августда реабилитация қилган.

30. **Девонов Абдулла (Ҳакимбой)**, 1880 йили Қорақалпоқ автоном вилоятида туғилган, маълумоти бошланғич. Қамоққа олингунга қадар Қорақалпоқ АССР Хўжайли туманида яшаган. 1930 йил 18 августда ОГПУнинг Қозоғистон ССРдаги доимий вакиллиги ҳузуридаги учлик РСФСР Жиноят Кодексининг 58—10-моддаси бўйича 5 йил муддатга концлагерга ҳукм этган.

31. **Ғадойбоев Шоқир**, 1872 йили Тошкент шаҳрида туғилган, маълумоти бошланғич. Қамоққа олингунга қадар Авлиёота шаҳрида яшаган. 1930 йил 8 мартда ОГПУнинг Авлиёота бўлими қамоққа олган. ОГПУ учлиги йиғилишида 1930 йил 15 мартда РСФСР Жиноят Кодексининг 58—10-моддаси бўйича 3 йилга сургун қилишга ҳукм этган. 1989 йил 25 октябрда Жамбул вилоят прокуратураси реабилитация қилган.

32. **Айткин Болубой**, 1864 йили Тошкент шаҳрида туғилган, саводсиз. Қамоққа олингунга қадар Шарқий Қозоғистоннинг Абай тумани 10-овулида яшаган. 1931 йил 1 июлда ОГПУ доимий вакиллигининг Семипалатенск махсус йиғилиши қамоққа олган. ОГПУнинг Қозоғистондаги доимий вакиллиги ҳузуридаги учлик 1932 йил 19 февралда РСФСР Жиноят Кодексининг 58—2-

моддаси буйича 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этган. Қозоғистон Бош прокуратураси 1999 йил 1 сентябрда реабилитация қилган.

33. **Ёқубхўжаев Алоуддин**, 1860 йили Тошкент шаҳрида туғилган, маълумоти бошланғич. Қамоққа олингунга қадар туғилган жойида яшаган. 1932 йил 18 сентябрда ОГПУнинг Жанубий Қозоғистондаги доимий вакиллиги махсус бўлими қамоққа олган. ОГПУнинг Қозоғистондаги доимий вакиллиги ҳузуридаги учлик РСФСР Жиноят Кодексининг 58—2, 58—11-моддалари буйича 3 йилга сургун қилишга ҳукм этган. Қозоғистон ССР прокуратураси 1989 йил 7 июлда реабилитация қилган.

34. **Тоғаймуродов Зиёдмахсим**, 1867 йили Ўзбекистон республикаси Жиззах тумани Сафарота қишлоғида туғилган, маълумоти бошланғич. Қамоққа олингунга қадар Жанубий Қозоғистон вилояти Келес тумани 10-овулда яшаган. ОГПУнинг Пахтаорол тумани буйича вакили 1932 йил 11 ноябрда қамоққа олган. ОГПУнинг Сирдарё округидаги доимий вакиллиги 1933 йил 9 мартда РСФСР Жиноят Кодексининг 58—10-моддаси буйича 3 йил қамоқ жазосига ҳукм қилган. 1989 йил 20 июнда Чимкент вилоят прокуратураси реабилитация қилган.

35. **Рустамов Султон**, 1903 йили Ўзбекистон ССР Узоқ қишлоғида туғилган, маълумоти бошланғич. Қамоққа олингунга қадар Сирдарё вилояти Келес тумани Тошқулоқ қишлоғида яшаган. 1933 йил 4 январда ОГПУнинг Келес тумани буйича вакили қамоққа олган. ОГПУнинг Қозоғистондаги доимий вакиллиги ҳузуридаги учлик 5 йил қамоқ жазосига ҳукм қилган. Чимкент вилоят прокуратураси 1989 йил 27 июлда реабилитация қилган.

1937—1938 йиллар

36. **Абдураззоқов Абдували**, 1861 йили Наманган шаҳрида туғилган, маълумоти бошланғич. Ички ишлар халқ комиссарлиги Мирзоян туман бўлими томонидан 1937 йил 2 сентябрда қамоққа олинган. Ички ишлар халқ комиссарлиги Жанубий Қозоғистон вилояти Бошқармаси учлиги томонидан 1937 йил 28 ноябрда РСФСР Жиноят Кодексининг 58—11-моддаси буйича отувга ҳукм қилинган. Жамбул вилоят суди 1957 йил 31 январда реабилитация қилган.

37. **Обулманов Саримсоқ**, 1866 йилда туғилган, Наманган вилояти Янги Қўрғон тумани Наманган қишлоғида яшаган. 1937 йил 1 ноябрда Мирзоян туман ички ишлар бўлими томонидан қамоққа олинган. 1937 йил 28 ноябрда Ички ишлар халқ комиссарлиги Жанубий Қозоғистон вилояти Бошқармаси учлиги томонидан РСФСР Жиноят Кодексининг 58—11-моддаси бўйича отувга ҳукм қилинган. Жамбул вилояти суди 1957 йил 31 январда реабилитация қилган.

38. **Отабоев Саид**, 1889 йили Тошкент шаҳрида туғилган, маълумоти бошланғич. Ҳибсга олинганга қадар туғилган жойида истиқомат қилган. 1937 йил 23 сентябрда Мирзоян тумани ички ишлар бўлими қамоққа олган. Жанубий Қозоғистон вилояти Ички ишлар Бошқармаси ҳузуридаги учлик 1937 йил 28 ноябрда РСФСР Жиноят Кодексининг 58—11-моддаси бўйича олий ҳа-зога — отувга ҳукм этган. Жамбул вилоят суди 1957 йил 31 январда реабилитация қилган.

39. **Валихонов Тураҳон**, 1900 йили Тошкент шаҳрида туғилган, маълумоти бошланғич. Қамоққа олинганга қадар Андижон шаҳрида яшаган. 1937 йил 29 сентябрда Андижон туман ички ишлар бўлими томонидан қамоққа олинган. 1937 йил 28 ноябрда Жанубий Қозоғистон вилояти Ички ишлар Бошқармаси ҳузуридаги учлик РСФСР Жиноят Кодексининг 58—11-моддаси бўйича озодликдан маҳрум этиб, 10 йил концлагерга ҳукм қилган. 1957 йил 31 январда Жамбул вилоят суди реабилитация қилган.

40. **Расулхонов Туробхон**, 1900 йили Тошкент шаҳрида туғилган, маълумоти бошланғич. Қамоққа олинганга қадар Андижон шаҳрида яшаган. Андижон туман ички ишлар бўлими 1937 йил 29 сентябрда қамоққа олган. Жанубий Қозоғистон вилояти Ички ишлар Бошқармаси ҳузуридаги учлик 1937 йил 28 ноябрда РСФСР Жиноят Кодексининг 58—11-моддаси бўйича 10 йил концлагерга ҳукм қилган. Жамбул вилоят суди 1957 йил 31 январда реабилитация қилган.

41. **Раҳимжонов Муҳиддин**, 1893 йили Тошкент шаҳрида туғилган, маълумоти бошланғич. 1937 йил 22 октябрда Мирзоян ички ишлар бўлими қамоққа олган. Жанубий Қозоғистон вилояти Ички ишлар Бошқармаси ҳузуридаги учлик 1937 йил 28 ноябрда РСФСР Жиноят Кодексининг 58—11-моддаси бўйича олий

жазо — отувга ҳукм қилган. Жамбул вилоят суди 1957 йил 31 январда реабилитация қилган.

42. **Сиддиқов Борот**, 1896 йили Ўзбекистоннинг Ўратепа тумани Ўратепа шаҳрида туғилган, маълумоти бошланғич. 1937 йил 31 октябрда Мирзоян туман ички ишлар бўлими қамоққа олган. Жанубий Қозоғистон вилояти Ички ишлар Бошқармаси ҳузуридаги учлик 1937 йил 28 ноябрда РСФСР Жиноят Кодексининг 58—11-моддаси бўйича олий жазо — отувга ҳукм қилган. 1957 йил 31 январда Жамбул вилоят суди реабилитация қилган.

43. **Ҳужаҳонов Саидбурхон**, 1889 йили Тошкент шаҳрида туғилган, маълумоти бошланғич. 1937 йил 28 сентябрда Мирзоян ички ишлар бўлими қамоққа олган. Жанубий Қозоғистон вилояти Ички ишлар Бошқармаси ҳузуридаги учлик 1937 йил 28 ноябрда РСФСР Жиноят Кодексининг 58—11-моддаси бўйича олий жазо — отувга ҳукм қилган. 1957 йил 31 январда Жамбул вилоят суди реабилитация қилган.

44. **Журабоев Ҳакимбой (Алимбой)**, 1861 йили Ўзбекистоннинг Ҳазар қишлоғида туғилган, маълумоти бошланғич. Қамоққа олингунга қадар Оқтуба¹ вилояти Челкар посёлкасида яшаган, печкачи-сувоқчи бўлиб ишлаган. 1937 йил 1 ноябрда Челкар туман ички ишлар бўлими қамоққа олган. РСФСР Жиноят Кодексининг 58—10, 58—12-моддалари бўйича 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган. Оқтуба вилоят прокуратураси 1990 йил 19 апрелда реабилитация қилган.

45. **Курбонов Мурод**, 1883 йили Бухоро шаҳрида туғилган, маълумоти бошланғич. Қамоққа олингунга қадар Оқтуба вилояти Иргиз посёлкасида яшаган. 1937 йил 28 августда Ички ишлар халқ комиссарлиги Оқтуба вилояти Бошқармаси РСФСР Жиноят Кодексининг 58—10-моддаси бўйича қамоққа олинган, 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган. 1989 йил 28 июлда Оқтуба вилоят прокуратураси реабилитация қилган.

46. **Қодиров Абдулла Қодирович**, 1895 йили Тошкент шаҳрида туғилган, маълумоти бошланғич. Қамоққа олингунга қадар Олмаота шаҳрида яшаган, давлат банкининг Олмаота вилояти бўйича филиаллар бошқармаси бошлиғи бўлиб ишлаган. Олмаота шаҳар ички ишлар бўлими 1937 йил 14 июлда қамоққа олган. СССР Олий суди ҳарбий коллегияси 1937 йил 11 ноябрда РСФСР Жиноят

¹ Актюбинск шаҳри.

Кодексининг 58—7, 58—10, 58—11-моддалари бўйича олий жазо — отувга ҳукм қилган. СССР Олий суди ҳарбий коллегияси 1958 йил 6 июнда реабилитация қилган.

47. **Мирқосимов Ортик**, 1898 йили Тошкент шаҳрида туғилган, маълумоти диний. Қамоққа олингунга қадар Олмаота вилояти Чилик тумани, Чилик посёлкасида яшаган, мулла. 1937 йил 23 ноябрда Чилик тумани ички ишлар бўлими қамоққа олган. Олмаота Ички ишлар Бошқармаси учлиги РСФСР Жиноят Кодексининг 58—10, 58—11-моддалари бўйича 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилган. 1989 йил 19 майда Олмаота прокуратураси реабилитация қилган.

48. **Умархўжаев Низомиддин**, 1887 йили Фарғона вилояти Наманган шаҳрида туғилган, маълумоти олий диний. Қамоққа олингунга қадар Олмаота шаҳрида яшаган, мулла. 1937 йил 30 ноябрда Олмаота Ички ишлар Бошқармаси қамоққа олган. Ички ишлар Бошқармаси ҳузурдаги учлик РСФСР Жиноят Кодексининг 58—10-моддаси бўйича олий жазо — отувга ҳукм қилган. Қозоғистон ССР прокуратураси 1989 йил 27 мартда реабилитация қилган.

49. **Азизжонов Зоиржон**, 1868 йили Ўзбекистоннинг Кўктерак овулида туғилган, саводсиз. Қамоққа олингунга қадар Чимкент шаҳрида яшаган. 1937 йил 16 июлда Жанубий Қозоғистон Ички ишлар Бошқармаси қамоққа олган. Шу бошқарма ҳузурдаги учлик 1937 йил 28 августда РСФСР Жиноят Кодексининг 58—2, 58—7, 58—11-моддалари бўйича олий жазо — отувга ҳукм қилган. Жанубий Қозоғистон вилоят суди 1957 йил 16 майда реабилитация қилган.

50. **Алимов Раҳматулла Қосимович**, 1906 йили Тошкент вилояти Тошкент районида туғилган, маълумоти ўрта. Қамоққа олингунга қадар Тошкент шаҳри, Карл Маркс кўчаси, 17-уйда яшаган. 1937 йил 2 ноябрда Жанубий Қозоғистон вилоят Ички ишлар Бошқармаси қамоққа олган. Шу Бошқарма ҳузурдаги учлик 1937 йил 30 декабрда РСФСР Жиноят Кодексининг 58—9, 58—11-моддалари бўйича олий жазо — отувга ҳукм қилган. Вилоят суди президиуми 1957 йил 3 ноябрда реабилитация қилган.

51. **Комилов Ажихон** (Алихон бўлса керак — *Р.Ш*) 1902 йили Тошкент шаҳрида туғилган, маълумоти диний. Қамоққа олингунга қадар Жанубий Қозоғистон вилояти Маркен тумани, Луговое қишлоғида яшаган. Маркен ту-

ман ички ишлар бўлими 1937 йил 26 майда қамоққа олган. Жанубий Қозоғистон вилояти ички ишлар Бошқармаси учлиги РСФСР Жиноят Кодексининг 58—2, 58—7, 58—11-моддалари бўйича 1937 йили 26 августда олий жазо — отувга ҳукм қилган. Жанубий Қозоғистон вилоят суди 1957 йили 16 майда реабилитация қилган.

52. **Мунавваров Юсупқори**, 1852 йили Тошкент шаҳрида туғилган, маълумоти бошланғич. Қамоққа олингунга қадар Келес тумани Келес қишлоғида яшаган. Келес тумани ички ишлар бўлими 1937 йил 16 июлда қамоққа олган. Ички ишлар Бошқармаси учлиги 1937 йил 26 августда РСФСР Жиноят Кодексининг 58—2, 58—7, 58—11-моддалари бўйича олий жазо — отувга ҳукм қилган. Жанубий Қозоғистон вилоят суди 1957 йил 16 майда реабилитация қилган.

53. **Саримсоқов Азим**, 1868 йили Тошкент туманида туғилган, маълумоти олий диний. Қамоққа олингунга қадар Чимкент шаҳри, Узбекская кучаси, 6-уйда яшаган. 1937 йил 27 мартда Жанубий Қозоғистон вилояти Ички ишлар Бошқармаси қамоққа олган. Шу бошқарма учлиги 1937 йил 27 сентябрда РСФСР Жиноят Кодексининг 58—10-моддаси бўйича олий жазо — отувга ҳукм қилган. Жанубий Қозоғистон вилоят суди 1956 йил 11 июлда реабилитация қилган.

54. **Назаров Жура**, 1908 йили Тошкент туманида туғилган, маълумоти бошланғич. Қамоққа олингунга қадар Жанубий Қозоғистон вилояти Туркистон тумани, Туркистон станциясида яшаган. Туркистон туман ички ишлар бўлими 1938 йил 27 мартда қамоққа олган. Жанубий Қозоғистон вилоят Ички ишлар Бошқармаси учлиги 1938 йил 26 октябрда РСФСР Конституциясининг 58—6-моддаси бўйича олий жазо — отувга ҳукм қилган. Туркистон ҳарбий округи ҳарбий прокуратураси 1989 йил 26 июлда реабилитация қилган.

55. **Соатхўжаев Иномхўжа**, 1889 йили Ўзбекистон ССР Оржоникидзе тумани Хўжақўрғон қишлоғида туғилган, маълумоти бошланғич. Қамоққа олингунга қадар Жанубий Қозоғистон вилояти Қартас тумани Турбат қишлоғида туғилган. 1938 йил 12 январда Қартас Ички ишлар Бошқармаси учлиги РСФСР Жиноят Кодексининг 58—11-моддаси бўйича 1938 йил 8 февралда олий жазо — отувга ҳукм қилган. Чимкент вилоят прокуратураси 1989 йил 27 июлда реабилитация қилган.

56. **Соибов Тошмуҳаммад**, 1898 йили Ўзбекистоннинг Чирчиқ тумани Чакмак қишлоғида туғилган, маълумоти тулиқсиз ўрта. Қамоққа олингунга қадар Жанубий Қозоғистон вилояти Сайрам тумани Сайрам қишлоғида яшаган. 1938 йил 21 февралда Қозоғистон ССР Ички ишлар халқ комиссарлиги қамоққа олган. Жанубий Қозоғистон Ички ишлар Бошқармаси 1938 йил 30 сентябрда РСФСР Жиноят Кодексининг 58—2, 58—8, 58—9, 58—11-моддалари буйича олий жазо — отувга ҳукм қилган. Туркистон ҳарбий трибунали 1958 йил 13 февралда реабилитация қилган.

57. **Мирсоатов Нуриддин**, 1888 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Ҳибсга олингунга қадар Павлодор шаҳрида яшаган, гушт комбинатида сотувчи бўлиб ишлаган. 1938 йил 25 июлда Павлодор вилоят Ички ишлар Бошқармаси ва Давлат хавфсизлиги Бошқармаси 3-булими қамоққа олган. 1938 йил 29 сентябрида Павлодор вилояти Ички ишлар Бошқармаси учлиги РСФСР Жиноят Кодексининг 58—2, 58—11-моддалари буйича олий жазо — отувга ҳукм этган. 1989 йил 13 апрелда реабилитация қилинган.

1940—1952 йиллар

58. **Абдуллаев Иброҳим**, 1875 йили Самарқанд вилояти Оқдарё тумани Той-Айғир қишлоғида туғилган, саводсиз. Қамоққа олингунга қадар Жанубий Қозоғистон Сариоғач тумани Киров номли колхозда яшаган. 1940 йил 4 сентябрда Сариоғач тумани ички ишлар булими қамоққа олган. Қозоғистон республикаси Бош прокуратураси 1992 йил 21 августда реабилитация қилган.

59. **Искандаров Суфихон**, 1907 йили Самарқанд вилояти Оқдарё тумани Той-Айғир қишлоғида туғилган, маълумоти диний. Қамоққа олингунга қадар Той-Айғир номли совхозда яшаган. Сариоғач ички ишлар булими 1940 йил 3 июлда қамоққа олган. Қозоғистон ССР Олий суди 1941 йил 1 мартда РСФСР Жиноят Кодексининг 58—11-моддаси буйича 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилган. Қозоғистон республикаси Бош прокуратураси 1992 йил 21 августда реабилитация қилган.

60. **Қосимов Ҳожиакбар**, 1904 йили Тошкент шаҳрида туғилган, маълумоти бошланғич. Қамоққа олингунга қадар туғилган жойида яшаган, дуппи тайёрлаш билан шуғулланган. Қозоғистон ССР Давлат хавфсиз-

лик комитети 1941 йил 10 июлда қамоққа олган. Олмаота вилоят суди РСФСР Жиноят Кодексининг 58—10-моддаси бўйича 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилган. 1993 йил 18 декабрда Қозоғистон республикаси Бош прокуратураси реабилитация қилган.

61. **Ҳатамов Худойназар** Ўзбекистон ССР Жиликўл тумани Ертирқул қишлоғида туғилган, маълумоти бошланғич. Қамоққа олингунга қадар Оқмулла¹ вилоятидаги 31-сонли меҳнат посёлкасида яшаган. 1941 йил 5 мартда НКВДнинг Оқмулла туман бўлими томонидан қамоққа олинган. Оқмулла вилоят суди 1941 йил 25 июлда РСФСР Жиноят Кодексининг 58—10, 58—11-моддалари билан 10 йилга озодликдан маҳрум этиб, меҳнат тузатув лагерида ишлашга ҳукм қилган. 1989 йил 22 августда Қозоғистон ССР Олий суди реабилитация қилган.

62. **Абдурахмонов Машарип**, 1880 йил туғилган, Ўзбекистонлик, саводсиз. Ҳибсга олингунга қадар Жамбул вилояти Чуй тумани Чуй станциясида яшаган. 1942 йил 31 октябрда ички ишлар халқ комиссарлиги туман бўлими томонидан қамоққа олинган. 1943 йил 20 июлдан Жамбул вилоят суди РСФСР Жиноят Кодексининг 58—10-моддаси бўйича озодликдан маҳрум этиб, қамоқни 10 йил меҳнат-тузатув лагерида ўтказишга ҳукм этган. Жамбул вилоят суди 1944 йил 2 ноябрда реабилитация қилган.

63. **Маллаев Умар**, 1905 йили Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳрида туғилган, маълумоти бошланғич. 1942 йил 30 сентябрда Ички ишлар халқ комиссарлиги 11-хавфсизлик хизмати махсус бўлими қамоққа олган. 11-хавфсизлик хизмати Ҳарбий трибунали 1942 йил 3 ноябрда РСФСР Жиноят Кодексининг 58—1, 58—11-моддалари бўйича 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилган. 1999 йил 27 октябрда Қозоғистон республикаси Бош ҳарбий прокуратураси реабилитация қилган.

64. **Убайдов Барот**, 1915 йилда Ўзбекистонда туғилган, маълумоти бошланғич. Қамоққа олингунга қадар Уралск шаҳрида яшаган. Фарбий Қозоғистон вилояти Ички ишлар Бошқармаси 1942 йил 21 августда қамоққа олган. Фарбий Қозоғистон вилоят суди 1942 йил 24 сентябрда РСФСР Жиноят Кодексининг 58—14-моддаси бўйича меҳнат-тузатув лагерида 8 йил қамоқ жазо-

¹ Ҳозирги Астана шаҳри, вилояти.

сини уташга ҳукм этган. Қозоғистон ССР Олий суди 1990 йил 16 сентябрда реабилитация қилган.

65. **Йулдошев Абдулла**, 1921 йили Наманган вилояти, Чуст тумани, Ворзик қишлоғида туғилган. 1942 йил 14 ноябрда 96-уқчи дивизия Ҳарбий трибунали РСФСР Жиноят Кодексининг 58—16-моддаси билан отувга ҳукм қилган. 1964 йил 23 октябрда Қозоғистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Давлат хавфсизлик комитетининг Урал вилояти буйича бўлими томонидан реабилитация қилинган.

66. **Ҳолиқов Зайнал Латипович**, 1917 йили Самарқанд вилоят Самарқанд тумани, Самарқанд станция ҳудудида туғилган. 1942 йил 28 сентябрда Ички ишлар халқ комиссарлиги 11-сон хавфсизлик хизмати махсус бўлими қамоққа олган. 11-сон хавфсизлик хизмати Ҳарбий трибунали 1942 йил 3 ноябрда РСФСР Жиноят Кодексининг 58—1. 58—11-молдалари буйича олий жазо — отувга ҳукм қилган. Қозоғистон республикаси Бош ҳарбий прокуратураси 1999 йил 27 октябрда реабилитация қилган.

67. **Мирзабеков Иномбой**, 1913 йили Наманган вилояти, Янги Қўрғон тумани, Кушон қишлоғида туғилган, маълумоти бошланғич. Қамоққа олинганга қадар Оқмулла вилояти Шортандиқ тумани «Сталинская конституция» колхозида яшаган. 1942 йил 10 февралда Ички ишлар халқ комиссарлигини Қарағанда темир йўли Транспорт бўлими томонидан қамоққа олинган. Оқмулла вилоят суди 1942 йил 22 июнда РСФСР Жиноят Кодексининг 58—10-моддаси буйича 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган. 1990 йил 27 июлда Қозоғистон ССР Олий суди реабилитация қилган.

68. **Ўрасметов Яубасар**, 1914 йили Хоразм вилояти Урганч тумани Сталин номли овулда туғилган, маълумоти бошланғич. 1942 йил 9 октябрда НКВД махсус бўлими қамоққа олган. 1942 йил 24 октябрда 60-армия Ҳарбий трибунали РСФСР Жиноят Кодексининг 58—16-моддаси буйича 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилган. Қозоғистон республикаси Бош ҳарбий прокуратураси 1999 йил 23 сентябрда реабилитация қилган.

69. **Жуманиёзов Пир**, 1913 йили Хива шаҳрида туғилган, маълумоти бошланғич. 1942 йил 2 октябрда Ички ишлар халқ комиссарлиги махсус бўлими қамоққа олган. 1942 йил 4 ноябрда 61-армия Ҳарбий трибунали РСФСР Жиноят Кодексининг 58—16-моддаси буйича

олий жазо — отувга ҳукм қилган. Қозоғистон республикаси Бош ҳарбий прокуратураси 1999 йил 27 октябрда реабилитация қилган.

70. **Эргашев Очил**, 1914 йили туғилган, Бухоро вилоятидан. Ички ишлар халқ комиссарлиги Махсус бўлими 1942 йил 20 ноябрда қамоққа олган. 1943 йил 11 январда ҳарбий трибунал РСФСР Жиноят Кодексининг 58—1-моддаси бўйича 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилган. 1999 йил 16 ноябрда Қозоғистон республикаси Бош ҳарбий прокуратураси реабилитация қилган.

71. **Ҳамидов Мустафо**, Самарқанд вилояти Сарибош қишлоғидан, олий маълумотли. Ички ишлар халқ комиссарлигининг Оқтуба бўйича Бошқармаси оператив бўлими 1943 йил 13 февралда қамоққа олган. РСФСР Жиноят Кодексининг 58—10-моддаси бўйича 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган. Оқтуба вилоят суди 1962 йил 9 майда реабилитация қилган.

72. **Бобомирзаев Абдуқаҳҳор**, 1918 йили Наманган вилоятида туғилган, маълумоти урта. СССР Ички ишлар халқ комиссарлиги махсус кенгаши 1943 йил 11 декабрда РСФСР Жиноят Кодексининг 58—16-моддаси бўйича 8 ой қамоққа ҳукм этган. 1963 йил 22 июнда Волгабуйи ҳарбий округи Ҳарбий трибунали реабилитация қилган.

73. **Назаров Абдухолик**, 1919 йили Андижон вилояти Балиқчи тумани Сиза қишлоғида туғилган. 1942 йил 14 ноябр Ички ишлар халқ комиссарлиги махсус бўлими қамоққа олган. Сталинград fronti 28-армия Ҳарбий трибунали 1942 йил 25 ноябрда РСФСР Жиноят Кодексининг 58—16, 58—10-моддалари бўйича олий жазо — отувга ҳукм қилган. 1997 йил 21 февралда Қозоғистон республикаси Бош прокуратураси реабилитация қилган.

74. **Пирматов Ислон**, 1919 йили Самарқанд вилояти Пойарик тумани Андреев қишлоғида туғилган, маълумоти бошланғич. НКВД махсус бўлими 1942 йил 2 ноябрда қамоққа олган. Ҳарбий трибунал РСФСР Жиноят Кодексининг 58—16, 58—10-моддалари бўйича 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилган. Қозоғистон республикаси Бош ҳарбий прокуратураси 1999 йил 12 ноябрда реабилитация қилган.

75. **Юнусов Иброҳим**, 1906 йили Самарқанд шаҳрида туғилган, маълумоти бошланғич. 1943 йил 7 майда Мудофаа халқ комиссарлиги 211-уқчи дивизияси

«СМЕРШ»¹ қамоққа олган. 1943 йил 8 июнда 211-уқчи дивизияси Ҳарбий трибунали РСФСР Жиноят кодексининг 58—1-моддаси бўйича 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилган. 1982 йил 8 июлда Москва ҳарбий округи Ҳарбий трибунали реабилитация қилган.

76. **Рашидов Журабой**, 1915 йили Тошкентда туғилган, маълумоти бошланғич. 1943 йил 23 декабрда Ички ишлар халқ комиссарлиги 6-армияси махсус бўлими қамоққа олган. 6-армия Ҳарбий трибунали 1943 йил 8 февралда РСФСР Жиноят Кодексининг 58—16-моддаси бўйича озодликдан маҳрум этиб, 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган. 1999 йил 26 февралда Бош ҳарбий прокуратураси томонидан реабилитация қилинган.

77. **Раҳмонов Солиқжон**, 1924 йили Андижон шаҳри Ҳартум қишлоғида туғилган, маълумоти туликсиз ўрта. 1943 йил 13 майда 70-армия «СМЕРШ» контрразведка бўлими томонидан қамоққа олинган. 70-армия Ҳарбий трибунали 1943 йил 19 июнда РСФСР Жиноят Кодексининг 58—16, 58—10, 58—11-моддалари бўйича 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этган. Қозоғистон республикаси Бош ҳарбий прокуратураси 1999 йил 2 сентябрда реабилитация қилган.

78. **Аҳмедов Исроил**. 1911 йили Тошкент вилояти Тошкент туманида туғилган, саводсиз. Қамоққа олинганга қадар Жанубий Қозоғистон Сариоғач тумани Сариоғач қишлоғида яшаган. 1942 йил 20 июлда Сариоғач тумани ички ишлар бўлими қамоққа олган. Чимкент гарнизони Ҳарбий трибунали 1943 йил 22 февралда РСФСР Жиноят Кодексининг 58—10-моддаси бўйича 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилган. 1998 йил 14 январда Қозоғистон республикаси Бош ҳарбий прокуратураси реабилитация қилган.

79. **Розиқов Султон**, 1917 йили Самарқанд вилояти Ленино қишлоғида туғилган, саводсиз. 1943 йил 10 февралда Орлов вилояти Ички ишлар Бошқармаси қамоққа олган. Ички ишлар халқ комиссарлиги кўшинлари Ҳарбий трибунали РСФСР Жиноят Кодексининг 58—16-моддаси бўйича 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилган. Қозоғистон республикаси Бош ҳарбий прокуратураси 1999 йил 14 октябрда реабилитация қилган.

¹ СМЕРШ — совет ҳарбий органи контрразведканинг «Жосусларга улим» деган расмий номи.

80. **Хушвақтов Амин**, 1907 йили Қашқадарё вилояти Дехқонобод тумани Айридивон қишлоғида туғилган, маълумоти бошланғич. 1943 йил 18 июнда Ички ишлар халқ комиссарлиги махсус бўлими (6АД) қамоққа олган. 6 АД Ҳарбий трибунали 1943 йил 4 июлда РСФСР Жиноят Кодексининг 58—1-моддаси бўйича 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилган. 1999 йил 27 октябрда Қозоғистон республикаси Бош ҳарбий прокуратураси реабилитация қилган.

81. **Исмоилов Ураимжон**, 1918 йили Андижон вилояти Ленин тумани Андижон қишлоғида туғилган, саводсиз. Ички ишлар халқ комиссарлигининг Орлов вилояти Бошқармаси 1943 йил 10 февралда қамоққа олган. 1943 йил 5 мартда Ички ишлар халқ комиссарлиги қўшинлари Ҳарбий трибунали РСФСР Жиноят Кодексининг 58—16-моддаси бўйича 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этган. 1999 йил 14 октябрда Қозоғистон республикаси Бош ҳарбий прокуратураси реабилитация қилган.

82. **Исмаев Суннат**, 1917 йили Самарқанд вилояти Сўрайқўрғон қишлоғида туғилган, маълумоти тулиқсиз ўрта. Қамоққа олинганга қадар Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳрида яшаган. 1944 йил 11 ноябрда 353-дивизия «СМЕРШ» контрразведка бўлими қамоққа олган. 1944 йил 22 декабрда 37-армия Ҳарбий трибунали РСФСР Жиноят Кодексининг 58—16-моддаси бўйича 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилган. Москва ҳарбий округи Ҳарбий трибунали 1978 йил 13 апрелда реабилитация қилган.

83. **Қодиров Зарип**, 1917 йили Самарқанд вилояти Пойариқ тумани Димитров қишлоғида туғилган, маълумоти бошланғич. Қамоққа олинганга қадар туғилган жойида яшаган. 1944 йил 11 ноябрда 353-дивизия «СМЕРШ» контрразведка бўлими қамоққа олган. 37-армия Ҳарбий трибунали 1944 йил 12 декабрда РСФСР Жиноят Кодексининг 58—16-моддаси бўйича 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилган. Москва ҳарбий округи Ҳарбий трибунали 1978 йил 13 апрелда реабилитация қилган.

84. **Мадиев Хайбели**, 1917 йили Бухоро вилояти Шофиркон тумани, Шофиркон қишлоғида туғилган, маълумоти бошланғич. 1944 йил 11 ноябрда 353-дивизия «СМЕРШ» контрразведка бўлими қамоққа олган. 37-армия Ҳарбий трибунали 1944 йил 22 декабрда 10

йил концлагерда қамоқ жазосини уташга ҳукм қилган. Москва Ҳарбий округи ҳарбий трибунали 1978 йил 13 апрелда реабилитация қилган.

85. **Мамасолиев Омон**, 1919 йилда Самарқанд вилояти Ғаллаорол тумани Қўшқабалак қишлоғида туғилган, маълумоти бошланғич. Қамоққа олингунга қадар туғилган жойида яшаган. 1944 йил 14 ноябрда 353-дивизия «СМЕРШ» контрразведка бўлими қамоққа олган. 37-армия Ҳарбий трибунали 1944 йил 22 декабрда РСФСР Жиноят Кодексининг 58—16-моддаси бўйича 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилган. Москва ҳарбий округи Ҳарбий трибунали 1978 йил 13 апрелда реабилитация қилган.

86. **Насриддинов Муҳиддин**, 1918 йили Наманган вилояти, Наманган тумани, Наманган қишлоғида туғилган. Қамоққа олингунга қадар Тошкент вилояти Мирзачўл қишлоғида яшаган. 1944 йил 14 ноябрда 353-дивизия «СМЕРШ» контрразведка бўлими қамоққа олган. 37-армия Ҳарбий трибунали 1944 йил 22 декабрда РСФСР Жиноят Кодексининг 58—16-моддаси бўйича 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилган. Москва ҳарбий округи Ҳарбий трибунали 1978 йил 13 апрелда реабилитация қилган.

87. **Раджабоев Фармон**, 1919 йили Бухоро вилояти Шофиркон қишлоғида туғилган, маълумоти бошланғич. Қамоққа олингунга қадар туғилган жойида яшаган. 353-дивизия «СМЕРШ» контрразведка бўлими 1944 йил 14 ноябрда қамоққа олган. 37-армия Ҳарбий трибунали РСФСР Жиноят Кодексининг 58—16-моддаси бўйича 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этган. Москва ҳарбий округи Ҳарбий трибунали 1978 йил 13 апрелда реабилитация қилган.

88. **Раҳмонов Маткарим**, 1908 йили Наманган вилояти Поп тумани Қизил нишон қишлоғида туғилган, маълумоти тулиқсиз урта. Қамоққа олингунга қадар Наманган вилояти Куғай қишлоғида яшаган. 1944 йил 11 ноябрда 353-дивизия «СМЕРШ» контрразведка бўлими қамоққа олган. 37-армия Ҳарбий трибунали 1944 йил 22 декабрда РСФСР Жиноят Кодексининг 58—16-моддаси бўйича 10 йил қамоқ жазосини концлагерда ўтказишга ҳукм қилган. 1978 йил 13 апрелда Москва ҳарбий округи Ҳарбий трибунали реабилитация қилган.

89. **Ҳошимов Иброҳим**, 1916 йили Андижон вилояти Ворошилов тумани Қўрғонтепа қишлоғида туғилган. 1944

йил 14 августда «СМЕРШ» 35 ГСД томонидан қамоққа олинган. 1944 йил 9 сентябрда 35 ГСД Ҳарбий трибунали РСФСР Жиноят Кодексининг 58—1-моддаси бўйича 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилган. 1999 йил 1 ноябрда Бош ҳарбий прокуратура реабилитация қилган.

90. **Эгамбердиев Умар Умарович**, 1889 йили Фарғона вилояти Олтиариқ тумани Водил қишлоғида туғилган, саводсиз. 1944 йил 30 июнда Давлат хавфсизлик комитети Оқтуба Бошқармаси қамоққа олган. РСФСР Жиноят Кодексининг 58—16-моддаси бўйича 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган. Оқтуба вилоят прокуратураси 1990 йил 13 июлда реабилитация қилган.

91. **Қулумбетов Рузум**, 1908 йили туғилган. Қорақалпоқ тумани Холчиноқ қишлоғидан, маълумоти ўрта. 1944 йил 1 февралда Давлат хавфсизлик комитети Оқтуба вилоят Бошқармаси қамоққа олган. РСФСР Жиноят Кодексининг 58—10-моддаси бўйича 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган. Қозоғистон ССР Олий суди 1989 йил 4 октябрда реабилитация қилган.

92. **Худойназаров Разум (Расул)**, 1919 йили Хоразм вилоятида туғилган. 1945 йил 20 декабрда Ички ишлар халқ комиссарлигининг Оқтуба вилояти бўйича Бошқармаси қамоққа олган. Жанубий Урал ҳарбий округи Ҳарбий трибунали РСФСР Жиноят Кодексининг 58—16-моддаси бўйича 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этган. Қозоғистон республикаси Бош прокуратураси 1998 йил 27 сентябрда реабилитация қилган.

93. **Исақулов Содиқ**, 1912 йили туғилган, узбекистонлик, маълумоти бошланғич. Қамоққа олингунга қадар Сурангент қишлоғида яшаган. 1945 йил 25 июлда «СМЕРШ» контрразведкаси бўлими 48-текширув филтрацион лагери қамоққа олган. Сталинград ҳарбий гарнизони 1945 йил 26 сентябрда РСФСР Жиноят Кодексининг 58—16-моддаси бўйича 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилган. 1999 йил 23 ноябрда Қозоғистон республикаси Бош ҳарбий прокуратураси реабилитация қилган.

94. **Тожибоев Тўхтаохун**, 1919 йили Самарқанд шаҳрида туғилган, маълумоти ўрта. 1945 йил 13 июнда Зайсан тумани ички ишлар бўлими қамоққа олган. СССР Ички ишлар халқ комиссарлиги ҳузуридаги махсус кенгаш 1946 йил 15 февралда РСФСР Жиноят Кодексининг 58—6-моддаси бўйича 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этган. Шарқий Қозоғистон вилоят прокуратураси 1989 йил 5 июнда реабилитация қилган.

95. **Умарбеков Эргаш**, 1924 йили Наманган вилояти Поп тумани Уйғур қишлоғида туғилган, маълумоти бошланғич. 1945 йил 7 февралда 350-уқчи дивизияси «СМЕРШ» контрразведка бўлими қамоққа олган. 13-армия Ҳарбий трибунали 1945 йил 13 мартда РСФСР Жиноят Кодексининг 58—16-моддаси бўйича 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этган. 1999 йил 2 августда Қозоғистон республикаси Бош ҳарбий прокуратураси реабилитация қилган.

96. **Умаров Абдулхамид**. 1909 йили Андижон шаҳрида туғилган. 1945 йил 7 февралда 350- уқчи дивизияси «СМЕРШ» контрразведка бўлими қамоққа олган. 13-армия Ҳарбий трибунали 1945 йил 13 мартда РСФСР Жиноят Кодексининг 58—16-моддаси бўйича 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилган. 1999 йил 2 августда Қозоғистон республикаси Бош ҳарбий прокуратураси реабилитация қилган.

97. **Сапаров Эргаш**, 1917 йили Тошкент вилояти Қуйи Чирчиқ тумани Гулшан қишлоғида туғилган, маълумоти ўрта. Қамоққа олингунга қадар Актюбинск шаҳрида яшаган. 1946 йил 13 июнда Давлат хавфсизлик комитети Актюбинск вилояти Бошқармаси қамоққа олган. Туркистон ҳарбий округининг Олмаота гарнизони бўйича Ҳарбий трибунали РСФСР Жиноят Кодексининг 58—16-моддаси бўйича 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилган. Қозоғистон республикаси Бош ҳарбий прокуратураси 1999 йил 19 мартда реабилитация қилган.

98. **Абдуллаев Ваҳоб**, 1921 йили Фарғона вилояти Наманган шаҳрида туғилган, маълумоти тугалланмаган олий. Қамоққа олингунга қадар туғилган жойида яшаган. 1946 йил 11 январда Давлат хавфсизлик комитетининг Наманган вилояти бўйича Бошқармаси қамоққа олган. Туркистон ҳарбий округи Ҳарбий трибунали 1947 йил 18 апрелда РСФСР Жиноят Кодексининг 58—16, 58—10, 58—11-моддалари бўйича 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилган. Қозоғистон республикаси Бош прокуратураси 1995 йил 2 февралда реабилитация қилган.

99. **Абдумаликов Ҳасан**, 1917 йили Тошкент шаҳрида туғилган, маълумоти тугалланмаган олий. Қамоққа олингунга қадар туғилган жойида яшаган, талаба. Давлат хавфсизлик комитети Оқтуба вилоят Бошқармаси 1946 йил 17 январда қамоққа олган. Туркистон ҳарбий округи Ҳарбий трибунали 1946 йил 6 сентябрда РСФСР Жиноят Кодексининг 58—16-моддаси бўйича 10 йил

қамоқ жазосига ҳукм қилган. Қозоғистон республикаси Бош ҳарбий прокуратураси 1998 йил 24 декабрда реабилитация қилган.

100. **Абдурахимов Журабой**, 1920 йили Самарқанд вилояти Жиззах туманида туғилган, маълумоти ўрта. Қамоққа олингунга қадар туғилган жойида яшаган. 1946 йил 2 апрелда Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлик комитети қамоққа олган. Туркистон ҳарбий округи Ҳарбий трибунали 1947 йил 18 апрелда РСФСР Жиноят Кодексининг 58—16, 58—10, 58—11-моддалари бўйича 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этган. Қозоғистон республикаси Бош прокуратураси 1995 йил 2 февралда реабилитация қилган.

101. **Абдуллаев Отабой**, 1920 йили Хоразм вилояти Хива шаҳрида туғилган, маълумоти тугалланмаган олий. Қамоққа олингунга қадар Урганч шаҳрида яшаган. 1947 йил 18 апрелда Туркистон ҳарбий округи Ҳарбий трибунали РСФСР Жиноят Кодексининг 58—16-моддаси бўйича 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этган. Қозоғистон республикаси Бош прокуратураси 1995 йил 2 февралда реабилитация қилган.

102. **Рузиметов Собир**, 1898 йили Хоразм вилояти Хива шаҳрида туғилган. Қамоққа олингунга қадар Қизил Ўрда вилояти Казалин тумани Ново-Казалин посёлкасида яшаган. 1950 йил 10 июнда Давлат хавфсизлик комитети Қизил Ўрда Бошқармаси қамоққа олган. Қизил Ўрда вилоят суди 1950 йил 18 сентябрда РСФСР Жиноят Кодексининг 58—14-моддаси бўйича 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган. 1996 йил 26 февралда Қозоғистон республикаси Бош прокуратураси реабилитация қилган.

103. **Маматқулов Эргаш**, 1915 йили Самарқанд вилояти Жиззах тумани «Фрунзе» колхози ҳудудида туғилган, маълумоти бошланғич. Қамоққа олингунга қадар Жанубий Қозоғистон вилояти Пахтаорол туманида яшаган. 1951 йил 14 сентябрда Давлат хавфсизлик комитети Пахтаорол бўлими қамоққа олган. Жанубий Қозоғистон судлар коллегияси 1951 йил 21 ноябрда РСФСР Жиноят Кодексининг 58—10-моддаси бўйича 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилган. 1955 йил 26 январда Жанубий Қозоғистон вилоят суди реабилитация қилган.

104. **Тўраев Ҳамроқул**, 1916 йили Бухоро вилояти Вобкент тумани Ёвонидер қишлоғида туғилган, маълумоти бошланғич, қамоққа олингунга қадар Оқмул-

ла вилояти Есил тумани Кима қишлоғида яшаган, туман саноат комбинатида этикдўз бўлиб ишлаган. 1952 йил 30 майда Давлат хавфсизлик комитети Оқмулла вилояти Бошқармаси қамоққа олган. СССР Давлат хавфсизлик комитети 1952 йил 19 июлда РСФСР Жиноят Кодексининг 58—8-моддаси бўйича 8 йилга сургун қилишга ҳукм қилган. 1998 йил 18 июлда Қозоғистон республикаси Бош прокуратураси реабилитация қилган.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 22 июндаги «**Ватан ва халқ озодлиги йулида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида**»ги қарорида мустамлакачилик даврида қатағон қилинган фидойи юртдошларимизни номма-ном аниқлаш, шаҳид бўлган ватандошларимиз номини абадий сақлаш ва келгуси авлодларга етказиш мақсадида кўп жыллик «**Қатағон қурбонлари**» хотира китобини яратиш вазифа қилиб кўйилган эди.

2004 йил 31 августда юртбошимиз Ислон Каримов сиёсий қатағон қурбонларини хотирлаш кунини қатағон қурбонлари бўлган боболаримизга эҳтиром сифатида «**Шаҳидлар хотираси**» ёдгорлик мажмуида уларнинг жасоратини ифодалаш мақсадида ёдгорлик ўрнатсак, унинг пойига истибдод қурбонига айланган ватандошларимизнинг, жумладан, Сибирь ва бошқа ҳудудларга сургун қилинганларнинг исми-шарифини ёзсак, уйлайманки, ўтганларнинг руҳини янада шод этган бўламиз, деган эдилар. Президентимизнинг бу таклифи халқимизнинг айни дилидаги муддаоси бўлди.

Андижондаги «Мерос» халқаро илмий-амалий экспедиция хайрия жамғармаси сўнги 3—4 йил ичида Украинада, Шимолий Кавказда, Москвада, Ўзбекистоннинг ўзида қатағон қилинганларни излаб топиб, уларни номма-ном аниқлаш ва улар ҳақидаги маълумотларни халқимизга етказишга муваффақ бўлди. Мана энди Қозоғистонда қатағон қилинган юртдошларнинг ҳам маълум қисми аниқланди. Улар ҳам яратилаётган «**Қатағон қурбонлари**» хотира китобидан, «**Шаҳидлар хотираси**» ёдгорлик мажмуидан урин оладилар, деган умиддамыз.

МУНДАРИЖА

<i>Муқаддима ўрнида</i>	3
-------------------------------	---

Жадидчилик

Тарихни англаш (<i>Р.Шамсутдинов, У.Убайдуллаев</i>)	6
Жадидчилик: ҳақиқат ва уйдирма (<i>Р.Шамсутдинов</i>)	13
Андижон тараққийпарварлари (<i>Р.Шамсутдинов</i>)	37
«Ёш узбеклар», «Ғайрат» ва «Гап» жамиятлари	38
Маърифат учун кураш	45
Маърифатпарварликдан сиёсий курашга	53
1916 йил кўзғолони ва тараққийпарварлар	56

Туркистондаги миллий-озодлик ҳаракати

Эркака чорлаган эркисизлик (<i>Р.Шамсутдинов</i>)	62
«Босмачилик ҳаракати» қандай бўлган? (<i>Р.Шамсутдинов</i>)	79
«Босмачилар» ким бўлган? (<i>Р.Шамсутдинов</i>)	90
Ҳаракатнинг ҳарбий раҳбарлари	96
Парпибек ва Охунжон қурбошилар (<i>Р.Шамсутдинов, А.Қодиров</i>)	96
Фарғона қурбошилари (<i>Р.Шамсутдинов</i>)	103
Исрмухаммадбек ким ва қандай инсон бўлган? (<i>Р.Шамсутдинов, А.Қодиров</i>)	111

Кулоқлаштириш кампанияси

Шимолий Кавказга сургун қилинган юртдошлар (<i>Р.Шамсутдинов, А.Мамажонов</i>)	126
Шимолий Қозоғистонга сургун қилинган юртдошлар (<i>Р.Шамсутдинов, М.Ақбарова</i>)	131
Қатағон қилинган мулкдорлар фожеаси (<i>Р.Шамсутдинов, Б.Расулов, Ф.Холназарова</i>)	146
Кулоқларнинг такроран қатағон қилиниши (<i>Р.Шамсутдинов, Б.Расулов</i>)	160
Муҳожирликдаги юртдошлар қисмати (<i>Р.Шамсутдинов, Ф.Холназарова, М.Ғаниева</i>)	166

Сиёсий қатағон қурбонлари

Улар хотираси абадийдир (<i>Р.Шамсутдинов</i>)	175
Чустлик арбоб фожеаси	175
Избосканлик қурбонлар ва уларнинг бошқа жойлардаги тақдирдошлари	179
Маҳбус юртдошлар қисмати	186
Қатағон даври даҳшатлари (<i>Р.Шамсутдинов</i>)	191
Қатағон қиличи	191
Бир шахснинг қисмати	195
Бадарға қилинган юртдошлар (<i>Р.Шамсутдинов, А.Мамажонов</i>)	209
Бутовода дафн этилган юртдошлар (<i>Р.Шамсутдинов, Б.Расулов, Ф.Холназарова</i>)	227
Қозоғистон сурғунидаги узбекистонликларнинг қатағон қилиниши (<i>Р. Шамсутдинов, М. Акбарова</i>)	278

**ТАРИХНИНГ
ҲАСРАТЛИ
САҲИФАЛАРИ**

«Шарк» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент — 2006

Мухаррирлар *И. Шоймардонов, Д. Исмоилова*
Бадий муҳаррир *М. Самойлов*
Техник муҳаррир *Д. Габдрахмонова*
Мусахҳих *А. Зокиров*

Босишга рухсат этилди 02.03.2006. Бичими 84x108^{1/32}. «Таймс»
гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма табоғи 15,96. Нашриёт-
ҳисоб табоғи 15,2. Адади 1000 нусха. Буюртма № 2315. Баҳоси кели-
шилган нарҳда.

«Шарк» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмаҳонаси
700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон, 41.